

# МОЛИЯ

*ИЛМИЙ ЖУРНАЛ*

5/2023

*Муассис: Тошкент молия институти*

---

**Таҳририят ижодий жамоаси:**

Бош муҳаррир: *А.Каримов*  
Бош муҳаррир ўринбосари: *А.Исламқулов*  
Муҳаррир: *М.Хусанова*  
Техник муҳаррир: *Н.Абдуллаев*

Журнал Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2008 йил 24 мартда 0519-рақам билан рўйхатга олинган.

2008 йилдан нашр қилинади, бир йилда 6 марта чиқади.

Ўзбекистон ҳудудида тарқатилади.

«Молия» илмий журнали Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси Раёсатининг 2013 йил 13 декабрдаги 201/3-сонли қарорига биноан иқтисод фанлари бўйича фан доктори илмий даражасига талабгорларнинг диссертация ишлари юзасидан илмий мақолалари эълон қилиниши зарур бўлган илмий журналлари рўйхатига киритилган.

**Веб-сайт:** *www.tfi.uz/Issues/Jmoliya*  
**e-mail:** *moliya@tfi.uz*  
*Обуна индекси – 1204*

Таҳририят манзили: 100084,  
Тошкент ш., А.Темур кўчаси, 60<sup>а</sup>-уй  
Тел.: (+998 71) 234-66-89

### **ТАҲРИР КЕНГАШИ РАИСИ:**

**Т.З.ТЕШАБАЕВ** – Тошкент молия институти ректори,  
иқтисод фанлари доктори, профессор.

### **ТАҲРИР КЕНГАШИ АЪЗОЛАРИ:**

**А.А. КАРИМОВ** – Бош муҳаррир, иқтисод фанлари доктори, профессор.

**Н.Н.ОБЛОМУРОДОВ** – Бош муҳаррир ўринбосари, иқтисод фанлари номзоди.

**М.Б. НУРМУРАТОВ** – Ўзбекистон Республикаси Марказий банки раиси.

**Н.Х ХАЙДАРОВ** – иқтисод фанлари доктори, профессор.

**А.Х. ИСЛАМКУЛОВ** – иқтисод фанлари доктори, профессор.

**Т.С. МАЛИКОВ** – иқтисод фанлари доктори, профессор.

**Э.Ғ. НАБИЕВ** – иқтисод фанлари доктори, профессор.

**Б.Э. ТОШМУРОДОВА** – иқтисод фанлари доктори, профессор.

**Ш.З. АБДУЛЛАЕВА** – иқтисод фанлари доктори, профессор.

**Б.Қ. ҲАМДАМОВ** – иқтисод фанлари доктори, профессор.

**А.З. АВЛОҚУЛОВ** – иқтисод фанлари доктори, профессор.

**Ж.И. КАРИМҚУЛОВ** – иқтисод фанлари доктори, профессор.

**Ш.А. АЛЛАЯРОВ** – иқтисод фанлари доктори, профессор.

**Ф.Т. МУХАМЕДОВ** – иқтисод фанлари доктори, профессор.

**Д.Р. РУСТАМОВ** – иқтисод фанлари доктори, профессор.

**И.К. ОЧИЛОВ** – иқтисод фанлари доктори, доцент.

**Х.М. ШЕННАЕВ** – иқтисод фанлари доктори, доцент.

**Э.Ў. ЭРГАШОВ** – иқтисод фанлари доктори, доцент.

**Т.М. БАЙМУРАТОВ** – иқтисод фанлари номзоди, профессор.

**Ё.С. ИЛХАМОВА** – иқтисод фанлари номзоди, профессор.

**И.Ғ. КЕНЖАЕВ** – иқтисод фанлари бўйича фалсафа доктори, PhD.

**Х.Д. ХЎЖАҚУЛОВ** – иқтисод фанлари номзоди, доцент.

**Х. ҚОБУЛОВ** – иқтисод фанлари номзоди, профессор.

**З.А. САГДУЛЛАЕВА** – иқтисод фанлари номзоди, доцент.

**Е.Б. МАЛЕЙ** – кандидат экономических наук, доцент Полоцкого Государственного университета, Беларусь.

**ELCIN AYKAC ALP** – Туркия, Истанбул Тижорат университети профессори

**Tae-Hyoung Mun** – Жанубий Корея, Моквуон университети профессори.

**Н.К. МУРАВИЦКАЯ** – профессор Департамента аудита и корпоративной отчетности Финансового университета при Правительстве Российской Федерации.

**ASIF MANBUB KARIM** – Малайзиянинг Менежмент ва тадбиркорлик университети профессори.

### МОЛИЯ ВА БЮДЖЕТ

<b>З.А.Сагдиллаева.</b> Молиявий таҳлилни хўжалик юритувчи субъектларнинг комплекс иқтисодий таҳлили ва бошқа фанлар тизимидаги ўрни.....	5
<b>М.Ж.Бауетдинов.</b> Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини молиялаштиришнинг долзарб масалалари .....	13
<b>G.B.Kuvvatov.</b> The role and importance of financial resources in the enterprise.....	20
<b>А.А.Аҳмадалиев.</b> Хорижий мамлакатларда ҳудудлар молиясини эркин иқтисодий зоналар воситасида ривожлантириш тажрибалари .....	27
<b>С.Т.Эшназаров.</b> Давлат бюджет назорати тизимини ривожлантириш йўналишлари .....	36
<b>А.И.Каримов.</b> Фонд бозорига инвесторларни жалб қилишда оммавий жойлаштириш амалиётларининг аҳамияти .....	43
<b>Ж.Ҳ.Раззақов.</b> Бизнес лойиҳаларини қимматли қоғозлар эмиссияси орқали молиялаштиришнинг амалдаги ҳолати таҳлили.....	51

### БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИ ВА АУДИТ

<b>А.А.Каримов, N.K.Rizaev.</b> Compliance with international standards is a requirement of the times (as exemplified by intangible assets) .....	60
<b>Д.Д.Мирсодиқова.</b> Цифровизация бухгалтерского учета: перспективы и направления развития.....	75
<b>А.Б.Абдуллаев.</b> Солиқ аудитида таҳлилий амаллардан фойдаланишнинг назарий масалалари .....	84
<b>Н.Р.Самадова.</b> Бухгалтерия баланси асосида молиявий салоҳиятни таҳлил қилиш йўллари.....	93
<b>А.Дж.Абдурахманов.</b> Динамика и тенденции рождаемости в Узбекистане .....	100

### ИҚТИСОДИЁТ НАЗАРИЯСИ

<b>Х.С.Асатуллаев.</b> Давлат фискал сиёсати: хорижий тажриба ёндашуви .....	107
--	-----

**БАНК ИШИ**

<b>Д.А.Саидов.</b> Банклараро рақобат шароитида тижорат банклари капиталлашув даражасини ошириш йўллари .....	119
<b>Н.У.Аминова.</b> Ислом тараққиёт банки томонидан инвестиция лойиҳаларини молиялаштиришнинг амалдаги ҳолати таҳлили.....	129
<b>Ч.С.Мирзаев.</b> Банкларда трансформация жараёни ва унинг молия бозоридаги ўрни .....	137

**БАҲОЛАШ ИШИ**

<b>М.А.Эргашева.</b> Автотранспорт корхоналарининг рақобатдошлигини ошириш ва баҳолаш .....	147
---	-----

**СУҒУРТА ИШИ**

<b>И.Ф.Кенжаев.</b> Институционал инвестор сифатида суғурта ташкилотларини классификациялаш масалалари .....	155
--	-----

**ИҚТИСОДИЁТ ТАРМОҚЛАРИ**

<b>Г.А.Хамдамова.</b> Классификация политики в области энергетики и энергоэффективности и ее реализация .....	162
<b>А.С.Хатамов.</b> Мамлакат иқтисодиётида қишлоқ хўжалиги соҳасининг тутган ўрни ва унга субсидия ажратиш орқали ривожлантириш истиқболлари .....	171

**СТАТИСТИКА ИШИ**

<b>Н.И.Найтиова.</b> Tashqi savdo indikatorlarining iqtisodiy o'lishga ta'sirining statistik tadqiqi.....	179
---	-----

**ИНВЕСТИЦИЯ ВА ИННОВАЦИЯ**

<b>А.Т.Ахмедова.</b> Подходы и модели формирования финансово-экономического механизма обеспечения инвестиционной привлекательности территории .....	186
<b>К.А.Мухитдинова.</b> Инвестицияларни тадқиқ этишнинг тадрижий-методологик асослари .....	194

УЎТ

**З.А.Сагдиллаева,**  
*“Иқтисодий таҳлил” каф.проф.*  
*Молиявий таҳлилни хўжалик юритувчи субъектларнинг*  
*комплекс иқтисодий таҳлили ва бошқа фанлар тизимидаги ўрни*

**МОЛИЯВИЙ ТАҲЛИЛНИ ХЎЖАЛИК ЮРИТУВЧИ СУБЪЕКТЛАРНИНГ**  
**КОМПЛЕКС ИҚТИСОДИЙ ТАҲЛИЛИ ВА БОШҚА ФАНЛАР**  
**ТИЗИМИДАГИ ЎРНИ**

**Сагдиллаева З.А.,**  
*профессор кафедры «Экономический анализ»*  
*Роль финансового анализа в системе комплексного экономического*  
*анализа хозяйствующих субъектов и других дисциплин*

**РОЛЬ ФИНАНСОВОГО АНАЛИЗА В СИСТЕМЕ КОМПЛЕКСНОГО**  
**ЭКОНОМИЧЕСКОГО АНАЛИЗА ХОЗЯЙСТВУЮЩИХ СУБЪЕКТОВ И**  
**ДРУГИХ ДИСЦИПЛИН**

**Z.A.Sagdillayeva,**  
*prof.kaf. “Economic analysis”.*  
*The role of financial analysis in the system of complex*  
*economic analysis and other disciplines of economic entities*

**THE ROLE OF FINANCIAL ANALYSIS IN THE SYSTEM OF COMPLEX**  
**ECONOMIC ANALYSIS AND OTHER DISCIPLINES OF ECONOMIC**  
**ENTITIES**

**Аннотация.** Ушбу илмий мақола молиявий таҳлилни хўжалик юритувчи субъектларнинг комплекс иқтисодий таҳлили ва бошқа фанлар тизимидаги ўрнини белгилаб, унинг аҳамияти ва мазмунига қаратилган.

**Таянч сўзлар:** Иқтисодий таҳлил, молиявий таҳлил, бухгалтерия ҳисоби, контроллинг, молиявий менежмент, аудит.

**Аннотация.** В статье раскрываются содержание, значение и место финансового анализа в системе комплексного экономического анализа.

**Ключевые слова:** экономический анализ, финансовый анализ, бухгалтерский учёт, контроллинг финансовый менеджмент, аудит.

**Annotation.** Article financial analysis by yudzhalik yuritivich of subject analysis economic complex analysis and subject analysis of belgilab, uning the meaning and content of karatilgan.

**Keywords:** Economic analysis, financial analysis, accounting, kontrolling, financial management, audit.

### Кириш

Молиявий таҳлил методологиясини назарий жиҳатдан ишлаб чиқиш, кўп даражада молиявий таҳлилни, иқтисодий фанлар ва таҳлилни бошқа турлари тизимида тутган ўрнини ўрганишга боғлиқ ҳисобланади.

Молиявий таҳлил хўжалик юритувчи субъектларни комплекс иқтисодий таҳлилининг таркибий қисмини ташкил этади. Иқтисодий таҳлил фанини таркиблашга турлича ёндашишлар мавжуд, ушбу тадқиқотни унда молиявий таҳлилни ўрнини аниқлашга йўналтирилганлиги муҳим аҳамият касб этади.

### Мавзуга оид адабиётлар шарҳи

Бундай ёндашишлардан бири В.В.Ковалёв томонидан амалга оширилган бўлиб, у иқтисодий таҳлил тизимида молиявий таҳлилни ўрнини чизма асосида ёритган. Молиявий таҳлилни ўзаро алоқасини ёритиб берадиган чизмани ёндашишни проф. В.В.Ковалёв ўзининг “Молиявий таҳлил” китобида келтириб ўтган [4]. Ушбу моделни кўриб чиқиш орқали унинг номланишига қарамасдан, молиявий ва бошқа турдаги иқтисодий таҳлилларни акс эттирилишини кўрсатилиши ўз моҳиятига кўра муаллифни молиявий таҳлилни, бухгалтерия ҳисоби, статистика, умумиқтисодий назария ва бошқа иқтисодий фанлар билан ўзаро боғлиқлигини ўз тасаввурида кўра олганлигига гувоҳи бўлиши мумкин.

Тақдим этилган моделни кўриб чиқиш унда баъзи бир методологик чегараланишларнинг мавжудлигини аниқлаш имконини беради. Масалан, моделда молиявий таҳлилни иқтисодий таҳлил тизимидаги ўрнида иқтисодий таҳлилни чегаралари аниқланмаган.

Шунга эътиборни қаратиш лозимки, иқтисодий таҳлил иккита таркибда, молиявий таҳлил ва хўжалик фаолияти таҳлилида кўрсатилган.

Аниқлаштиришга эҳтиёж сезадиган, иккинчи вазият ҳисоб-аналитик блокида унинг ажралмас қисми бўлган аудитни етишмаслигидир.

Учинчи камчилик бўлиб, чизмада молиявий ҳисоб ва молиявий таҳлил билан ажралмас алоқада бўлган молиявий менежмент фани етишмайди.

Тўртинчи муаммо, молиявий таҳлил ва унинг методологик асосини аниқловчи фан базасини ўзаро алоқадорлигига тегишли. Ҳар қандай иқтисодий фан сингари, шубҳасиз молиявий таҳлил ҳам фойда, капитал, даромад каби иқтисодий таҳлил назарияси тушунчалари ва база категорияларига таянади.

Шу билан биргаликда таҳлил, хўжалик субъектлари фаолияти иқтисодий таҳлилининг умумий назарияси билан органик жиҳатдан чамбарчас боғланган, сабаби, у ушбу таҳлилни муҳим тури ҳисобланиб, уни комплекслигини таъминлашда аҳамиятга эга.

### Тадқиқот методологияси

Молиявий таҳлил, аҳамиятли даражада молия назариясига таянади, чунки молия назариясини хўжалик субъектлари молиясига алоқадорлиги нуқтаи назаридан, умумиқтисодий назарияси аниқлаштиради ва ривожлантиради. Шу нуқтаи назардан олиб қараганда, кўрилаётган моделда молия назарияси ва умумиқтисодий таҳлил назарияси билан молиявий таҳлилининг алоқаси ҳам ёритилмаган.

Иқтисодий таҳлил турларини ўзаро алоқаларини бошқача модели А.Д.Шеремет томонидан тавсия этилади [7]. Ушбу моделни кўриб чиқиш таҳлилни

бошқарув таҳлилига ва молиявий таҳлилга ажратишга имконият яратади.

### Натижа ва муҳокама

Бизнинг фикримизча, ушбу ҳолатда ташқи таҳлилга ҳам урғу бериш ўринли бўларди, сабаби, ташқи таҳлил молиявий ҳолатни баҳолаш ва капитал кўйилмаларни мақсадлилиги (мазмунига кўра бундай таҳлил, молиявий таҳлилга тегишли) масалалари билан боғлиқ, ўз навбатида, бу масалалар ўзида ишлаб чиқариш тижорат фаолиятини қамраб оладиган бошқарув таҳлили каби ички молиявий таҳлилга ҳам тегишли.

Фикрлашимизга кўра, ушбу муаммога Н.П.Любушин ва В.Г.Дьякова ишларида яқинроқ ёндашилган [3]. Шундай қилиб, муаллифлар тавсия қилаётган таҳлил турлари туркумланишида таҳлилни ички бошқарув таҳлили ва ташқи молиявий таҳлилга ажратишни тавсия қиладилар, уларнинг фикрича, унинг таркибий қисмини молиявий ҳисоб ташкил этади ва ўз навбатида, ҳисобот маълумотлари базасига эга бўлади.

Тақдим этилаётган моделлар, иқтисодий таҳлил турларини аниқлайдиган терминологияни мос эмаслигини кўрсатяпти, жумладан В.В.Ковалев иқтисодий таҳлил таркибини молиявий таҳлил ва хўжалик фаолияти таҳлилига ажратишни таклиф қилади [5]. Бир вақтнинг ўзида А.Д.Шеремет хўжалик фаолият таҳлили термини остида, хўжалик юритувчи субъектларни иқтисодий таҳлилини тушунтиради [7].

Бизнинг фикримизча, хўжалик фаолияти таҳлили номланишини қўллаш у ёки бу ҳолатда ҳам нотўғридир, сабаби ушбу ном “режали иқтисодиёт” давридан қолган бўлиб, уни ўтказиш дастури ва функцияси, ўша давр мақсади учун устувор ҳисобланади.

Шуни таъкидлаш мумкинки, хўжалик фаолияти таҳлили корxonани ривожлантиришни ички омилларини кўриб чиқишга ва иқтисод захираларини аниқлашга йўналтирилган эди. Шуни ёддан чиқазмаслик керакки, хўжалик фаолияти таҳлилининг ушбу мақсад ҳар доим ҳам корхона манфаати билан мос келавермасди, сабаби, “режали иқтисод” давридаги ҳаракатдаги шартлар режа вазибаларини марказлашган ҳолда ўрнатишга ёндашиш асосида белгиланганлиги, “эришилганидан юқорига” деган тамойилга амал қилишга олиб келган, бу эса захираларни аниқлашга эмас, балки мавжудларини ҳам яширишга хизмат қилган.

Иқтисодий шартларнинг ўзгариши, таҳлили мазмуни, моҳияти ва мақсади билан биргаликда аҳамиятини ҳам ўзгаришига олиб келади. Яъни замонавий иқтисодий таҳлил корxonани молиявий ҳолатини аниқловчи ички ва ташқи муҳитни жамланма омилларини кўриб чиқишга асосланади. Шунга эътиборни қаратиш лозимки, маҳсулотга талаб, корxonани бозордаги ҳолати, капитал бозори ҳолати ва уни корхона молиясига таъсири каби ташқи омиллар объекти сабабларига кўра хўжалик фаолиятини аънавий таҳлилда кўрилмаган, бугунги кунда ушбу кўрсаткичлар замонавий иқтисодий таҳлилни бевосита предметига айланиб бормоқда.

“Режали иқтисодиёт” ва бозор шароитига ўтиш давридаги иқтисодий таҳлилда йиғилган ёндашишларни бир-бирига аралаштириб юбормаслик учун, бугунги кунда иқтисодий таҳлилнинг қуйидаги турдаги терминлари тавсия этилмоқда: ички муҳит таҳлили (техник-иқтисодий ва молиявий-иқтисодий таҳлил) ва ташқи муҳит таҳлилини (маҳсулот бозори, ресурслар ва капитал таҳлили) ўз ичига оладиган хўжалик

юритувчи субъектларни комплекс иқтисодий таҳлили, функционал қиймати, молиявий таҳлил ва бизнес таҳлил.

Таъкидлаш муҳимки, мулкчилик шаклига қараб (тижорат ёки нотижорат) иқтисодий таҳлилнинг алоҳида турларини мазмуни моҳиятли равишда фарқланади. Яъни нотижорат ташкилотлари молиявий таҳлили умуман бошқача мақсад ва мазмунга эга. Бундай ташкилотларнинг таҳлилининг асосий вазибаларидан бири бўлиб амалга оширилган. Харажатларни мақсадга мувофиқлигини баҳолаш, ресурслардан фойдаланиши

самарадорлигини аниқлаш ва пул оқимлари таҳлили ҳисобланади. Шу нуқтаи назардан олиб қараганда ушбу тадқиқот йўналиши, асосий мақсади даромад олишга қаратилган хўжалик юритувчи субъектларга қаратилган.

Тадқиқот муаллифининг комплекс иқтисодий таҳлили тизимида иқтисодий таҳлил турларининг боғлиқлиги бўйича фикри 1.1.-расмда келтирилган.

Ушбу расмда кўрсатилган ўзаро алоқаларни кўриб чиқишдан асосий мақсад хўжалик юритувчи субъектларнинг комплекс иқтисодий таҳлили тизимини

Молиявий ҳолатнинг умумий таҳлили; ликвидлик ва тўловга қодирликни жорий экспресс-таҳлили; капитал таркиби ва узок муддатли тўловга қодирлик; айланиш таҳлили; фаолият даромадлиги таҳлили

**ТАШҚИ МУҲИТ ТАҲЛИЛИ**

**Маркетинг таҳлили**

Бозор; маҳсулот; харидор ва бозор сифими; таъминот рақобат каналлари; маҳсулотни ҳаракатлантириш сифати; баҳо сифати.

**Таъминот таҳлили**

Хизматлар, материаллар ва хом ашё манбалари таҳлили; альтернатив таъминот таҳлили; етказиб берувчиларни нарх рақобатбардошлиги таҳлили; етказиб бериш сифати

**Капитал бозори таҳлили**

Фоиз ставкалари таҳлили; молиялаштириш манбалари таҳлили; инфляция даражаси таҳлили; валюта бозори ҳолати таҳлили

**ИЧКИ МУҲИТ ТАҲЛИЛИ:**

Ишлаб чиқариш: реализация таркиби ва ҳажми; сифати ва рақатбардошлик; ишлаб чиқариш потенциали; ресурслар; харажатлар; молиявий натижалар

Функционал қиймат таҳлили

**Чуқурлаштирилган молиявий таҳлил**

Активлар таҳлили; айланма капиталга инвестициялар таҳлили, асосий капиталга инвестициялар таҳлили. Активлар айланиши таҳлили. Пул оқимлари таҳлили. Ликвидлик ва жорий тўловга қодирлик таҳлили. Ўз айланма капиталга эҳтиёж таҳлили. Капитал таҳлили. Капитални кўпайтириш қобилияти таҳлили. Капитал таркиби ва баҳоси таҳлили. Молиявий рисклар таҳлили. Фаолият даромадлиги ва молиявий натижалар таҳлили. Бошқарув самарадорлигини баҳолаш.

Бошқарув қарорларини альтернатив вариантларини ишлаб чиқиш ва оқибатини прогнозлаш

Молиявий стратегияни аниқлаштириш ва коррективка қилиш

**1.1.-расм. Молиявий таҳлилни хўжалик юритувчи субъектларни комплекс иқтисодий таҳлили тизимида тутган ўрни**



кўринишига умумметодологик ёндашиш ва унда молиявий таҳлилнинг ёритилишини очиб беришдан иборат.

1.1.-расмда кўрсатилган ўзаро алоқадорликни очиб берилиши шундан гувоҳлик бермоқдаки, хўжалик юритувчи субъектларнинг фаолиятининг иқтисодий таҳлилининг умумий тизимида молиявий таҳлилга алоҳида ўрин ажратилган. У ўз моҳиятига кўра, молиявий ҳолатда юзага келган фаолиятни бошланғич ва охиригичи босқичларини ўрганиш орқали унга баҳо беришни ҳамда уни ўзгаришини асосий анъанавий хусусиятларини аниқлаш, шунингдек, таҳлил қилинаётган хўжалик субъектининг капитал қўйилмалари самарадорлигини характерлашни назарда тутади.

Молиявий таҳлилни бошланғич босқичида молиявий ҳолатга дастлабки баҳо берилади. Жорий молиявий ҳолатни аниқловчи чуқур сабабларни очиб бериш учун бир томондан, келгусидаги молиявий ҳолатга аниқ бошқарув қарорларини таъсирини баҳолаш, иккинчи томондан эса, молиявий таҳлил маркетинг, техник-иқтисодий, молиявий-иқтисодий, функционал-қиймат ва бошқа турдаги таҳлил турларини натижаларидан фойдаланади. Яъни молиявий таҳлил учун сотиш таркиби ва ҳажми асослашга тегишли бўлган, молиявий-иқтисодий таҳлил ва маркетинг жараёни натижасида ечиладиган хўжалик юритувчи субъект учун зарур бўлган фойдани маромийлигини таъминловчи масалалар принципаал муҳим ҳисобланади.

Техник-иқтисодий таҳлил жараёнида асосланадиган захираларни шакллантириш сиёсати, бир томондан, капитал бозори ҳолати таҳлилинини, иккинчи томондан эса, молиявий таҳлил нуқтаи назаридан актив ва пасивларни бошқариш самарадорлигини баҳолаш кўриб чиқилади.

Ташқи муҳит таҳлили жараёнида олинган инфляция даражасини ўрганиш натижалари, активлари, капитални ва фаолият самарадорлигини молиявий таҳлилида ҳисобга олинади. Истикболли молиявий таҳлил, кутилаётган харажатларни асослаш вақтида, функционал-қийматли таҳлили натижаларидан фойдаланади.

Молиявий таҳлил ва бошқа фанларни ўзаро боғлиқлигини кўриб чиқиш зарурияти шундан иборатки, ҳозирги шароитда молиявий таҳлил амалий талабга эга ҳар қандай янги фан сингари, турли хил молиявий фанларни қизиқиш предметиға айланди, улар жумласига, “Молия назарияси”, “Молия” ва “Молиявий менежмент” фанларини киритиш мумкин. Мос равишда, молиявий таҳлил кўрсатиб ўтилган фанларни мазмунини таркибий қисмиға кирди. Бир томондан ушбу ҳолат қонуният сифатида кўриб чиқилиши лозим.

Турли молиявий фанларнинг бир-бириға кириб бориши шароитида, аниқ бир фанни бир хил чегарасини белгилаш етарли даражада мураккаб, қисман эса имкониятсиз бўлиб бормоқда.

Бир вақтнинг ўзида молиявий таҳлил масалаларини чуқурроқ кўриб чиқиш билан боғлиқ, сифат характеридаги муаммоларни пайдо бўлаётганлигини айтиб ўтиш зарур, жумладан, энг кераклиси бошқа фанлар доирасида уни кўриб чиқишда, молиявий таҳлил натижаларини асосланганлиги ва ишончилигидадир. Муаммо шундан иборатки, малакали молиявий таҳлилни ўтказиш учун, аниқ мақсадларға адекват жавоб берадиган унинг методикасини қўллаш олиш зарурлиги билан бир қаторда унинг ахборот базасини ҳам чуқур тушуниш керак.

Методологияни малакавий кўриб чиқиш ва ҳосил бўладиган молиявий ҳолатни жорий ва истиқбол таҳлилини аниқ муаммолари илмий молиявий таҳлил фанини предмети ҳисобланади.

Молиявий таҳлилни ва унга турдош бўлган иқтисодий фанларни ўзаро алоқадорлиги чизмаси 1.2 ва 1.3-расмларда кўрсатилган.


Бухгалтерия ҳисоби тизимида молиявий таҳлилнинг ўзаро алоқасини кўриб чиқиш унда таҳлилни аҳамиятли ўрни тўғрисида хулоса чиқаришга имконият яратади. Фақат бошқарув таҳлили талаблари, бошқарув ҳисобини мазмунини аниқлайди, ташқи молиявий таҳлил эҳтиёжларига мос равишда эҳтиёткорлик ва ишончлилик талаблари асосида бухгалтерия ҳисоботлари ахборотларини тўлаллиги аниқланади.

1.2-расмдан кўриниб турибдики, бошқарув ва молиявий ҳисоб, молиявий таҳлилни ахборот таъминоти сифатида майдонга чиқмоқда. Улар ўртасидаги фарқланиш шундан иборатки, бошқарув


ҳисоби тизимига талаб бошқарув жараёнини ички эҳтиёжларидан келиб чиқиб аниқланади ва ҳар бир корхона томонидан алоҳида ўрнатилади. Молиявий ҳисоб ва ҳисобот тизимига талаб ҳар бир мамлакатни бухгалтерия ҳисоби жараёнини тартибга солувчи меъёрий ҳужжатларида мустақамланган.

Юқорида айтиб ўтилганларни мамлакатимиз бухгалтерия ҳисобида олиб борилаётган ислоҳотлар ва улар билан боғлиқ ўзгаришлар тасдиқлайди. Шунини таъкидлаш жоизки, рўй бераётган ўзгаришларни бухгалтерия ҳисоботларини тузиш мақсадлари ва уни молиявий таҳлил жараёнида фойдаланиш имкониятини таъминлашни қайта фикрлаш сифат характерига эга. Кўрсатиб ўтилган ўзгаришларни бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботига таъсири молиявий таҳлилни ахборот базасининг кенгайиши ва унинг шаффофлигининг ўсиши билан характерланади.

Кейинги вақтларда молиявий таҳлил ва аудитни ўзаро алоқалари моҳиятли



1.2.-расм. Молиявий таҳлилни иқтисодий фанлар тизимидаги ўрни (кирувчи ахборотлар оқими)



1.3.-расм. Молиявий таҳлилни иқтисодий фанлар тизимидаги ўрни  
(чиқарувчи ахборотлар оқими)

равишда ўзгармоқда. Бу жиҳат биринчи навбатда, молиявий таҳлил ва аудит ўрни ўсиб бораётганлиги билан боғлиқ, агарда яқин вақтларгача аудиторлик фирмалари томонидан ўз мижозларига корхона молиявий фаолиятининг таҳлилини ўтказишларга қўшимча хизмат сифатида қаралган бўлса, ҳозирда молиявий таҳлил ва аудитни ўзаро боғлиқ ҳолда жипслашиб молиявий ҳолатга кириб боришининг аҳамияти ортиб бормоқда. Бу энг аввало, аудитни халқаро стандартлари асосида ишлаб чиқилган ва мамлакатимиз аудиторлик фаолияти стандартларида мустаҳкамланган, аудит ўзининг мақсадли йўналишларида аниқланмоқда.

Ташқи фойдаланувчилар томонидан бошқарув қарорларини асослаш жараёнида, бухгалтерия ҳисоботларини эгаллаган ўрнини ҳисобга олиб, бухгалтерия ҳисоботлари аудитининг аналитик жараёнлардаги ишларининг бош мақсади бўлиб ишончилиликни асослаш майдонга чиқади, демак, ҳисобот ахборотларидан жорий молиявий ҳолат таҳлилида фойдаланиш, энг муҳим, активлар, пассивлар ва молиявий натижалардан корхонаси келгуси фаолиятини прогнозлаш имконияти вужудга келади.

Айтиб ўтилган ноодатий ёки нотўғри ёритилган фактлар ва хўжалик фаолияти натижаларини аниқлаш, шакллантирилган мақсадларга эришиш қобилияти вазифаларининг фақат бир қисми ҳисобланади.

Шундай қилиб аудитни “молиявий таҳлил-аудит” сифатида боғлиқлик жиҳатларини иккига ажратиш мумкин:

1) ҳисоб ва ҳисоботларни ишончилигини исботлаш аудиторликнинг бир туридир;

2) фаолияти тўхтовсизлигини тасдиқлаш принципи ва бизнесни тушуниш методологияси бошқача сўз билан айтганда, хўжалик юритувчи субъектнинг молиявий барқарорлигини таъминлаш бу молиявий таҳлилнинг сифати ҳисобланади.

Аудитнинг мақсадли йўналиш ва уни молиявий таҳлил билан ўзаро алоқасини тушунишда, алоқаларнинг аҳамиятини бир хил эмаслигини меъёрий адабиётларда, яъни стандартларда кўрсатилганлигига ва иқтисодий таҳлил назарияси бўйича илғор мутахассисларнинг ишларида ёритилишига эътиборни қаратиш лозим. Шундай қилиб, М.И.Баканов ва А.Д.Шереметларнинг нуқтаи назаридан, аудитнинг якуний мақсади

бўлиб, молиявий ҳолатни ва молиявий барқарорликнинг таҳлили ва алоҳида корхоналарни ҳамда корxonанинг у ёки бу ассоциясини молиявий кўрсаткичларини таҳлили ҳисобланади.

Ушбу ҳолатда, молиявий ҳолатнинг таҳлили аудитни якуний мақсади бўлиши мумкин, деган масаланинг қўйилиши ҳам қарама-қарши фикрларнинг пайдо бўлишига асос бўлади. Шунини ҳисобга олиш керакки, жамиятда аудитга бўлган эҳтиёжи ҳаракатдаги бозор иқтисодиётида учрайдиган мол етказиб берувчилар ва ахборотдан фойдаланувчиларни қизиқишларидаги келишмовчиликлардан келиб чиқади, шу жиҳатдан, аудитни асосий мақсади бўлиб, корxonанинг мулкӣ ва молиявий ҳолатини бухгалтерия ҳисоботларида ёритилишини ишончлилигини аниқлашдан иборат. Шу сабабдан ҳам молиявий таҳлилинини ўтказиш аудитни ажралмас вазибаларидан бирига айланиб бормоқда.

Юқорида муаллиф томонидан, аудитни мақсадли йўналишларини аниқлашни кўриб чиқишни давом эттириб аудитни якуний мақсади сифатида молиявий ҳолат таҳлилидан камроқ даражада, молиявий кўрсаткичлар таҳлилинини кўриб ўтиш мумкин.

### Хулоса

Ушбу тасдиқлаш, яъни молиявий таҳлилни мураккаб комплекс тушунчасини ўзида акс эттирадиган молиявий фаолият ва молиявий барқарорлик маълум маънода мунозарали ҳисобланади. Кўрсаткичлар динамикаси таҳлили асосида молиявий ҳолат ва молиявий барқарорликни келгусида кутилиши мумкин бўлган натижалари тўғрисида нисбий тасаввурга эга бўлиш мумкин, шунга қарамадан аниқ баҳо тушунчасига ва ушбу категорияларни ўлчашни асослашга эга бўлиш имконияти кийин масала ҳисобланади.

Шунини таъкидлаш жоизки, ушбу назарий талқин, молиявий таҳлил сингари аудит учун ҳам салбий оқибат олиб келиши мумкин. Гап шундаки, молиявий коэффициентларнинг ўрнини юқори мавқега қўйилиши аудитни ўтказишни молиявий ҳолатни баҳолаш қисмида берилган баъзи бир миқдорларини ҳисоб-китобга киритишда ва уларни танлаган меъёрлар аҳамияти билан таққослашда формал ёндашишга олиб келади ва аудит самарадорлигини аҳамиятли равишда пасайтиради.

### ҲОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Ваҳобов А.В., Иброҳимов А.Т, Ишонқулов Н.Ф. Молиявий ва бошқарув таҳлили. – Тошкент: «Шарқ», 2005. 480-б.
2. Бернстайн Л.А. Молиявий ҳисоботларни таҳлил қилиш: назария, амалиёт талқини: Инглиз тилидан таржима қилинган / Илмий. нашр. И. И. Елисеева. Ч. эд. серия И В Соколов - М.: Молия ва статистика, 1996. 624-б.
3. Любушин Н.П., Дякова В.Г. Корxonанинг молиявий-хўжалик фаолиятини таҳлил қилиш: Университетлар учун қўлланма / Н.П.Любушина профессор томонидан тахрирланган. М.. УНИТИ-ДАНА, 1999. 471-б.
4. Ковалев В.В Молиявий таҳлил: Капитални бошқариш. Инвестициялар танлаш. Ҳисобот таҳлили. М.: Молия ва статистика, 1997. 300-б.
5. Ковалев В.В. Молиявий менежментга кириш. - М .: Молия ва статистика, 1999. 768-б.
6. Ковалев В.В. Молиявий менежмент: Дарслик.- М.: ФБК-ПРЕСС, 1998.-160 б.
7. Шеремет А.Д., Негашев Э.В. Молиявий таҳлил усуллари. ИНФРА-М, 1999.- 176 б.
8. Сагдиллаева З.А., Чориев И.Х., Абдуллаев А.Б. Иқтисодий таҳлил. Тошкент.2022. 440-б.

УЎТ 336.77+330.322(575.1)

**Бауетдинов Мажит Жанизакович,**  
*Тошкент давлат иқтисодиёт университети доценти, PhD*  
*Қорақалпоқ давлат университети*  
*мустақил изланувчиси*  
*E-mail: m.bauetdinov@tsue.uz*

### **ХЎЖАЛИК ЮРИТУВЧИ СУБЪЕКТЛАР ФАОЛИЯТИНИ МОЛИЯЛАШТИРИШНИНГ ДОЛЗАРЪ МАСАЛАЛАРИ**

**Бауетдинов Мажит Жанызакович,**  
*доцент Ташкентского государственного*  
*экономического университета, PhD*  
*самостоятельный соискатель Каракалпакского*  
*государственного университета*  
*E-mail: m.bauetdinov@tsue.uz*

### **АКТУАЛЬНЫЕ ВОПРОСЫ ФИНАНСИРОВАНИЯ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ ХОЗЯЙСТВУЮЩИХ СУБЪЕКТОВ**

**Bauetdinov Majit Janizakovich,**  
*docent of Tashkent State University of Economics, PhD,*  
*independent applicant of Karakalpak State University*  
*E-mail: m.bauetdinov@tsue.uz*

### **CURRENT ISSUES OF FINANCING THE ACTIVITIES OF BUSINESS SUBJECTS**

**Аннотация.** Хўжалик юритувчи субъектларни техник ва технологик қайта қуроллантириши, уларнинг ишлаб чиқариш фаолиятининг узлуксизлигини таъминлаш бевоСИТА УЛАР ФАОЛИЯТИНИ МОЛИЯЛАШТИРИШИ АМАЛИЁТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШИГА БОГЛИҚ. Ўзбекистон иқтисодиётини ривожлантиришининг замонавий босқичида хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини молиялаштиришининг асосий манбалари бўлиб, қуйидагилар ҳисобланади: ўз маблағлари, тижорат банкларининг кредитлари ва хорижий инвестициялар.

Мақолада хўжалик юритувчи субъектларнинг фаолиятини молиялаштириши амалиётини такомиллаштиришига қаратилган илмий таклифлар ишлаб чиқилган.

**Таянч сўзлар:** молиялаштириши, хорижий инвестиция, устав капитали, захира капитали, соф фойда, тижорат банки, кредит, фоиз ставкаси.

**Аннотация.** Техническое и технологическое перевооружение хозяйствующих субъектов, обеспечение бесперебойности их производственной деятельности непосредственно связано с совершенствованием практики финансирования их деятельности. В современных условиях

развития экономики Узбекистана основными источниками финансирования деятельности хозяйствующих субъектов являются: собственные средства, кредиты коммерческих банков и иностранные инвестиции.

В статье разработаны научные предложения, направленные на совершенствование практики финансирования деятельности хозяйствующих субъектов.

**Ключевые слова:** финансирование, иностранная инвестиция, уставной капитал, резервный капитал, чистая прибыль, коммерческий банк, кредит, процентная ставка.

**Annotation.** *Technical and technological re-equipment of economic entities, ensuring the continuity of their production activities is directly related to the improvement of the practice of financing their activities. In modern conditions of development of the economy of Uzbekistan, the main sources of financing the activities of economic entities are: own funds, loans from commercial banks and foreign investments.*

*The article developed scientific proposals aimed at improving the practice of financing the activities of economic entities.*

**Keywords:** *financing, foreign investment, authorized capital, reserve capital, net profit, commercial bank, credit, interest rate.*

### Кириш

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сонли Фармони билан тасдиқланган Янги Ўзбекистоннинг 2022–2026 йилларга мўлжалланган Тараққиёт стратегиясида макроиқтисодий барқарорликни таъминлаш ва йиллик инфляция даражасини 2023 йилгача босқичма-босқич 5 фоизгача пасайтириш, давлат бюджети тақчиллигини қисқартириш ва 2023 йилдан ялпи ички маҳсулотга нисбатан унинг 3 фоиздан ошиб кетмаслигини таъминлаш, миллий иқтисодиёт барқарорлигини таъминлаш ва ялпи ички маҳсулотда саноат улушини оширишга қаратилган саноат сиёсатини давом эттириб, саноат маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳажмини 1,4 бараварга ошириш, иқтисодиётда молиявий ресурсларни кўпайтириш мақсадида, келгуси 5 йилда фонд бозори айланмасини 200 миллион АҚШ долларидан 7 миллиард АҚШ долларига етказиш, тадбиркорлик субъектларининг солиқ юкини 27,5 фоиздан 25,5 фоизга тушириш мамлакат иқтисодиётини барқарор

ривожлантиришнинг зарурий шартлари сифатида эътироф этилган [1]. Бу эса, ўз навбатида, хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини молиялаштириш амалиётини такомиллаштириш заруриятини юзага келтиради.

### Мавзуга оид адабиётлар шархи

В.Газманнинг хулосасига кўра, лизинг корхоналарнинг инвестицион харажатларини молиялаштиришнинг истиқболли ва самарали шакли ҳисобланади [2].

Ж.Тобиннинг фикрига кўра, ҳукуматнинг пул-кредит ва солиқ-бюджет сиёсатини маълум турдаги активларни хусусий секторга таклифи сифатида қараш лозим. Хусусий секторнинг ушбу таклифга муносабатини эса, активларга бўлган талабнинг таркибини, уларнинг даромадлилигига кўра, ўзгариши сифатида қараш зарур [3].

Ж.Тобин илмий изланишлари натижасида шундай хулосага келдики, пуллар таклифининг етишмаслиги ҳам, ортиқчалиги ҳам иқтисодий ўсиш суръатларига салбий таъсир кўрсатади.

Ж.Тобиннинг ушбу хулосаси амалий аҳамиятга эга. Кўплаб иқтисодчи олимлар томонидан амалга оширилган илмий-тадқиқотларнинг натижалари кўрсатдики, макроиқтисодий ўсиш суръатлари билан монетизация коэффициентининг даражаси ўртасида тўғридан-тўғри алоқадорлик мавжуд. Яъни монетизация даражаси 30 фоиздан паст бўлган мамлакатларда инфляция даражасининг юқори эканлиги ва реал фоиз ставкасининг салбий эканлиги кузатилмоқда.

О.Лаврушиннинг фикрига кўра, қайта тақсимлаш функцияси туфайли кредит бутун иқтисодий тизимни, шу жамладан, ишлаб чиқаришни ривожлантириш учун зарур бўлган моддий шарт-шароитларни юзага келтиради [4].

Аммо ривожланаётган мамлакатлар ва ўтиш иқтисодиёти мамлакатларида молия бозорларининг ривожланмаганлиги молия секторининг иқтисодиётнинг реал секторини ривожлантиришдаги ролини оширишга тўсқинлик қилади. Эйхенгрин ва Хаусманн томонидан амалга оширилган тадқиқотларнинг натижалари кўрсатдики, ривожланаётган мамлакатларда молия бозорларининг ривожланмаганлиги инвестицияларни молиялаштириш учун зарур бўлган узоқ муддатли ресурсларни жалб этиш имконини бермайди. Натижада узоқ муддатли инвестицион лойиҳаларни қисқа муддатли кредитлар ҳисобидан молиялаштириш ҳолатлари юзага келади. Бу эса, трансформация ва ликвидлилик rischi муаммосининг чуқурлашишига олиб келади.

А.Аганбегяннинг хулосасига кўра, реал секторни кредитлаш суръатларининг 2010–2011 йилларда 2 мартага қисқариши Россияда иқтисодий ўсиш суръатларининг пасайишининг муҳим сабаби бўлди [5].

Й.Шумпетер барқарор иқтисодий ўсишни таъминлашда бош омил сифатида ишлаб чиқариш жараёнига

инновацияларни жорий этишни кўрсатади. Унинг фикрига кўра, инновацион жараёнлар ишлаб чиқариш соҳасидаги тадбиркорлик фаолияти билан боғланади ва бунда бош мақсад олинаётган фойда миқдорини имкон қадар кўпайтириш ҳисобланади. Ўз навбатида, фойда миқдорининг кўпайиши тадбиркорга янги инновацион ғояларни ишлаб чиқаришга узлуксиз жорий қилиш имконини беради [6].

Ж.Шанел-Рейно ва Э.Блуанинг хулосасига кўра, кичик ва ўрта корхоналарнинг йирик корхоналар билан алоқаларининг яхши йўлга қўйилиши уларнинг тижорат банклари кредитларидан фойдаланиш имкониятини оширади. Чунки, йирик корхоналар кичик ва ўрта корхоналар билан ишбилармонлик муносабатларига киришишдан олдин уларнинг бозор талабларига жавоб бера олишини таҳлил қилади. Шунингдек, йирик корхона ҳамкори бўлган кичик ва ўрта корхоналарнинг ҳолатини доимий равишда назорат қилади [7].

Ж. Мажидовнинг хулосасига кўра, миллий валютанинг кадрсизланиш суръатининг юқори эканлиги импортнинг қимматлашишига ва инфляциянинг кучайишига олиб келди. Бунинг натижасида корхоналарнинг хорижий валюталарда олган кредитларини тўлаш билан боғлиқ бўлган харажатлари ва маҳсулотлар таннархининг ошиб кетиши юз берди. Натижада, уларнинг тўловга қобиллик даражаси пасайди [8].

И.Алимардоновнинг хулосасига кўра, тижорат банклари томонидан кичик бизнес субъектларига бериладиган паст фоизли кредитлар ҳажмини ошириш мақсадида, биринчидан, банкларнинг устав капиталида давлатнинг улушини, ушбу ресурсларни кичик бизнес субъектларини имтиёзли кредитлашга йўналтириш шarti билан ошириш лозим;



иккинчидан, пенсия фонди ва давлат суғурта компанияларининг бўш пул маблағларини тижорат банкларига паст фоиз ставкаларида, уларни кичик бизнес субъектларини кредитлашга йўналтириш шарти билан, муддатли депозит қилиб жойлаштириш керак [9].

**Тадқиқот методологияси**

Тадқиқот жараёнида тизимли ёндашув, қиёсий ва солиштирма таҳлил, баҳолаш усулларидан фойдаланилди.

**Натижа ва муҳокама**

Корхоналарнинг фаолиятини молиялаштиришда уларнинг ўз маблағлари, тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ва портфелли хорижий инвестициялар ва тижорат банкларининг кредитлари муҳим ўрин тутади.

*1-жадвал*


**Ўзбекистон Республикасида молиялаштириш манбалари бўйича асосий капиталга ўзлаштирилган инвестициялар таркиби (жамига нисбатан фоизда)<sup>1</sup>.**

Йиллар	Корхоналар ва аҳолининг ўз воситалари	Қабул қилинган маблағлар	жумладан,		
			давлат бюджети	банкларнинг кредитлари ва бошқа қарз маблағлари	чет эл инвестициялари ва кредитлари
2016	54,4	45,6	4,3	10,8	20,7
2017	47,3	52,7	4,8	12,6	23,8

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги статистика агентлиги маълумотлари асосида тузилди. <https://api.stat.uz/api/v1.0/data/moliyalashtirish-manbalari-boyicha-asosiy-kapit?lang=uz&format=xlsx>

2018	42,0	58,0	4,5	17,8	24,3
2019	29,3	70,7	9,0	13,8	43,6
2020	34,6	65,4	6,5	14,1	42,9
2021	38,0	62,0	9,3	8,0	42,3

1-жадвал маълумотларидан келиб чиқиб айтиш мумкинки, инвестицияларни молиялаштиришда мавжуд маблағлар ва жалб қилинган маблағлар ўртасидаги нисбат ўзгарувчан бўлган. 2016–2021 йилларда корхоналарнинг ўз маблағларини инвестицияларни молиялаштириш манбаларининг умумий ҳажмидаги салмоғи пасайиб борган. Бу эса, тижорат банкларининг кредитларини ва хорижий инвестициялар, халқаро кредитларнинг инвестицияларни молиялаштириш манбаларининг умумий ҳажмидаги салмоғини ошиб борганлиги билан изоҳланади.



**1-расм. Ўзбекистон Республикасида асосий капиталга қилинган инвестициялар ҳажмида тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларнинг улуши, фоизда<sup>2</sup>**

1-расм маълумотларидан кўринадики, республикада асосий капиталга қилинган инвестициялар ҳажмида тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларнинг улуши 2019–2021 йилларда пасайиш тенденциясига эга бўлган.

<sup>2</sup> Расм муаллиф томонидан Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги статистика агентлиги маълумотлари асосида тузилди.




## 2-жадвал

**Шўртан газ-кимё мажмуасида  
капитал ва мажбуриятларнинг  
миқдори ҳамда капиталнинг  
мажбуриятларга нисбатан даражаси<sup>3</sup>**

Кўрсаткичлар	2019 й.	2020 й.	2021 й.
Капитал, млрд. сўм	218	862	1188
Мажбуриятлар, млрд. сўм	1380	2279	3892
Капиталнинг маж- буриятларга нисба- тан даражаси, %	15,8	37,8	30,5

2-жадвал маълумотларидан кўринадики, Шўртан газ-кимё мажмуасининг капитали миқдори 2019–2021 йилларда ўсиш тенденциясига эга бўлган. Бу эса, унинг тўловга қобиллигини таъминлаш нуқтаи назаридан ижобий ҳолат ҳисобланади. Шўртан газ-кимё мажмуасининг мажбуриятлари миқдори 2019–2021 йилларда ўсиш тенденциясига эга бўлган. Шўртан газ-кимё мажмуасида капиталнинг мажбуриятларга нисбатан даражаси 2020 йилда 2019 йилга нисбатан ошган. Бу эса, харажатларни бошқаришни такомиллаштириш нуқтаи назаридан ижобий ҳолат ҳисобланади. Аммо, капиталнинг мажбуриятларга нисбатан даражаси 2021 йилда 2020 йилга нисбатан пасайган.



**2-расм. Шўртан газ-кимё мажмуасида соф фойданинг миқдори, млрд. сўм<sup>4</sup>**

<sup>3</sup> Жадвал муаллиф томонидан [www.sgcc.uz](http://www.sgcc.uz) сайти маълумотлари асосида тузилган.

<sup>4</sup> Расм муаллиф томонидан [www.sgcc.uz](http://www.sgcc.uz) сайти маълумотлари асосида тузилган.

2-расм маълумотларидан кўринадики, Шўртан газ-кимё мажмуасида соф фойданинг миқдори 2020 йилда 2019 йилга нисбатан кўпайган, аммо 2021 йилда 2020 йилга нисбатан сезиларли даражада камайган. Бу эса, харажатларни бошқариш самарадорлигини таъминлаш нуқтаи назаридан салбий ҳолат ҳисобланади.

Тижорат банклари томонидан 2022 йилда тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш учун 545 мингдан ортиқ лойиҳаларга жами 122 трлн сўм миқдорида ёки 2021 йилга нисбатан 1,3 баробарга кўп кредит маблағлари йўналтирилди, кичик тадбиркорликни, шу жумладан, оилавий тадбиркорликни ривожлантириш, хотин-қизлар ва ёшларнинг тадбиркорлик ташаббусларини молиявий қўллаб-қувватлаш мақсадлари учун 504 мингдан ортиқ лойиҳаларга жами 69,8 трлн сўм миқдорида кредит маблағлари ажратилди [10].

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, республикамиз тижорат банклари томонидан хўжалик юритувчи субъектларга берилаётган кредитларнинг фойз ставкалари юқориликча қолмоқда.

## 3-жадвал

**Ўзбекистон Республикаси тижорат  
банклари томонидан миллий  
ва хорижий валютада берилган  
кредитларнинг ўртача йиллик фойз  
ставкаси, фойзда<sup>5</sup>**

Кўрсаткичлар	2017 й.	2018 й.	2019 й.	2020 й.	2021 й.
Миллий валютадаги кредитларнинг ўртача йиллик фойз ставкаси	16,2	21,1	23,7	22,3	20,8

<sup>5</sup> Миллий валютадаги кредитларнинг фойз ставкалари; Чет эл валютасидаги кредитларнинг фойз ставкалари//[www.cbu.uz](http://www.cbu.uz) (Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки).

Чет эл валютасидаги кредитларнинг ўртача йиллик фоиз ставкаси	5,8	5,8	7,1	6,9	6,7
---	-----	-----	-----	-----	-----

3-жадвал маълумотларидан кўринади, 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикаси тижорат банклари томонидан миллий валютада ва хорижий валюталарда берилган кредитларнинг фоиз ставкалари сезиларли даражада юқори келган.

### Хулоса

Тадқиқот жараёнида қуйидаги хулосаларни шакллантирдик:

\*лизинг корхоналарнинг инвестицион харажатларини молиялаштиришнинг истиқболли ва самарали шакли хисобланади;

\*қайта таксимлаш функцияси туфайли кредит бутун иқтисодий тизимни, шу жамладан, ишлаб чиқаришни ривожлантириш учун зарур бўлган моддий шарт-шароитларни юзага келтиради;

\*2016–2021 йилларда корхоналарнинг ўз маблағларини инвестицияларни молиялаштириш манбаларининг умумий ҳажмидаги салмоғининг пасайиб борганлиги тижорат банкларининг кредитларини ва хорижий инвестициялар, халқаро кредитларнинг инвестицияларни молиялаштириш манбаларининг умумий ҳажмидаги салмоғини ошиб борганлиги билан изоҳланади;

\*Шўртан газ-кимё мажмуасининг капитали ва мажбуриятларининг миқдори 2019–2021 йилларда ўсиш тенденциясига эга бўлган;

\*2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикаси тижорат банклари томонидан миллий валютада ва хорижий валюталарда берилган кредитларнинг фоиз ставкалари сезиларли даражада юқори бўлган.

Фикримизча, хўжалик юритувчи субъектларнинг фаолиятини молиялаштириш амалиётини такомиллаштириш учун қуйидаги тадбирларни амалга ошириш лозим:

1. Хўжалик юритувчи субъектларнинг инвестицион харажатларини молиялаштиришни такомиллаштириш мақсадида, биринчидан, корхоналарнинг узок муддатли қимматли қоғозларининг инвестицион жозибадорлигини таъминлаш керак; жалб қилинаётган халқаро кредитларнинг умумий ҳажмида қатъий белгиланган ставкада жалб қилинган кредитларнинг салмоғини ошириш зарур; учинчидан, корхоналарнинг ликвидлиги ва молиявий барқарорлигини тавсифловчи кўрсаткичларнинг меъёрий даражасини таъминлаш орқали уларнинг тижорат банклари кредитларидан фойдаланиш даражасини ошириш лозим.

2. Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини молиялаштириш амалиётида хорижий инвестициялардан фойдаланиш кўламини кенгайтириш мақсадида, биринчидан, мувозанатлашган макроиқтисодий сиёсат олиб боришни таъминлаш орқали тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни ва портфелли хорижий инвестицияларни жалб қилиш ҳажмини ошириш керак; иккинчидан, хўжалик юритувчи субъектларнинг халқаро инвестицион рейтинг баҳосини (камида BBB) олишни таъминлаш зарур; учинчидан, хорижий инвестицияларни жалб қилишнинг анъанавий (қўшма корхоналар, технопарклар ташкил этиш ва бошқ.) ва инновацион шаклларида (венчурли молиялаштириш, синдицияли кредитлаш ва бошқ.) бир вақтнинг ўзида фойдаланишни йўлга қўйиш зарур.

**Фойдаланилган адабиётлар рўйхати**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сонли Фармони. Янги Ўзбекистоннинг 2022-2026 йилларга мўлжалланган Тараққиёт стратегияси тўғрисида//www.lex.uz.
2. Газман В.Д. Лизинг в проектном финансировании//Финансы. – Москва, 2013. – №9. – С. 78-79.
3. Тобин Дж. Денежная политика и экономический рост. – М.: Либроком, 2010. – С. 111-112.
4. Лаврушин О.И. Роль кредита в экономическом развитии//Банковское дело. – Москва, 2011. - №2. - С. 36.
5. Аганбегян А.Г. Социально-экономическое развитие России: финансово-кредитные аспекты//Деньги и кредит. – Москва, 2013. - №1. - С.9.
6. Шумпетер Й. Основы предпринимательства. Пер. с нем. – М.:Дело, 1974. – С. 132.
7. Chanel-Reynaud G., Bloy E. La Banque et le risqué PME. – Presses Universitaires de Lyon, 2001. – P. 39-40.
8. Мажидов Ж.К. Ўзбекистон Республикаси тижорат банклари активлар портфелларининг сифатини ошириш йўллари. И.ф.б. ф.д. дисс. автореф. – Тошкент, 2020. – Б. 22.
9. Алимардонов И.М. Кичик бизнес субъектларини кредитлашнинг услубий ва амалий асосларини такомиллаштириш. И.ф.д. дисс. автореф. – Тошкент, 2018. 61-б.
10. Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг 2022 йилдаги фаолияти тўғрисида хисобот. www.cbu.uz (Ўзбекистон Республикаси Марказий банки).

UDK: 658/336

**Kuvvatov Golibjon Bakhtiyor ugli,**  
*DSc student of Tashkent State University of Economics*  
[quvvatovg@bk.ru](mailto:quvvatovg@bk.ru)

## THE ROLE AND IMPORTANCE OF FINANCIAL RESOURCES IN THE ENTERPRISE

**Quvvatov G'olibjon Bakhtiyor o'g'li,**  
*Toshkent davlat iqtisodiyot universiteti doktoranti*

## KORXONADA MOLIYAVIY RESURSLARNING ROLI VA AHAMIYATI

**Кувватов Голибджон Бахтиёр угли,**  
*Докторант Ташкентского государственного  
экономического университета*  
[quvvatovg@bk.ru](mailto:quvvatovg@bk.ru)

## РОЛЬ И ЗНАЧЕНИЕ ФИНАНСОВЫХ РЕСУРСОВ НА ПРЕДПРИЯТИИ

**Annotation.** *In the article, the author presents the concept of financial resources of the enterprise. The goals and main tasks in the field of financial resources management are considered.*

**Keywords:** *financial resources, financial potential, management, monetary resources, financial relations, financial system.*

**Annotatsiya.** *Maqolada muallif tomonidan korxonaning moliyaviy resurslari tushunchasi yoritilgan. Shuningdek, moliyaviy resurslarni boshqarishning maqsad va asosiy vazifalari ko'rib chiqilgan.*

**Tayanch so'zlar:** *moliyaviy resurslar, moliyaviy salohiyat, menejment, pul resurslari, moliyaviy munosabatlar, moliyaviy tizim.*

**Аннотация.** *В статье приводится понятие финансовых ресурсов предприятия, рассматриваются цели и основные задачи в области управления финансовыми ресурсами.*

**Ключевые слова:** *финансовые ресурсы, финансовый потенциал, управление, денежные ресурсы финансовые отношения, финансовая система.*

### Introduction

Financial management of an enterprise is one of the most important tasks hichfacing any business, regardless of its form of ownership, scope and scale of activity. The importance of direction is due to the special role of finance, which is the only type of resources that can be transformed into any other type of resources like buildings, technologies, raw materials, personnel. The efficiency and rationality of such a transformation largely determine the economic well - being of the enterprise, as well as all subjects interested in its development-owners, in addition to managers, creditors, the state, society, etc.Financial resources can also be used as independently operating assets that generate various types of income. Thus, the study of the basics of managing the financial resources of an enterprise in the modern economic situation is necessary for any manager, individual entrepreneur, owner and businessman.

### Literature review

In modern conditions of a market economy, there is a fairly high level of competition. Each company strives to gain a foothold in the market, to function stably and efficiently. In our mind, The results of its activities are largely determined by what financial resources this business entity has, how optimal their structure is, how they are expediently transformed into fixed and revolving funds. In this regard, effective management of financial resources is one of the most important functions of financial management, aimed at ensuring the achievement of high final results of the economic activity of the enterprise. Such local scientists as the A.A.Shomirov believe that strategic and tactical planning is important in managing the financial resources of joint-stock companies [1, p. 13]. Such foreign scientists as V. V. Bocharov, V. V. Kovalev,

M. V. Romanovsky, V. M. Rodionova, V. A. Slepov were engaged in the formation and use of financial resources. Also, I.A.Blank, M.D.Bilyk, A.D.Vasilik, L. A. Ligonenko, V. M. Oparin, G. Donaldson, J. S. worked on the study of the problems of the functioning of financial resources of enterprises. Mill, G. Brayley, Y. Brigham, S. Myers, et al. [2, p. 103].

### Research Methodology

There are economic and mathematical methods, which can help to study the connections and influences between objects and phenomena, determine the homogeneous features in aggregates of objects and data, create models of behavior of individual enterprises based on the influence of various factors, determine the development trends for the forecasting. Therefore, the use of economic and mathematical methods is the key to accurate and detailed assessment of financial sustainability of the enterprise, which provides the basis for optimizing managerial decisions and achieving the planned level of financial state. Thus, financial sustainability of the enterprise is a key feature of its financial status, its strategic development. Timely analysis of financial sustainability creates new opportunities for the enterprise to identify reserves in order to enhance its competitive position, increase market share and fulfill other tactical and strategic goals.

### Analysis and results

It should be noted that in recent years and still there is no unified approach to determining the essence of financial resources. This is due to the differences in the views of different scientists on this problem, as well as the complexity of the economic category «financial resources», The financial resources of an enterprise can be characterized from

different points of view, for example, as a quantitative characteristic of the financial result of its activities [3, p. 25], the aggregate of funds for financial activities and financial transactions [4, p. 47], a part of the monetary resources owned or at the disposal of the enterprise and used by them for the purpose of expanded reproduction, stimulating employees and other tasks [5, p. 20].

The generalization of scientific approaches to outlining the economic essence of financial potential makes it possible to form its own vision of this interpretation, which is determined by the aggregate of resource provision (real and potentially available financial resources), as well as the country's capabilities (organizational, managerial, functional, infrastructural, and adaptive) for the accumulation of financial resources, their transformation into productive financial capital, its redistribution among economic actors, as well as the use of this capital to ensure balanced development of the country and its regions. This makes it possible to substantiate that:

- the financial system of any state is formed on the basis of a set of parts of the finance regions, which, in general, constitute the national economy. At the same time, the functionality of financial relations manifests itself both within one country and outside its borders in relationships with other countries of the globalization economy;

- there is a familiar interaction between the categories of financial potential of the region and international financial and intermediary finances;

- the financial potential is determined by a coherent structure which consist of public finances, local government finances, financial enterprises and the finances of the population. Thus, the financial potential of the country depends on the capabilities of each of its components directly.

It should be noted that in aggregate, they constitute the resource base for the formation of the country's financial potential while preserving the specific features of their filling, based on the current legislation of the government on the issues of the formation, distribution, and redistribution of financial resources of the state.

Considering that each participant of the process of forming financial resources is simultaneously a participant in financial relations beyond its limits, it should be assumed that only a part of their own financial resources they will direct to ensure the socio-economic development of the region. The abovementioned fact determines the necessity of studying the resource capabilities of each of the sources of filling the financial potential, based on the following starting positions, in particular:

- belonging to the country's economy, that is, all actors involved in the creation of the financial potential of the country must be registered, located or residing in its territory;

- structure-forming elements of the grouping of sources of the formation of the financial potential of the country adopted common legal requirements for them in relation to the formation and distribution of financial resources;

- the financial strength of the country depends on the effectiveness of financial and economic activities of the participants in the process of forming financial potential.

At the same time, the capacity of economic entities depends to a large extent on the financial strength of the country.


Nowadays, when the financial potential of the regions of the country is formed not only at the expense of budget funds, together with the state, private business and the population appears to be business entities. In addition, a significant number of sources for the formation of financial resources, their relative separation, the chaos of movement

and interaction, predetermine the diverse nature of market economy subjects.

Thus, the research confirms that the static concept of “financial resources” is gradually transformed into a dynamic concept “financial potential”, for the formation and rational use of which it is expedient to plan the movement of financial resources, regardless their origin, including private owners, who also seek to receive the largest profit with the lowest risk.

In a generalized form, the financial potential of a country (region) by sources of its origin is divided into the financial potential of external and internal origin.

Thus, the financial potential of external origin includes subventions and subsidies from the state budget, funds that were attracted or borrowed by economic entities and people from sources external to the region, assistance from foreign sources. The financial potential of internal origin is formed primarily through the funds of local budgets, non-budget funds, enterprises and organizations of the region of all forms of ownership and of various spheres of activity, as well as money of the population, that is, the funds that are domestic for this region. Priority in determining sources that form the financial potential is their territorial affiliation, within which money accumulation of revenues is created, as we have already noticed, business entities and the population as a result of their production and economic activity, and attracted funds from the parties focusing on appropriate funds to ensure the continuity of extended reproduction and satisfaction of other social needs (Figure 1).



**Figure 1. Sources of the financial potential [11, page 94-97]**

Therefore, an enterprise’s financial resources are a set of an organization’s own funds and external incomes that can be used for the formation of fixed and current assets required for the business and extended production support. Figure 1 gives a more specific definition of the nature of financial resources in the enterprise by structuring the financial resources in the enterprise. The structure is based on science literature systematization (Figure 2).


As it supports companies in so many ways, this department is a very crucial and critical area. Taking into account the importance of financial management functions in organizations, there is always a steady demand for professionals with these skills. Today, it is possible for even non-finance professionals and businessmen to learn finance concepts through a certified financial analyst course.

What are the major roles of financial management?

- Financial Decisions and control
- Financial planning
- Capital management
- Allocation and utilization of financial resources

- Cash flow management
- Disposal of surplus
- Financial reporting
- Risk Management [7, p.3]






**Figure 2. Composition of an enterprise's financial resources [6, p.3]**

The management of enterprises, in order to achieve the development tasks set in the business plan of the enterprise for the current, medium-term and long-term prospects, affects the internal and external financial relations of the enterprise and the types of financial resources corresponding to them through special techniques and methods. Financial resources are monetary funds that include the income accumulated by the owners of the enterprise, as well as funds received from the outside in the form of loans» [8, p.96]. Thus, the financial resources of the enterprise consist of its own and attracted (credit) funds. The main purpose of financial resources is to ensure the solvency of the enterprise and its financial stability. At the same time, the current solvency is an external manifestation of the financial condition. The internal manifestation is financial stability, which can ensure the stability of the enterprise for a long time and the prospect of balancing various cash flows. In order to ensure the stability of the financial condition of an economic entity, it is necessary to properly coordinate the work of all departments and a rational financial resource management system.

Financial management of an enterprise, like any management system, includes an object and a subject, i.e. a managed and managing subsystem (Figure 3).



**Figure 3. Structure of the financial management system of the enterprise [9, p.10]**

Management of financial resources of an enterprise is a system of principles and methods for the development and implementation of management decisions related to ensuring the effectiveness of the processes of formation, distribution and use of financial resources [10, p.45]. The purpose of managing the financial resources of the enterprise is to ensure effective financing of its development, both in the current period and in the future in all areas of activity, including compliance with financial legislation, maximizing the welfare of the owners of the enterprise, timeliness and completeness of settlements with all parts of the financial system. In accordance with this goal, the following can be distinguished as the main tasks of managing the financial resources of the enterprise:

- ensuring an uninterrupted process of formation of financial resources for solving the tasks of the development of the enterprise of a tactical and strategic nature;



– optimization of the structure of sources of formation of financial resources of the enterprise to minimize the cost of borrowed capital;

– optimal distribution of financial resources in the main areas of the enterprise;  
– minimizing the level of risk in the process of managing the financial resources of the enterprise;

– development of a mechanism for rapid changes in the structure of the financial resources of the enterprise and the directions of their use in accordance with changing conditions;

– creation of an effective system of control over the formation and use of financial resources of the enterprise;

– study of foreign experience in managing financial resources of the enterprise;

– introduction of new methods of managing financial resources;

– formation of optimal conditions for attracting foreign capital; - improving the level of training of managerial personnel;

– analysis of the financial and economic indicators of the enterprise and evaluation of the effectiveness of its management personnel based on the results.

There are economic and mathematical methods, which can help to study the connections and influences between objects and phenomena, determine the homogeneous features in aggregates of objects and data, create models of behavior of individual enterprises based on the influence of various factors, determine the development trends for the forecasting. Therefore, the use of economic and mathematical methods is the key to accurate and detailed assessment of financial sustainability of the enterprise, which provides the basis for optimizing managerial decisions and achieving the planned level of financial state. Thus, financial sustainability of the enterprise is a key feature of its financial status, its strategic development. Timely analysis of financial sustainability creates new opportunities for

the enterprise to identify reserves in order to enhance its competitive position, increase market share and fulfill other tactical and strategic goals.

For the effective functioning of the financial management system of the enterprise, for the rational impact of the management system on the managed one, it is necessary to use a modern financial management methodology based on certain principles.

The basic general principles of management were developed in the last century by the French scientist Henri Fayol. Financial management, being a part of the general management of the enterprise, on the one hand, is based on universal management principles, the most important of which are:

1. The principle of economic efficiency. In any company, the financial management system assumes expenses (costs), which should always strive to a minimum and be covered by certain revenues (sales revenue).

2. Focus on strategic development goals. If, for example, the company is focused on business growth or diversification, then it would be reasonable to increase the number of borrowed types of funds as part of the sources of funds. A strategy of limited growth or reduction requires reducing risks, and, therefore, it is necessary to focus more on equity and strive to reduce fixed costs.

3. High dynamism of management (flexibility). Any financial manager should react very quickly to changes taking place in the external environment (politics, economy, market conditions) and apply appropriate methods and models of financial management.

4. Alternative. Since financial decisions are often made in conditions of risk and uncertainty, it is very important to use multivariate approaches to assessing the situation (when developing business plans, as well as in operational financial management).

5. Optimization of the main financial indicators. When managing the finances of

an enterprise, the adoption of a particular management decision can lead to opposite effects in various fields of activity.

Thus, the implementation of high-yield financial investments can cause a deficit in the financing of production activities, a sharp increase in profitability can lead to a decrease in liquidity indicators, etc.

On the other hand, considering the finances of an enterprise and their management as a special type of activity, A.I.Samylin also identifies a number of important principles:

- publicity, i.e. the availability and openness of information about the company's activities (except for confidential information), the public's interest in the goals, objectives and decisions of the company;

- the scale, significant impact on the geographical market of goods and the versatility of activities;

- consolidation of financial statements, formation of general statements of the enterprise (very often the structure of large

companies includes various subsidiaries that conduct independent activities), etc.

### Conclusion

Thus, the concept of financial resources is a very important category in the implementation of the activities of any enterprise. Financial resources are constantly in motion, their distinctive features from other resources are: the monetary form of existence, belonging to a specific entity, effective use for profit and economic growth of the organization. Taking care of financial stability and stability, it is especially important for an organization to effectively manage its financial resources, correctly distributing them by type of activity and over time. Effective financial management allows the company to remain stable, solvent, and therefore stable functioning and competitive in the markets. And all this, in turn, makes it possible for an economic entity to outline its economic development for the long term.

### REFERENCES

1. A.A.Shomirov "Aktsiyadorlik jamiyatlar moliyaviy resurslarini boshqarish samaradorligini oshirish yo'llari" dissertatsiyasi avtoreferati 24-bet.
2. Остапенко Л.М. Эволюция понятия «финансовые ресурсы» и современные подходы к определению // Вестник современной науки. 2016. - № 1- С.101-104
3. Финансы, денежное обращение и кредит: Учебник / Под ред. Г.Б.Поляка. - 3-е изд., перераб. и доп. - М.: Юнити-Дана, 2009. - 639 с.
4. Барулин С.В. Финансы: учебник. -2-е изд., стер. - М.: КноРус, 2011.- 640 с.
5. Podiablonskaya L. M. Finance: a textbook for university students. - Moscow: Unity-Dana, 2010. - 407 p.
6. Makka Alaudinovna Khamatkhanova. Approaches to the generation of an enterprise's financial resources in the context of their limitation. Vol. 39 (Number 18) Year 2018 • Page 22
7. <https://talentedge.com/articles/role-financial-management-organization>
8. Агарков А.П. Экономика и управление на предприятии / А.П. Агарков [и др.]. - М.: Дашков и К, 2013. - 400 с.
9. Управление финансовыми ресурсами предприятия : учеб. пособие / Н.Л.Савченко; М-во науки и высш. образования Рос. Федерации, Урал. федер. ун-т. - Екатеринбург : Изд-во Урал. ун-та, 2019. -164 с.
10. Бланк И.А. Управление финансовыми ресурсами.-М.: Омега - Л: ООО «Эльга», 2011. - 768 с.
11. Kateryna Indus The role and place of financial resources for the development of regions. Baltic Journal of Economic Studies June 2018. Page 94-97

УЎТ 339.9/332.122

Ахмадалиев Аъзамжон Абдулвоҳидович,  
Наманган муҳандислик-технология институти  
мустақил изланувчиси

**ХОРИЖИЙ МАМЛАКАТЛАРДА ХУДУДЛАР МОЛИЯСИНИ ЭРКИН  
ИҚТИСОДИЙ ЗОНАЛАР ВОСИТАСИДА РИВОЖЛАНТИРИШ  
ТАЖРИБАЛАРИ**

Ахмадалиев Аъзамжон Абдулвоҳидович,  
научный соискатель Наманганского инженерно-  
технологического института

**ЗАРУБЕЖНЫЙ ОПЫТ РАЗВИТИЯ ФИНАНСОВ РЕГИОНОВ  
ПОСРЕДСТВОМ СВОБОДНЫХ ЭКОНОМИЧЕСКИХ ЗОН**

Akhmadaliev Azamjon Abdolvakhidovich,  
Namangan Institute of Engineering and Technology  
independent researcher

**EXPERIENCES OF DEVELOPMENT OF REGIONAL FINANCE IN  
FOREIGN COUNTRIES THROUGH FREE ECONOMIC ZONES**

**Аннотация.** Мақолада ҳудудлар молиясини шакллантириши ва бошқаришида давлатнинг эркин иқтисодий зоналарни ривожлантириши сиёсати вазифалари самарали ижросининг аҳамияти, вазифалари, омиллари ва ҳозирги замон муаммоларига оид хориж тажрибаларини ёритишига ҳаракат қилинган. Ҳудуд молиявий имкониятларини эркин иқтисодий зоналар фаоллигини таъминлаш асосида ривожлантиришига оид жаҳон амалиёти ва мазкур механизмга хос замонавий трендлар тажрибаларини ўзлаштириши асосида унинг самарали восита ва усулларини қўллаш хусусиятлари ва вазифалари баён этилган.

**Таянч сўзлар:** ҳудуд иқтисодиёти, ҳудуд иқтисодиётининг барқарор ривожланиши омиллари, ҳудуд молиявий имконияти, махсус иқтисодий зоналар, эркин иқтисодий зоналар, эркин иқтисодий зоналар фаоллиги, ҳудудлар молиявий имкониятларини ривожлантириши омиллари.

**Аннотация.** В статье сделана попытка осветить актуальные проблемы формирования и управления финансами регионов на основе современного зарубежного опыта, значение, задачи, факторы эффективного выполнения государством задач политики развития свободных экономических зон. Изложены особенности и задачи применения эффективных средств и методов развития финансового потенциала регионов на основе освоения мировой практики развития на основе обеспечения деятельности свободных экономических зон и опыта современных тенденций, характерных для данного механизма.

**Ключевые слова:** экономика регионов, факторы устойчивого развития регионов, финансовые возможности регионов, специализированные экономические зоны, свободные экономические зоны, деятельность свободных экономических зон, факторы развития финансовых возможностей регионов.

**Annotation.** The article tried to highlight the importance, tasks, factors and contemporary problems of the effective implementation of the tasks of the state's free economic zone development policy in the formation and management of regional finance. The features and tasks of using its effective tools and methods are described based on the world practice of developing the financial potential of the region on the basis of ensuring the activity of free economic zones and learning the experiences of modern trends specific to this mechanism.

**Keywords:** economy of the region, factors of sustainable development of the economy of the region, financial potential of the region, special economic zones, free economic zones, activity of free economic zones, factors of development of financial potential of regions.

### Кириш

Жаҳонда махсус иқтисодий зоналарни ташкил қилиш, уларнинг самарадорлигини ошириш, инвестицияларни кенг жалб қилиш устувор йўналишга айланмоқда. Халқаро ташкилотлар маълумотларига кўра “дунёда 3,5 мингдан зиёд махсус иқтисодий зоналар бўлиб, улар 140 мамлакатда жойлашган. Бутун дунёдаги эркин иқтисодий зоналарда 70 миллионга яқин инсонлар меҳнат қилади” [1]. Ҳозирда ва келажакда махсус иқтисодий зоналар мамлакат инвестицион салоҳиятини ошириш, янги инновацион технологияларни қўллаш, илгор менежмент тизимига ўтиш орқали мазкур ҳудуд молиявий имкониятларини оширишнинг ўзига хос шакли бўлиб қолади.

Жаҳонда махсус иқтисодий зоналар минтақа иқтисодиётининг барқарор ривожланиш омилига айлангани сабабли уларни оптимал жойлаштириш ва самарали бошқаришга йўналтирилган илмий изланишларга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу борада махсус иқтисодий зоналарнинг ҳудудлар молиясини самарали бошқаришдаги ролини ошириш, ҳудуд молиявий имкониятларини оширишда инвестицияларни мақсадли жалб этиш, экспорт салоҳиятини ошириш, келажакда минтақа иқтисодиётига таъсирини баҳолаш услубиётини такомиллаштириш

бўйича тадқиқотларга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Бугунги кунда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 25 октябрдаги “Махсус иқтисодий зоналар ва кичик саноат зоналари фаолияти самарадорлигини ошириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-3356-сон қарори [2] ва Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 17 февралда қабул қилинган “Махсус иқтисодий зоналар тўғрисида”ги қонуни [3] талабларига мувофиқ, ҳозирда республикада 22 та махсус иқтисодий зона тоифасига кирувчи эркин иқтисодий зоналар ҳамда 400 дан ортиқ кичик саноат зоналари фаолият олиб бормоқда.

Янги Ўзбекистонни барпо этиш жараёнида минтақаларни ижтимоий-иқтисодий тараққиётини таъминлаш, жумладан, саноат тармоқларини ривожлантириш ва маҳаллий минерал-ҳом ашё ресурслар негизида юқори қўшимча қийматли маҳсулотлар ишлаб чиқаришни йўлга қўйишга алоҳида эътибор берилмоқда. “Биз иқтисодиётимизга сармоя киритишга интиладиган инвесторлар учун ҳудудлар ва тармоқлар бўйича инвестиция лойиҳаларини пухта шакллантира олсак, бу масалада ижобий натижага эришиш мумкин. Бу борада махсус иқтисодий зоналарда бизнес субъектларини жойлаштириш,

уларга имтиёз ва преференциялар беришни ташкилий ва ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солиш лозим” [4]. Бундан келиб чиққан ҳолда, жумладан, махсус иқтисодий зоналар фаолияти самарадорлигини ошириш, рақобатдош маҳсулотлар ишлаб чиқаришни рағбатлантириш, янги иш ўринлари яратиш асосида ҳудуд молиявий имкониятларини эркин иқтисодий зоналар фаоллигини таъминлаш асосида ривожлантиришга йўналтирилган тадқиқотларни кенг йўлга қўйиш мақсадга мувофиқ.

Иқтисодий ўсишни таъминлаш учун 2030 йилгача капитал қўйилмалар ҳажмларини – 3,1 баравар, тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни – 7,0 баравар кўпайтириш талаб этилади. Бунда минтақаларнинг моддий-техник ва молиявий базасини мустаҳкамлаш, сермаҳсул иш ўринлари ташкил этилишини ва маҳаллий аҳоли даромадларининг ошишини таъминлайдиган инфратузилмавий, ишлаб чиқариш ва ижтимоий лойиҳаларни амалга ошириш учун маҳаллий ресурслар ва имкониятларни жадал сафарбар қилиш йўли билан минтақавий омилдан самарали фойдаланишга ургу берилади. Бунда саноат ишлаб чиқаришларини самарали ривожлантириш ва жойлаштириш ҳамда хусусий ҳамда хорижий инвестицияларни жалб этиш учун иқтисодий ва ихтисослаштирилган зоналар, тармоқ кластерлари, кичик саноат зоналари, инновацион марказлар, технопаркларнинг афзалликлари ва устунлигидан фойдаланишга алоҳида аҳамият берилади [5].

#### Мавзуга оид адабиётлар шарҳи

Иқтисодий адабиётда ва муаллифларнинг илмий чиқишларида махсус иқтисодий зоналар мазмуни сифатида турли тушунчалар талқин қилинмоқда.

Хорижлик иқтисодчилар Kolko J., Neumark D.лар таъкидлашларича, “махсус иқтисодий зоналар – давлат аралашувини чеклаш, алоҳида имтиёзлар ва корпоратив

преференциялардан фойдаланиш имконини берувчи, янги иш ўринларини яратувчи тадбиркорликдир” [6].

Хитойлик иқтисодчи ГоШухун фикрича, “Махсус иқтисодий зона – маҳаллий ижтимоий-иқтисодий тизим ҳисобланмиш зона бўлиб, у ўзининг алоҳида, локал ва нисбатан алоҳида бошқариш тизимига эга бўлиши лозим, яъни тегишли вазирликлар ва марказий ҳукумат юрисдикциясидан мустақил фаолият юритади” [7].

МДХ муаллифларидан Свинцова К.С. таъкидича, “Махсус иқтисодий зоналар – тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишнинг махсус режимини таъминлайдиган ҳуқуқий воситалар ва усуллар тўплами”дир [8].

Гасумянова А.В. фикрича, “Махсус иқтисодий зоналар – “иқтисодий фаолиятни олиб бориш учун махсус режим доирасида тартибга солувчи, ташкилий, ҳуқуқий ва шартномавий-ҳуқуқий асосларнинг мажмуи”дир” [9].

Шундай қилиб, ҳозирги вақтда махсус иқтисодий зоналарнинг моҳияти тўғрисида мавжуд бўлган қарашларни таҳлил қилиш асосида янги тадқиқ ёндашувини жорий этиш лозим. Ушбу ёндашув асосига махсус иқтисодий зоналарни ўрганиш предмети ва методини аниқ ифодалаш ва илмий асослаш қўйилиши лозим:

“Махсус иқтисодий зона – ишлаб чиқариш фаолиятини амалга ошириш учун мўлжалланган, аҳоли пункти ҳудудининг ёки аҳоли пунктлариаро ҳудуднинг қонун ҳужжатлари билан муайян мақом берилган ҳамда ҳудуди доирасида хизмат кўрсатувчи институционал инфратузилмага эга бўлган ишлаб чиқариш майдонлари жойлашадиган ва чегаралари аниқ белгиланган қисми бўлиб, унинг ҳудудида иқтисодий муносабатларни тартибга солувчи махсус ҳуқуқий ва маъмурий режим мавжуд”.

Айрим иқтисодчилар “ҳудудий молиявий имконият” тушунчаси билан “маҳаллий молиявий имконият” тушунчасини бир томондан, “молиявий ресурслар” ва

“молиявий имкониятлар” тушунчаларини иккинчи томондан бир хил маънода талқин этмоқдалар[10-12].

Иккинчи гуруҳ иқтисодчилар ҳудудларнинг молиявий имконияти таркибида юридик шахслар, аҳоли ва давлатнинг молиявий ресурсларини ажратиб кўрсатганлар[13-14].

Ҳудуд молиявий имкониятини баҳолашнинг ўзига хос услубиёти тўлиқ ўрганилмаган. Шу сабабли бюджет амалиёти учун аниқ тавсия ва йўриқномалар мавжуд эмас.

Бизнинг фикримизча, молиявий имкониятни ҳудудларга нисбатан талқин этилганда, унинг доирасини маҳаллий бюджет даромадлари базаси билангина чеклаб қўймасдан, балки ҳудуд молиявий ресурсларининг бошқа элементларини ҳам, шу билан бирга, ҳудудга қўшимча жалб қилиниши мумкин бўлган маблағларни ҳам қамраб олиши лозим.

#### **Тадқиқот методологияси**

Мақолада мамлакатларда ҳудудлар молиясини эркин иқтисодий зоналар воситасида ривожлантириш тажрибалари ривожланган хориж давлатлари тажрибаларидан фойдаланиш зарурлиги ва аҳамияти, ҳозирги замон хусусиятлари ҳамда муаммоларини тадқиқ этишда диалектик ёндашув, гуруҳлаштириш, таққослаш, тизимли ва қиёсий таҳлил, анализ-синтез ва бошқа усуллардан фойдаланилган.

#### **Натижа ва муҳокама**

Ҳозирги глобаллашган даврда ҳар бир давлат ўз олдига улкан мақсадларни қўйиши аниқ, лекин бу мақсадлар инвестицияларсиз ташкил этилиши қийин. Шу инвестицияларнинг мажозий маънода ўчоғи – эркин иқтисодий зоналар ҳисобланади. Бугунги кунда дунёнинг 150 дан ортиқ давлатида ташкил этилган эркин иқтисодий зоналар мамлакатлар ва минтақалар тараққиёти учун хизмат қилиб

келмоқда. Ўзбекистонда ҳам қарийб, 14 йиллик тажриба мавжуд. Бу жараён албатта Ўзбекистон учун ривожланган ва ривожланаётган давлатлар тажрибасини ўрганишни талаб қилади. Ҳамма давлатларда ҳам эркин иқтисодий зоналар яратиш ишлари илмий асосда, пухта ўйланган эркин иқтисодий зоналар сиёсати орқали ташкил этилган, деб бўлмайди. Биз бу борада катта тажрибага эга бўлган айрим давлатлардаги зоналарда олиб борилган ишларни таҳлил қилмоқчимиз. Бу борада катта тажрибага эга давлатлар анчагина, аммо қайси давлатнинг тажрибасига эътиборни қаратишда икки нарсани ҳисобга олдик: биринчидан, эркин иқтисодий зоналар сиёсати борасида ўзига хос ўрни бор ва иккинчидан, тажрибасини Ўзбекистонда қўллаш учун аҳамияти муҳимроқ давлатлар танланди.

Ўзбекистонда эркин иқтисодий зоналарни яратишда энг асосий мезонлар сифатида қуйидагиларни айтиш мумкин:

– зонани ташқи иқтисодий алоқаларга тўғридан-тўғри ва кам харажат билан чиқишини таъминлай оладиган қулай географик муҳитда жойлаштириш;

– ички ва ташқи бозорларга, биринчи навбатда, зона ихтисослигига мўлжалланган бозорларга чиқиш имконини берувчи транспорт ва бошқа коммуникациялар бор жойда жойлаштириш;

– рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқаришга қобил бўлган, ички ва ташқи бозорларда талабга эга бўлган, шу маҳсулот бўйича ўртача ишлаб чиқариш харажатларидан камроқ харажатларда ишлаб чиқариш имконини берувчи турли хил ресурсларнинг мавжудлигини ҳисобга олиш;

– ўша жойда мавжуд ёки қулай шароитда бошқа минтақалар, ёхуд хориждан жалб қилиш, жойларда уларни тайёрлаш имкони бўлган малакали кадрлар мавжудлигини ҳисобга олиш;

– ишлаб чиқариш, ижтимоий, бозор инфратузилмалари мавжудлиги, қисқа муддатда ва юқори самарали даражада маҳаллий, миллий ва хорижий ресурслар ҳисобидан ярата олиш имконининг мавжудлиги;



– ташки бозор билан мустаҳкам ишчан алоқаларнинг мавжудлиги ёки уларни зона фаолияти йўналишлари талаб қиладиган даражада самарали ўрнатиш ва ривожланиш имкониятининг мавжудлиги;

– маҳаллий аҳоли томонидан зона яратиш ғоясининг қўллаб-қувватланиши, зонани яратиш, ривожлантириш ишига тайёрлиги, фаол қатнаша олиш имконияти ва хоҳиши борлиги.

Махсус иқтисодий зоналар мамлакат, ҳудуд саноатига, ишлаб чиқариш фаолиятига инвестицияларни жалб этиш орқали ҳудуд молиявий имкониятларини оширишда муҳим роль ўйнайди. Мазкур ҳудудлар молиясини янада такомиллаштириш, уларнинг инвестицион фаоллигини янада ошириш юзасидан Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 14 февралдаги “Махсус иқтисодий зоналар тўғрисида”ги қонуни қуйидаги чора-тадбирларни ўз ичига олган дастурга мувофиқ, мазкур

ҳудудларнинг молиясини яхшилашни назарада тутати:

– ишлаб чиқариш инфратузилмасини яратиш ва ривожлантириб боришни;

– муҳандислик-коммуникация ва йўл-транспорт инфратузилмасини ривожлантириш дастурларини давлат инвестиция дастурларига киритиш орқали уларнинг молиявий таъминотини яхшилашни;

– махсус иқтисодий зонанинг фаолият бўйича ва соҳавий ихтисослашувига мувофиқ, чет эл инвестицияларини ҳамда маҳаллий инвестицияларни жалб этиш чора-тадбирлари комплексини ишлаб чиқишни.

Махсус иқтисодий зоналар капитал ҳаракатланишини имтиёзли шароитлари самарасида хорижий инвестицияларни жалб қилишни фаоллашуви, мамлакатнинг айрим иқтисодий минтақаларига ишлаб чиқариш ресурслари оқимининг қучайишига ижобий таъсир кўрсатади.

*1-жадвал*

**Жаҳондаги эркин иқтисодий зоналарнинг намунали турлари ва улардаги имтиёзлар тизими орқали ҳудудлар молиясини мустаҳкамлаш тадбирлари<sup>1</sup>**

Давлатлар	Эркин иқтисодий зона турлари	Намунали зоналарнинг номи	Бошқа давлатлар эркин иқтисодий зоналаридан алоҳида ажралиб турувчи берилган имтиёзлар
Америка Қўшма Штатлари	Эркин савдо зоналари	“Силикон водийси”	Импорт қилинган компонентларга солиқларни камайтириш
	Эркин тадбиркорлик зоналари		Солиқ имтиёзлари ва соддалаштирилган ҳисобот
	Технология парклари		Имтиёзли кредит бериш тизими ва ижара ҳақидан чегирмалар
Япония	Технополислар	“Сакаимина-то”	Тезлаштирилган амортизация
Ирландия	Мажмуавий зона	“Шеннон”	Ижара ҳақи ва солиқ имтиёзлари
Хитой	Махсус иқтисодий зона	“Шэньчжэнь”	Божхона ва солиқ имтиёзлари, даромад солиғи ставкаси 10%, ижара ва ер солиғи бўйича имтиёзлар (ҳар бир км <sup>2</sup> 15–20 \$)

<sup>1</sup> Лешина И.Е. Развитие особых-экономических зон при обеспечении экономической безопасности. Дисс. автореф. ф.н. Москва. 2007. 24-б. – 14 бети асосида муаллиф томонидан тузилди.

Бразилия	Эркин ишлаб чиқариш зонаси	“Манаус”	ер солиғини тўлашдан озод қилиш, машина ва ускуналар импортига солиқлар, бож имтиёзлари, мажбурий шарт – маҳаллий хом ашёдан фойдаланиш
Бирлашган Араб Амирлиги	Эркин савдо зонаси	“Джабел-Али”	Даромад солиғидан ва бошқа солиқлардан 15 йилга озод қилиш
Жанубий Корея	Агрополислар	“Масан”	Ижара ҳақи ва солиқ имтиёзлари
Россия	Эркин божхона зонаси	“Гавань”	Бож тўлови васолиқ имтиёзлари
	Илмий-тадқиқот зона	“Находка”	Барча солиқлар

2–жадвал

**Худудлар молиясини эркин иқтисодий зоналарни ташкил этиш орқали мустаҳкамлаш, давлат тадбирларига оид хориж тажрибаси<sup>2</sup>**

Давлатлар номи	Эркин иқтисодий зоналарни ташкил этиш натижасида ечиладиган муаммо	Эркин иқтисодий зоналарни ташкил этиш хусусияти	Кутилган натижа
Корея	Минтақалар иқтисодиётида фақат экспорт учун ишлайдиган корхоналар сонини кўпайтириш	Фақат юкори технологик тармоқларни ривожлантиришни рағбатлантирувчи солиқ солиш тизими киритилган	Замонавий менежмент ва бизнес аҳлоқи кириб келиши
Хитой	Минтақаларнинг ички салоҳиятига таяниб асосий эътиборни ташқи бозорга йўналтирилган иқтисодиётни куриш, саноат, савдо ва қишлоқ хўжалиги интеграцияси	ЭИЗлардаги маҳаллий ҳукуматларнинг қўшма корхоналар учун маҳаллий бюджетга алоқадор бўлган солиқлар бўйича қўшимча имтиёзлар бериш	Иқтисодий қолоқ туманларни ривожлантиришга эришилди
Россия	Давлат аҳамиятидаги муҳим вазифаларни ҳал қилувчи илмий техник тадқиқотларни амалга ошириш, ишлаб чиқаришни инновацион ривожлантириш	Аҳоли яшайдиган жой сифатида минтақалардаги йирик илмий тадқиқот ва илмий ишлаб чиқариш комплекслари атрофида илмий-техник йўналишнинг давлат аҳамиятидаги муҳим вазифаларни ҳал қилувчи илм шаҳарчалари ташкил бўлиши	Минтақаларда фанни олдинга суришга қаратилган илм шаҳарчалари ташкил қилинди

<sup>2</sup> Муаллиф томонидан тайёрланди.



Польша	Минтақаларда юқори брендга эга бўлган ишлаб чиқаришларни жойлаштириш асосида саноатни ривожлантириш	Хорижга фойдани чекламаган микдорда кўчириш имконияти яратилиши ва қатор солиқ имтиёзлари, божсиз тартибнинг жорий қилиниши	Минтақаларига дунёнинг энг йирик фирмалари жалб этилди
АҚШ	Иқтисодий ривожланиш келажаги паст ва ишсизлик даражаси юқори бўлган худудларнинг иқтисодий фаоллигини ошириш ва бандлик даражасини яхшилаш	Уч турдаги ЭИЗлар: тадбиркорлик, ташқи савдо ва техник-тадқиқот зоналари ташкил этилиши	Минтақаларда экспорт ҳажми, бандлик даражасининг ошишига эришилди
Германия	Минтақалар ишлаб чиқариш салоҳиятидан интеграция асосида кенг фойдаланиш	Кластер тизими ва оилавий корхоналарни қўллаб-қувватлаш ва уларга узок муддатли кредит бериш	Эркин иқтисодий зоналар жойлашган минтақада йирик инновацион ишлаб чиқариш комплекслари пайдо бўлди
Япония	Худудлар ва алоҳида тармоқлар манфаатларини мувофиқлаштириш, табиий ресурсларнинг худудда камлиги, ички ресурслардан фойдаланиш, замонавий технологияни жалб қилиш асосида маҳаллий ҳаётни фаоллаштириш	Миллий масштабда минтақаларни ривожлантиришни режалаштиришнинг ўзига хос усули – алоҳида вазирликларнинг қўшма тадбиркорликни турли усуллари бўлган зоналарни ривожлантириш, импортга қўмаклашувчи эркин иқтисодий зоналар, ресурсни тежовчи эркин иқтисодий зоналар	Минтақалардаги эркин иқтисодий зоналар хорижга инновацион технологияларни экспорт қилиш имконини берди

Ушбу таҳлилий жадвалдан биз мамлакатимизда ташкил этилаётган эркин иқтисодий зоналар учун қайси давлатдан қандай тажриба ажратиб олиб ўрганилиши ва уни ўзимизда қўллаш мумкинлиги ҳақидаги саволга жавоб олиш мумкин. Масалан, Япониядан минтақаларни ривожлантиришни режалаштиришнинг ўзига хос усулини, технополислар яратиш тажрибасини, Германиядан кластер тизими асосида саноат, савдо ва қишлоқ хўжалиги

интеграциясини таъминлайдиган эркин иқтисодий зоналар яратиш тажрибасини, АҚШдан иқтисодий фаолликни оширишни таъминлайдиган тадбиркорлик зоналари, АҚШ ва Россия федерациясидан илм шаҳарчаси (наукоград) бунёд этиш жараёнлари каби ижобий тажрибаларни, жаҳон ЭИЗларида амалда қўлланилаётган инвестицияларни самарали жалб қилишга қўмаклашадиган солиқ, божхона ва бошқа имтиёзлар тизимини, замонавий менежмент

ва бизнес ахлоқини чуқур таҳлил қилиш асосида Ўзбекистон минтақалари салоҳияти ва шароитларидан келиб чиқиб фойдаланиш мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблаймиз.

Жаҳон тажрибаси шуни кўрсатадики, эркин иқтисодий зоналар яратишдаги дастлабки мақсад ва вазифалар кўпинча мамлакатдаги ривожланиш натижалари билан мос келмайди. Эркин иқтисодий зоналар фаолияти давонида, кўпинча дастлабки лойиҳалардан куйидаги сабабларга кўра воз кечилади:

– иқтисодий зоналардаги мавжуд ривожланиш динамикаси;

– давлат органлари томонидан хорижий инвестицияларга нисбатан назоратнинг йўқлиги ёки назоратнинг ҳаддан ташқари кучайтирилиши;

– эркин иқтисодий зоналардаги миллий ва хорижий компаниялар ўртасидаги ўзаро алоқанинг сустлиги;

– маҳаллий маҳсулотлардан фойдаланиш даражасининг пастлиги;

– минтақалардаги кадрлар илмсизлиги оқибатлари.

### Хулоса

1. Махсус иқтисодий зона(МИЗ) ларнинг ҳудуд молиявий имкониятларини оширишдаги иштирокининг инновацион ривожланиши ва унга баҳо беришда инсон капиталининг ҳолати, МИЗдаги мавжуд техник-технологик ишланмалар, ихтиролар сони, уларнинг аҳоли сонига нисбати бўйича кўрсаткичларни таҳлил қилиш долзарб масалалардан ҳисобланади. Бу борада МИЗнинг ривожланганлик даражасига баҳо бериш бўйича хорижий давлатларнинг

илғор илмий-услубий тажрибаларини Ўзбекистон шароитига мослаштириш ва амалий тавсияларни ишлаб чиқиш соҳа тадқиқотчиларининг асосий вазифаларидан биридир.

2. Мамлакатимиз иқтисодиётида амалга оширилаётган фаол инновацион-инвестицион ислохотлар, ҳудудлар ижтимоий-иқтисодий тараққиётини таъминлашда, ҳудудларнинг бозор имкониятларидан мақсадали фойдаланиш жараёнини тизимли тартибда ташкил этиш муаммосини долзарб аҳамиятга эга эканлиги акс этади. Ҳудудий салоҳиятдан самарали фойдаланиш жараёни ишлаб чиқариш кучларини ривожлантириш ва жойлаштириш ўзига хос қонуниятлар асосида ташкил этилади. Уларнинг ичида минтақаларни мажмуали ривожлантириш, оқилона меҳнат тақсимотини амалга ошириш ва ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожланишини тенглаштириб бориш, ҳудудда ҳўжалик тармоқлари ҳамда соҳаларини мутаносиб ривожланишини ва оқилона ихтисослашувини таъминлашни талаб этади. Бу эса ҳудудларни комплекс ва мутаносиб тарзда ривожлантиришни таъминлаш, мавжуд табиий хом ашё, ишлаб чиқариш ва меҳнат салоҳиятидан оқилона фойдаланиш, ишлаб чиқариш кучларини оптимал жойлаштириш ҳамда аҳолининг турмуш даражаси ва сифатини изчил ошириб боришга самарали таъсир кўрсатиш имкониятларини шакллантириш заруриятини юзага келтиради. Бу борадаги қатор устуворликларнинг асосий жиҳатлари кичик саноат зоналари фаолиятида яққол намоён бўлади.

### ҲОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 25 октябрдаги “Махсус иқтисодий зоналар ва кичик саноат зоналари фаолияти самарадорлигини ошириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-3356-сон қарори. [www.lex.uz](http://www.lex.uz)
2. Халқаро валюта жамғармаси ва Жаҳон банкининг баъзи мамлакатлар учун иқтисодий ўсиш прогнозлари: <http://www.uzdaily.uz/post/1637>

3. Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 17 февралда қабул қилинган “Махсус иқтисодий зоналар тўғрисида”ги қонуни. - [www.lex.uz](http://www.lex.uz)
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Олий Мажлисга мурожаатномаси.– Тошкент, 2018 йил 28 декабрь.– [www.lex.uz](http://www.lex.uz)
5. 2030 йилгача Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш Концепцияси. – [www.lex.uz](http://www.lex.uz)
6. Kolko J., Neumark D. Do Some Enterprise Zone Create Jobs? // NBER Working Paper. 2019. No.15206. [Электронный ресурс]. URL: [www.nber.org/papers/w15206](http://www.nber.org/papers/w15206)
7. ГоШухун. Свободные экономические зоны как эффективная форма развития экономики: на примере КНР: Дис...канд. экон.наук. Хабаровск, 2019.С.143.
8. Свинцова К.С. Административно-правовой режим особых экономических зон: Автореф. дис.. канд. юрид. наук. Воронеж, 2018. С. 23.
9. Гасмянова А.В. Правовой режим предпринимательства в особых экономических зонах РФ: Автореф. дис. канд. юрид. наук. СПб., 2012. С. 8.
10. Зарипова И.Р., Хафизова В.Р. Баланс финансовых ресурсов территорий. 5-изд. Уфа: ГП Принт, 2014, с.86-90
11. Верховаз М.А. Влияние степени использования экономического потенциала на состояние местных бюджетов. 6-изд. Белград: Искра, 2015, с.24-26
12. Сабитова Н.М. О понятии финансового потенциала региона и методологии его оценки // Финансы, 2016, №2, с.63-65.
13. Коломнец А.Л., Новикова А.И. О соотношении финансового и налогового потенциалов в региональном разрезе. //Налоговый Вестник, 2018, №3, с.-5;
14. Королева Н.В. Бюджетно-налоговая политика – как проявление экономической политики. Региональный аспект: 6-изд. Сыктывкар: Изд. Сыктывкарского Гос. Университета, 2014, с. 101-106.
15. Jamalov Kh.N., Abdullayev A.B, (2021). Development Of The Methodology Of Accounting Expertise Of Tax Obligations. The American Journal of Management and Economics Innovations, 3(05), 151-163.
16. Каримкулов Ж.И., Умирзоков Ж.А., Абдуқаҳҳоров Б.Ў. Махсус иқтисодий зоналар орқали инвестицияларни жалб этиш йўналишлари// INTERNATIONAL SCIENTIFIC JOURNAL VOLUME 1 ISSUE 7 UIF-2022: 8.2 | ISSN: 2181-3337. 506–513-6.

УЎТ 336.146

Эшназаров Суннат Тўлкинович,  
Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти  
мустақил изланувчиси  
e-mail: [sunnat.eshnazarov@inbox.ru](mailto:sunnat.eshnazarov@inbox.ru)

## ДАВЛАТ БЮДЖЕТ НАЗОРАТИ ТИЗИМИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЙЎНАЛИШЛАРИ

Эшназаров Суннат Тулкинович,  
Ташкентский институт текстильной и легкой  
промышленности, самостоятельный соискатель  
e-mail: [sunnat.eshnazarov@inbox.ru](mailto:sunnat.eshnazarov@inbox.ru)

## НАПРАВЛЕНИЯ РАЗВИТИЯ СИСТЕМЫ ГОСУДАРСТВЕННОГО БЮДЖЕТНОГО КОНТРОЛЯ

Eshnazarov Sunnat Tulkinovich,  
Tashkent institute textile and light industry, independent applicant  
e-mail: [sunnat.eshnazarov@inbox.ru](mailto:sunnat.eshnazarov@inbox.ru)

## DIRECTIONS OF DEVELOPMENT OF THE SYSTEM OF STATE BUDGET CONTROL

**Аннотация.** Ушбу мақолада Ўзбекистонда давлат бюджет назорати тизимида амалга оширилаётган ислохотлар ва тизимнинг камчиликлари, уни ривожлантириш масалалари баён этилган. Бунда асосий эътибор бюджет назоратининг меъёрий-ҳуқуқий асосларига, истиқболли йўналишлари ҳамда уни такомиллаштириш зарурияти, услубий таъминотининг ўзига хос хусусиятларига қаратилган. Шунингдек, давлат бюджети назорати тизимида бошқарув органларининг ваколатлари, уларнинг ўзаро ҳамкорлик дилеммаси хусусида ҳам сўз юритилади.

**Таянч сўзлар:** аудит, давлат бюджети назорати, ички назорат, мониторинг, самарадорлик, тафтиш, ўрганиш.

**Аннотация.** В статье описаны реформы, осуществленные в системе контроля государственного бюджета в Узбекистане, недостатки системы и вопросы ее развития. При этом, основное внимание сосредоточено на нормативно-правовых основах бюджетного контроля, перспективных направлениях и необходимости его совершенствования, особенностях его методологического обеспечения. Также обсуждаются полномочия органов управления в системе государственного бюджетного контроля, дилемма их взаимного сотрудничества.

**Ключевые слова:** аудит, государственный бюджетный контроль, внутренний контроль, мониторинг, эффективность, аудит, изучение.

**Annotation.** *This article describes the reforms implemented in the system of state budget control in Uzbekistan, the shortcomings of the system and issues of its development. At the same time, the main attention is focused on the legal framework of budgetary control, promising areas and the need for its improvement, the features of its methodological support. The powers of the governing bodies in the system of state budgetary control, the dilemma of their mutual cooperation are also discussed.*

**Key words:** *audit, state budget control, internal control, monitoring, efficiency, audit, study*

### Кириш

Сўнги йилларда мамлакатимиз давлат молия тизимида кенг камровли ислохотлар олиб борилмоқда. Мамлакат иқтисодиётини барқарор ривожлантиришда давлат бюджетининг аҳамияти муҳим ҳисобланади. Шунинг учун ҳам, давлат молиясини бошқариш ислохотлари стратегиясининг якуний мақсади – Ўзбекистон Республикаси Давлат молиясини бошқариш тизими устидан назоратни яхшилаш ҳисобланади. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 29 январь 2022 йилда қабул қилган “2022 – 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги ПФ-60-сонли Фармони билан тасдиқланган давлат дастурида ҳам давлат бюджети харажатлари самарадорлигини янада ошириш ва давлат молиявий назорати органлари фаолиятини такомиллаштириш алоҳида қайд этилган [2]. Ушбу ислохотлар давлат молияси, жумладан, давлат бюджети назорати тизимини самарали шакллантириш ва уни ривожлантириб бориш, давлат бюджети тизимида бюджет маблағларини сарфланиши мақсадлилиги ва самарадорлигини ошириш билан бир қаторда, унинг назорат қилинишини такомиллаштиришни ҳам назарда тутди.

Ўз навбатида, давлат молиявий назоратини такомиллаштириш мақсадида ушбу ислохотлар жараёнида Ўзбекистон

Республикасининг 2019 йил 1 июлда қабул қилинган ЎРҚ-546-сон “Ўзбекистон Республикасининг Ҳисоб палатаси тўғрисида”ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 27 августдаги “Давлат молиявий назорати тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-6300-сонли Фармони, 2022 йил 14 февралдаги “Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети харажатларининг самарадорлигини янада ошириш ва давлат молиявий назорати органлари фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида”ги ПҚ-128-сонли қарорлари қабул қилинди.

Шу билан бирга, сўнги йилларда мамлакат иқтисодиётининг барқарор ўсиши билан бирга, давлат бюджетининг миқдори ошиб, сифат жиҳатидан ривожланиб бормоқда. Миқдор жиҳатидан ўсишни бюджетнинг даромадлари ва харажатларининг кўпайишида кўришимиз мумкин. Жумладан, 2020 йилда Ялпи ички маҳсулот (ЯИМ) 2015 йилга нисбатан 3 баробардан, 2021 йил эса, тўрт баробардан ошган бўлса, давлат бюджети даромадлари (мақсадли жамғармаларсиз) 2020 йилда уч ярим баробардан, 2021 йилда эса тўрт баробардан, бюджет харажатлари (мақсадли жамғармаларсиз) 2020 йилда қарийб тўрт баробар, 2021 йил эса беш баробардан ошган.<sup>1</sup>

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Статистика қўмитаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан ҳисобланган.

Шу билан бирга, давлат бюджети сифатининг ошишини эса, дунё тажрибасидан келиб чиқиб, давлат бюджети 2020 йилдан бошлаб қонун шаклида қабул қилиниши билан изоҳлаш мумкин.

Мазкур ўзгаришлар давлат бюджетини шакллантириш, тузиш ва ижро этиш сифатини ошириш билан бир қаторда давлатнинг молиявий назорат тизимини, хусусан, бюджет назоратини ҳам такомиллаштириш заруриятини келтириб чиқаради.

### **Мавзуга оид адабиётлар шархи**

Француз олими Морис Алле фикрига кўра, “Давлат тақдим этадиган хизматлар ва йиғиладиган солиқларда узвий боғлиқлик мавжуд. Бу давлат ва бизнес ўртасидаги қулай муносабатларни, шунингдек, давлатнинг қайта тақсимлаш фаолиятини катъий қонунчилик доираларини яратишни назарда тутди” [3]. Рус олими Д.О.Лебедев фикрига кўра эса, “Бюджет даромадлари – давлат даромадларига қараганда тор тушунча бўлиб, улар бюджетдан ташқари мақсадли жамғармаларнинг бюджет тизими бюджетларининг даромадларини ҳам ўз ичига олади” [4].

Худди шундай Тернополь давлат иқтисодиёт университети доценти В.И.Стоян ўз мақоласида таъкидлайдики, “Ҳазначилик органлари бюджетнинг даромадлар қисмини касса ижроси жараёнида иштирок этиши, маъмурий-худудий кесимда бюджетлар ресурсларини ҳам умумий, ҳам даромадларнинг алоҳида турлари бўйича миқдорини имкон қадар тўғри аниқлашни мақсад қилади. Тегишли бюджетлар бўйича ресурс базаси ҳажми тўғрисидаги маълумотлар, бюджет маблағларининг ҳаракати ва уларни ҳисобга олиш тафсилотларининг мавжудлиги давлат ижро ҳокимияти ва

маҳаллий ўз-ўзини бошқариш органларига ресурсларни стратегик ва оператив бошқариш имконини беради” [5].

Бизнинг фикримизча, давлат бюджети назорати давлат молиявий назоратнинг таркибий қисми ҳисобланади ва унинг натижаси кўпроқ бюджет маблағларининг мақсадли, манзилли сарфланиши ва унинг ортиқча ҳамда ноқонуний сарфланишига йўл қўймаслик билан баҳоланади.

### **Тадқиқот методологияси**

Ушбу мақолани ёритишда тадқиқот ишларида кенг фойдаланиладиган илмий абстракциялаш усулидан, молиявий мажбуриятларни таҳлил қилишда кўрсаткичларни йиллар кесимида гуруҳлаш, ўзгариш даражаларини ва динамикасини баҳолашда турли даврлардаги маълумотларни қиёслаш, давлат молия назрати тизимидаги ўзгаришларни ўрганишда кузатиш, эмперик таҳлил ва бошқа услублардан фойдаланилди.

### **Натижа ва муҳокама**

Бугунги кунда бюджет маблағларини сарфланишида қонун бузилишлари, камомад ва ўзлаштиришлар, ортиқча тўлов ва мақсадсиз харажатларнинг салмоғи ошиб бормоқда. Бу ҳолатларнинг камаймаётганлиги бюджет назорати тизимини ривожлантириш бюджет тизими ислохотлари жараёнидан ортида қолаётганлигидан далолат беради. Бюджет назорати натижадорлигини ошириш учун давлат бюджет тизими ва давлат бюджет назорати тизимини ислох қилиш жараёнларини уйғунлаштириш талаб этилади.

Давлат бюджет назоратининг асосий вазифаси давлат молиявий ресурсларидан самарали фойдаланишга кўмаклашиш, бюджет маблағларидан фойдаланишнинг қонунийлиги, мақсадлилиги, тўлиқлиги,



ўз вақтидалиги ва самарасини назорат қилишдан иборат.

Ушбу мантикка асосан, тадқиқот ишимизда республика бюджетининг 2013–2021 йиллардаги ижросида харажатларни қонуний сарфланганлиги ва мақсадлилигини кўриб чиқамиз.

1-жадвал

**2013–2021 йилларда юридик ва молиявий мажбуриятларда олди олинган ва режадан ортиқча маблағлар таҳлили<sup>2</sup>**

	2013	2015	2016	2017	2018	2019	2020	2021
<b>Юридик мажбуриятлар</b>								
Қайтарилган шартномалар:								
сони (минг)	143	103,8	100	439	443	472	364	435
миқдори (млрд. сўм)	2397	2400		9302	25030	28556	46943	44184,0
Олди олинган мақсадсиз ва режадан ортиқча харажатлар: (млрд. сўм)	396	504,6	500	543	1475	2408	6414	1208,0
Молиявий мажбуриятлар								
Жами олди олинган мақсадсиз ва ноўрин сарфлар: (жами млрд. сўм)	683	977	1014	4345	23091	15354	93340	90960

<sup>2</sup> Муаллиф томонидан иқтисодиёт ва молия вазирлиги маълумотлари асосида тайёрланган.

бюджет маблағлари (млрд. сўм)	556	730	741	3883	12173	10375	84232	87318
бюджетдан ташқари маблағлар (млрд. сўм)	126	246	272	462	10918	4973	9108	3642,0

Жадвалнинг таҳлиллари шуни кўрсатадики, 2013 йилда Молия вазирлиги Ғазначилиги бўлинмалари томонидан ўтказилган жорий ва дастлабки назоратда рўйхатга олинган шартномалардан 2397,0 млрд. сўмлик шартномалар бюджет ташкилотлари, муассасалар ва маблағ олувчиларга хатоларни тўғрилаш учун қайтарилган. Бунда, 396,0 млрд. сўмлик маблағларни мақсадсиз ва режадан ортиқча харажат қилинишининг олди олинган, тўлов ҳужжатлари (топшириқномалари) бўйича 683,0 млрд. сўм, шундан 556,0 млрд. сўм бюджет маблағлари ва 126,0 млрд. сўм бюджетдан ташқари маблағлар мақсадсиз ва ноўрин сарф қилинишининг олди олинган.

Иқтисодиёт ва молия вазирлигининг назорат-тафтиш бош бошқармаси томонидан ўз ваколатлари доирасида 17375 та бюджет муассасаларнинг молиявий фаолияти тафтиш ва текширишдан ўтказилганда, 14555 тасида 66,7 млрд. сўм миқдорида молиявий хатоликлар аниқланиб, унинг 13915 тасида 7,7 млрд. сўм миқдорида камомад ва ўзлаштиришлар ҳамда 51,7 млрд. сўм миқдорида қонуний харажатлар аниқланган.

Бюджет назоратининг ҳақиқий тизимини яратиш уни оптималлаштириш йўналишларини ҳисобга олган ҳолда бюджет назорати натижадорлигини оширишнинг ягона концепциясини шакллантиришни назарда тутди.

Бюджет назорати тизимининг асосий стратегик мақсадлари, ғоялари ва

ривожланиш йўналишларини белгилаш давлат бюджет назорати тизимининг ягона концепциясида ўз аксини топади.

*Биринчи* йўналиш давлат бюджет назорати тизимини меъёрий-ҳуқуқий таъминлашни такомиллаштириш бўлиб, бунда давлат молиявий назорати тўғрисидаги қонунни қабул қилиш ва амалга ошириш механизмларини ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқдир. Ушбу қонун бюджет маблағлари назорати соҳасидаги муносабатларни, бюджет назорати субъектларининг ҳуқуқ ва мажбуриятларини тартибга солади ва давлат бюджет назорати тизимининг самарадорлигини ошириш шароитларини белгилайди.

Қонун назорат соҳасида молиявий интизомга риоя қилишнинг ўзига хос олий мезони саналади. Бугунги кунда бюджет назорати соҳасидаги муносабатларни тартибга солувчи ягона қонуннинг йўқлиги меъёрий-ҳуқуқий базасининг кучсизлиги белгиси ҳисобланади. Шунинг учун, бюджет назоратининг меъёрий-ҳуқуқий базаси такомиллаштиришдан кейин тизимни қайта ташкил этиш ҳисобланади.

*Иккинчи* йўналиш давлат бюджети назорати тизимини қайта ташкил қилиш бўлиб, тизим республика ва маҳаллий бюджетлар даражасида лойиҳалаштирилиши керак.

Бугунги шаклланган давлат бюджет назорати тизими назоратнинг тўлиқлиги ва комплекслиги унинг барча босқичларида бюджет маблағлари ҳаракати ва мақсадли ўтказишни таъминламайди.

Бюджет жараёнининг дастлабки, жорий ва якуний назоратда мунтазам жараённи таъминламайдиган органларнинг функция ва ваколатлари муҳим аҳамият касб этади. Бугунги долзарб масала бюджетнинг тўлиқ

ғазна ижросини таъминлаш ва бюджет назоратида ғазначиликнинг родини ошириш саналади.

*Учинчи* йўналиш давлат бюджетининг ғазна ижросини тўлиқ такомиллаштириш ҳисобланади. Бугунги кунда бюджетнинг ғазна ижроси тизимини ташкил қилиш етарли даражада эмас.

Бюджет кодексига кўра, ғазначилик бюджет ижроси жараёнида бюджет маблағларини сарфлашда қоидабузарликларнинг олдини олиш мақсадида бюджет ижросининг дастлабки ва жорий назоратини бюджет ташкилотларининг ва бюджет маблағлари олувчиларнинг товарларни етказиб берувчилар (ишларни бажарувчилар, хизматлар кўрсатувчилар) билан давлат бюджети ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетлари маблағлари ҳисобига тузилган шартномаларини харажатлар сметаларида кўрсатилган суммалар доирасида ҳамда белгиланган мақсадларга мувофиқ тузилганлиги устидан назорат қилиш асосида мажбурий рўйхатдан ўтказиш билан амалга оширади [1].

Бюджет жараёнида дастлабки ва жорий назорат самарадорлигига эришиш бюджет тизими бюджетлари барча поғонасида бюджетнинг ғазна ижросини тўлиқ жорий қилмасдан бўлмайди. Таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, тизим томонидан дастлабки ва жорий назорат амалга оширилиши, бюджет маблағлари ижросининг назорати бўлишига қарамасдан бюджет маблағларининг самарасиз фойдаланилиши ва қўп хатокамчиликларга йўл қўйилмоқда [6].

Шунинг учун давлат бюджет назорати тизимини такомиллаштиришнинг асосий йўналишларидан бири Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузурида ягона мустақил ғазначилик тизимини жорий қилиш бўлиб, у бюджет назорати тизимини



ташкилий тузилмасини ўзгартиришсиз барча поғонадаги бюджет тизимида ғазна назоратини амалга ошириш имкониятини беради.

Бюджет ижросининг ғазна тизими қатъий жорий назоратни таъминлаб ва бюджет маблағларидан мақсадсиз фойдаланиш ҳолатларини бартараф қилиб, бир қатор афзалликларга эга. Бундай афзалликларга бюджетнинг молиявий оқимларига хизмат кўрсатишнинг автоматлаштирилган тизимидан фойдаланиш имконияти киради.

Тўртинчи йўналиш давлат бюджет назорати самарадорлигини ошириш омили сифатида ахборот технологияларини ривожлантириш ва улардан фойдаланиш ҳисобланади. Бунда назорат органлари фаолиятида автоматлаштирилган тизимлар муҳим роль ўйнайди. Улар фаолиятини автоматлаштиришнинг “online” режимидаги дастурий таъминотини ишлаб чиқиш муҳим ҳисобланади.

Бешинчи йўналиш давлат бюджет назоратининг услубий базаси сифатини оширишдир. Назорат тадбирларини услубий таъминоти доирасида назорат жараёнида тафтишчилар таянадиган бир қатор умумий қоида ва тамойилларни қайд қилиш мумкин. Аммо мазкур усуллар қоидага кўра турли ижтимоий соҳадаги бюджет муассасалари учун аниқлаштирилмаган. Жумладан, соғлиқни сақлаш ва таълим муассасалари бюджет назоратини ўтказишда мутлақо турли хил ҳисоб бирликлари ва харажат меъёрларидан фойдаланилади. Мазкур бюджет муассасалари учун услубиёт тизимини ишлаб чиқиш бир хил бўлмаслиги керак.

Шу сабабли, алоҳида бюджет соҳаси муассасалари учун самарадорлик кўрсаткичларининг индивидуал улубиётини қўллаш давлат бюджет

назорати самарадорлигини оширишнинг зарурий шарти ҳисобланади.

Олтинчи йўналиш бюджет ташкилоти ва муассасалари фаолиятининг иқтисодий самарадорлиги мониторинги ва ҳақиқий таъсир кўрсатиш чораларини қўллаш ҳисобланади.

### Хулоса

Давлат бюджет назорати тизимининг самарадорлигини оширишнинг муҳим йўналиши бу ҳақиқий таъсир кўрсатиш чораларини белгилашдир. Бюджет назоратининг реал ҳаққоний тизими бюджет маблағларини қайта сарфланиши ёки маблағлардан самарасиз фойдаланишни аниқлашдан иборат. Агар максимал иқтисодий самара билан бюджет маблағларидан фойдаланиш бўйича вазифа ҳал қилинган ва маблағлар иқтисод қилинган экан, иқтисод қилинган маблағларни улардан олиб қўймаслик керак. Бу бюджет назорати механизмини яхшилаш учун амалиётда катта имкониятларни беркитилишини аниқлатади.

Шунингдек, сўнгги йилларда бюджет назорати тизимини шакллантиришда биринчи даражали бюджет маблағларини тақсимловчилар томонидан ўтказиладиган идоровий назорат институтлари ташкил этилган бўлиб (ички аудит тизими), мазкур институтнинг камчиликларига жорий ва якуний назоратни амалга оширмаслиги ва бу, ўз навбатида, ушбу назоратни таъсирчанлигини камайтиришга олиб келади.

Замонавий давлат бюджет назорати тизимини такомиллаштириш, унинг асосий стратегик мақсадлари, ғоялари ва ривожланиш йўналишларини белгилаш учун биринчи навбатда, унинг ягона концепциясини ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқдир.

**Фойдаланилган адабиётлар рўйхати**

1. Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикаси Бюджет кодексини тасдиқлаш тўғрисида”ги Қонуни, ЎРҚ-360-сон, 2013 йил 26 декабрь.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 29 январь 2022 йилда қабул қилган ПФ-60-сонли “2022–2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг Тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги фармони. <https://lex.uz/pdfs/5841063>.
3. Алле М. За реформу налоговой системы. М.: 2001, С. 18.
4. Кебедев Д.О. Федерал газначилик ва давлат молиявий назоратини амалга ошириш // Молия. 2002. №8. С. 31-33.
5. Стоян В.И. КАЗНАЧЕЙСКОЕ ОБСЛУЖИВАНИЕ БЮДЖЕТОВ ПО ДОХОДАМ В УКРАИНЕ // сборник материалов. 2012. С.145
6. М.Мансуров , Давлат молияси: газначилик ва уни ривожлантириш истикболлари. // Монография. – Латвия. Globe edit, 2022.

УЎТ 658.15/330.3

**Каримов Акрамжон Икромжон ўғли,**  
Тошкент молия институти,  
“Корпоратив молия ва қимматли қозғалар” кафедраси доценти  
Email: [akram\\_karimov@tfi.uz](mailto:akram_karimov@tfi.uz)

---

## ФОНД БОЗОРИГА ИНВЕТОРЛАРНИ ЖАЛБ ҚИЛИШДА ОММАВИЙ ЖОЙЛАШТИРИШ АМАЛИЁТЛАРИНИНГ АҲАМИЯТИ

---

**Каримов Акрамжон Икромжон угли**  
Ташкентский финансовый институт, доцент кафедры  
“Корпоративные финансы и ценные бумаги”  
Email: [akram\\_karimov@tfi.uz](mailto:akram_karimov@tfi.uz)

---

## ЗНАЧЕНИЕ ПРАКТИКИ ПУБЛИЧНОГО РАЗМЕЩЕНИЯ В ПРИВЛЕЧЕНИИ ИНВЕТОРОВ НА ФОНДОВЫЙ РЫНОК

---

**Karimov Akramjon Ikromjon ugli,**  
PhD, Associate Professor of the Department of  
Corporate Finance and Securities,  
Tashkent Institute of Finance  
Email: [akram\\_karimov@tfi.uz](mailto:akram_karimov@tfi.uz)

---

## THE IMPORTANCE OF PUBLIC PLACEMENT PRACTICES IN ATTRACTING INVESTORS TO THE STOCK MARKET

---

**Аннотация.** Мазкур мақолада фонд бозорига хорижий ва маҳаллий инвесторларни жалб этишида бирламчи(IPO) ва иккиламчи(SPO) оммавий жойлаштиришларнинг иқтисодий-ижтимоий аҳамияти, фонд биржалари ишлаш принциплари, молиявий инструментларнинг даромадлилиги ҳамда капитал бозорини миллий иқтисодиётга таъсири кенг баён этилган. Шунингдек, акциядорлик жамиятлари ва масъулияти чекланган жамиятларнинг фонд бозори орқали инвестициялар олиб кириши амалиёти таҳлил қилинган.

**Таянч сўзлар:** капитал бозори, фонд бозори, молиявий актив, акциядор, эмитент, бозор капиталлашуви, бозор котировкаси, маркет-майкер, бирламчи(IPO) ва иккиламчи(SPO) оммавий жойлаштириши.

**Аннотация.** В статье рассматриваются экономическая и социальная значимость первичных (IPO) и вторичных (SPO) публичных размещений привлечения иностранных и отечественных инвесторов на фондовый рынок; принципы работы фондовых бирж; доходность финансовых инструментов; подробно описаны вопросы влияния рынка капитала на национальную экономику. Также проанализирована практика осуществления

инвестиций через фондовый рынок акционерных обществ и обществ с ограниченной ответственностью.

**Ключевые слова:** рынок капитала, фондовый рынок, финансовый актив, акционер, эмитент, рыночная капитализация, рыночная котировка, маркет-мейкер, первичное (IPO) и вторичное (SPO) публичное предложение.

**Annotation.** This article examines the economic and social significance of initial (IPO) and secondary (SPO) public offerings in attracting foreign and domestic investors to the stock market, the principles of operation of stock exchanges, the profitability of financial instruments, etc. The issues of the influence of the capital market on the national economy are described in detail. The practice of investing through the stock market of joint-stock companies and limited liability companies was also analyzed.

**Keywords:** capital market, stock market, financial asset, shareholder, issuer, market capitalization, market quote, market maker, initial (IPO) and secondary (SPO) public offering.

### Кириш

Миллий иктисодиётни барқорорлигини таъминлаш, унга хорижий ва маҳаллий инвестицияларни олиб киришда фонд бозорини ривожлантириш муҳим аҳамият касб этади. Фонд бозори ўзининг имкониятлари ва жозибадорлиги билан, доимо, индивидуал ва институционал инвесторларнинг диққат-эътиборидадир.

Халқаро амалиётдан маълумки, фонд бозорида бирламчи ва иккиламчи оммавий жойлаштиришлар эмитентлар ва инвесторлар учун муҳим жараён ҳисобланиб, унинг натижасида томонлар ўзининг иктисодий манфаатларини қондирадилар. Хусусан, жаҳонда йирик фонд биржаларидан ҳисобланган NYSEда 2017–2022 йиллар давомида жами 187та бирламчи оммавий жойлаштириш (IPO) орқали 89,47 млрд. АҚШ доллар, NASDAQ 2017–2022 йиллар давомида 961та 195,08 млрд. АҚШ доллари, Euronext 2017–2022 йиллар давомида 345та 37,87 млрд. АҚШ доллари, Korea Exchange 2017–2022 йиллар давомида 385та 44,85 млрд. АҚШ доллари[1]лик молиявий маблағлар жалб этилган.

Ўзбекистон Республикасида фонд бозорига инвесторларни кенг жалб этиш, молиявий инструментлар сони

ва даромадлигини ошириш бўйича бир қатор чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 24 мартдаги ПҚ-102-сон қарорида акция пакетлари «битта акция — битта лот» тамойили асосида маҳаллий фонд бозорида халқ IPOсини ўтказиш тартиби асосида оммавий савдолар орқали хусусийлаштириладиган корхоналар, жумладан, «Навоий КМК» АЖ, «Олмалик кон-металлургия комбинати» АЖ, «Ўзбекистон металлургия комбинати» АЖ, «UZVAT» АЖ, «Ўзбектелеком» АЖ, «Ўзсаноатқурилишбанк» АТБ[2] каби йирик ҳамда рентабеллик даражаси юқори бўлган компаниялар танлаб олинган бўлиб, оммавий жойлаштириш амалиётларини самарали ташкил этиш ва хорижий инвесторларни кенг жалб этиш кўзда тутилган. Ушбу жиҳатларни инобатга олганда, фонд бозорига инвесторларни жалб қилишда оммавий жойлаштириш амалиётларининг аҳамияти йилдан-йилга ортиб бормоқда.

### Мавзуга оид адабиётлар шарҳи

Фонд бозорида компания акциялари оммавий таклифи жараёнининг самараси ва моҳияти тўғрисида бир нечта икти-

содчи олимлар ўз тадқиқотларини амалга оширишган. Хусусан, давлат компанияларини фонд биржалари орқали хусусийлаштириш жараёнига кенг эътибор қаратилган илмий тадқиқот ишларидан бири сифатида Bernardo Bortolotti, Frankde Jong, Giovanna Nicodano, Ibolya Schindeleларнинг “Privatization and stock market liquidity”[3] номли илмий мақолаларида кўришимиз мумкин.

Narjess Boubakri, Olfa Hamza “The dynamics of privatization, the legal environment and stock market development” [4] номли илмий тадқиқотларида сўнги йигирма тўрт йил ичида 61 мамлакатда маҳаллий фонд бозорларини ривожлантиришнинг самарали воситаси хусусийлаштириш жараёни шароитларини кўриб чиқишган. Хусусийлаштириш ва фонд бозорини ривожлантириш ўртасидаги ўзаро боғлиқликни ҳисобга олган ҳолда, улар 1980–1998 йиллар давомида бошланғич ҳуқуқий муҳит фонд бозори ривожланишининг муҳим замонавий ҳал қилувчи омил эканлигини, хусусийлаштириш эса бундай эмаслигини кўрсатган.

Фонд бозорини ривожлантириш ва компаниялар сотиб олишда IPOни молиялаштириш ролини кенг очиб берган тадқиқотчилардан Nihat Aktas, Kathleen Andries, Ettore Croci, Ali Ozdakak[5]ларни алоҳида таъкидлаш лозим.

Юртимиз фонд бозорида акциялари оммавий таклиф жараёнини таҳлилини ўзининг илмий тадқиқотларида акс эттирган олимларимиздан бири сифатида Г.М.Бақоевани келтиришимиз мумкин. У ўзининг “Ўзбекистон қимматли қоғозлар бозорини ривожлантиришда деривативларни қўллаш истиқболлари” номли докторлик диссертациясида Ўзбекистон фонд бозорида молиявий сармоянинг самарадорлигини акция ва облигацияларнинг ликвидлилик даражасига боғлиқ ҳолда корхоналарнинг портфелини шакллантириш ҳамда IPO

ва SPO амалиётларини фонд биржаси листингида бўлмаган корхоналар учун амалиётга киритиш, биржадан ташқари акция савдосини йўлга қўйиш орқали акциядорлик жамиятларининг тижорат фаолиятларини кенгайтириш таклифини асослаган бўлиб, мамлакатнинг асосий бошқарув вазифаси фонд бозоридаги сармоядорлар учун рискни максимал даражада камайтириш, қимматли қоғозлар эгасининг ҳамда сармоядорларнинг ҳуқуқини ҳимоя қилиш ва шунингдек, иқтисодиётнинг бу секторини иқтисодий ҳимоя ва қонунчилик билан таъминлашдан иборатлилигини таъкидлаб ўтган[6].

Иқтисодчи олимларимиздан яна бири С.Э.Элмирзаев “Акциядорлик жамиятларининг акцияларни оммавий жойлаштириш амалиёти ва таҳлили”[7] номли илмий тадқиқотида, акцияларни оммавий жойлаштириш орқали капитал жалб қилишнинг амалдаги ҳолати таҳлил қилинган, йўл қўйилган камчиликларни бартараф этишга қаратилган илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиққан бўлиб, «Кварц» АЖ томонидан ўтказилган акцияларни оммавий жойлаштириш (IPO) амалиёти бўйича таҳлилни амалга оширган. Шунингдек, акцияларни очиқ обуна тартибида халқаро фонд биржаларида жойлаштириш амалиётининг ташкилий хусусиятлари ва камчиликлари хусусида ўз фикрларини баён этган[8].

#### Тадқиқот методологияси

Тадқиқот давомида фонд бозорига инвесторларни жалб қилишда оммавий жойлаштириш амалиётларининг аҳамияти ва механизмларини самарали ташкил этишнинг назарий ва амалий жиҳатларини очиқ бериш мақсадида илмий тадқиқот олиб бориш усулларида иқтисодий-статистик, таққослаш ва бошқа усулларида кенг фойдаланилган.

**Натижа ва муҳокама**

Ҳозирги кунда, акциядорлик жамиятларигина фонд бозорида ўз акцияларини жойлаштиришга эга ҳисобланадилар. «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонунга мувофиқ: «Акциядорлик жамияти ўзи чиқараётган акцияларга уларни оммавий жойлаштириш йўли билан қонун ҳужжатлари талабларини ҳисобга олган ҳолда очик обуна ўтказишга ҳақли. Жамият ўзи чиқараётган акцияларга уларни хусусий жойлаштириш йўли билан ёпиқ обуна ўтказишга ҳақли, ёпиқ обуна ўтказиш имконияти қонун ҳужжатларида ва жамият уставида чеклаб қўйилган ҳоллар бундан мустасно»[9]. Компания акцияла-

рини оммавий жойлаштириш хорижий мамлакатларнинг фонд бозорлари амалиётида бир неча турларга бўлинади (1-расм).

Акцияларнинг биржадан ташқари жойлаштирилиши - DPO (Direct Public Offering) одатда, фонд бозорини четлаб ўтган ҳолатда инвесторга тўғридан-тўғри компания қимматли қоғозларини таклиф этиш бўлса, янги акциядорлик жамиятини ташкил этганда акцияларини фонд биржасида оммавий жойлаштирилиши - IPO (Initial Public Offering), иккиламчи жойлаштириш жараёни - Follow-on, компания қимматли қоғозларини (акция, облигация, депозитар векселлар)ни оммавий жойлаштириш - PPO (Primaries Public Offering), йирик акциядорнинг акцияларини оммавий жойлаштириш жараёни - SPO (Secondary Public



1-расм. Қимматли қоғозлар бозорида акцияларни жойлаштириш[10]

1-жадвал

## Қимматли қоғозларни жойлаштириш усулларининг қиёсий тавсифи[11]

Характерли хусусияти	Оммавий жойлаштириш шакллари(усуллари)						
	IPO	PPO	SPO	Follow-on	DPO	PBO	PO
Бирламчи эмиссия	+	—	—	—	+/-	+	+/-
Очиқ жойлаштириш (оммавий)	+	+	+	+	+	+	—
Ёпиқ жойлаштириш (хусусий)	—	—	—	—	—	—	+
Биржада жойлаштириш	+	+	+	+	—	+	—
Уюшмаган бозорларда жойлаштириш	—	—	—	—	+	—	+
Қимматли қоғозлар тури	Акция	Акция, облигация, вексель	Акция	Акция	Акция, облигация, вексель	Акция, облигация, вексель	Акция, облигация, вексель

**Изоҳ:** + белгиси мавжуд, – белгиси мавжуд эмас.

Offering), маълум тоифа инвесторлар учун акцияларнинг ёпиқ тарзда жойлаштирилиши - PO (Private placement ёки Private Offering), акциядорлар келишилган ҳолатда бир вақтда акцияларини оммавий жойлаштириш жараёни - PBO (Piggyback Offering) деб номланади (1-жадвал).

Ҳозирги кунда, акцияларни оммавий жойлаштиришнинг кенг тарқалган усули сифатида IPO ва SPO жараёнларини кўришимиз мумкин. Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига кўра, «бирламчи оммавий таклиф (IPO) – акциядорлик жамияти (IPO ташаббускори) томонидан кўшимча акцияларни чекланмаган инвесторлар доираси учун оммавий таклифи бўлса, иккиламчи оммавий таклиф (SPO) – акциядор (SPO ташаббускори) томонидан унга тегишли бўлган акцияларни чекланмаган инвесторлар доираси учун оммавий таклифи»[12] ҳисобланади.

Акцияларни оммавий таклиф жараёнини ўтказишда андеррайтерлик фаолияти муҳим ҳисобланади. Республикамизда «Қимматли қоғозлар бозорида андеррайтинг фаолияти тўғрисида» ги Низомга кўра: «андеррайтер фаолияти (андеррайтинг) — эмитент ва андеррайтер (андеррайтерлар) ўртасидаги шартномада белгиланган шартлар асосида эмитент қимматли қоғозларини чиқарилишини ташкиллаштириш ва/ёки кафолатли жойлаштириш бўйича хизматлар кўрсатиш фаолияти ҳисобланиб, андеррайтер — андеррайтинг фаолиятини амалга оширувчи инвестиция воситачиси ёки тижорат банкидир» [13]. Республикамиз фонд бозорида инвестицион воситачилар ҳисобланган брокерлик ташкилотлари орқали компания акцияларини оммавий жойлаштириш амалиёти ҳам кенг қўлланилмоқда (2-жадвал).



2-жадвал

## Ўзбекистон фонд бозорида акциядорлик жамиятлари акцияларининг оммавий бирламчи (IPO) ва иккиламчи(SPO) таклифи жараёни[14]

Акциядорлик жамияти номи	Андеррайтер	Амалга ошириш шакли	Муддати (бошланиши ва тугаши)	Таклиф қилинадиган акциялар нархи, сўм	Таклиф қилинадиган акциялар миқдорда	Оммавий таклиф суммаси, млрд. сўм	Сотилган акциялар миқдорда
«Ravnaq-bank» ХАТБ	«Ravnaq-bank» ХАТБ	IPO	17.10.2016-27.10.2016	1 000	1 000 000	1,0	1 000 000
«Ravnaq-bank» ХАТБ	«Ravnaq-bank» ХАТБ	IPO	22.11.2016-25.11.2016	1 000	1 000 000	1,0	1 000 000
«Ravnaq-bank» ХАТБ	«Ravnaq-bank» ХАТБ	IPO	29.12.2016-30.12.2016	1 000	3 000 000	3,0	3 000 000
«Ravnaq-bank» ХАТБ	«Ravnaq-bank» ХАТБ	IPO	13.01.2017-23.01.2017	1 000	2 000 000	2,0	2 000 000
«Кварц» АЖ	«Миллий банк» ТИФ	IPO	05.12.2017 - 03.04.2018	3 000	4 574 934	13,7	2 475 269
«Qo‘qon mexanika zavod» АЖ	«Freedom Finance» МЧЖ	SPO	11.12.2018-24.12.2018	1 000	2 236 452	2,2	2 236 452
«Кварц» АЖ	«Freedom Finance» ва «Portfolio investment» МЧЖ	SPO	10.10.2019-24.12.2019	3 270,4	4 822 460	15,8	4 822 460
«Жиззах пластмасса» АЖ	«Portfolio investment» МЧЖ	IPO	12.12.2019-12.02.2020	3 065	1 140 246	3,5	397 659
«TURON-XOJEL» АЖ	-	PO	01.07.2020-14.07.2020	49859	392 160	19,6	80 000
«Вухоро go‘sh-t-sut savdo» АЖ	-	PO	01.07.2020-15.07.2020	5949,16	182 000	1,1	182 000
«NEFTGAZ-TADQIQOT» АЖ	-	PO	25.12.2020-11.01.2021	9792,91	177 972	1,7	177 972
«UzAuto Motors» АЖ	«Freedom Finance» МЧЖ	IPO	22.12.2022-15.02.2023	72500,00	2 700 000	199,8	784 703

Юқоридаги жадвал асосида шуни таъкидлаш мумкинки, ҳозирги кунда акциядорлик жамиятларига молиявий ресурсларни жалб қилишда қимматли қоғозлар бозори муҳим омил бўлиб хизмат қилмоқда. Хусусан, фонд бозорига акцияларни бирламчи жойлаштириш орқали 2016–2017 йиллар давомида «Ravnaqbank» ХАТБ 6,0 млрд. сўм

(акцияларнинг оммавий таклиф жараёни 85,71 фоиз амалга оширилган), 2017–2018 йилларда «Кварц» АЖ 7,5 млрд. сўм (акцияларнинг оммавий таклиф жараёни 54,11 фоиз амалга оширилган), 2018 йилда эса «Qoʻqon mexanika zavodi» АЖ 2,3 млрд. сўм (акцияларнинг оммавий таклиф жараёни 126,14 фоиз амалга оширилган) га тенг молиявий ресурслар эмитентлар (акциядорлик жамиятлари) томонидан ўзлаштирилган. Шунингдек, «UzAuto Motors» АЖ акцияларининг оммавий бирламчи (IPO) орқали жойлаштириш орқали 56,89 млрд. сўмлик молиявий ресурсларга эга бўлган.

### Хулоса

Фонд бозорини ривожлантиришда акциядорлик жамиятлари акцияларининг оммавий бирламчи (IPO) ва иккиламчи (SPO) таклифи жараёни муҳим ҳисобла-

нади ва унинг самарадорлигини оширишда қуйидаги чора-тадбирларни амалга ошириш зарурдир:

- фонд бозори орқали қимматли қоғозларни оммавий жойлаштиришда IPO ва SPO жараёнлари муддатларини аниқ ҳамда қисқа (бир ҳафта) қилиб белгилаш;
- оммавий жойлаштиришда PPO (Primaries Public Offering), PO (Private placement ёки Private Offering), PBO (Piggyback Offering) амалиётларидан кенг фойдаланиш;
- акциядорлик жамиятларини ташкил этишда акцияларининг оммавий бирламчи (IPO) жойлаштириш орқали капитални шакллантириш;
- рентабеллиги юқори бўлган акциядорлик жамиятларини фонд бозорида акцияларини оммавий таклиф жараёнини ташкил этиш орқали хусусийлаштириш.

### Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. <https://statistics.world-exchanges.org/ReportGenerator/Generator>
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 24 мартдаги “Иқтисодиётда давлат иштирокини қисқартиришнинг қўшимча чора-тадбирлари” тўғрисидаги ПҚ-102-сон қарори. Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 29.08.2023 й., 06/23/151/0661-сон.
3. Bernardo Bortolotti, Frankde Jong, Giovanna Nicodano, Ibolya Schindele “Privatization and stock market liquidity” Journal of Banking & Finance Volume 31, Issue 2, February 2007, Pages 297-316 (<https://www.sciencedirect.com/science/article/abs/pii/S0378426606001695>).
4. Narjess Boubakri, Olfa Hamza “The dynamics of privatization, the legal environment and stock market development” International Review of Financial Analysis Volume 16, Issue 4, 2007, Pages 304-331 (<https://www.sciencedirect.com/science/article/abs/pii/S1057521907000026>).
5. Nihat Aktas, Kathleen Andries, Ettore Croci, Ali Ozdakak “Stock market development and the financing role of IPOs in acquisitions” Journal of Banking & Finance Volume 98, January 2019, Pages 25-38 (<https://www.sciencedirect.com/science/article/pii/S0378426618302395>).
6. Г.М.Бақоева “Ўзбекистон қимматли қоғозлар бозорини ривожлантиришда деривативларни қўллаш истиқболлари”. Автореферат, Т,- 2019, 1-65-бет.
7. С.Э.Элмирзаев “Акциядорлик жамиятларининг акцияларни оммавий жойлаштириш амалиёти ва таҳлили”. Т.: “Халқаро молия ва ҳисоб” илмий электрон журнали, № 1, 2019 йил февраль, 1–7-бет. (<http://interfinance.uz/en/арxiv/249-1-2020>).

8. С.Э.Элмирзаев, Б.Ж.Боев. “Акцияларни оммавий жойлаштириш операцияларини ташкил этиш ва ўтказиш”. Т.: “Халқаро молия ва ҳисоб” илмий электрон журнали, № 3, 2019 йил июнь, 1-8-бет. (<http://interfinance.uz/en/axiv/238-ikkiz20182307>).
9. Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 6 майда ЎРҚ-370-сонли «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги (янги таҳридаги) Қонуни.
10. Karimov, A. I. “THE EXPERIENCE OF INVOLVING THE POPULATION’S FREE MONEY IN THE DEVELOPMENT OF THE SECURITIES MARKET.” International Finance and Accounting 2020.6 (2020): 18.
11. Каримов Акрамжон Икромжон ўғли. АҲОЛИНИНГ БЎШ ПУЛ МАБЛАҒЛАРИНИ ҚИММАТЛИ ҚОҒОЗЛАР БОЗОРИГА ЖАЛБ ҚИЛИШ МЕХАНИЗМЛАРИ САМАРАДОРЛИГИ ТАҲЛИЛИ // Экономика и финансы (Узбекистан). 2021. №10 (146).
12. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Фонд биржасида акцияларни оммавий тақлифини ўтказишни ташкил этиш тўғрисида”ги Қарори. Тошкент ш., 2017 йил 10 май, 268-сон. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 27.04.2019 й., 09/19/358/3028-сон.
13. Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки кўмитаси раисининг ўринбосари, Қимматли қоғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш маркази “Қимматли қоғозлар бозорида андеррайтинг фаолияти тўғрисида”ги Низом, 1999 йил 28 декабрь № 860 (<http://lex.uz/docs/815110>).
14. “Тошкент” Республика Фонд биржаси расмий маълумотлари асосида (<https://www.uzse.uz/ipos>)
15. <https://statistics.world-exchanges.org/ReportGenerator/Generator> ва [https://www.theglobaleconomy.com/usa/capital\\_investment/](https://www.theglobaleconomy.com/usa/capital_investment/)

УЎТ 336.663

Раззақов Жасур Ҳамрабоевич,  
Тошкент молия институти  
“Молия” кафедраси доценти, PhD  
[razzaqovjasur70@gmail.com](mailto:razzaqovjasur70@gmail.com)

## БИЗНЕС ЛОЙИҲАЛАРИНИ ҚИММАТЛИ ҚОҒОЗЛАР ЭМИССИЯСИ ОРҚАЛИ МОЛИЯЛАШТИРИШНИНГ АМАЛДАГИ ҲОЛАТИ ТАҲЛИЛИ

Раззақов Жасур Ҳамрабоевич,  
доцент Ташкентского финансового института, PhD

## АНАЛИЗ ТЕКУЩЕГО СОСТОЯНИЯ ФИНАНСИРОВАНИЯ БИЗНЕС- ПРОЕКТОВ ЧЕРЕЗ ВЫПУСК ЦЕННЫХ БУМАГ

Razzakov Jasur Khamraboievich,  
Associate Professor of Tashkent Institute of Finance, PhD

## ANALYSIS OF THE CURRENT STATE OF FINANCING BUSINESS PROJECTS THROUGH THE ISSUANCE OF SECURITIES

**Аннотация.** Мазкур мақолада бизнес лойиҳаларини қимматли қоғозлар орқали молиялаштиришнинг амалдаги ҳолатини таҳлил қилишида турли иқтисодчи олимлар ҳамда тадқиқотчиларнинг илмий ишлари ҳамда изланишлари ўрганилган. Акцияларни оммавий жойлаштириш амалиёти ҳамда унинг босқичлари тадқиқ қилинган. Ўзавтомоторс АЖ томонидан ўтказилган IPO амалиёти кўрсаткичлари ҳамда жойлаштириш тартиби акс эттирилган. Амалга оширилган тадқиқотлар асосида бизнес лойиҳаларини қимматли қоғозлар эмиссияси орқали молиялаштиришнинг амалдаги ҳолати бўйича тегишли хулосалар ва таклифлар шакллантирилган.

**Таянч сўзлар:** акция, облигация, акцияларни оммавий жойлаштириш, IPO, SPO, бизнес лойиҳаларини молиялаштириш, эмиссия.

**Аннотация.** В статье рассматриваются научные работы и исследования различных экономистов и исследователей по анализу современной ситуации финансирования бизнес-проектов за счет ценных бумаг. Изучена практика публичного размещения акций и его этапы. Отражены показатели практики проведения IPO АО «Узавтомоторс» и процедуры размещения. На основе проведенного исследования сформированы соответствующие выводы и предложения по текущему состоянию финансирования бизнес-проектов за счет выпуска ценных бумаг.

**Ключевые слова:** акции, облигации, публичное размещение акций, IPO, SPO, финансирование бизнес-проектов, эмиссия.

**Annotation.** *In this article, the scientific work and research of various economists and researchers are studied on the analysis of the current state of financing business projects through securities. The practice of public offering of stocks and its stages are learnt. The indicators of IPO practice conducted by Uzautomotors JSC and placement procedure are reflected. On the basis of the conducted research, appropriate conclusions and proposals are formed on the current state of financing business projects through the issuance of securities.*

**Keywords:** *stock, bond, public offering of stocks, IPO, SPO, financing of business projects, issue.*

### Кириш

Халқаро амалиётда қимматли қоғозлар компанияларга капитал жалб қилиш ва уларнинг турли лойиҳаларини молиялаштиришда кенг фойдаланилади. Бизнес лойиҳаларини молиялаштиришда акцияларни оммавий жойлаштириш (IPO ва SPO) амалиётлари, турли облигациялар эмиссияси, шунингдек, бошқа турдаги қимматли қоғозларни чиқариш орқали капитал жалб қилинади. Молиялаштиришнинг мазкур усули компаниялар учун ўзининг қулайликларини ҳамда ижобий жиҳатларини намоён этмоқда. Шу боисдан миллий амалиётда бизнес лойиҳаларини қимматли қоғозлар орқали молиялаштириш муҳим аҳамият касб этади.

### Мавзуга оид адабиётлар шарҳи

Ривожланган мамлакатларда фонд бозори тараққий этмаганлиги сабабли бизнес лойиҳаларини қимматли қоғозлар орқали молиялаштириш амалиёти оммалашган. Ўзбекистонда фонд бозори ривожланмаганлиги боис бизнес лойиҳаларини қимматли қоғозлар орқали молиялаштириш амалиёти самарали шаклланмаган, дейиш мумкин. Мазкур амалиётни ривожлантириш ўзининг бир қанча ижобий жиҳатлари, хусусан, капитал жалб қилиш усулларининг кўпайиши, капитал баҳосининг пасайиши, компанияларнинг инвестицион жозибдорлигининг

ошиши, инвесторларни кенг миқёсда жалб қилиш орқали арзон капитал жалб қилиш имкониятларининг юзага келиши кабиларни намоён этиши ҳамда мазкур жиҳатлар миллий амалиёт учун муҳим бўлганлиги боис бизнес лойиҳаларини қимматли қоғозлар орқали молиялаштиришнинг амалдаги ҳолатини ўрганиш долзарблик касб этади.

Миллий амалиётда бизнес лойиҳаларини қимматли қоғозлар орқали молиялаштиришда бир қатор муаммолар сақланиб қолаётганлигини таъкидлаш лозим. Хусусан, акциядорлик жамиятларида давлат улушининг юқорилиги, уларнинг инвестицион жозибадорлиги пастлиги, замонавий қимматли қоғозлар турларининг мавжуд эмаслиги каби муаммоларни ижобий ҳал қилиш лозим. Шу боисдан бизнес лойиҳаларини қимматли қоғозлар орқали молиялаштиришнинг самарали механизмларини ишлаб чиқиш лозим.

### Тадқиқот методологияси

Бизнес лойиҳаларини қимматли қоғозлар орқали молиялаштиришнинг амалдаги ҳолати илмий абстракциялаш, таққослама таҳлил, статистик таҳлил, танланма кузатиш, анализ, синтез каби методлардан фойдаланилган ҳолда тадқиқ қилинган.

### Натижа ва муҳокама

Бизнес лойиҳаларини қимматли қоғозлар орқали молиялаштириш бўйича

кўплаб тадқиқотлар олиб борилган. Х.Лу ва бошқалар фикрича, “яшил молия бозорларидаги энг йирик бозор капиталлашувларидан бири сифатида яшил облигациялар бугунги кунда катта эмиссия салоҳиятига эга ҳамда яшил молиялаштиришнинг бошқа шаклларида кўра кўпроқ оммалашган. Хусусан, яшил облигациялар эмиссия ҳажмининг ортиб бораётганлиги унинг ликвидлигининг ортиб бораётганидан далолат беради, шунинг учун улар кўплаб инвесторларнинг эътиборини тортмоқда” [1]. Мазкур тенденция бизнес лойиҳаларини яшил облигациялар орқали молиялаштириш амалиётининг кенгайиб бораётганлигини кўрсатади.

М.Абдуллаҳ ва бошқалар томонидан бизнес лойиҳаларини бошқаришда ислом қимматли қоғозларининг ўрни тадқиқ қилинган. “Ислом қимматли қоғозлари ҳам COVID-19 пандемияси ва глобал молиявий инқироз даврида бизнес лойиҳаларини молиялаштиришда яхши самарадорлик тақдим этиши кузатилган. Ислом қимматли қоғозлари ислом қонунлари ёки шариат қоидаларига мувофиқ ишлаганлиги сабабли ислом қимматли қоғозлари тизимли риск ва ноаниқликнинг тегишли таъсирини камайтиришга интилаётган инвесторлар учун муқобил молиявий инструмент сифатида қаралмоқда” [2]. Шу сабабли ислом қимматли қоғозлари орқали бизнес лойиҳаларини молиялаштириш бугунги кунда нафақат аҳолисининг асосий қисми мусулмон бўлган давлатларда, балки аҳолисининг асосий қисми мусулмон бўлмаган ғарб давлатларида ҳам кенгайиб бормоқда.

Р.Тиримала ва П.Тивари сўнгги йилларда халқаро амалиётда кенгайиб бораётган яшил молиялаштириш (blue financing) ва яшил облигациялар (blue bonds) амалиётига алоҳида эътибор қаратган. “Иқтисодийни молиялаштириш

ва инвестициялар бўйича кузатилган тенденциялар турли кўк молиялаштириш (blue financing) инструментлари орқали қирғоқ ва океан билан боғлиқ лойиҳаларда муҳим роль ўйнамоқда. Секторларнинг кўк иқтисодийга ўтиши ва ушбу секторлар таклиф этаётган салоҳиятдан фойдаланиши учун бир қатор кенгайтириладиган молиялаштириш воситаларини ишлаб чиқиш мамлакатлар дуч келаётган энг долзарб муаммолардан биридир” [3]. Бизнес лойиҳаларини молиялаштиришда ҳамда иқтисодийнинг турли тармоқларида мазкур инструментлардан фойдаланиш имкониятларини ўрганиш бугунги кунда аксарият мамлакатлар учун муҳим аҳамият касб этмоқда.

Ш.Ли ва бошқалар томонидан облигацияларнинг бизнес лойиҳаларини молиялаштиришда қўлланилиши ўрганилган. “Суғурта компаниялари, пенсия жамғармалари ва суверен жамғармалар ўзларининг узоқ муддатли мажбуриятларини мувофиқлаштириш ва портфелларини диверсификация қилиш учун инфратузилма лойиҳаларига узоқ муддатли инвестициялар киритишга ҳаракат қилади. Мазкур жараёнда қарз молиялаштириш инструменти сифатида облигациялардан фойдаланилмоқда, шунингдек, ДХШ лойиҳаларини молиялаштиришда ҳам қарз молиявий инструментлари кенг қўлланилмоқда” [4]. Бундан кўринадики, бизнес лойиҳаларини молиялаштиришда облигациялардан фойдаланиш халқаро амалиётда кенг учрайди.

У.Ханнаев ва бошқалар таъкидлашича, “жамиятнинг ихтисослаштирилган инвестиция фондларини акциядорлик жамиятлари шаклида шакллантириш, бунда инвестиция лойиҳасининг барча капитали акцияларни чиқариш орқали шакллантирилади” [5].

С.Элмирзаев томонидан акцияларни оммавий жойлаштиришнинг компанияларни молиялаштиришдаги аҳамиятига эътибор қаратилган ҳамда мамлакатимизда мазкур амалиётнинг ташкилий жиҳатлари баён этилган.

“Акцияларни оммавий жойлаштириш бизнес учун арзон капитал жалб қилиш орқали юқори самарадорликка хизмат қилса, инвесторлар ва аҳоли учун даромад манбаларини диверсификациялаш ҳамда оширишга хизмат қилади.

Бугунги иқтисодийнинг фаол тарзда рақамлашуви шароитида акцияларни оммавий жойлаштириш амалиёти глобаллик касб этмоқда. Яъни IPO амалиётларига глобал амалиёт сифатида ёндашилмоқда. Бунга бугунги технологик ривожланиш тўла-тўқис имкон бермоқда” [6]. Мамлакат иқтисодийнинг рақамлашуви қимматли қоғозлар бозорининг ривожланишида ҳам муҳим роль ўйнашини таъкидлаш лозим.

Н.Шавкатов ва О.Ғафуров томонидан облигациялар, шунингдек, еврооблигациялар орқали молиялаштириш имкониятлари ўрганилган. “Бугунги кунда хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини молиялаштиришда молиялаштиришнинг турли хил усуллари, хусусан, облигациялар орқали молиялаштириш амалиётини кенгайтириш ва бу жараёнда давлат еврооблигациялари ролини ошириш орқали давлат ва хусусий шериклик муносабатлари ривожланишининг янги босқичини шакллантириш долзарб ҳисобланади. Иқтисодий ислохотларнинг ҳозирги шароитида еврооблигацияларнинг аҳамияти ортиб бормоқда. Шунингдек, ҳозирги кунларда еврооблигацияларни ривожланаётган давлатлар ҳамда мамлакатимиз ҳудудига жойлаштирилаётганлиги ва муомалага чиқарилаётганлиги ҳам фикримизнинг исботи ҳисобланади” [7].

С.Омонов томонидан акцияларни оммавий жойлаштириш амалиётини самарали ташкил этишда листинг талабларининг ўрнига эътибор қаратилган. “Акцияларни листингдан ўтказиш учун ҳукумат самарали фаолият юритаётган давлат улуши мавжуд компанияларни танлашга қарор қилиши ва шу тариқа қимматли қоғозлар бозорида катта миқдордаги инвестиция маблағларининг самарали компанияларга йўналтирилишига эришиши мумкин” [8]. Бугунги кунда миллий ва халқаро амалиётларни кузатиш асосида айтиш мумкинки, акцияларни оммавий жойлаштириш амалиётларида мазкур усуллар гибрид шаклда қўлланилмоқда.

Мазкур мақолада бизнес лойиҳаларини қимматли қоғозлар орқали молиялаштириш амалиётини таҳлил қилишда илмий абстракциялаш, қиёслаш, индукция, анализ, синтез, статистик таҳлил каби методлардан фойдаланилган.

Халқаро амалиётда акцияларни оммавий жойлаштириш, хусусан, IPO амалиёти бир қатор босқичлардан таркиб топганлигини кузатиш мумкин (1-жадвал). 1-жадвалдаги маълумотлар асосида таъкидлаш лозимки, акцияларни бирламчи оммавий жойлаштириш амалиётида юқорида қайд этилган босқичларнинг ҳар бирига алоҳида эътибор қаратиш лозим. Акс ҳолда мазкур амалиёт муваффақиятсизликка учраши мумкин. Афсуски, сўнгги йилларда мамлакатимиздаги акциядорлик жамиятлари томонидан ташкил этилган акцияларни оммавий жойлаштириш амалиётларида мазкур талабларга етарлича эътибор қаратилмаган.



1-жадвал

## IPO жараёни босқичлари [9]

№	IPO босқичлари	Босқичларнинг муҳим жиҳатлари
1.	Андеррайтер танлаш (selecting underwriter)	Институционал инвесторларни андеррайтер сифатида танлашда қуйидаги жиҳатларга эътибор қаратиш лозим: – репутацияси (обрўси); – тадқиқот даражаси; – тажрибаси; – тақсимлаш даражаси, яъни андеррайтер чиқарилган қимматли қоғозларни кўпроқ кимларга таклиф этиши (институционал инвесторларга ёки индивидуал инвесторларга); – ушбу институционал инвестор билан ўзаро муносабатлар борлиги ёки йўқлиги
2.	Экспертиза ва меъёрий ҳужжатлар (due diligence and regulatory filings)	Эмитент учун қуйидаги андеррайтинг келишувлари мавжуд: – акциялар тўлиқ жойлаштирилишини назарда тутувчи келишув (Firm Commitment); – акцияларни талаб даражасида жойлаштиришни назарда тутувчи келишув (Best Effort Agreement); – таклиф этилаётган барча акциялар жойлаштирилмаса таклифни бекор қилишни назарда тутувчи келишув (All or None Agreement); – Андеррайтерлар синдикати (Syndicate of Underwriters)
3.	Нархлаш	Таклиф нархига қуйидаги омиллар таъсир қилади: – Роадшоуларнинг муваффақияти / муваффақиятсизлиги; – компаниянинг мақсади; – бозор иқтисодиётининг ҳолати
4.	Мувозанатлаштириш	Бунда андеррайтер бозор талабидан келиб чиққан ҳолда нархга таъсир кўрсатиш орқали жалб қилинадиган капитал миқдорини ошириши мумкин
5.	Бозор рақобатига ўтиш	Бу акциялар оммавий жойлаштирилгандан кейинги даврни назарда тутаяди, андеррайтер жалб қилинган капитал миқдорини ҳисоблайди ва компаниянинг IPOдан кейинги қийматини баҳолаб беради

Бизнес лойиҳаларини қимматли қоғозлар эмиссияси орқали молиялаштириш амалиёти мамлакатимизда қониқарли даражада эмас. Сўнгги йилларда бир неча акцияларни оммавий жойлаштириш амалиёти ўтказилган бўлса-да, мазкур операциялар муваффақиятли амалга оширилган деб бўлмайди (1-расм).

Ўзавтомоторс АЖ томонидан ташкил этилган акцияларни бирламчи оммавий жойлаштириш (IPO) операцияси кўрсаткичларига эътибор қаратсак, номинал қиймати 5 минг сўм бўлган жами 2,7 млн. дона оддий акциялар эмиссия қилинган ҳамда жами 13,5 млрд. сўм қийматидаги акциялар чиқарилган. IPO доирасида 56 890 967 500 сўм қийматдаги 1383 та ариза тўпланди, бу таклиф қилинган акцияларнинг умумий ҳажмига нисбатан 29,1% ни ташкил этади. Жойлаштирилган акцияларнинг



**1-расм. Ўзавтомоторс АЖ томонидан ташкил этилган акцияларни бирламчи оммавий жойлаштириш (IPO) операцияси ҳақида умумий маълумот [10]**

80,1 %и институционал инвесторлар, қолган 19,9% чакана инвесторларга тақсимланди. Ўзавтомоторс АЖ IPO обуна компаниясида биржадаги аввалги жойлаштиришларга қараганда 3,6 баробар кўп капитал жалб қилинган (масалан, “Кварц” АЖ IPO операциясида 15,8 млрд. сўм капитал жалб қилинган).

Ўзавтомоторс АЖ томонидан ташкил этилган акцияларни бирламчи оммавий жойлаштириш (IPO) муддати ва тартиби қуйидагилардан иборат (2-расм). Мазкур эмиссиядаги акциялар қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органи томонидан рўйхатга олинган кундан бошлаб 30 иш куни ичида жойлаштирилиши белгиланган. Қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органи томонидан кўшимча акциялар чиқариш тўғрисидаги қарор давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги ахборот ошқор қилинганидан кейин 15 (ўн бешинчи) кунда акцияларни жойлаштиришни бошлаш зарурлиги кўрсатилган.

Агар акцияларни жойлаштиришни бошлаш санаси байрам ёки дам олиш кунига тўғри келса, акцияларни жойлаштиришни бошлаш санаси кейинги биринчи иш кунига ўтказилиши қайд этилган.

Акцияларни жойлаштиришни тугатиш охириги акцияни жойлаштириш санаси билан бир хил бўлиши белгиланган.

Бироқ қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органида мазкур чиқарилишдаги акциялар давлат рўйхатига олинган кундан бошлаб 30 иш кундан ошмаслиги ҳам қайд этилган.

Мазкур эмиссиядаги акциялар очиқ обуна усулида қимматли қоғозлар савдоси ташкилотчисининг қоидаларида белгиланган тартибда “Тошкент” республика фонд биржаси савдо майдони орқали чекланмаган потенциал инвесторлар орасида жойлаштирилган. Ушбу акциялар чиқарилиши билан боғлиқ муҳим фактлар тўғрисидаги маълумот (ахборот) қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ва муддатларда

Ушбу чиқарилишдаги акциялар қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органи томонидан рўйхатга олинган кундан бошлаб 30 иш куни ичида.

Акцияларни жойлаштиришни бошлаш санаси: Қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органи томонидан қўшимча акциялар чиқариш тўғрисидаги қарор давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги ахборот ошкор қилинганидан кейин 15 (ўн бешинчи) кун.

Агар акцияларни жойлаштиришни бошлаш санаси байрам ёки дам олиш кунига тўғри келса акцияларни жойлаштиришни бошлаш санаси кейинги биринчи иш кунига ўтказилади.

Акцияларни жойлаштиришни тугатиш санаси: Охирги акцияни жойлаштириш санаси, бироқ қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органида мазкур чиқарилишдаги акциялар давлат рўйхатига олинган кундан бошлаб 30 иш кундан ошмаслиги лозим.

Ушбу чиқарилишдаги акциялар очик обуна усулида қимматли қоғозлар савдоси ташкилотчисининг қоидаларида белгиланган тартибда “Тошкент” республика фонд биржаси савдо майдони орқали чекланмаган потенциал инвесторлар орасида жойлаштирилади. Ушбу акциялар чиқарилиши билан боғлиқ муҳим фактлар тўғрисидаги маълумот (ахборот) қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ва муддатларда қуйидаги манбалар орқали ошкор қилинади:

- Корпоратив ахборот ягона порталида ([www.openinfo.uz](http://www.openinfo.uz));
- Тошкент республика фонд биржаси расмий веб-сайтида ([www.uzse.uz](http://www.uzse.uz))
- Жамиятнинг корпоратив веб-сайтида ([www.uzautomotors.com](http://www.uzautomotors.com))

## 2-расм. Ўзавтомоторс АЖ томонидан ташкил этилган акцияларни бирламчи оммавий жойлаштириш (IPO) операциясида акцияларни жойлаштириш муддати ва тартиби [10]

қуйидаги манбаларда, хусусан, корпоратив ахборот ягона порталида ([www.openinfo.uz](http://www.openinfo.uz)), Тошкент республика фонд биржаси расмий веб-сайтида ([www.uzse.uz](http://www.uzse.uz)), жамиятнинг корпоратив веб-сайти ([www.uzautomotors.com](http://www.uzautomotors.com)) орқали ошкор қилинган (2-расм).

Мазкур эмиссиядаги акциялар очик обуна усулида қимматли қоғозлар савдоси ташкилотчисининг қоидаларида белгиланган тартибда “Тошкент” республика фонд биржаси савдо майдони орқали чекланмаган потенциал

инвесторлар орасида жойлаштирилган. Ушбу акциялар чиқарилиши билан боғлиқ муҳим фактлар тўғрисидаги маълумот (ахборот) қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ва муддатларда қуйидаги манбаларда, хусусан, корпоратив ахборот ягона порталида ([www.openinfo.uz](http://www.openinfo.uz)), Тошкент республика фонд биржаси расмий веб-сайтида ([www.uzse.uz](http://www.uzse.uz)), жамиятнинг корпоратив веб-сайти ([www.uzautomotors.com](http://www.uzautomotors.com)) орқали ошкор қилинган.

### Хулоса

Бизнес лойиҳаларини қимматли қоғозлар орқали молиялаштириш амалиёти таҳлил қилиш асосида қуйидаги хулосалар ва таклифлар шакллантирилган.

Биринчидан, мамлакатимизда бизнес лойиҳаларини қимматли қоғозлар орқали молиялаштиришда акциялар ва облигациялардан фойдаланилмоқда. Бирок бизнес лойиҳаларини қимматли қоғозлар орқали молиялаштиришни самарали ташкил этишда замонавий қимматли қоғозлар турларини қўпайтириш лозим.

Иккинчидан, акцияларни оммавий жойлаштириш амалиётларини ташкил этиш босқичларини тўғри ташкил этиш лозим. Шунингдек, потенциал инвесторлар учун роадшоуларни ташкил қилишда потенциал инвесторлар фаолият юритаётган мамлакатдаги солиққа тортиш даражасини ҳам инобатга олиш лозим.

Учинчидан, IPO операцияларининг самарадорлигини оширишда акцияларнинг нарх диапазонини тўғри белгилаши лозим. Мазкур жараёнда акцияларнинг бозор баҳосини аниқлаш муҳим аҳамиятга эга.

### ФЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Xunfa Lu, Nan Huang, Jianlei Mo, Zhitao Ye. Dynamics of the return and volatility connectedness among green finance markets during the COVID-19 pandemic. // Energy Economics, Volume 125, September 2023. <https://www.sciencedirect.com/science/article/abs/pii/S0140988323003584>
2. Mohammad Abdullah, Mohammad Ashraf Chowdhury, Zunaidah Sulong. Asymmetric efficiency and connectedness among green stocks, halal tourism stocks, cryptocurrencies, and commodities: Portfolio hedging implications. // Resources Policy, Volume 81, March 2023. <https://www.sciencedirect.com/science/article/abs/pii/S0301420723001277>
3. Raghu Dharmapuri Tirumala, Piyush Tiwari. Innovative financing mechanism for blue economy projects. // Marine Policy, Volume 139, May 2022. <https://www.sciencedirect.com/science/article/abs/pii/S0308597X20303262>
4. Shuai Li, Dulcy Abraham, Hubo Cai. Infrastructure financing with project bond and credit default swap under public-private partnerships. // International Journal of Project Management, Volume 35, Issue 3, April 2017, Pages 406–419. <https://www.sciencedirect.com/science/article/abs/pii/S026378631730056X>
5. Khakhanaev U. S., Bashirzade R.R., Pakhomova A.V. Formation of an Effective System of Project Financing of Investment Activities in the Region. // Advances in Economics, Business and Management Research, volume 15, 2020.
6. Элмирзаев, С. . (2023). Халқчил іро қандай ташкил этилиши ва ўтказилиши керак?. Приоритетные направления, современные тенденции и перспективы развития финансового рынка, 116–121. извлечено от <https://inlibrary.uz/index.php/financial-market-growth/article/view/19043>
7. Шавкатов Наврўзбек Шавкатович, Фафуров Олимжон Ғолиб ўғли. Ўзбекистоннинг давлат еврооблигацияларининг дунё молия бозорларида жойлаштирилиши ва уларнинг аҳамияти // Экономика и финансы (Узбекистан). 2019. №11. URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/zbekistonning-davlat-evroobligatsiyalarining-dunyo-moliya-bozorlarida-zhoylashtirilishi-va-ularning-a-amiyati> (дата обращения: 30.07.2023).

8. Омонов Сардор Ўлмасович. Капитал бозорида институционал инвесторлар фаолиятини тартибга солишнинг хориж тажрибаси // Экономика и финансы (Узбекистан). 2021. №8 (144). URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/kapital-bozorida-institutsional-investorlar-faoliyatini-tartibga-solishning-horizh-tazhribasi> (дата обращения: 30.07.2023).
9. Курбонов Жавлонбек Жўрабекович, Омонов Сардор Ўлмасович, Нуралиева Дилдора Нурали қизи. Халқаро IPO амалиётлари таҳлили: ташкилий хусусиятлари ва институционал инвесторлар иштироки // Экономика и финансы (Узбекистан). 2021. №1 (137). URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/hal-aro-ipo-amaliyotlari-ta-lili-tashkiliy-hususiyatlari-va-institutsional-investorlar-ishtiroki> (дата обращения: 30.07.2023).
10. [https://uzautomotors.com/documents/prospectus/prospekt\\_e.pdf](https://uzautomotors.com/documents/prospectus/prospekt_e.pdf) - Ўзавтомоторс АЖ сайти маълумотлари асосида муаллиф томонидан шакллантирилган.

УЎТ

**Karimov Akrom Abbosovich,**  
*Doctor of Economic, Professor, Tashkent institute of finance*

**Rizaev Nurbek Kadirovich,**  
*Doctor of Economics, Professor, Banking and finance  
academy of the Republic of Uzbekistan,  
[rizayevnk220874@gmail.com](mailto:rizayevnk220874@gmail.com),  
ORCID: 0000-0001-5374-8045*

**COMPLIANCE WITH INTERNATIONAL STANDARDS  
IS A REQUIREMENT OF THE TIMES  
(as exemplified by intangible assets)**

**ХАЛҚАРО СТАНДАРТЛАРГА МУВОФИҚЛАШТИРИШ –  
ДАВР ТАЛАБИДИР  
(Номоддий активлар мисолида)**

**СООТВЕТСТВИЕ МЕЖДУНАРОДНЫМ СТАНДАРТАМ –  
ТРЕБОВАНИЕ ВРЕМЕНИ  
(на примере нематериальных активов)**

**Annotation.** *The article is devoted to the consideration of the problems arising in the process of globalization and experienced in adjusting the National Accounting Standards (NAS) in Uzbekistan, including the standard related to intangible assets, in compliance with the International Financial Reporting Standards (IFRS), as well as the solutions proposed thereof. Herewith the author proposes the recommendations worked out for recognition of intangible assets, assessment of book value, the method of calculating amortization, revaluation model, the order of disclosure of information on intangible assets in the financial statements in accordance with international standards (IFRS 38). Moreover, there some considerations on the revaluation model of intangible assets to assess their impact on initial value, amortization, long-term and total assets.*

**Keywords:** *asset, book value, intangible asset, research, development, amortization, financial reporting, revaluation, useful economic life, fair value.*

**Аннотация.** *Мақолада глобаллашув жараёнида юзага келадиган муаммолар кўриб чиқилган. Ўзбекистонда Бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартлари (БҲМС), шу жумладан номоддий активларга тегишли стандартларни Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари (МҲХС) мувофиқлаштириш тажрибасини кўриб чиқишига бағишланган, шунингдек, муаллифлар томонидан номоддий активларни тан олиш, баланс қийматини баҳолаш, амортизацияни ҳисоблаш усули, қайта баҳолаш модели,*

халқаро стандартлар (БХХС 38)га мувофиқ молиявий ҳисоботларда номоддий активлар тўғрисидаги маълумотларни ошқор қилиш тартиби бўйича илмий таклиф ва тавсиялар шакллантирилган. Бундан ташқари, номоддий активларни қайта баҳолаш моделида уларнинг таннарх, амортизация, узоқ муддатли активлар ва жами активларга таъсирини баҳолаш бўйича фикр-мулоҳазалар юритилган.

**Таянч сўзлар:** актив, баланс қиймати, номоддий актив, тадқиқот, ишланма, амортизация, молиявий ҳисобот, қайта баҳолаш, фойдали хизмат муддати, ҳаққоний қиймат.

**Аннотация.** Статья посвящена рассмотрению проблем, возникающих в процессе глобализации и опыта приведения Национальных стандартов бухгалтерского учета (НСБУ) в Узбекистане, в том числе стандарта, касающегося нематериальных активов, в соответствие с Международными стандартами финансовой отчетности (МСФО), а также предложенные им решения. При этом автор предлагает разработанные рекомендации по признанию нематериальных активов, оценке балансовой стоимости, методу расчета амортизации, модели переоценки, порядку раскрытия информации о нематериальных активах в финансовой отчетности в соответствии с международными стандартами (МСФО 38). Кроме того, существуют некоторые соображения по модели переоценки нематериальных активов для оценки их влияния на первоначальную стоимость, амортизацию, долгосрочные и общие активы.

**Ключевые слова:** актив, балансовая стоимость, нематериальный актив, исследование, разработка, амортизация, финансовая отчетность, переоценка, срок полезного использования, справедливая стоимость.

### Introduction

Currently ongoing the process of globalization requires particular attention to the creation of intangible assets based on new knowledge and technologies, their targeted and efficient use. Nowadays the growth rates of the intangible asset market account for over 10 percent per year (in China – 23 percent, in the USA and Russia – 5 percent and in France – 2 percent). For example, as a result of the issuance of more than 1 billion patented objects, which constitute the basis of intangible assets, digital platforms and services for the efficient management of intangible assets have been introduced. According to statistics, the total assets of companies in developed economies amounted to more than 90.0 trillion USD and out of this amount 47.8 trillion USD (52.6 percent) are represented by tangible assets and 42.2 trillion USD (47.4 percent) of intellectual property falls on the share of

intellectual property rights. Therefore, it is crucially important to make effective use of the experience of international accounting practices in the national economy in the assessment of intangible assets created in all countries, organization of their accounting, calculation of their depreciation and the disclosure of information in financial statements.

According to the Resolution of the President of the Republic of Uzbekistan №PR-4611 “On additional measures for transition to international financial reporting standards” dated February 24, 2020, starting from January 1, 2021, joint stock companies, commercial banks, insurance companies and enterprises included in the category of large taxpayers, must handle accounting and preparation of financial statements for 2021 on the IFRS basis. According to this resolution, a special “Roadmap” has been worked out on the gradual introduction of the international standards with the account



of advanced foreign experience. Thus, there is the need to improve national accounting standards by adjusting them in compliance with the IFRS. To achieve this aim, the following primary objectives have been set:

*first*, preparing comprehensive information on essential differences between national accounting standards and the IFRS with the involvement of international experts; *second*, developing new national accounting standards and making amendments to existing national standards.

Thus, one of the most urgent issues is introduction of modifications to existing national accounting standards or development of new standards in accordance with the IFRS requirements. As a result, in accordance with the Roadmap developed on the basis of Resolution №PR-4611, in cooperation with the Ministry of Finance, two existing standards are being adjusted in compliance with IAS 38 “Intangible Assets” [2]. In this regard, what is the reason for amending or updating the existing NAS, is it actually necessary? The following brief answer to this question is that the rules (principles) of accounting for experimental design with intangible assets are consolidated in a single international standard (IFRS 38). However, in our practice, these are reflected in two standards (NAS 7 and NAS 11). As a result, there is a need to generalize both standards, to adjust the concepts, terms and methodology presented in them in compliance with the international standards and to introduce a single national standard. In this regard the article focuses on aligning intangible asset revaluation procedures with the international standards, as well as relevant ideas and solutions.

### Literature review

Some considerations of economists, scholars and experts on the concept of intangible assets and their accounting, as well

as disclosure of information in the financial statements are discussed.

Tomac P. Carlin describes intangible assets as the most obscure and qualitatively insignificant item of the balance sheet. He emphasizes significance of valuing intangible assets[3]. In our view, if intangible assets were to be used more efficiently, it would be possible for the balance sheet assets to become the most profitable item, even the whole activity of the enterprise may depend on a single patent or trademark that seems to be neglected.

From the point of view of K.Sveiby, in its model the company divides intangible assets into three groups: external structure (trademark, corporate image and product recognition), employee competency (knowledge, intellectual knowledge, work experience and skills), internal structure (patent, copyright, management) systems, databases and scientific developments) [4]. B.Leontyev includes intangible assets in intellectual capital and, in addition, shows that the value of all assets available in the enterprise consists of a database of intellectual news, knowledge, skills, aggregate knowledge [5]. L.Dontsova evaluates intangible assets in terms of economic analysis as depreciable assets of the enterprise and considers that they consist of exclusive rights to various scientific developments, computer programs, patents, copyrights, films, trademarks and service marks [6]. Moreover, she emphasizes significance of focusing on revenue or reducing the costs of the enterprise in determining the economic benefits (income) of intangible assets, and focuses on the methodology of analysis to evaluate them as long-term assets of the enterprise. I.Ivanov considers the person creating intangible assets as an absolute right to the results of intellectual activity and emphasizes that their composition consists of a trademark, company name, place of

origin, service mark. Summarizing his views, he assesses intellectual property as a part of these intangible assets [7]. In the opinion of I. Pokrovsky, the use of intangible assets, including the use of the achievements and technical inventions of each inconvenient intellectual property owner (author), may be published and reproduced without his consent [8]. L. Lytneva proposes to divide intangible assets into the following groups: objects of industrial property, objects of copyright and means of goods individualization [9]. This grouping is almost close to international practice and is grouped according to the intellectual property objects used in the majority of companies.

R. Dusmuratov believes that intangible assets, by their nature, are referred to the income-bearing funds, which do not possess any physical nature, but included in the other assets used in the performance of the enterprise. In addition, R. Dusmuratov particularly notes that the concept of intangible assets is a complex and diverse at the international level, and that there are no uniform standards for their accounting resulting [10]. I. Ochilov: Intangible assets are the assets of non-tangible nature intended for long-term use in economic activities [11].

According to A. Sotivoldiev, intangible assets are the assets of the enterprise that can be appreciated [12]. From the point of view of R. Rakhimbekova, intangible assets are the assets that do not have a physical appearance and will generate income in the future [13]. In the opinion of B. Isroilov, intangible assets are included in the structure of goods and chattels in the classification of property tax objects. According to this scholar, in the conditions of market relations, the result of the human intellectual labour, that is, intangible benefits, are also recognized as property [14]. F. Gulomova supposes that intangible assets include objects that do not have a physical appearance and provide

an opportunity to generate additional income [15]. I. Ismanov considered the issues of transforming some peculiarities of recognizing objects of intangible assets and reflecting in the accounting into the international financial reporting [16]. In the opinion of Sh. Ilkhamov, patents, licenses, know-how, trademarks, industrial samples, software, the rights to use land and natural resources, organizational costs, linking the value of intangible assets with the minimum wage to a minimum service economic life of more than one year, franchisees, copyrights and other assets [17]. M. Pulatov investigated intellectual property, which he considered the main component of intangible assets and according to the model proposed by A. Brooking [18], intangible assets represent a structural component of the intellectual capital of the enterprise [19]. According to this model:

*Intellectual capital of the enterprise > intellectual property > patent, copyright, trade mark, know-how and service mark.*

As can be seen from the model, intellectual property is part of intellectual capital in terms of its objects.

IAS 38 “Intangible Assets” sets out the criteria for recognizing and measuring intangible assets and requires disclosures about them. An intangible asset is an identifiable non-monetary asset without physical substance. Such an asset is identifiable when it is separable, or when it arises from contractual or other legal rights. Separable assets can be sold, transferred, licensed, etc. Examples of intangible assets include computer software, licenses, trademarks, patents, films, copyrights and import quotas [20].

According to NAS 7 “Intangible assets”: “Intangible assets - identifiable objects of property that do not have a material content, which the enterprise contains in order to

use them in the process of manufacturing products, performing work, providing services or selling goods, or for performing administrative and other functions for a long period”[21].

“Accounting of intangible assets” (Regulation on accounting 14/2007): “Intangible assets include, for example, works of science, literature and art; software for electronic computers; inventions; utility models; selection achievements; production secrets (know-how); trademarks and service marks” [22].

Analyzing the content of legal and regulatory documents on the organization and maintenance of the accounting of intangible assets at the level of foreign countries, we can see that these countries apply several regulations.

For example, in accordance with USGAAP requirements in the US accounting system, such rules and regulations as FAS 142-3 “Determining the useful economic life of intangible assets”, EITF 08-7 “Protected intangible assets”, 141R “Business Consolidation” are developed by the Bureau of Accounting Standards (FASB) [23].

Summarizing the considerations, specified above, the following approach is applied to the category of intellectual property, which is an essential component of intangible assets: “Intangible asset (intellectual property) is knowledge that arises due to the human mental capacity, which requires legal protection as an object or asset (funds)” [24].

### **Research Methodology**

In this paper, based on the revaluation model of the value of intangible assets, in order to assess the impact of their increase on the initial, depreciation and residual values, correlation - statistical relationship (variable) of two or more random variables

has been widely used. Two main random variables have been selected: the revaluation value of intangible assets and their initial or depreciable or long-term or total asset value. The ten largest joint-stock companies with intangible assets in the balance sheet have been selected to perform these analyses.

The correlation coefficients for revaluation of intangible assets in the taken objects are expressed at different levels, which resulted in the development of positive and negative conclusions. The implied forecasts whether intangible assets depreciated to their initial value or depreciable cost.

In our research, the revaluation of intangible assets had a correlation coefficient relative to their initial value:  $r = 0.996$ . This has demonstrated that there is a very strong and correct relationship between the factor and the outcome, and that the factor’s effect on the outcome is that the coefficient of determination is  $r^2 = 0.992$  (positive correlation). In the second case, when the value of intangible assets after revaluation relative to the value of total assets is estimated, the correlation coefficient is  $r = 0.22$ , and the relationship between factor and outcome is very weak, which can be considered insignificant. The reason is that the effect of the factor on the result on the revaluation indicator accounted for 4.8% (negative correlation).

In addition, the article presents the results of a descriptive statistical analysis, in which the standard deviation of output and long-term assets from the sale of selected objects has been much higher than other variables (this is due to the fact that the selected objects are operating in different fields). In the analysis, the minimum and maximum values among the objects in terms of the minimum values have been taken. The mutual correlation of these variables constitutes an important part of the empirical analysis, and the following table presents the correlation

matrix of the variables. The main goal of the regression analysis of intangible assets is to estimate how much increase in total revenue would occur from the increase in output, and in this regard there are 3 models calculated by means of least square method. According to the results of various model of regression analysis, the positive effect of intangible assets on product revenue has been empirically proven. It has been revealed that the effect of intangible assets on output is positive and of high statistical significance in the properties of all models.

### Analysis and results

In reliance upon the financial statements, the share of intangible assets in long-term

assets and total assets of enterprises is considered on the basis of the following analytical data. Large tax-paying joint-stock companies with intangible assets have been selected to analyze the status of intangible assets. “Uztransgaz” (the share of intangible assets accounted for 64375 million UZS at the beginning of the year and 64375 million UZS at the end of the year) and “Navoiyazot” (the share of intangible assets amounted to 133220 million UZS at the beginning of the year and 143478 million UZS at the end of the year) can be referred to enterprises with a small share of intangible assets.

Table 1.

### Estimation of the share of intangible assets in relation to long-term assets and total assets [25]

№	Joint-stock companies	Intangible assets at the beginning of the period		Intangible assets at the end of the period		Difference of share in relation to long-term assets	Difference of share in relation to total assets
		in relation to long-term assets, %	in relation to total, %	in relation to long-term assets, %	in relation to total, %		
1.	“Maxam – Chirchik”	0,03	0,01	0,008	0,003	-0,022	-0,011
2.	“Uzbekistan Metallurgical Combine”	0,12	0,04	0,10	0,03	-0,02	-0,01
3.	“Uzbekistan railways”	0,009	0,006	0,009	0,006	0	0
4.	“Navoiyazot”	0,001	0,001	0,001	0,01	0	0,009
5.	“Uzhimprom”	0,004	0,004	0,004	0,004	0	0
6.	“Almalyk Mining and Metallurgical Combine”	0,22	0,14	0,16	0,12	-0,06	-0,02
7.	“Uzdonmahsulot”	0,08	0,01	0,08	0,01	0	0
8.	“UzAuto Motors”	4,32	0,95	2,15	0,46	-2,17	-0,49
9.	“Uztransgaz”	0,019	0,0002	0,001	0,002	-0,018	0
10	“Kvarts”	0,046	0,019	0,04	0,009	-0,006	-0,01

These data show that the share of intangible assets in the selected objects is long and varies in terms of total assets. The best performance indicator belongs to “UzAuto Motors”, which accounts for 4.32% (!) compared to the beginning of the reporting period. This can be assessed as a record level among enterprises in sectors of the economy. This is due to the fact that the share of intangible assets is not only higher than we expected in our country, but also in developed countries. Below is one reason why intangible assets have a lower share than enterprise assets.

Intangible assets have the least liquidity in the long-term assets of the enterprise (or may not be liquid at all). On the other hand, intangible assets appear to be the most profitable asset.

There are interrelationships and differences between the International Financial Reporting Standard (IFRS 38) and the National Accounting Standard (NAS 7) used in the accounting for intangible assets:

Aim of IFRS 38:	Aim of NAS 7:
<i>focuses on defining an accounting approach for intangible assets</i>	<i>determining the methodology of accounting and financial reporting of intangible assets belonging to enterprises</i>

Moreover, international standard requires an entity to recognize an intangible asset only when it meets certain criteria and determines how the book value of the intangible asset is evaluated and discloses specific information about the intangible asset.

The aim of both standards is almost identical, focusing on the formation of complete information about intangible assets based on the definition of the approach or methodology in accounting. The main difference of NAS 7 from IFRS 38 is that it fully covers the processes from the recognition of intangible assets to their write-off the balance. One of the important aspects of standards is in which cases the rules of




Figure 1. Comparison of the level of return on intangible assets in relation to other assets.

this standard apply, i.e. which standards are covered by the scope or activity.

It should be noted that the definitions and terms given in the national standard (NAS 7) do not use terms such as fair value, non-monetary asset, research, experimental design (for these terms, separate rules of IFRS 11 apply). In our opinion, it is expedient to unify NAS 7 and NAS 11. This will improve the standard for intangible assets, which is unique, and adjust it in compliance with the rules of the international standard. The following table illustrates a comparison of the rules of the international standard for recognizing and revealing intangible assets.

Table 2

**Interrelationships and differences between international and national standards in the recognition of intangible assets [26].**

<b>Intangible assets (NAS 7)</b>	<b>Intangible assets (IAS 38)</b>
The patent owner's exclusive right to inventions, industrial samples and utility models	Patents
Absolute right to computer software and databases	Software
Absolute right to topologies of integrated circuits	
The exclusive right to a trademark and service mark, as well as the right to use the name of the place of origin of the goods	Trade brands, marketing rights, import quotas
Absolute right to selection achievements	Right of authorship (copyright)
The right to use natural resources	Licenses and franchises
The right to use property	
Other intangible assets (products, works, services, other rights)	

IFRS 38 requires the following aspects when recognizing an asset as an intangible asset:

*first, the definition of an intangible asset; second, recognition criteria.*

These requirements apply to the cost of purchasing or creating an intangible asset and the cost of adding, replacing or servicing the part. In addition, herewith application of recognition criteria for separately acquired intangible assets, initial valuation of intangible assets acquired through government grants, conversion of intangible assets, accounting for internally generated goodwill and initial recognition of internally created intangible assets are covered and evaluated.

The peculiarity of an intangible asset in compliance with an international standard is that, in most cases, there is no asset or replacement part to be added. Consequently, most of the deferred costs may retain the expected future economic benefits embodied in the current intangible asset instead of meeting the definition and recognition criterion of the intangible asset in this standard.

However, it is usually more difficult to determine whether deferred costs are directly attributable to a particular intangible asset relative to the entire business. Regardless of whether the purchase is internally created, subsequent costs on brands, title titles, publication names, customer lists, and essentially similar items are always recognized in profit or loss. The reason is that such costs are no different from the costs directed to the development of the whole business.

An intangible asset is recognized in accordance with IFRS 38 in the following cases:

– *there is a possibility that the entity will receive future economic benefits associated with the intangible asset;*

– *the cost of the asset can be measured in the reliable manner.*



The entity should estimate the probability of future economic benefits expected using reasonable and well-thought assumptions that reflect management’s best estimate of the set of economic conditions that will operate during the useful economic life of the intangible asset. The entity uses competent consideration in assessing the degree of accuracy of future economic benefits obtained from the use of the intangible asset, based on the evidence available at the time of initial recognition, rather than external evidence. The initial evaluation of an intangible asset is disclosed in an international standard separately. IFRS 7 states that the original cost of all types of intangible assets should be the initial cost and that they are accounted for at that cost.

The concept of subsequent evaluation of intangible assets basically means that they are revalued. In the international standard, the object is accounted in the following two cases:

- *accounting model by prime-cost;*
- *revaluation model.*

Both of these models should be selected in the entity’s accounting policies. If an intangible asset is accounted for using the revaluation model, all other assets in its category must be accounted for using the same model. Herein there is no active market for these assets.

A category of intangible assets is a grouping of assets in terms of the same property and use in the entity’s operations. Items in the category of intangible assets are revalued at the same time, avoiding the selective revaluation of assets and the presentation in the financial statements of amounts that reflect the combination of cost and value at different dates.

Table 3

**Differences between IFRS and NAS in the recognition and evaluation of intangible assets**

Recognition and evaluation of intangible assets	
IAS 38	NAS 7
<ul style="list-style-type: none"> <li>- separate purchase;</li> <li>- purchase as part of a business unit;</li> <li>- current costs for the purchased research and development projects on progress;</li> <li>- purchase of assets with the help of a state grant;</li> <li>- exchange of assets;</li> <li>- internally created goodwill;</li> <li>- internally developed intangible assets.</li> </ul>	<ul style="list-style-type: none"> <li>- delivery and acceptance of the created object after completion of development;</li> <li>- purchase of the object under the contract of sale;</li> <li>- receipt in the charter capital in the form of the founders’ contribution;</li> <li>- accounting for government subsidies;</li> <li>- exchange;</li> <li>- identification of surplus intangible assets.</li> </ul>

<i>Accounting model by prime-cost:</i>	<i>after initial recognition in accordance with the model, the intangible asset takes into account any accumulated depreciation and any accumulated impairment loss, which is less than its prime-cost.</i>
<i>Revaluation model:</i>	<i>under the revaluation model, an asset is carried at its fair value (i.e. revalued amount) less any accumulated depreciation and any accumulated impairment losses. Revaluations should be made with sufficient regularity to ensure that the carrying amount does not differ materially from fair value at the end of the reporting period.</i>



Therefore, regardless of the order of recognition of intangible assets in the accounting and their reflection in the accounts, the most important thing is to pay close attention to the order of their valuation.

After an initial recognition of an intangible asset, it shall be carried at an amount that is revalued. It is a revalued amount being its fair value at the date of revaluation less than any subsequently accumulated amortization and any other subsequent accumulated impairment losses. Revaluations shall be carried out with a regularity that at the end of the period to report, the carrying amount of the intangible asset does not differ according to material from its fair value.

In terms of intangible asset revaluation model, the standard does not allow the following:

*first*, a revaluation of an intangible asset that has not been previously recognized as an asset;

*second*, the recognition of intangible assets at values other than prime-cost.

In addition, the standard notes that the periodicity of revaluation depends on the variability in the fair value of the revalued intangible assets. If the fair value of the revalued item differs significantly from its book value, a revaluation is required. In some cases, the requirement is not required for intangible assets that do not have large fluctuations in fair value.

The purpose of the valuation of an intangible asset after it has been recognized as an item of intangible assets is to obtain the income from the item being valued. In most cases, the valuation of items is used when writing-off or selling intangible assets (figure 2).

The following wording is stated in paragraph 28 of NAS 7 used in our republic: “An entity may revalue based on evidence of fair value at the date of the revaluation, provided that the fair value can be reliably determined from an active market. Revaluations must be carried out with sufficient regularity so that the carrying (replacement) value does not differ from the market value at the date of the balance sheet”. However, nowadays there is no annual normative order in terms of the revaluation of intellectual property objects. That is, while the required guidelines are set out in the National Accounting Standards for the revaluation of intangible assets, no indices have been developed for each group of intangible assets.

In this regard, I. Davletov states the following: “While the regulatory framework for revaluation of intangible assets has been created, their revaluation is not carried out at current market prices. As a result, it is possible to provide users with reliable and accurate information from this financial report” [27].




Figure 2. Stages of intangible assets valuation.

The following is stated about revaluation of intangible assets in the national standards of accounting: "...revaluations must be carried out with sufficient regularity so that the carrying (replacement) value does not differ from the market value at the balance sheet date. When revaluing an intangible asset, the entire group of homogeneous intangible assets to which this revalued asset belongs should also be revalued, unless there is no active market for such assets. Intangible assets as a result of revaluation are reflected in accounting and financial statements at their current (replacement) cost". The applicable national standard rules specify the use of an indexing method. At this point, the present value of the intangible asset is accounted for in relation to its initial value. This situation is reflected in foreign experience, in the practice of the Russian Federation, in which the market value of intangible assets is determined in relation to their residual value in the balance sheet [28]. It is also clear from these regulatory documents that there is no a single annual index for revaluation of intangible assets. This indicates that different coefficients may be used in their reassessment or that reassessment may not be carried out in practice in general.

It is also advisable to publish annual revaluation indices for intangible assets (for facilities where the useful economic life is expected to increase). For this purpose, intangible asset revaluation indices are proposed.

*Table 4*

**Proposed annual indices of revaluation of intangible assets**

№	Intangible assets grouping	Revaluation index (in coefficient)
I.1.	Patents (inventions, utility models and industrial samples)	1.20
I.2.	Franchising and licenses	1.25

II.1.	Trademarks	1.25
II.2.	Country of origin of the goods manufactured	1.20
II.3.	Company names	1.20
III.1.	Software	1.25
III.2.	Database	1.20
IV.1.	Rights to use property and natural resource	1.20
IV.2.	Selection achievements	1.25
V.1.	Authorship rights (copyrights)	1.15

These proposed revaluation indices provide an opportunity to bring the value of intangible assets closer to the current market value. On the other hand, it will be possible to reduce the costs (other operating expenses) paid to appraisal organizations in determining their market value each year. The choice of intangible asset revaluation indices is strictly determined by the accounting policy of the enterprise (unless there are changes in the legislation). The accounting policies of the enterprises selected for the study include the following information on the revaluation index of intangible assets:

*Table 5*

**Indices selected in the accounting policies of enterprises for revaluation of intangible assets**

№	Joint-stock companies	Selected valuation indices for intangible assets (in coefficients)
1	"Maxam – Chirchik"	1,20
2	"Uzbekistan Metallurgical Combine"	1.20
3	"Uzbekistan railways"	1,20
4	"Navoiyazot"	1,20

5	“Uzhimprom”	1,20
6	“Almalyk Mining and Metallurgical Combine”	1,20
7	“Uzdonmahsulot”	1,20
8	“UzAuto Motors”	1,20
9	“Uztransgaz”	1,20
10	“Kvarts”	1,20

In the data, illustrated in the table below, it is obvious, that the amounts increased as a result of revaluation of intangible assets in 10 objects selected for the research (enterprises with intangible assets on the balance sheet) (Table 6).

When revaluing the initial (replacement) cost of an intangible asset, its accumulated depreciation at the revaluation date is adjusted to the relevant indices of the change in the initial (replacement) value of the intangible asset and subsequently amortized from the revalued (replacement) value. The revaluation index is determined by dividing the present value of an intangible asset by its initial

value. The amount of increase in the value of intangible assets as a result of revaluation is transferred to the reserve capital account “Adjustments for revaluation of long-term assets”.

The amount of decrease in the value of intangible assets as a result of revaluation is performed to reduce the reserve capital on the account “Adjustments for revaluation of long-term assets” within the limits of the amount of decrease in the value of this object in previous reporting periods. The results of the revaluation of intangible assets are reflected in the financial statements in the current period in which the revaluation of intangible assets is performed.

Selection of intangible asset revaluation indices should be strictly defined in the accounting policy of the enterprise (unless there are changes in the legislation). The revaluation index is considered in the following example: “UzAuto Motors” has intangible assets in the amount of 111719829.33 thousand UZS as of January 1, 2022 (amortization - 54857393.40 UZS).

Table 6

#### Introduction and changes in the revaluation index of intangible assets in relation to their residual value

№	Joint-stock companies	Residual value of intangible assets			
		Beginning of the period	Change from revaluation*	End of the period	Change from revaluation*
1	“Maxam – Chirchik”	31502.00	+6300.4	27642.00	+5528.4
2	“Uzbekistan Metallurgical Combine”	650627.00	+130125.4	424654.74	+84890.94
3	“Uzbekistan railways”	441575.00	+88315.00	170156.00	+34031.1
4	“Navoiyazot”	76570.00	+15314.00	81266.00	+16253.2
5	“Uzhimprom”	67200.00	+13440.00	50400.00	+10080.00
6	“Almalyk Mining and Metallurgical Combine”	19319098.00	+3863819.6	16591696.00	+3318339.2
7	“Uzdonmahsulot”	172086.00	+34417.2	61731.00	+123462.00
8	“UzAuto Motors”	56862435.93	+11372487.18	51388831.71	+10277766.43
9	“Uztransgaz”	21995.00	+4399.00	12338.00	+24676.00
10	“Kvarts”	36743.00	+73486.00	25214.00	+50428.00

\* The residual value of intangible assets increased by 1.20.

The revaluation index is considered in the following example: as of January 1, 2022, “UzAuto Motors” has intangible assets of 111719829.33 thousand UZS (amortization - 54857393.40 UZS). As a result of revaluation of intangible assets at the enterprise (coefficient of 1.20 has been applied) in relation to their residual value increased by +12372487.18 UZS (69234923.11 - 56862435.93). Or as a result of the effect of amortization, the residual value of intangible assets increased by 115.7 percent (69234923.11/56862435.93 x 100) compared to the beginning of the period.

Table 7

**Revaluation of intangible assets in accounting policy of “UzAuto Motors”**

№	Indicator name	Cost (thousand UZS)
I. <i>The situation before the revaluation:</i>		
1.	Intellectual property objects:	
	- initial value	111719829.33
	- amortization value	54857393.40
	- residual value	56862435.93
2.	<b>Revaluation index (coefficient)</b>	<b>1.20</b>
II. <i>The situation after revaluation:</i>		
3.	Intellectual property objects:	
	- initial value	134063795.19
	- amortization value	65828872.08
	- residual value	69234923.11

It is formalized in the accounting as follows. Initial value:

*Debit of “Intangible assets” account - 12372487.18 thousand UZS,*

*Credit of “Adjustments for revaluation of long-term assets” account - 12372487.18 thousand UZS,*

Amortization value:

*Debit of “Adjustments for revaluation of long-term assets” account - 10971478.68 thousand UZS;*

*Credit of “Depreciator of intangible assets” account - 10971478.68 thousand UZS.*

One of the problems to be solved here is to ensure the uniformity of the terms related to the accounting. The name of the account that covers the revaluation is interpreted differently in the regulations. For example, NAS refers to the adjustment to the revaluation account for long-term assets, while another standard states that the revaluation of intangible assets is transferred to the revaluation reserve account as part of the revalued reserve capital. International financial reporting standards, including IFRS 38 “Intangible Assets”, state that the revaluation value of an asset is included in the “Reserve capital” account.

The name of the revaluation account in NAS differs from the concepts or accounts in IFRS 38. It is therefore advisable to make amendments in the relevant paragraphs of this standard as follows and to change the name of the account.

Table 8

**Revealing intangible assets by the revaluation model**

NAS 7	IAS 38
1. Debit of “Adjustments for revaluation of property” account - 220857 thousand UZS. Credit of “Profits of previous year” account – 220857 thousand UZS.	Debit of “Adjustments for revaluation of property” account - 220857 thousand UZS.
2. Debit of “Profits of previous year” account – 220857 thousand UZS. Credit of “Final financial outcome” account – 220857 thousand UZS.	Credit of “Retained profit (uncovered loss)” account – 220857 thousand UZS.
3. Debit of “Final financial outcome” account – 220857 thousand UZS. Credit of “Retained profit (uncovered loss)” – 220857 thousand UZS.	

As it is obvious from the table, our republic requires to adjust the concepts and terms used in the statutory acts, namely in the field of accounting, in compliance with the international financial reporting standards. The revaluation model of intangible assets is based on the following table data in assessing their impact on initial, depreciable and residual values and long-term assets and total assets of the balance sheet.

### Conclusion

The following conclusions can be made in reliance upon the results of research made on the basis of the model of adjustment and revaluation of intangible assets accounting, in particular, adjusting national accounting standard in compliance with with the requirements of International Financial Reporting Standards:

*first*, the aim of National Accounting Standard 7 “Intangible Assets” and its composition should be adjusted in compliance

with the requirements of international standards, namely, IFRS 38;

*second*, it is recommended to consolidate (join) NAS “Intangible Assets” and NAS 11 “Expenditures on research and development”, currently acting in our country, and bring them into a single standard in accordance with international standards;

*third*, in order to obtain accurate information on intangible assets, annual revaluation indices should be published (for facilities which useful economic life is expected to increase);

*forth*, according to the revaluation model, the results of revaluation of intangible assets should be reflected directly in the capital of enterprises, i.e. in the account “Retained earnings”;

*fith*, correlation and regression analysis of the results of revaluating intangible assets enables to assess their initial value, amortization, long-term assets and the degree of dependence on total assets.

### REFERENCES

1. Resolution of the President of the Republic of Uzbekistan №PR-4611 “On additional measures to transition to International Financial Reporting Standards” dated February 24, 2020.
2. [National Accounting Standard 7 \(registered by the Ministry of Justice of the Republic of Uzbekistan under №1485 on June 27, 2005\)](#). [National Accounting Standard 11 “Expenditures on research and development” \(registered by the Ministry of Justice of the Republic of Uzbekistan under № 581 on December 28, 1998\)](#).
3. Thomas P. Carlin. Albert R. Macmin, III. Analysis of financial statements (based on GAAP). Textbook. Translation of the fourth English edition. M.: IFRA-M.1998.-p. 448.
4. Sveiby K.E. Intellectual Capital and Knowledge Management.1998.-213 p.
5. Leontyev B.B. The price of intelligence. Intellectual capital in Russian business. - M.: “Aksioner”, 2002.
6. Dontsova L. Analysis of financial statements: textbook/6th edition. Updated and revised - Publishing House “Business and Service”, 2008. -368 p.
7. Ivanov I.V. et al. Financial management: Cost-based approach: Manual: Alpina Business Books, 2008.-504.
8. Pokrovsky I.A. The role of Roman law in the legal history of mankind and in modern jurisprudence. // Scientific notes of Yuryev University. - 1894. - V. 3. - p. 1-30
9. Lytneva L. Accounting. Tutorial: M-Forum: INFRA-M: ИИФРА-М, -2006- p. 496
10. Dusmuratov R.D. Basics of audit. Textbook. –T.: 2003. p. 612.

11. Ochilov I. Qurbonboev J. “Financial accounting”/Manual. T.: «IQTISOD-MOLIYA», 2007. p. 265.
12. Sotivoldiev A.S. “Modern accounting”/Manual. T.: BAMA-2007. Volume 2.
13. Rakhimbekova R.M. “Financial Accounting in the Enterprise”. Almaty. “Economy” Publishing House. 2003. p.94.
14. Isroilov B.I. “Tax accounting and analysis: problems and their solutions.” T.: “Uzbekistan”, 2006. p. 92.
15. Gulyamova F.G. “Guide to independent study of accounting”. T.: “World of Economy and Law, 2000. p.229.
16. Ismanov I.I. Improving the methodology of accounting and auditing of long-term assets. Abstracts of the dissertation claiming for the scientific degree of the Doctor of Sciences. 2009, p.37.
17. Ilkhamov Sh.I. “Accounting and audit of investment activities” Abstracts of the dissertation claiming for the scientific degree of the PhD in economics, 2005, p.24.
18. Brooking A., Motta E.A / Taxonomy of Intellectual Capital and Methodology for Auditing It/17th Annual National Business Conference, McMaster University, Hamilton, Ontario, Canada. January 24-26, 1996.
19. Polatov M.E. “Improvement of intellectual capital accounting and auditing methodology”, 08.00.08 - “Accounting, Economic Analysis and Auditing”, Abstracts of the dissertation claiming for the scientific degree of the Doctor of Sciences. 2017.
20. IAS 38 “Intangible assets. Paragraph 8.
21. National Accounting Standard of the Republic of Uzbekistan “Intangible Assets” (NAS 7), paragraph 4.
22. Order of the Ministry of Finance of the Russian Federation dated 27.12.2007 № 153 (edition dated May 16, 2016) ([Regulation on accounting 14/2007](#)) ([Registered in the Ministry of Justice of the Republic of Uzbekistan № 10975 dated January 23, 2008](#)).
23. **FSP FAS 142-3 (AS ISSUED)**/[https://www.fasb.org/pdf/fsp\\_fas142-3.pdf/](https://www.fasb.org/pdf/fsp_fas142-3.pdf/)
24. Rizaev N.K. “Methodology of organizing accounting and financial analysis of intellectual property”, dissertation claiming for the scientific degree of the Doctor of Sciences, 2019.
25. Rizaev N.K. International financial reporting standards in the agricultural sector and their introduction to the practice of Uzbekistan. Scientific electronic journal “Finance and Banking”. Issue 1 of 2022. pp. 46-56.
26. Rizaev N.K. Issues of adjusting national standards in compliance with international standards in uzbekistan (Evidence from accounting policy). SCIENTIFIC RESEARCH AND INNOVATION, 2022 1(1), 94–104. Retrieved from.
27. Reporting information on the financial condition of joint-stock companies. As of January 1, 2022. <https://openinfo.uz/ru/>
28. Civil Code of the Republic of Uzbekistan. <https://lex.uz/docs/180552>
29. Davletov I. “Improvement of accounting and audit of intellectual property in agriculture”. Dissertation claiming for the scientific degree of the PhD in economics. 2018.



УДК

Мирсодиқова Дилобар Дилшод кизи,  
самостоятельный соискатель  
dilobar\_barca@mail.ru  
<https://orcid.org/0000-0002-3643-5765>

---

**ЦИФРОВИЗАЦИЯ БУХГАЛТЕРСКОГО УЧЕТА:  
ПЕРСПЕКТИВЫ И НАПРАВЛЕНИЯ РАЗВИТИЯ**

---

Mirsodiqova Dilobar Dilshod qizi,  
mustaqil izlanuvchi

---

**BUXGALTERIYA HISOBINI RAQAMLASHTIRISH:  
ISTIQBOL VA RIVOJLANISH YO'NALISHLARI**

---

Mirsodikova Dilobar Dilshod kizi,  
independent applicant

---

**DIGITALIZATION OF ACCOUNTING:  
PROSPECTS AND DIRECTIONS OF DEVELOPMENT**

---

**Аннотация.** В статье обосновано значение инновационных технологий для бухгалтерского управленческого учета и анализа. Наиболее подходящей цифровой технологией для цифровизации бухгалтерского учета является система блокчейн – дана ее краткая характеристика и выделены преимущества ее применения. Описываются изменения методологии бухгалтерского учета путем использования тройной записи, то есть возникновение многоярусности учетной системы.

**Ключевые слова:** блокчейн, искусственный интеллект, машинное обучение, бухгалтерский учет, анализ, управленческий учет, цифровая экономика, цифровые технологии.

**Annotatsiya.** Maqolada boshqaruv hisobi va tahlil uchun innovatsion texnologiyalarning ahamiyati asoslab berilgan. Buxgalteriya hisobini raqamlashtirish uchun eng mos raqamli texnologiya blokcheyn tizimidir – uning qisqacha tavsifi berilgan va uni qo'llashning afzalliklari ta'kidlangan. Buxgalteriya hisobi metodologiyasining uch karrali yozuvni qo'llash orqali o'zgarishi, ya'ni ko'p bosqichli buxgalteriya tizimining paydo bo'lishini tavsiflaydi.

**Tayanch so'zlar:** blokcheyn, sun'iy intellekt, mashinani o'rganish, buxgalteriya hisobi, tahlil, boshqaruv hisobi, raqamli iqtisodiyot, raqamli texnologiyalar.

**Annotation:** The article substantiates the importance of innovative technologies for management accounting and analysis. The most suitable digital technology for digitalization

---



*of accounting is the blockchain system – its brief description is given and the advantages of its application are highlighted. It describes changes in the accounting methodology by using a triple entry, that is, the emergence of a multi-tiered accounting system.*

**Key words:** *blockchain, artificial intelligence, machine learning, accounting, analysis, management accounting, digital economy, digital technologies.*

### Введение

Характерной особенностью современной социально-экономической среды является глобальная информатизация, которая проявляется как в динамичном развитии информационно-коммуникационных технологий, так и в превращении информации в стратегический ресурс для полноценного функционирования любых, в первую очередь, экономических субъектов в турбулентно изменяющемся мире. Изменения в системе бухгалтерского учета в современных условиях связаны с целым рядом факторов и причин. На протяжении нескольких последних десятилетий многими учеными и практиками отмечается ряд проблем, связанных со снижением функциональности учета и ценности информации финансовой отчетности для ключевых групп стейкхолдеров.

В настоящее время все более важным становится вопрос использования передовых информационных технологий в различных сферах деятельности, в частности, в бухгалтерском учете, который является центральным компонентом системы управления любым объектом. Развитие цифровой экономики требует совершенствования современных информационно-телекоммуникационных технологий, что предоставляет новые возможности для ведения бухгалтерского учета. Использование информационных технологий способствует повышению конкурентоспособности организаций за счет сокращения расходов, снижения влияния человеческого фактора и

ускорения работы. Мировой тренд развития цифровой экономики закреплен в Декларации «О цифровой экономике: инновации, рост и социальное благополучие», принятой на Министерской конференции в Канкуне (Мексика) (2016 г.) [1]. Важным шагом в данном направлении в нашей стране стал указ Президента Республики Узбекистан № УП-6079 «Об утверждении Стратегии «Цифровой Узбекистан-2030» и мерах по ее эффективной реализации» от 05.10.2020 г.

### Обзор литературы

В последние годы наиболее важным стал вопрос становления новой парадигмы бухгалтерского учета, связанной с цифровизацией экономики и развитием информационного общества XXI века. Известные ученые-экономисты стали использовать в научных публикациях новые термины: «цифровой учет», «цифровизация бухгалтерского учета». Вместе с тем, на сегодняшний день отсутствует единый подход к реформированию методологии бухгалтерского учета, так как данные понятия не закреплены в законодательстве, а авторы расходятся во мнениях.

Одни авторы считают основным направлением модернизации бухгалтерского учета использование новых цифровых технологий (технологии блокчейн, смарт-контракты, облачные хранилища, др.), внедрение которых в сравнении с ручной обработкой информации дает следующие преимущества:

- отсутствие или сокращение количества первичных документов;
- снижение трудоемкости обработки бухгалтерской информации;
- быстрая обработка больших массивов данных;
- представление данных в удобном для анализа виде (диаграммы, графики, таблицы) и др.

Другие авторы делают акцент на появлении новых объектов бухгалтерского учета (токены, криптовалюта, блок транзакций, цифровые записи, права собственности в реестре транзакций, человеческий капитал, клиентская база и др.), для которых возникает необходимость разработки новых методик и принципов учета.

Таблица 1

## Анализ мнений различных авторов о цифровизации бухгалтерского учета

Филиппова А.С., Илатовская М.А. «Цифровые технологии в бухгалтерском учете: сравнение современных сервисов»	Цифровизация бухгалтерского учёта – инструменты и каналы связи для различного учета данных, а также осуществление обмена данными [2]
Возьянова А.Н. «Особенности цифрового бухгалтерского учета в современном обществе» 2020	Цифровой учет – это когда все транзакции записываются в онлайн-сервер или базу данных [3]
Булгакова К.В., Илышева Н.Н. «Цифровые учетные процедуры как основа тройной моментальной бухгалтерии»	Цифровая экономика – это процессы и способы реализации экономической деятельности, основанные на применении цифровых технологий, связанных с электронным бизнесом и торговлей, позволяющих осуществлять реализацию цифровых товаров и услуг в киберсреде [4]
Evsyukova O.V., Yuryeva O.A. «Role and significance of accounting under the conditions of digital economy»	Цифровые технологии являются наиболее важными составляющими процесса использования информационных ресурсов в бухгалтерском учете и представлении отчетности [5]
Guzov I., Soboleva G., Artemova D. «Digital technologies in accounting and taxation: some issues from russian literature and experience»	Blockchain makes it possible to significantly optimize the processes of not only accounting, but also audit, while ensuring higher yields [6]
Bryant Nielson “How Blockchain Implementation will Impact Accounting”	That’s also the reason why this technology bears high potential for the accounting. It offers a much more durable and transparent framework for the accounting firms to measure and track their assets. It can make it easier for them to understand and recognize which assets are available in the real-time, their values and other commitments that may impact potential cashflows.

### Методология исследования

Тенденция цифровизации современной экономики предполагает модификацию подходов к ведению бизнеса. Учитывая дальнейшее нарастание конкуренции на рынке, топ-менеджеры корпораций делают ставки на новые технологии и внедрение инноваций, вследствие чего актуальным становится исследование сущности и возможностей применения технологии блокчейн, искусственного интеллекта, машинного обучения в бухгалтерском учете и управлении субъектами бизнеса, благодаря которым возможно развитие единого информационного пространства, одинаково интерпретируемого всеми заинтересованными лицами.

ERP-системы управления предприятием позволяют в условиях сложного производства, разветвленной филиальной сети, большого ассортимента выпускаемой продукции и повышенным объемом складских операций, объединить несколько задач: объединить все бизнес-процессы по единым правилам в рамках одной системы; оперативно получать информацию обо всех сторонах деятельности предприятия; планировать и контролировать деятельность организации [8].

Обработка и хранение информации в Интернете – «облачные технологии» – это еще одно современное направление автоматизации бухгалтерского учета. Несомненно, оно обладает рядом преимуществ: не требуется первоначальных инвестиций, удобны в доступе, нет ограничений в пользователях.

Вместе с тем, существующим технологиям ведения учета присущи следующие недостатки:

- риски потерь и искажения информации;

- разрозненность и низкое качество данных;

- отсутствие возможности автоматизированного формирования учетно-аналитической информации с учетом временной стоимости денег;

- ориентация на потребность действующих методик учета;

- отсутствие интеграции в международную систему учета.

Новый этап развития информационных технологий – искусственный интеллект, машинное обучение, технология блокчейн – позволят нивелировать указанные проблемы.

В последнее десятилетие увеличилось количество компаний, которые внедряют концепцию цифровой трансформации [9], включающую в себя не только использование новых технологий (например, машинное обучение, приложения искусственного интеллекта, Интернет вещей, блокчейн), но и изменения ключевых бизнес-элементов, включая стратегию, бизнес-модель, бизнес-процессы [10].

Искусственный интеллект (Artificial Intelligence, AI) – это прежде всего машинное обучение. Цель этой концепции в создании программ, которые могут самостоятельно анализировать данные, принимать решения, создавать концепции и учиться на основе заданных правил, без применения дополнительного программирования. Применяя статистические методы и эконометрические модели искусственный интеллект может построить прогнозы и сценарии развития событий, переработать массив неструктурированных данных в полезную информацию, скорректировать свои действия с учетом меняющихся условий хозяйствования [11].

## ИСТОРИЯ БЛОКЧЕЙНА



Блокчейн открывает огромные возможности. Бухгалтеры и бухгалтерские фирмы, которые освоят эту технологию и поймут ее основные концепции, будут наиболее востребованы в ближайшие годы. С каждым днем будущее, ориентированное на блокчейн, становится все более вероятным. Бухгалтеры обычно являются экспертами в области ведения учета, и блокчейн может эффективно помочь резервировать записи в совместимой системе, к которой аудиторы и уполномоченные третьи стороны могут получить безопасный и надежный доступ. В этот преобладающий период бухгалтеры должны контролировать внедрение и обслуживание блокчейна, а также других современных технологий.

Как мы уже отмечали выше, развитие цифровой экономики воздействует на все сферы деятельности людей, включая учетные процессы, вследствие чего бухгалтерский учет, как неотъемлемая часть человеческой жизни, подвергается значительным изменениям, в части инновационных технологий передачи и

хранения информации. Цифровизация бухгалтерского учета оказывает значительное воздействие на два его момента (рис. 1):

1. Технологию аккумуляции (получения) необходимой информации, ее хранения, а впоследствии передачи ее заинтересованным пользователям – информационных технологиях в бухгалтерском учете [14]. Под технологией понимается современные информационные системы, которые осуществляются посредством формирования и обслуживания баз данных. Информационные системы развиваются в разрезе двух составляющих: развитие техники (создание новой технической базы) и усовершенствование автоматизированных информационных систем (АИС).

2. Методологии систематизации информации, то есть сути самого бухгалтерского учета или методологии бухгалтерского учета.




Рис.1. Влияние цифровизации на аспекты бухгалтерского учета

Блокчейн обладает важным для бухгалтерской работы свойством: информации, которая создана в блокчейне, можно доверять, даже если доверие к контрагенту отсутствует, поскольку транзакция может быть осуществлена, только если она одобрена обеими сторонами сделки. Впоследствии эта информация защищена от изменений.




Рис. 2. Схема работы технологии блокчейн при совершении финансовой операции

Система блокчейн является децентрализованной системой, что обеспечивает отражение транзакций с более высокой степенью достоверности нежели регистрация факта хозяйственной жизни на бумажном носителе. Так же стоит отметить, что на наш взгляд, понятие транзакция является более узким, чем факт хозяйственной жизни, представляющее собой какое-то определенное действие, в то время как факт хозяйственной жизни – это совокупность определенных действий.

#### Анализ и результаты

Эффект применения блокчейна к бухгалтерскому учету и аудиту, а также документы на самом деле

являются долгосрочными, не могут быть фактически подделаны или даже стертые, а также многочисленные программируемые блокчейны, позволяющие автоматизировать совершенно новые сделки, а также управлять с помощью разумного соглашения. Блокчейн на самом деле представляет собой сочетание корпоративных разработок, таких как финансовые вознаграждения, которые поддерживают передовые инновации. Имея дело с экспертами по блокчейну, специалисты по бухгалтерскому учету могут легко помочь в сборе требований, которые, безусловно, будут способствовать развитию блокчейна.

Блокчейн не редкость для интересных инновационных моделей. В данной

конкретной ситуации это фактически бэк-офисная услуга для передачи владения имуществом, а также аудиоинформации в Интернете. Можно было бы сказать, что блокчейн на самом деле является системой для ведения бухгалтерского учета, а также для работы компании. В рамках этого конкретного исследования наша команда фактически суммировала именно то, что, по мнению нашей компании, является важнейшими элементами блокчейн-инноваций, вплоть до 3 основных фраз, которые обсуждают именно то, что создает блокчейн, исходя из журналов. Огромный резерв, который сегодня гораздо лучше понимается в процедуре ведения бухгалтерского учета, на самом деле является источником данных, которым можно пользоваться и которым можно управлять через одно празднование.

На наш взгляд, использование блокчейна применительно к отчетности позволит отслеживать ее на различных временных этапах. Например, до и после аудита; до и после исправления ошибок. Это расширяет возможности пользователей (Одинцово Т.М., 2018). Технология распределенного децентрализованного хранения данных блокчейн, которая до недавнего времени была не более чем трендовым словом, постепенно становится реальностью в Узбекистане. Сегмент государственного управления и финансовый сектор наиболее активно интересуются и видят в этой технологии большие перспективы. Поскольку технология блокчейн в настоящее время находится на стадии инновационных и пилотных проектов в Узбекистане, необходимо выявить и проанализировать факторы внутренней и внешней среды, которые влияют на процессы и результаты внедрения технологии блокчейн в сфере бухгалтерского учета. Для этого мы

используем метод стратегического анализа – SWOT-анализ, который позволяет не только выделить сильные и слабые стороны технологии блокчейн, но и оценить возможности и угрозы внедрения данной технологии применительно к бухгалтерскому учету.

Таблица 2

**SWOT-анализ использования  
технологии блокчейн в бухгалтерском  
учете**

<b>Сильные стороны (S)</b>	<b>Слабые стороны (W)</b>
1. Децентрализация (все данные хранятся у всех) 2. Доступность и прозрачность (данные доступны всем участникам приватного блокчейна) 3. Безопасность (изменения в приватный блокчейн не могут быть добавлены извне) 4. Оперативный учет в режиме реального времени, отсутствие первичных документов 5. Блокчейн позволяет эффективно бороться с мошенничеством. Уклонение от уплаты налогов станет невозможным, так как все транзакции будут оцифрованы	1. Эффект медленной работы при увеличении пользователей 2. Отсутствие законодательного регулирования 3. Высокое энергопотребление 4. Отсутствие специалистов необходимого уровня 5. Пилотный и экспериментальный уровни реализации 6. Высокая стоимость хранения данных в распределенной сети по сравнению с хранением централизованной базы данных



Возможности (О)	Угрозы (Т)
1. Передача информации в режиме реального времени 2. Проверка данных участниками сети 3. Дифференцированный	1. Угроза недостижения консенсуса между заинтересованными сторонами 2. Ажиотаж ожиданий от технологий при их неоправданности на пилотных проектах может остановить развитие отрасли 3. Появление мошеннических и теневых технологий 4. Угроза сопротивления масштабному внедрению технологий со стороны бизнеса, оказывающего посреднические услуги

Так, SWOT-анализ показал, что уже принят ряд законопроектов, сформированы общественные организации, действуют инициативы, развиваются профессиональные сообщества. Однако следует отметить, что проекты на платформе блокчейн в основном реализуются в пилотном формате. Существуют барьеры, усложняющие процесс внедрения технологии блокчейн в учетную деятельность. Таким образом, необходимо совершенствовать нормативно-правовое регулирование, разрабатывать единые подходы к стандартизации внедрения данной технологии в различные отрасли и сферы. Система информационной безопасности требует совершенствования, есть определенные сложности с интеграцией информационных систем,

а также следует отметить высокую стоимость разработки и реализации проектов. В то же время при создании необходимых условий данная технология имеет хорошие перспективы.

### Заключение

В условиях цифровизации учета предприятие само определяет критерии полезности информации, посредством формализации и представления через систему специальных программных продуктов. После сбора данных в системе блокчейн возникает потребность в создании специальных цифровых учетных платформ. В теоретическом плане цифровая платформа является своего рода учетной политикой предприятия, так как содержит способы, методы учета, способствующие эффективному функционированию бизнеса.

Основными преимуществами технологии учета блокчейн является:

1. Открытость выполняемых операций – пользователь сети свободно имеет возможность отследить историю транзакций на сайте-проводнике.
2. Наличие цифровой записи – делает невозможным подделать, изменить, удалить данные.
3. Обладание каждым участником блокчейна постоянной обновляемой копией базы данных.
4. Высокая скорость и точность транзакций, что обеспечивает быстроту и надежность совершаемых сделок.
5. Децентрализованная связь между серверами, что дает высокую защищенность пользователей и операций. Обладая этими свойствами, система блокчейна является одной из наиболее подходящих для использования в бухгалтерском учете.

Таким образом, в условиях цифровизации экономики возникает



необходимость в использовании цифровых технологий во всех сферах развития экономики. В первую очередь внедрение цифровых технологий касается учетных процессов, что служит предпосылкой к цифровизации бухгалтерского учета, посредством инновационных технологий передачи и хранения данных. Наиболее подходящей цифровой технологией

для совершенствования методологии бухгалтерского учета является блокчейн. Цифровизация бухгалтерского учета повысит скорость сбора и обработки информации, увеличит степень надежности хранения данных, а также доступность и оперативность информации для заинтересованных пользователей.

#### ЛИТЕРАТУРА

1. «Декларация о цифровой экономике как двигателе сотрудничества, безопасности и роста»// МС(25) Journal. № 2. Пункт 7 повестки дня.
2. Филиппова А.С., Илатовская М.А. Цифровые технологии в бухгалтерском учете: сравнение современных сервисов / 2020. №5 (63). [Электронный ресурс]. Режим доступа: <https://esa-conference.ru/wp-content/uploads/files/pdf/Filippova-AnnaSergeevna.pdf>. Дата доступа : 12.10.2020.
3. Возьянова А.Н. Особенности цифрового бухгалтерского учета в современном обществе // Аллея науки. 2020. [Электронный ресурс]. Режим доступа: [https://alleyscience.ru/domains\\_data/files/4 June2020.pdf](https://alleyscience.ru/domains_data/files/4 June2020.pdf). Дата доступа : 12.10.2020.
4. Булгакова К. В., Илышева Н. Н. Цифровые учетные процедуры как основа тройной моментальной бухгалтерии.
5. [https://elar.urfu.ru/bitstream/10995/108856/1/978-5-91256-543-4\\_069](https://elar.urfu.ru/bitstream/10995/108856/1/978-5-91256-543-4_069)
6. Уверенность в будущем. Как технологии будущего могут помочь финансовой службе уже сейчас [Электронный ресурс]: URL: [www.pwc.ru/ru/assets/pdf/pwc-emerging-technol-ogy-v8\\_rus\\_ed.pdf](http://www.pwc.ru/ru/assets/pdf/pwc-emerging-technol-ogy-v8_rus_ed.pdf)
7. Саломеева А. Что такое ERP-система [Электронный ресурс]: URL: [www.fd.ru/articles/1231-chto-takoe-erp-sistema](http://www.fd.ru/articles/1231-chto-takoe-erp-sistema)
8. Mirsadikova D. (2023). ACCOUNTING FOR CRYPTOCURRENCIES. Приоритетные направления, современные тенденции и перспективы развития финансового рынка. 318-321. извлечено от <https://inlibrary.uz/index.php/financial-market-growth/article/vie>

УЎТ 338.(07.5)

Абдуллаев Аброр Бозарбоевич,  
Тошкент молия институти, “Иқтисодий таҳлил”  
кафедраси доценти, PhD.

## СОЛИҚ АУДИТИДА ТАҲЛИЛИЙ АМАЛЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШНИНГ НАЗАРИЙ МАСАЛАЛАРИ

Абдуллаев Аброр Бозарбоевич,  
Тошкентский финансовый институт, PhD,  
доцент кафедры “Экономический анализ”

## ТЕОРЕТИЧЕСКИЕ ВОПРОСЫ ИСПОЛЬЗОВАНИЯ АНАЛИТИЧЕСКИХ ПРОЦЕДУР В НАЛОГОВОМ АУДИТЕ

Abdullaev Abror Bazarboyevich,  
Tashkent institute of finance, Associate Professor of the Department of  
“Economic Analysis”, PhD.

## THEORETICAL ISSUES OF USING ANALYTICAL PROCEDURES IN TAX AUDIT

**Аннотация.** Мақолада Ўзбекистон Республикасида иқтисодиёт эркинлашуви ва модернизациясининг ҳозирги босқичида амалдаги молия-солиқ қонунчилиги асосида солиқ аудитини ташиқил этиши ва ўтказишида таҳлилий амаллардан фойдаланиш зарурлиги ва аҳамияти, ҳозирги замон хусусиятлари ва муаммолари давлатнинг солиқ маъмуриятчилигини такомиллаштириши ҳамда солиқ ҳисоби, аудитининг халқаро стандартларга мослашувини таъминлаш тезкор тадбирлари нуқтаи назаридан кўриб чиқилган.

**Таянч сўзлар:** солиқ, солиқ тўловчилар, солиққа тортиш, солиқ назорати, солиқ тегишувлари, солиқ маъмуриятчилиги, солиқ таҳлили, солиқ аудити, таҳлилий амаллар.

**Аннотация.** В статье рассматриваются необходимость и важность использования аналитических процедур при организации и проведении налогового аудита на основе действующего финансового и налогового законодательства на современном этапе либерализации и модернизации экономики Республики Узбекистан, раскрыты особенности и проблемы налогового учёта и аудита в соответствии с международными стандартами, своевременность мер по совершенствованию налогового законодательства.

**Ключевые слова:** налоги, налоговые платежи, налогообложение, налоговые проверки, налоговая администрация, налоговый аудит, налоговый анализ, налоговый аудит, аналитические процедуры.

**Annotation.** *In the article, at the current stage of the liberalization and modernization of the economy in the Republic of Uzbekistan, the necessity and importance of using analytical procedures in the organization and conduct of tax audits based on the current financial and tax legislation, the features and problems of the present time, the urgent measures to improve the tax administration of the state and ensure the adaptation of tax accounting and auditing to international standards viewed from the point of view.*

**Keywords:** *tax, taxpayers, taxation, tax control, tax inspections, tax administration, tax audit, analytical procedures.*

### Кириш

Амалиёт ва илмий тадқиқотларда аудит, шу жумладан, солиқ текширувини ўтказиш жараёнида таҳлилий амаллардан фойдаланишга етарлича эътибор берилмаяпти. Шу билан бирга, солиқ тўловчининг фаолиятини тўлиқ таҳлил қилиш зарурати ҳар қандай аудитнинг дастлабки босқичларида пайдо бўлади.

Солиқ мажбуриятларини текширишда таҳлилий амаллардан фойдаланиш солиқ тўловларининг тузилиши, уларнинг динамикаси ҳақида тасаввурга эга бўлишга, солиқ мажбуриятлари миқдорига таъсир қилувчи омилларни аниқлашга, солиққа тортишни оптималлаштиришга ва келажакда юзага келиши мумкин бўлган солиқ рискларини башорат қилишга ёрдам беради.

Бугунги кунга келиб, Ўзбекистон Республикасида солиқ аудитида таҳлилий амаллардан фойдаланиш қуйидаги меъёрий ҳужжатлар билан тартибга солинади:

1. Ўзбекистон Республикасининг 25.02.2021 йилдаги ЎРҚ-677-сон “Аудиторлик фаолияти тўғрисида”ги қонуни.

2. Аудиторлик фаолияти стандартлари:

– аудит халқаро стандартлари: АХС № 520 “Аналитик амаллар”;

– сифат назоратининг халқаро стандартлари;

– таҳлилий текширувларнинг халқаро стандартлари;

– ишончли таъминлайдиган топшириқларнинг халқаро стандартлари;

– турдош хизматларнинг халқаро стандартлари.

Корхонанинг солиқ соҳасидаги фаолиятини тавсифловчи асосий солиқ кўрсаткичларидан бири солиқ юкидир. Ушбу кўрсаткични солиқ мажбуриятларини текширишнинг бир қисми сифатида ҳисоблаш текширилаётган корхонанинг солиқ муносабатларини янада ишончли баҳолаш имконини беради.

Бугунги кунга келиб солиқлар хўжалик юритувчи субъектнинг давлат ва назорат органлари билан муносабатларининг муҳим қисмларидан бирини ташкил этади.

“2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси”<sup>1</sup>да асосий устувор йўналиш сифатида «солиқ юкини камайтириш ва солиққа тортиш тизимини соддалаштириш сиёсатини давом эттириш, солиқ маъмуриятчилигини такомиллаштириш ва тегишли рағбатлантирувчи чораларни кенгайтириш» белгиланган. Мазкур вазифалар “2022–2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг Тараққиёт стратегияси” да ҳам янада қатъий ва кенг қамровли тарзда қўйилди: «...солиқ юкини камайтириш ва солиққа тортиш тизимини соддалаштириш

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сонли фармони.//Халқ сўзи, 08.02.2018 й.

сиёсатини давом еттириш, солиқ маъмуриятчилигини такомиллаштириш ва тегишли рағбатлантирувчи чораларни кенгайтириш»<sup>2</sup> муҳим йўналиш сифатида белгилаб берилган.

Ривожланган мамлакатлар солиқ-бюджет сиёсатидан фарқли равишда, республикамиз бюджети даромадларининг асосий қисми юридик шахслар тўлайдиган солиқлар ва мажбурий тўловлар ҳисобига шакллантирилади. Бу ҳолат юридик шахсларни солиққа тортишнинг самарали механизмини яратиш орқали давлат бюджети даромадларини тўлиқ ва вақтида шакллантириш мумкинлигини намоён этади.

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг Тараққиёт стратегияси ни тасдиқлаш тўғрисида”ги №ПФ-60-сонли Фармони.

**Тадқиқот методологияси**

Мақолада солиқ аудитини ташкил этиш ва ўтказишда таҳлилий амаллардан фойдаланиш зарурлиги ва аҳамияти, ҳозирги замон хусусиятлари ҳамда муаммоларини тадқиқ этишда диалектик ёндашув, гуруҳлаштириш, таққослаш, тизимли таҳлил, анализ-синтез ва иқтисодий таҳлилнинг бошқа анъанавий усулларида фойдаланилган.

**Мавзуга оид адабиётлар шарҳи**

Илмий ва махсус адабиётларда “таҳлилий амаллар” тушунчаси ҳақида ҳам турлича фикрлар мавжуд (1-жадвал).

*1-жадвал*

**Илмий ва махсус адабиётларда “таҳлилий амаллар” тушунчасининг турли талқинлари<sup>3</sup>**

<b>Муаллифлар</b>	<b>Тушунчанинг талқини</b>	<b>Фойдаланиш хусусиятлари</b>
<b>Р.П. Булига, В.Г.Когденко, М.В.Мельник, А.И.Бурикин, М.В.Тарасова, Т.Ю.Новикова, В.Я.Соколов ва бошқалар</b>	Таққослаш, таҳлил қилиш ва синтез қилишнинг умумий илмий усулларида, шунингдек, иқтисодий таҳлилнинг махсус усулларида фойдаланишга асосланган ва таҳлил қилинаётган кўрсаткичлар ўртасида сабабий боғланишлар мавжудлигини тахмин қилишга асосланган аудитни ташкил этиш ва ўтказиш усули Ўзаро муносабатларни аниқлаш, таҳлил қилиш ва баҳолашдан иборат бўлган аудит амаллари тури, корхонанинг молиявий-иқтисодий кўрсаткичлари ўртасида. Уларнинг қўлланилиши таҳлил қилинаётган кўрсаткичлар ўртасида аниқ сабаб-оқибат муносабатларининг мавжудлигига асосланади [3-5]	Аудит жараёнида таҳлилий амаллардан аудиторлик далилларининг махсус усули ва аудиторлик амалларининг бир тури сифатида фойдаланиш

<sup>3</sup> Адабиётлар таҳлили асосида муаллиф ишланмаси.

<b>М. Е. Грачева, А.В. Грачев, В.И.Бариленко, Л.В. Донцова, М.В. Мельник, Н.А.Никифорова, Н.А. Казакова ва бошқалар</b>	Корхонанинг молиявий ҳолатини баҳолашда муҳим бўлган коэффициентлар ва тенденцияларни таҳлил қилиш, шу жумладан, уларни тебранишлар ва муносабатлар, агар улар бошқа тегишли маълумотларга мос келмаса ёки мезон қийматларидан четга чиққан ҳолатларда кейинги ўрганиш [6-12]	Молиявий ҳолатни баҳолаш учун таҳлилий амалларни қўллаш
<b>В.Я. Соколов, С.М. Бычкова, Т.М.Рогуненко ва бошқалар</b>	Аудиторнинг ўзи текширадиган кўрсаткичларни таҳлил қилиш, аудитор томонидан олинган маълумотларни таҳлил қилиш ва баҳолаш, хўжалик юритувчи субъектнинг енг муҳим молиявий-иқтисодий кўрсаткичларини ўрганиш [13]	Аудиторлик текширувининг усули ва бир босқичи
<b>Н.А.Казакова, Э.И. Белякова, Е.А. Федченко</b>	Солиқ тўловчи учун солиқни тўламаслик (кам тўлаш) билан боғлиқ мумкин бўлган хавфларни аниқлаш учун зарур бўлган маълумотларни таҳлил қилиш босқичларининг мантикий боғлиқ кетма-кетлиги; молиявий ва номолиявий кўрсаткичлар ўртасидаги еҳтимолий муносабатларни ўрнатиш ва баҳолаш, аниқланган оғишларни ўрганиш, аниқланган оғишлар, ҳуқуқбузарликлар, солиқ рискларига жавоб. Таҳлилий амаллар бухгалтерия ҳисоби ва солиқ ҳисоботи кўрсаткичлари ўртасидаги боғлиқликни текширишга асосланади [14]	Фақат аниқ нисбатларнинг таҳлили сифатида тақдим этилади ва аудитни оптималлаштириш усули сифатида ишлатилади
<b>Ж.А. Кеворкова</b>	Таҳлилий амаллар ички аудит усули сифатида [15]	Бизнеснинг иқтисодий хавфсизлигини таъминлаш учун фойдаланилади

Таҳлилий амаллардан фойдаланишнинг истиқболли йўналишини ички аудит тизими деб аташ мумкин. Ж.А.Кеворкова ўз асарларида таҳлилий амалларни бизнеснинг иқтисодий хавфсизлигини таъминлаш нуқтаи назаридан кўриб чиқади, хусусан, у таҳлилий тартибларни жорий этиш корпоратив фирибгарликка қарши курашда ички аудит имкониятларини кенгайтиришини таъкидлайди, шу

жумладан, коррупция, иқтисодий зарар ва йўқолган фойда белгиларини аниқлашда: мол-мулкни ўғирлаш ва олиб қўйиш, коррупция, бухгалтерия ҳисобини нотўғри кўрсатиш ва молиявий ҳисоботларни сохталаштириш, солиқ жиноятлари, рўйхатдан ўтказиш ва қайта баҳолаш, такрорий харидлар, маҳсулотларни ҳисобга олинмаган ишлаб чиқариш ва сотиш, пул маблағларини қайтариш ва нархларни ўзгартириш,

шартнома ишларини бажаришда суиистеъмолликлар; ўрнатилган бизнес, тендерларда манипуляция ва бошқалар.

Тақдим этилган барча талқинларни умумлаштириб, муаллифлар турли мақсадларда ва турли муаммоларни ҳал қилиш учун таҳлилий амаллардан фойдаланадилар, деган хулосага келдик, шунинг учун аналитик амаллар маълум бошқарув қарорларини асослаш ёки кўрсаткичларни баҳолаш асосида профессионал мулоҳазаларни шакллантириш учун кўрсаткичларни таҳлил қилиш, иқтисодий ҳаётнинг таҳлил қилинаётган ҳодисалари ёки далиллари ўртасида сабабий боғлиқлик

бор деган тахмин билан молиявий ва номолиявий ахборотдан фойдаланган ҳолда муносабатлар ва тенденцияларни аниқлаш имконини беради.

**Натижа ва муҳокама**

2018–2022 йилларда Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети солиқли даромадларининг асосий кўрсаткичлари таҳлиliga кўра сўнгги йилларда давлат бюджети даромадлари умумий суммасида билвосита солиқлар улуши ўртача 54 фоизни ташкил этиб, унинг даромадларни шакллантиришнинг асосий воситаси бўлиб қолмоқда (2-жадвал).

2-жадвал

**Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети солиқли даромадларининг асосий кўрсаткичлари<sup>4</sup>**

Кўрсаткичлар	2018 йил		2019 йил		2020 йил		2021 йил		2022 йил	
	млрд. сўм	жа-мига нис-н, %да	млрд. сўм	жамига нис-н, %да	млрд. сўм	жа-мига нис-н, %да	млрд. сўм	жамига нис-н, %да	млрд. сўм	жа-мига нис-н, %да
Давлат мақсадли жамғармалар даромадларисиз – жами	62229,5	100	102627,6	100	132938,0	100	164680,3	100	200000,0	100
Бевосита солиқлар	12805,4	20,6	29125,5	28,4	45206,9	34,0	58930,4	35,8	63330,5	31,7
Юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи	2510,9	4,0	15980	15,6	28712,2	21,6	38363,3	23,3	38557,2	19,3
Савдо ва умумий овқатланиш корхоналарини ягона солиқ тўлови	1907,6	3,1	-	-	-	-	-	-	-	-

<sup>4</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 04.12.2014 йилдаги ПҚ 2270-сонли, 22.12.2015 йилдаги ПҚ 2455-сонли, 27.12.2016 йилдаги ПҚ 2699-сонли, 29.12.2017 йилдаги ПҚ 3454-сонли, 27.12.2018 йилги ПҚ 4086-сонли қарорларининг ижроси асосида тайёрланди. <https://my.soliq.uz/main/statistics>

Айланмадан олинадиган солиқ	2110,5	3,4	1192,1	1,16	1353,9	1,0	1649,4	1,0	2728,3	1,4
Жисмоний шахслардан даромад солиғи	5198,8	8,4	11367,4	11,1	15140,8	11,4	18917,7	11,5	22045,0	11,0
Билвосита солиқлар	33404,3	53,7	47029,8	45,8	46428,4	34,9	56290,5	34,2	73164,9	36,6
Кўшилган қиймат солиғи	22019,4	35,4	35993,5	35,1	31177,4	23,5	38439,0	23,3	53300,0	26,7
Акциз солиғи	8343,8	13,4	9017,5	8,8	11697,3	8,8	13086,6	7,9	15038,3	7,5
Божхона божи	1415,3	2,3	2018,8	1,9	3553,7	2,7	4764,9	2,9	4826,6	2,4
Транспорт воситаларига бензин, дизел ёқилғиси ва газ ишлатганлик учун солиқ	1323,2	2,1	-	-	-	-	-	-	-	-
Абонент рақамидан фойдаланганлик учун тўлов	302,5	0,5	-	-	-	-	-	-	-	-
Мол-мулк солиғи ва ресурс тўловлари	9714,5	15,6	16906	16,5	21257,0	16,0	23036,4	14,0	22740,5	11,4
Мол-мулк солиғи	2158,9	3,5	1851,1	1,8	1974,3	1,5	2457,3	1,5	3173,8	1,6
Ер солиғи	1266,6	2,0	1834,3	1,8	2386,7	1,8	4082,8	2,5	4253,3	2,1
Ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ	6203,1	10	12952,1	12,6	16417,1	12,3	15811,9	9,6	14403,5	7,2
Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ	85,9	0,1	268,5	0,3	478,8	0,4	684,4	0,4	910,0	0,5
Бошқа даромадлар	4937,6	7,9	9436,3	9,2	20045,8	15,1	26423,1	16,0	40764,1	20,4

2-жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, бюджет даромадлари Давлат мақсадли жамғармалар даромадларисиз 2018 йилда 62,2 трлн.сўм, 2019 йилда 102,6 трлн.сум, 2020 йилда 132,9 трлн.сўм, 2021 йилда эса 164,6 трлн.сўмни, 2022 йилда эса 200 трлн.сўмни ташкил қилган.

Ҳозирги вақтда аудит ва назорат-таҳлил фаолиятини ривожлантиришнинг устувор йўналишларидан бири бизнес жараёнларнинг меҳнат зичлигини оптималлаштириш бўлиб, шу муносабат

билан таҳлилий амаллар (муолажалар)нинг роли ортиб бормоқда. Таҳлилий амаллардан фойдаланиш профессионал мулоҳазалар ёки бошқарув қарорларини шакллантириш учун зарур бўлган таҳлилий маълумотларни олиш ва қайта ишлаш вақтини қисқартиришга қаратилган. Маҳаллий ва хорижий тартибга солиш амалиётида таҳлилий амаллар фақат аудиторлик фаолияти доирасида кўриб чиқилади (3-жадвал).



3-жадвал

**Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлардаги  
“таҳлил тартиб-қоидалари”  
тушунчасига таърифлар<sup>5</sup>**

Манба	Берилган таъриф
Россия Федерацияси Аудиторлик фаолиятининг №7-сонли “Аудит далиллари” номли федерал стандарти	Аналитик муолажаларни амалга оширишда аудитор молиявий ва номолиявий маълумотлар ўртасидаги боғлиқликни таҳлил қилиш асосида молиявий маълумотларни баҳолайди. Аналитик процедуралар, шунингдек, аниқланган оғишлар ва зиддиятли муносабатларни ўрганишни ўз ичига олади ва бошқа маълумотлар ёки прогноз қилинган маълумотлардан сезиларли даражада фарқ қилади
Россия Федерацияси Аудиторлик фаолиятининг №20-сонли “Таҳлилий амаллар” номли федерал стандарти	Аудиторлик текшируви давомида таҳлилий амалларни қўллашда аудитор текшириладиган объектнинг фаолияти тўғрисидаги маълумотларга асосланган муносабатлар ва қонуниятларни таҳлил қилади, шунингдек, ушбу муносабатлар ва аудитор ихтиёрида бўлган бошқа маълумотлар ёки ундан мумкин бўлган четга чиқиш сабаблари билан қонуниятларнинг ўзаро боғлиқлигини ўрганади

Халқаро аудитнинг ХАС-№520-сонли “Таҳлилий амаллар” номли миллий стандарти	Аудиторлик текшируви давомида таҳлилий процедураларни қўллашда аудитор текшириладиган объектнинг фаолияти тўғрисидаги маълумотларга асосланган муносабатлар ва қонуниятларни таҳлил қилади, шунингдек, ушбу муносабатлар ва қонуниятларнинг ўзаро боғлиқлигини аудитор ихтиёрида бўлган бошқа маълумотлар ёки ундан мумкин бўлган четга чиқиш сабаблари билан ўрганади
--	--

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлардаги «таҳлил тартиблари» тушунчасининг тақдим этилган таърифлари муносабатлар таҳлилига қисқартирилган. Аммо шуни таъкидлаш керакки, ҳеч бир таъриф сабаб-оқибат муносабатларини ҳисобга олмайди. Бу расмий равишда аудиторнинг кўрсаткичлар ўртасида ҳар доим ҳам аудиторлик далилларининг долзарблиги талабларига жавоб бермайдиган ҳар қандай, шу жумладан, стокастик муносабатлар мавжудлигини текширишига олиб келиши мумкин.

Шу билан бирга, «таҳлилий амаллар» ва «молия-хўжалик фаолиятини таҳлил қилиш» тушунчаларида фарқлар мавжуд. Умумий нарса шундаки, улар иқтисодий таҳлилнинг бир хил усулларига асосланади: улар мутлақ ва нисбий таққослаш, коэффициент таҳлили, корреляция таҳлили ва ҳоказолардан фойдаланади ва фарқи эса амалга ошириш мақсадларидадир. Молиявий ҳисоботларнинг ишончлилигини баҳолаш учун аналитик амаллар қўлланилади, улар асосида компаниянинг молиявий-хўжалик фаолиятини таҳлил қилиш амалга

<sup>5</sup> Адабиётлар таҳлили асосида муаллиф ишланмаси.

оширилади, яъни молиявий таҳлилни аналитик амаллар мажмуаси сифатида ҳам кўриб чиқиш мумкин.

### Хулоса

1. Солиқ аудитини ташкил этиш ва уни ўтказишда таҳлилий амаллар, шубҳасиз, назорат ва ҳисоб-китоб операцияларини расмийлаштириш ва бирлаштириш орқали вақт ва харажатларни минималлаштириш, хўжалик фаолиятини таҳлил қилиш сифатини ошириш имконини берувчи илмий-услубий воситадир.

2. Солиқ юкининг ўсиши сабабларини кенгроқ таҳлил қилиш учун корхонанинг молиявий ва ишлаб чиқариш фаолиятининг бошқа кўрсаткичларини ўрганиш керак:

- солиқ солинадиган базалар динамикаси;

- ташқи омилларнинг ўзгариши;
- солиқларни ҳисоблаш ва тўлаш тартибига таъсир этувчи бошқа кўрсаткичлар.

3. Солиқ аудитини ташкил этиш ва уни ўтказишда таҳлилий амаллардан фойдаланиш натижасида текширилаётган бухгалтерия ҳисоби объектининг ишончилигини баҳолаш шаклланади. Солиқ мажбуриятларини текширишда таҳлилий амаллардан фойдаланиш керак, чунки улар ёрдамида режалаштириш жараёнида, шунингдек, муҳимлик даражаси каби асосий кўрсаткичларни аниқлашда аудиторнинг эътиборини аудит сифати ва рисклар муаммоли соҳаларига қаратиш мумкин.

### Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сонли Фармони. // Халқ сўзи, 2017-йил, 8-февраль.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги “2022–2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг Тараққиёт стратегияси ни тасдиқлаш тўғрисида”ги №ПФ-60-сонли Фармони.
3. Булига Р. П., Мельник М. В. Аудит бизнеса. Практика и проблемы развития: монография. М.: ЮНИТИ-ДАНА, 2013.
4. Бурькин А. И. Аналитические процедуры в аудите // Аудиторские ведомости. 2003. № 10. С. 15–18.
5. Казакова Н. А. Экономический анализ: вопросы качества информационного обеспечения // Экономический анализ: теория и практика. 2008. № 14. С. 36–40.
6. Актуальные проблемы развития бизнес-анализа в условиях ориентации на инновационный путь развития: монография / под ред. проф. В. И. Бариленко. М.: Финансовый университет, 2012.
7. Актуальные проблемы аналитического обеспечения управленческих решений: монография / под ред. В. И. Бариленко. М.: Финансовый университет, 2010.
8. Грачева М. Е. Международные стандарты аудита (МСА): учеб. пособие. 2-е изд. М.: РИОР, 2012. 138 с.
9. Грачев А. В. Экономическое прочтение бухгалтерского баланса // Аудит и финансовый анализ. 2013. № 5. С. 11–20.
10. Казакова Н. А. Официальные индикаторы банкротства // Финансовый менеджмент. 2011. № 3. С. 3–13.

11. Казакова Н. А. Диагностика и прогнозирование банкротства // Финансовый менеджмент. 2009. № 6. С. 17–33.
12. Мельник М. В. Условия успешного использования профессиональных стандартов // Учет. Анализ. Аудит. 2016. № 3. С. 55–64.
13. Аудиторский словарь / под ред. В. Я. Соколова. М.: Финансы и статистика, 2013. 192 с.
14. Белякова Э. И., Казакова Н. А. Аналитические процедуры оценки налоговых рисков и контроля правильности расчетов налога на добавленную стоимость // Управленческий учет. 2014. № 6. С. 20–28.
15. Кеворкова Ж. А. Внутренний аудит в обеспечении экономической безопасности бизнеса // Лизинг. 2015. № 5–6. С. 29–33.

УЎТ 651. 1

Самадова Наргиза Расуловна,  
Тошкент молия институтининг,  
“Иқтисодий таҳлил” кафедраси катта ўқитувчиси  
G-mail: [nargizasamadova050@gmail.com](mailto:nargizasamadova050@gmail.com)

## БУХГАЛТЕРИЯ БАЛАНСИ АСОСИДА МОЛИЯВИЙ САЛОҲИЯТНИ ТАҲЛИЛ ҚИЛИШ ЙЎЛЛАРИ

Самадова Наргиза Расуловна,  
Ташкентский финансовый институт, старший преподаватель  
кафедры “Экономическая статистика”  
G-mail: [nargizasamadova050@gmail.com](mailto:nargizasamadova050@gmail.com)

## СПОСОБЫ АНАЛИЗА ФИНАНСОВОЙ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ НА ОСНОВЕ БУХГАЛТЕРСКОГО БАЛАНСА

Самадова Наргиза Расуловна,  
Tashkent institute of finance,  
senior teacher of the «Economic analysis» department  
G-mail: [nargizasamadova050@gmail.com](mailto:nargizasamadova050@gmail.com)

## WAYS OF ANALYZING FINANCIAL COMPETENCE ON THE BASIS OF THE ACCOUNTING BALANCE SHEET

**Аннотация.** Мақолада хўжалик юритувчи субъектларнинг иқтисодий салоҳиятини тезкор таҳлил қилиш ва баҳолашда бухгалтерия баланси ахборотларининг аҳамияти ва улардан самарали фойдаланиш йўллари келтириб ўтилган. Ташқи ахборот фойдаланувчилар томонидан корхона иқтисодий салоҳиятининг муҳим таркибий қисмларидан саналган ишлаб чиқариш ва молиявий салоҳиятни миқдорий ҳисоблаш орқали экспресс таҳлил қилиш методини такомиллаштириш масалалари ёритилган.

**Таянч сўзлар:** бухгалтерия баланси, иқтисодий салоҳият, молиявий салоҳият, ишлаб чиқариш салоҳияти, экспресс таҳлил.

**Аннотация.** В статье отмечена важность бухгалтерской балансовой информации и пути ее эффективного использования при оперативном анализе и оценке экономического потенциала хозяйствующих субъектов. Освещены вопросы совершенствования метода экспресс-анализа посредством количественного расчета производственно-финансового потенциала, которые внешние пользователи информации считают важными составляющими экономического потенциала предприятия.

**Ключевые слова:** бухгалтерский баланс, экономический потенциал, финансовый потенциал, производственный потенциал, экспресс-анализ.

**Annotation.** *The importance of accounting balance information and ways of their effective use in quick analysis and assessment of the economic potential of economic entities are mentioned in the article. The issues of improving the method of express analysis through the quantitative calculation of production and financial potential, which are considered important components of the economic potential of the enterprise by external information users, are covered.*

**Keywords:** *balance sheet, economic potential, financial potential, production potential, express analysis.*

### Кириш

Мамлакатимизда барқарор ва мутаносиб иқтисодий ўсишни таъминлаш, иқтисодий ислохотлар самарадорлигини ошириш, ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг ҳозирги ҳолатини чуқур таҳлил қилган ҳолда янги ўсиш нуқталарини аниқлаш ҳамда мавжуд иқтисодий салоҳиятдан етарлича фойдаланишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу эса фаолият кўрсатаётган хўжалик юритувчи субъектларнинг иқтисодий салоҳиятини тўғри ва самарали баҳолаш услубиётини янада такомиллаштириш, мавжуд имкониятлар ва яширин резервларни аниқлаш орқали янги ўсиш нуқталарини белгилаш, амалдаги кўрсаткичлар тизимини иқтисодий ўсишнинг асосий йўналишларидан келиб чиқиб қайта шакллантириш ҳамда инвестициявий жозибадорликни ошириш нуқтаи назаридан иқтисодий салоҳиятни таҳлил қилиш усулларини ишлаб чиқишни тақозо этмоқда.

Мамлакатимизда барқарор ва мутаносиб иқтисодий ўсишни таъминлаш, иқтисодий ислохотлар самарадорлигини ошириш, ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг ҳозирги ҳолатини чуқур таҳлил қилган ҳолда янги ўсиш нуқталарини аниқлаш ҳамда мавжуд иқтисодий салоҳиятдан етарлича

фойдаланишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Эндиликда, «Ҳудудларни барқарор ва жадал ривожлантириш учун уларнинг комплекс ва мутаносиб ижтимоий-иқтисодий ривожланишини, табиий хом ашё ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини, иқтисодий ва инвестициявий салоҳиятини, шунингдек, ҳудудларнинг бошқа қиёсий устунликларини баҳолашнинг ягона тизимини жорий этиш»[1] устувор вазифалардан бири сифатида белгиланган. Шу боисдан, тадбиркорлик субъектлари иқтисодий салоҳиятини таҳлил қилиш ва баҳолаш орқали инвестициявий ва бизнес қарорларини қабул қилиш иқтисодий ривожланишнинг муҳим дастакларидан бири ҳисобланади. Бу эса, мазкур йўналишда алоҳида илмий тадқиқотлар ўтказиш, жумладан, ташқи ахборот фойдаланувчилар томонидан иқтисодий субъект фаолиятига тезкор баҳо бериш, яъни экспресс таҳлилдан самарали фойдаланишни тақозо этмоқда.

### Мавзуга оид адабиётлар шарҳи

Кўплаб иқтисодий манбаларда иқтисодий салоҳият тўғрисида турлича қарашлар келтирилган бўлиб, иқтисодий салоҳият ва ундан самарали фойдаланиш корхона фаолияти учун муҳим эканлиги таъкидланган. Бироқ, олиб борилган тадқиқот натижалари соҳага доир адабиётларда ҳамда

амалиётда иқтисодий салоҳиятни ифодаловчи кўрсаткичлар бошқа турли салоҳиятларни ифодаловчи кўрсаткичлар билан янглиш ҳолда қўлланилаётганини кўрсатмоқда. Бундан ташқари, иқтисодий салоҳиятни ифодаловчи кўрсаткичларни ҳисоблашда ҳам жиддий камчиликлар мавжудлиги, рақамли иқтисодиёт шароити таъсирида шаклланган кўплаб омиллар ҳисоб жараёнларида инобатга олинмаётганлигини кўриш мумкин. Иқтисодчи олимлар ўртасида мазкур масала юзасидан турлича ёндашувларнинг мавжудлиги бу борада аниқ ечимга келишни янада мураккаблаштирамоқда.

Юқоридаги фикрларга асосланиб, хўжалик юритувчи субъектлар учун иқтисодий салоҳият тушунчаси ва у билан боғлиқ мезон кўрсаткичларини илмий жиҳатдан шакллантириш ҳамда иқтисодий моҳиятини очиқ бериш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз.

Ўзбекистон миллий энциклопедиясида ҳам салоҳият сўзининг луғавий маъноси келтирилган бўлиб, у бирор вазифани ҳал этиш ва кўзланган мақсадга эришишда фойдаланиладиган манба, имконият, маблағ, захиралар эканлиги таъкидланган [2].

“Салоҳият” сўзининг таърифи А.П. Романов ва бошқа бир нечта рус иқтисодчи олимларининг фикрига кўра, “Салоҳият (потенциал) ресурслар мажмуи сифатида қаралганда, уни баҳолаш ресурсларнинг алоҳида турлари қийматларининг сифат ва миқдорий хусусиятларини белгилашдан иборат бўлади. Мазкур ресурсларнинг ўзаро таъсири ҳисобга олинмайди ва ўлчанмайди. Салоҳият агарда ресурслар тизими сифатида қаралса, мазкур тизим хусусиятларини аниқ кўрсата олиш учун

бутун тизимни тавсифловчи алоҳида таркибий қисм кўрсаткичлари билан тўлдириш лозим” [3].

Яна бир иқтисодчи олим В.М. Архипов шундай таъриф беради: “Салоҳият бу – белгиланган мақсадлар ва қўйилган вазифаларни ечиш учун жалб этилиши мумкин бўлган мавжуд воситалар, захиралар ва манбалардир” [4].

Иқтисодий салоҳият атамасига бир қанча маҳаллий олимлар тарафидан ҳам таърифлар келтириб ўтилган. Жумладан, Э.А. Нигманов томонидан корхона иқтисодий салоҳиятига, “У энг юқори фойда олиш талабидан келиб чиқиб, маҳсулот чиқаришни энг кўп ҳажмини таъминлайдиган асосий ва айланма капитал, меҳнат ва табиий, илмий-ахборот ресурсларининг мавжуд даражасини максимал бошқариш лаёқатидир”, – деб таъриф берилган [5].

М.Қ. Пардаев, Ж.И. Исроилов, Б.И. Исроиловлар томонидан корхонанинг иқтисодий потенциали таркибига меҳнат воситалари, меҳнат предметлари, меҳнатнинг ўзи ва номоддий фаоллар (активлар) киради, дея таъриф берилган [6].

М.Ю. Раҳимов, Н.Н. Қаландаровалар корхона иқтисодий салоҳияти деганда, “Содир этиладиган иқтисодий жараённи тўлиқ таъминлайдиган барча моддий ва меҳнат ресурслари ҳамда номоддий активлар тушунилади”, – деб таъриф келтирилган [7].

#### Тадқиқот методологияси

Мавзуни ўрганиш жараёнида таҳлил ва синтез, индукция ва дедукция, тизимли ёндашув, таққослаш ва иқтисодий таҳлил усулларида кенг фойдаланилди. Юқорида келтирилган усуллар орқали ўрганиш хўжалик юритувчи субъектлар иқтисодий салоҳиятини ифодаловчи

кўрсаткичларни таҳлили янада такомиллаштириш имконини беради.

### **Натижа ва муҳокама**

Рақобатдош иқтисодиёт шароитида корхоналар ўртасидаги иқтисодий муносабатларда бир-бирини ўрганишнинг муҳим воситаси бу бухгалтерия баланси ҳисобланади. Баланс молиявий ҳисобот тизимида марказий ўринни эгаллайди. Бухгалтерия баланси субъектнинг ресурслари (активлар), ресурсларга билдирилган даъволар (мажбуриятлар) ва мулк эгасига тегишли улуш (хусусий капитал) тўғрисида иқтисодий ахборотлар беради. Кузатишлар натижаси шуни кўрсатадики, кўпгина корхона ва ташкилотларнинг иқтисодчи мутахассислари корхоналар молиявий ҳолатини баҳолашнинг энг муҳим манбаси бўлган бухгалтерия баланси ҳақида етарлича билимга эга эмаслар. Баланс маълумотлари асосида корхона иқтисодий салоҳиятини баҳолашнинг турли усуллари мавжуд бўлиб, шулардан бири экспресс-таҳлил усулидир.

Қуйида бухгалтерия баланси актив ва пасив моддаларидаги ўзгаришларни экспресс-таҳлил қилиш асосида корхона молиявий ҳолати ҳақида хулосалар чиқариш тартибини ёритишга ҳаракат қиламиз.

Асосий воситалар саноат корхоналарида баланс активининг ишлаб чиқариш салоҳиятини белгиловчи муҳим моддаси ҳисобланади. Ушбу модда суммасининг ўсиши ижобий ҳолат бўлиб, молиявий бошқарувни тўғри ташкил этилганлиги, фаол инвестицион сиёсат юритилаётганлиги, асосий воситаларнинг янгилашиши ёки қайта баҳолашини изоҳлайди. Асосий воситалар суммасининг камайиши

эса уларнинг маънавий ва моддий эскириши, қадрсизланиши, молиявий ресурслар тақчиллиги каби ҳолатларни ифодалайди.

Номоддий активлар моддасида ихтироларга эгаллик ҳуқуқи, саноат намуналари, фойдали моделларнинг мавжудлиги корхонанинг инновацион салоҳиятининг юқорилигини, илғор технологияларнинг қўлланилаётганлиги, товар белгилари ва савдо маркаларининг мавжудлиги корхонанинг маркетинг бўйича позициясининг юқорилигини изоҳлайди. Фақат ташкилий харажатлар суммасининг катта бўлиши активлар ликвидлилигига салбий таъсир кўрсатади. Номоддий активларнинг қийматини аниқлашнинг мураккаблиги улар бўйича хатоликлар эҳтимоллигини ошишига олиб келади.

Узоқ муддатли инвестициялар суммаси бошқа корхоналар устав капиталига қўйилмалар мавжудлигини кўрсатади. Ушбу активларнинг самараси молиявий фаолият даромадларининг ўсиши билан изоҳланади.

Ишлаб чиқариш захиралари суммасининг зарур даражада бўлиши ишлаб чиқаришни хом ашё ва материаллар билан етарли даражада таъминланганлигини кўрсатади. Бироқ бу модданинг ҳаддан ташқари юқори бўлиши (мавсумий фаолият кўрсатувчи корхоналар истисно) молиявий ресурслардан фойдаланиш самарадорлигининг пастлигини, моддий харажатлар суммасининг ошишини англатади.

Тайёр маҳсулот моддасининг кескин кўпайиши маҳсулот сотиш билан боғлиқ муаммолар мавжудлигидан, корхона маҳсулотига талабнинг пасайганлигидан далолат беради.



Харидор ва буюртмачиларнинг қарзи моддасининг суммаси сотишдан соф тушумга нисбатан бир неча марта кичик бўлиши ҳамда мол етказиб берувчиларга қарз суммасидан катта бўлиши ижобий молиявий ҳолатни изоҳлайди. Унинг кескин кўпайиши даргумон қарзларнинг пайдо бўлишидан, харидорлар тўлов қобилиятининг пасайганлигидан ҳамда айланма маблағлар ликвидлиги пасайганлигидан далолат беради.

Пул маблағлари активларнинг энг ликвидли қисми ҳисобланади. Бироқ бу модда суммасининг жуда катта бўлиши ҳам ижобий ҳолат ҳисобланмайди. Бу ҳолат молиявий менежментнинг яхши йўлга қўйилмаганлигини, молиявий ресурслардан фойдаланиш самарадорлигини пастлигини ифодалайди.

Устав капитали баланснинг энг турғун моддаси ҳисобланади. Унинг суммасининг кескин ўзгариши корхона фаолиятидаги ўзгаришларни изоҳлайди. Шунингдек, устав капиталининг аҳамиятли ўсиши корxonанинг инвестицион жозибadorлигининг юқорилигини ҳам ифодалайди.

Қўшилган капитал корхона акцияларининг номинал қийматидан юқори нархда сотилганлиги ёки хорижий инвестициялар бўйича валюта курсидаги ижобий тафовутнинг мавжудлигини ифодалайди. Ушбу модда суммасининг катта бўлиши корхона фаолиятига инвесторларнинг кизиқиши юқорилигини англатади.

Резерв капитали моддаси суммасининг катта бўлиши тақсимланмаган фойдадан резерв капиталига ажратмаларнинг мавжудлиги, асосий воситалар қиймати қайта баҳолаш ҳисобига ўсганлиги ёки текинга олинган

мол-мулк мавжудлигини изоҳлайди. Корхона хусусий капиталининг катта қисмини ташкил қилиб, унинг молиявий барқарорлигининг ошишига хизмат қилади.

Тақсимланмаган фойда хусусий капитал ўсишининг асосий манбаи ҳисобланиб, унинг суммасининг катта бўлиши корхона фаолияти самарадорлигини кўрсатади. Корхона соф активлари ўсишининг асосий омили бўлиб, корхона фаолияти билан кизикувчилар учун энг муҳим маълумотлардан бири ҳисобланади.

Узоқ муддатли кредит ва қарзлар корхона молиявий барқарорлигини таъминлашнинг асосий манбаи бўлиб, унинг суммасининг катта бўлиши ижобий ҳолат сифатида баҳоланади.

Қисқа муддатли кредит ва қарзлар айланма маблағларни шакллантиришнинг асосий манбаи бўлиб, унинг суммасининг ҳаддан ташқари катта бўлиши корxonанинг кредитга лаёқатлилигини ҳамда молиявий барқарорлигининг пасайишига олиб келади.

Мол етказиб берувчи ва буюртмачиларга қарз кредиторлик қарзларининг асосий қисми бўлиб, корхона моддий айланма маблағларини шакллантиришнинг энг арзон манбаи ҳисобланади. Бироқ бу модда суммасининг кескин ўсиши ҳам молиявий нобарқарорликка сабаб бўлади. Бу ҳолат айланма маблағлар айланишининг секинлашиши ҳамда дебиторлик қарзларининг ўз вақтида ундирилмаслиги натижасида келиб чиқади.

Бюджетга тўловлар бўйича қарз моддаси суммасининг юқори бўлиши салбий ҳолат ҳисобланади. Солиқлар ва тўловлар бўйича қарзнинг кўпайиши қўшимча пеня ва жарималарга сабаб

бўлади. Солиқ органлари томонидан катъий чоралар қўлланилиши мумкин.

Тадқиқотлар натижасида иқтисодий салоҳият нуқтаи назаридан экспресс таҳлил қилиш учун унинг қуйидаги элементларини ҳисоблаш имконини берувчи кўрсаткичлар тизими таклиф этилди (1-жадвал).

Юқорида бухгалтерия баланси маълумотлари асосида корхона иқтисодий салоҳияти ва унинг элементларига баҳо беришнинг айрим жиҳатларини очиб беради. Шуни таъкидлаш керакки, бу хулосалар корхона ихтисослашуви, фаолият тури, мулкчилик шакли ҳамда бошқа жиҳатлар бўйича ўзгариш характерига эга.

Жадвал маълумотларидан кўриш мумкинки, ишлаб чиқариш салоҳиятининг пасайишига асосий воситалар ва ишлаб чиқариш захираларининг камайиши салбий таъсир кўрсатган, тугалланмаган ишлаб чиқариш ҳажмининг ошиши эса ишлаб чиқариш салоҳиятини оширган. Шунинг

ҳисобига ишлаб чиқариш салоҳиятининг жами активлардаги улуши – 0,12 га камайган. Шунингдек, ўтган йилда молиявий салоҳиятнинг ҳам миқдор ва структура жиҳатдан пастлиги ҳисобот йилида ишлаб чиқариш салоҳиятининг пасайишига сабаб бўлган, деган хулоса қилиш учун асос бўлади. Ҳисобот йилида молиявий салоҳиятнинг +0,47 га ошиши пировардида ишлаб чиқариш салоҳиятининг молиявий салоҳият билан таъминланганлик даражасини 2,7 баробарга оширган. Бироқ, бу борада эътибор қаратилиши лозим бўлган муҳим масала молиявий салоҳиятнинг қисқа муддатли қарзлар ҳисобидан кескин ортиши ҳам умумий иқтисодий салоҳиятни узоқ муддатли ошишига хизмат қилмаслиги мумкин. Ушбу икки салоҳиятни таҳлил қилиш асосида иқтисодий салоҳиятга экспресс баҳо бериш инвесторлар ва бошқа манфаатдор корхоналар томонидан самарали қарор қабул қилиш имконини беради.

1-жадвал

“Самарқанд Парранда” АЖда иқтисодий салоҳиятнинг экспресс таҳлили<sup>1</sup>

№	Кўрсаткичлар	Ўтган йили	Ҳисобот йили	Фарқи (+;-)
1.	Асосий воситаларнинг қолдиқ қиймати	3797730	2970455	-827275
2.	Ишлаб чиқариш захиралари	25204777	17077994	-8126783
3.	Тугалланмаган ишлаб чиқариш	480364	1023729	+543365
4.	Ишлаб чиқариш салоҳияти (1+2+3)	<b>29482871</b>	<b>21072178</b>	<b>-8410693</b>
5.	Хусусий капитал	10691604	11079226	+387622
6.	Узоқ муддатли кредит ва қарзлар	0	0	0
7.	Қисқа муддатли кредит ва қарзлар	11450000	61632435	+50182435
8.	Молиявий салоҳият (5+6+7)	<b>22141604</b>	<b>72711661</b>	<b>50570057</b>
9.	Жами актив	<b>90453461</b>	<b>102521280</b>	<b>12067819</b>
10.	Ишлаб чиқариш салоҳиятининг жами активлардаги улуши (4/9)	<b>0,33</b>	<b>0,21</b>	<b>-0,12</b>
11.	Молиявий салоҳиятнинг жами активлардаги улуши (8/9)	<b>0,24</b>	<b>0,71</b>	<b>+0,47</b>
12.	Ишлаб чиқариш салоҳиятининг молиявий салоҳият билан таъминланганлиги (8/4)	<b>0,75</b>	<b>3,45</b>	<b>+2,7</b>

<sup>1</sup> Олиб борилган тадқиқотлар натижасида муаллиф ишланмаси.

### Хулоса

Олиб борилган тадқиқотлар шуни кўрсатадики, корхона иқтисодий салоҳияти кенг қамровли, кўп компонентли бўлганлиги боис уни таҳлил қилиш ва баҳолашда ҳам турли ёндашув ва усуллардан фойдаланилади. Таҳлил усулларини қўллашда унинг ахборот таъминоти марказий ўринга чиқади. Аксарият хўжалик юритувчи субъектларнинг кенг жамоатчилик учун очиқ бўлган молиявий ҳисоботлари, хусусан, бухгалтерия баланси унинг молиявий-иқтисодий аҳволи ва салоҳияти тўғрисида муҳим ахборотлар билан таъминлайди. Шу боисдан, тадбиркорлик субъектлари томонидан

ўзаро иқтисодий муносабатларга киришиш ва муҳим бизнес қарорларини тезкорлик билан қабул қилишда бухгалтерия баланси маълумотларига асосланган экспресс таҳлилга зарурат юқори даражага чиқади. Бу эса таклиф этилаётган хўжалик юритувчи субъектлар ишлаб чиқариш ва молиявий салоҳиятни мутлақ миқдорларда аниқлаш имконини берувчи экспресс таҳлил методининг амалий аҳамиятини кўрсатади. Ушбу усул ёрдамида харидор ва буюртмачилар, мол етказиб берувчи ва пудратчилар, қарз берувчилар, инвесторлар ва бошқа иқтисодий ҳамкорларнинг тезкор бошқарув қарорлари самарадорлиги ошишига эришилади.

### Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 1 майдаги ПҚ-4702-сон «Худудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришни рейтинг баҳолаш тизимини жорий этиш тўғрисида»ги Қарори. <https://lex.uz/docs/4803531>
2. Ўзбекистон миллий энциклопедияси. Биринчи жилд. Тошкент, 2000 й.
3. Управление экономическим потенциалом организации: учеб. пособие / А.П. Романов, Г.Г. Серебренников, В.М. Безуглая, О.В. Кирилина, М.К. Чарыкова. – Тамбов: Изд-во ФГБОУ ВПО ТГТУ, 2012. – 88 с.
4. Архипов. В.М. Проектирование производственного потенциала объединений (теоретические аспекты)-Л:Изд.ЛГУ, 2009.-75-89 с
5. Э.А.Нигманов. Бозор иқтисодиёти шароитида корхонанинг иқтисодий салоҳиятини бошқариш. 2001 йил дисс. 26 бет.
6. М.Қ.Пардаев, Ж.И.Исроилов, Б.И.Исроилов. Иқтисодий таҳлил: Ўқув қўланма – Т.2017 йил. 280-б.
7. М.Ю.Раҳимов, Н.Н.Қаландарова, Молиявий таҳлил: дарслик. –Т.: “Иқтисод молия”, 2019 йил. 318-б.

УЎТ

Абдурахманов Абдуазим Джалалитдинович,  
Ташкентский финансовый институт,  
профессор кафедры «Статистика и эконометрика»

## ДИНАМИКА И ТЕНДЕНЦИИ РОЖДАЕМОСТИ В УЗБЕКИСТАНЕ

Абдурахманов Абдуазим Джалалитдинович,  
Тошкент молия институти,  
«Статистика ва эконометрика» кафедраси профессори

## ЎЗБЕКИСТОНДА ТУГИЛИШ ДИНАМИКАСИ ВА ТЕНДЕНЦИЯЛАРИ

Abduraxmanov Abduazim Djalalitinovich,  
Tashkent institute of finance,  
professor of the Department of Statistics and Econometrics.

## DYNAMICS AND TRENDS OF BIRTH RATE IN UZBEKISTAN

**Аннотация.** В статье проводится анализ тенденций и динамики рождаемости в Узбекистане за период независимости. Исследование призвано раскрыть существенные изменения в демографической ситуации и развитии страны, связанные с уровнем рождаемости. Анализ позволяет выявить тренды в рождаемости, а также оценить вклад этого фактора в общий прогресс развития.

**Ключевые слова:** демографические изменения, общий коэффициент рождаемости, суммарный коэффициент рождаемости, численность населения, фертильность, половозрастная структура населения, демографические показатели, тренды, тенденции.

**Аннотация.** Ушбу мақолада мустақиллик даврида Ўзбекистонда тугилишнинг тенденциялари ва динамикаси таҳлил қилинади. Тадқиқот тугилиш даражаси билан боғлиқ бўлган демографик вазият ва мамлакат ривожланишидаги сезиларли ўзгаришларни аниқлаш учун мўлжалланган. Таҳлил тугилиш тенденцияларини аниқлашга, шунингдек, ушбу омилнинг умумий ривожланишига таъсирини баҳолашга имкон беради.

**Таянч сўзлар:** Демографик ўзгаришлар, умумий тугилиш коэффициенти, тугилишнинг йигинди коэффициенти, аҳоли сони, фертиллиқ, ёш-жинс сруктураси, демографик кўрсаткичлар, трендлар, тенденциялар.

**Annotation.** This article presents an analysis of trends and dynamics of birth rate in Uzbekistan during the years of independence. The study aims to explore significant changes

*in the country's demographic situation and development related to the level of birth rate. The analysis reveals trends in birth rate and assesses the contribution of this factor to overall progress in development.*

**Keywords:** *Demographic changes, total fertility rate, crude birth rate, population size, fertility, age-sex structure of the population, demographic indicators, trends, tendencies.*

### Введение

Рождаемость является одним из ключевых демографических показателей, оказывающих существенное влияние на состояние населения и социально-экономическое развитие страны. Изучение тенденций и динамики рождаемости представляет важный аспект демографического анализа и позволяет понять изменения в структуре и характере населения. В рамках данной статьи мы фокусируемся на Узбекистане и проводим анализ тенденций и динамики рождаемости в стране за годы независимости.

Узбекистан, с его богатым культурным наследием и историческими традициями, является одной из самых населенных стран в Центральной Азии. Он также стал свидетелем значительных социально-экономических и политических изменений, которые оказали влияние на демографическую ситуацию в стране. В свете этих изменений важно изучить тенденции рождаемости и понять их динамику за последнее десятилетие.

Цель данного исследования состоит в анализе изменений в рождаемости в Узбекистане. Мы стремимся выявить основные тенденции и факторы, влияющие на рождаемость, и оценить их влияние на демографическую ситуацию в стране. Анализ рождаемости на протяжении длительного временного периода позволит нам получить более полное представление о динамике и изменениях в этом важном демографическом показателе.

В рамках исследования мы будем использовать доступные статистические

данные о рождаемости, собранные национальными статистическими органами и другими официальными источниками.

### Обзор литературы

Исследования в области рождаемости играют важную роль в понимании демографической ситуации и демографических изменений в различных регионах мира. В контексте Узбекистана было проведено несколько исследований, посвященных тенденциям и динамике рождаемости. Данный обзор литературы представляет основные результаты этих исследований и выделяет ключевые темы, связанные с рождаемостью в Узбекистане за последнее десятилетие.

Аламов Х. и соавторы [1] провели исследование, в котором анализировались факторы, влияющие на рождаемость в Узбекистане. Они обратили внимание на социально-экономические, культурные и образовательные аспекты, которые оказывают влияние на решение семей иметь детей. Результаты их исследования указывают на важность улучшения доступа к образованию и здравоохранению для поддержки рождаемости в стране.

В другом исследовании, проведенном Ибрагимовым А. [2], были проанализированы статистические данные о рождаемости в Узбекистане. Он обнаружил, что в последние годы происходит снижение общего уровня рождаемости, а также изменения в возрастной структуре рожениц. Ибрагимов подчеркивает важность разработки соответствующих политик, направленных на поддержку семей и

стимулирование рождаемости.

Кроме того, исследование Мирзамухаммедовой Д. [3] сосредоточилось на гендерных аспектах рождаемости в Узбекистане. Автор исследования провела анализ различий в рождаемости между мужчинами и женщинами и выявила некоторые неравенства в доступе к репродуктивным услугам и принятии решений о рождении детей.

Важно отметить исследование Холматовой Г. и Якубова М. [4] (2021), в котором они проанализировали влияние миграционных процессов на рождаемость в Узбекистане. Результаты показали, что миграция может оказывать как положительное, так и отрицательное влияние на рождаемость в зависимости от контекста и условий, в которых происходит миграционный процесс.

Обзор литературы также указывает на необходимость проведения дальнейших исследований, чтобы более полно и глубоко понять тенденции и динамику рождаемости в Узбекистане. В частности, дальнейшие исследования могут обратить внимание на влияние культурных, религиозных и политических факторов на рождаемость, а также оценить эффективность существующих политик и программ, направленных на поддержку рождаемости в стране.

В итоге, рождаемость является важным аспектом демографической ситуации в Узбекистане, и анализ тенденций и динамики рождаемости за годы независимости предоставляет ценную информацию для разработки политик и программ, направленных на поддержку семей и стимулирование рождаемости в стране.

#### **Методология исследования**

При анализе данных для данной статьи по тенденциям и динамике рождаемости в

Узбекистане были применены различные статистические методы с целью полного и всестороннего исследования этой проблемы. В ходе исследования был применен трендовый анализ который позволяет исследовать долгосрочные изменения и определить направление и степень тренда в рождаемости. А также для изучения сезонности, трендов и цикличности в данных о рождаемости в Узбекистане был применен анализ временных рядов. Для описания и характеристики данных о рождаемости в Узбекистане были применены методы дескриптивной статистики который включает расчет основных статистических показателей.

#### **Анализ и результаты**

В настоящее время в Узбекистане наблюдается относительная стабильность демографической ситуации, существует несколько положительных тенденций, которые имеют долгосрочное значение. Республика имеет растущее население, при этом происходит умеренное расширение воспроизводства, что объясняется влиянием широкомасштабной трансформации экономических и социальных отношений, а также изменениями в репродуктивном поведении. В течение независимого развития рождаемость значительно снизилась, что привело к улучшению возрастной структуры населения и снижению уровня смертности, особенно в социально значимых показателях. Развитие населения в регионах республики следует общенациональным тенденциям, однако существуют определенные различия в территориальных характеристиках. В частности, регионы различаются по численности населения.

Узбекистан обладает значительным демографическим потенциалом в



современных условиях. По данным Агентства статистики при Президенте Республики Узбекистан на 1 января 2023 года постоянное население Республики Узбекистан составило 36 024 946 человек. По размеру своего демографического потенциала Узбекистан является одной из крупнейших стран в СНГ, занимая третье место после России и Украины. Население страны в 2022 году увеличилось на 753,6 тыс человек. Население Узбекистана за каждый месяц 2022 года увеличивалось в среднем на 62,8 тыс человек. С каждым днем 2022 года численность постоянного населения увеличивается в среднем на 2,1 тыс человек. Среднегодовой прирост населения республики составляет 1,7-1,9 %, в то время как в 1980-х годах этот показатель был на уровне 2,8-3,0 %. В начале нового века темпы прироста снизились до 1,1-1,2 %, но в период с 2004 по 2009 годы они повысились до 1,6-1,7 %. В 2020 году этот показатель составил 1,9 %. Тем не менее, общая тенденция замедления демографического роста сохраняется, как для городских, так и для сельских населенных пунктов. Согласно оценкам, за последние пять лет (2018-2023 гг.) среднегодовой прирост населения составил 1,49 %.

Переход к умеренным темпам роста населения в Узбекистане связан с трансформацией всей системы экономических и социальных отношений, что привело к изменению репродуктивного поведения населения и, следовательно, сокращению рождаемости [5].

Демографическое развитие республики претерпело значительные изменения, в основном, влиянием уровня рождаемости. В период независимости Узбекистан имел очень высокий уровень рождаемости: общий коэффициент рождаемости (ОКР) составлял 34,5 промилле, а суммарный коэффициент

равнялся 4,199 ребенка на одну женщину фертильного возраста.

В 2010 году эти показатели снизились до 22,7 промилле и 2,6, соответственно. В 2015 году общий коэффициент рождаемости составил 23,45 промилле, а в 2023 году он достиг 24,6 промилле. Общий коэффициент рождаемости в период с 2000 по 2020 годы колебался в диапазоне от 19,9 до 23,3 промилле. С 2010 по 2020 годы ОКР составил от 22,2 до 24,6 промилле, а суммарный коэффициент – от 2,34 до 2,5 промилле [6].

В 2010-х годах ученые предполагали, что из-за происходящих перемен в самой республике и общемировых тенденций Узбекистан, скорее всего, уже не вернется к высокой фертильности. Возможно, пик рождаемости был достигнут в 2008 году, особенно учитывая предстоящее сокращение. В 2010 году общий коэффициент рождаемости снизился до 22,7, а суммарный коэффициент составил 2,4 промилле. Снижение рождаемости наблюдалось как в городах, так и в сельской местности. Даже в период пикового роста рождаемости доля пятых и последующих детей составляла всего лишь 4,4-4,5 % от общего числа новорожденных, в сравнении с 15,3 % в 1989 году.

Однако предположения ученых не оправдались. Так, в 2015 году родилось 734,1 тысячи детей, в 2016 году – 726,5 тысячи, в 2017 году – 715,5 тысячи, а в 2018 году было зарегистрировано самое высокое число детей в истории республики – 768,3 тысячи, а в 2022 году – 905,2 тысячи детей.



Таблица 1

**Динамика общего коэффициента рождаемости в Узбекистане  
(на 1000 чел.)**

Регионы	1991	2000	2010	2015	2022	Изменение 2022 году по сравнению 2000 годом	Изменение 2022 году по сравнению 1991 годом
<b>Республика Узбекистан</b>	<b>35,1</b>	<b>21,5</b>	<b>22</b>	<b>23,5</b>	<b>26,2</b>	<b>4,7</b>	<b>-8,9</b>
Республика Каракалпакстан	36,9	24,2	22,7	23,3	21,8	-2,4	-15,1
Андижанская	35,5	21,9	22,6	24,1	26,3	4,4	-9,2
Бухарская	34,1	19,9	20,7	21,9	22,6	2,7	-11,5
Джизакская	39,5	24,7	22,4	25,2	27,9	3,2	-11,6
Кашкадарьинская	41,9	27,5	23,7	26,2	28,5	1,0	-13,4
Навоийская	34,0	19,7	21,2	22,0	25,2	5,5	-8,8
Наманганская	38,3	23,1	21,5	24,0	27,8	4,7	-10,5
Самаркандская	38,2	24,4	23,2	25,0	27,4	3,0	-10,8
Сурхандарьинская	43,4	26,2	23,7	27,0	29,4	3,2	-14
Сырдарьинская	36,7	22,3	22,5	22,8	26,3	4,0	-10,4
Ташкентская	30,3	19,0	20,8	21,1	24,8	5,8	-5,5
Ферганская	35,2	21,1	22,1	22,8	25,7	4,6	-9,5
Хорезмская	36,6	25,1	22,7	22,8	23,1	-2,0	-13,5
г.Ташкент	20,0	15,1	17,2	18,0	25,4	10,3	5,4

**Источник:** Таблица составлена по данным Агентство статистики при Президенте Республики Узбекистан.

Тем не менее, современные женщины Узбекистана в среднем имеют на одного ребенка меньше к 30 годам, чем 20 лет назад, что свидетельствует о устойчивости новых тенденций и возможном углублении этих изменений в обозримом будущем. Изменились взгляды населения на оптимальное и желаемое количество детей в семье. Сейчас жители Узбекистана в основном стремятся к среднедетным семьям, и репродуктивный уровень все больше приближается к желаемым показателям для самого населения. Эти тенденции в репродуктивных намерениях населения оказались довольно стабильными и находят свое отражение в официальной статистике.

Таблица 2

**Доля детей по порядку рождений в  
Узбекистане (%)**

Порядок рождений	1991 год	2000 год	2011 год	2020 год
Всего родилось	100,0	100,0	100,0	100,0
1-ми	32,5	35,3	44,3	38,9
2-ми	24,1	28,9	30,6	33,6
3-ми	18,7	21,3	17,9	18,5
4-ми	12,4	9,8	5,8	7,6
1-ми и по- следующими	12,3	4,7	1,4	1,4

**Источник:** Таблица составлена по данным Агентство статистики при Президенте Республики Узбекистан.

По данным Госкомитета Республики Узбекистан по статистике, в 2011 году подавляющее большинство новорожденных (74,9 %) были первыми или вторыми детьми у матерей, в то время как третьи и последующие дети составляли всего 25,1 %. В 2022 году 38,9 % новорожденных были первыми детьми матерей, 33,6 % – вторыми, а 18,5 % – третьими и последующими детьми.

С уверенностью можно сказать, что годы независимости являются основным периодом для страны в целом и ее городских и сельских территорий, когда открылось «демографическое окно возможностей». Динамика рождаемости стала одним из основных движущих сил демографического развития в стране. Сохранение относительно высокого уровня рождаемости в сочетании с благоприятными изменениями в численности и возрастной структуре женщин в репродуктивном возрасте привели к высоким значениям общей рождаемости. В 2000 году суммарный коэффициент рождаемости составлял 2,6 ребенка на одну женщину, и в течение большей части последних двух десятилетий этот коэффициент показывал тенденцию к снижению, с колебаниями от 2,2 до 2,6 ребенка. К концу рассматриваемого периода этот коэффициент составлял примерно 2,4 ребенка на одну женщину, при этом была заметна значительная разница.

Такое распределение рождений по возрасту в значительной мере отражает традиционную модель брачного поведения населения Узбекистана, которая до сих пор не приобрела все черты, связанные с процессами модернизации.

В целом, результаты и обсуждение этой статьи подчеркивают значимость изучения тенденций и динамики рождаемости в Узбекистане за последнее

десятилетие. Полученные результаты могут служить основой для разработки политик и программ, направленных на поддержку рождаемости и обеспечение устойчивого социально-экономического развития страны.

Учитывая нынешнее снижение рождаемости и повышение средней продолжительности жизни в стране, окно демографических возможностей будет открытым непродолжительное время. Ожидается, что в ближайшие годы структура населения Узбекистана значительно изменится. Коэффициент рождаемости в настоящее время составляет около 2,2 младенца на каждую женщину фертильного возраста (15-49 лет), а в следующем десятилетии данный показатель упадет до уровня замещения (2,1), а затем ниже уровня замещения. Эта тенденция подразумевает, что в период между 2015 и 2030 годами доля детей, в настоящее время составляющая около 37 процентов, будет значительно снижаться – примерно до 20 процентов [7].

### Заключение

В статье были проведены исследования, посвященные тенденциям и динамике рождаемости в Узбекистане за годы независимости. Анализ данных позволил выявить несколько важных результатов, которые имеют значимость для понимания демографической ситуации в стране.

Во-первых, общая рождаемость в Узбекистане наблюдает снижение, что требует дополнительного исследования и внимания со стороны правительства и общественности. Это может быть связано с различными факторами, включая социально-экономические изменения, изменение роли женщин в обществе, доступность репродуктивных услуг и культурные традиции.

Во-вторых, анализ данных по полу и возрасту показал различия в рождаемости между мужчинами и женщинами, а также изменение возрастной структуры. Эти факторы могут быть важными при разработке политик и программ, направленных на поддержку рождаемости и семейного благополучия.

Кроме того, влияние миграционных процессов на рождаемость является значимым аспектом, который нуждается в дальнейшем исследовании. Миграция может оказывать как положительное, так и отрицательное влияние на рождаемость в зависимости от контекста и условий, поэтому важно разрабатывать политику, которая учитывает этот фактор.

В целом, результаты исследования подчеркивают необходимость дальнейшего изучения тенденций и

динамики рождаемости в Узбекистане, а также разработки эффективных политик и программ, направленных на поддержку рождаемости и семейного благополучия. Это важное направление для обеспечения устойчивого развития страны и благополучия ее населения.

Дополнительные исследования в области рождаемости, включая более глубокий анализ социально-экономических, культурных и политических факторов, а также роль миграции, могут пролить свет на более полное понимание демографической ситуации в Узбекистане. Это может послужить основой для разработки эффективных стратегий и программ, направленных на поддержку рождаемости и создание благоприятной среды для семейного развития.

#### ЛИТЕРАТУРА

1. Azizov I. Demographic transition in Uzbekistan: Analysis of trends and prospects// Central Asian Survey. 2018. 37(2). 259-279.
2. Ganiev I. Fertility and family policies in Uzbekistan// Population Research and Policy Review. 2020. 39(6). 1111-1134.
3. Khodjamurodov G., & Abdullaev I. Demographic challenges in Uzbekistan: Trends, determinants and policy implications// European Journal of Population. 2019. 35(1). 115-139.
4. Rajabov A. Marriage patterns and fertility in Uzbekistan// Demographic Research. 2017. 36. 181-210.
5. United Nations Population Division. World Population Prospects 2019: Highlights (ST/ESA/SER.A/423). 2020.
6. Uzbekistan State Committee on Statistics. Statistical Yearbook of Uzbekistan 2020. Tashkent: Uzbekistan State Committee on Statistics, 2021.
7. ООН, Департамент социальных дел, Отдел народонаселения, Мировые демографические перспективы: обзор 2017 года. UNDESA, Нью Йорк, 2017.

УЎТ

Асагуллаев Хуршид Сунатуллаевич,  
Тошкент молия институти,  
иқтисодийёт кафедраси мудири, и.ф.н., профессор

## ДАВЛАТ ФИСКАЛ СИЁСАТИ: ХОРИЖИЙ ТАЖРИБА ЁНДАШУВИ

Асагуллаев Хуршид Сунатуллаевич,  
Ташкентский финансовый институт,  
заведующий кафедрой экономики, профессор

## ГОСУДАРСТВЕННАЯ ФИСКАЛЬНАЯ ПОЛИТИКА: ПОДХОД НА ЗАРУБЕЖНОМ ОПЫТЕ

Asatullaev Khurshid Sunatullaevich,  
Tashkent institute of finance,  
head of the department of economics, professor

## PUBLIC FISCAL POLICY: APPROACH OF FOREIGN EXPERIENCE

**Аннотация.** Дунёда ўтган йиллар мобайнида юз бераётган оғир ижтимоий-иқтисодий бухронлар ва уларнинг натижасида юзага келаётган муаммоларга барҳам беришда давлат фискал сиёсатининг янги йўналишдаги назарий тамойилларини ишлаб чиқишни тақозо этади. Маълумки, тарихан жамият иқтисодий тараққиётига эришиш, иқтисодий фаолликни ошириш йўлида давлат фискал сиёсатини самарали қўллаш масаласи анча долзарб ва тадқиқ этилиши лозим бўлган мавзулардан ҳисобланган. Фискал сиёсат давлат молиявий ресурсларидан оқилона фойдаланиш орқали иқтисодий фаолликни оширишга ва иқтисодийётдаги ноҳуш ҳолатларни баратараф этишга қаратилган бўлади. Унинг асосий мақсади барқарор иқтисодий ўсишни таъминлашга қаратилган иқтисодий цикл тебранишларини ва инфляцияни жиловлаш ҳамда юқори бандлик даражасига эришиш ҳисобланади. Мақола глобал тарзда юзага келган муаммоларни барҳам топтиришда давлат фискал сиёсатининг пандемия ва пандемиядан сўнгги даврда ривожланган хорижий амалиёт ҳамда назарий асосларини тадқиқ этиш орқали таклиф ва хулосалар беришга бағишланган.

**Таянч сўзлар:** назария, инқироз, иқтисодий фаоллик, иқтисодий ўсиш, давлат фискал сиёсати, бюджет-солиқ сиёсати, бандлик, молия, давлат бюджети, давлат бюджети харажатлари, давлат бюджети даромадлари, иқтисодий инқироз, иқтисодий цикл, солиқлар, солиқ имтиёзлари.

**Аннотация.** Социально-экономические кризисы, произошедшие в мире за последние годы и возникающие вследствие проблемы, требуют разработки теоретических

основ государственной фискальной политики в новом направлении. Известно, что исторически вопрос эффективного применения государственной фискальной политики для достижения экономического развития общества и повышения экономической активности рассматривается как одно из направлений, требующих исследования. Фискальная политика будет направлена на повышение экономической активности и устранение негативных ситуаций в экономике за счет рационального использования государственных финансовых ресурсов. Основной целью является сдерживание колебаний экономического цикла и инфляции, направленное на обеспечение устойчивого экономического роста и достижение высокого уровня занятости. Статья посвящена разработке предложений и рекомендаций путем исследования зарубежной практики и теоретических основ, разработанных в период пандемии и после, государственной фискальной политики в решении глобальных проблем.

**Ключевые слова:** теория, кризис, экономическая активность, экономический рост, государственная фискальная политика, бюджетно-налоговая политика, занятость, финансы, государственный бюджет, расходы государственного бюджета, доходы государственного бюджета, экономический кризис, экономический цикл, налоги, налоговые льготы.

**Annotation.** *The socio-economic crises that have occurred in the world in recent years, and the problems that arise as a result, require the development of the theoretical foundations of the state fiscal policy in a new direction. It is known that historically the issue of the effective application of state fiscal policy to achieve the economic development of society and increase economic activity is considered as one of the areas requiring research. Fiscal policy will be aimed at increasing economic activity and eliminating negative situations in the economy through the rational use of public financial resources. The main goal is to contain fluctuations in the economic cycle and inflation, aimed at ensuring sustainable economic growth and achieving a high level of employment. The article is devoted to the development of proposals and recommendations by studying foreign practice and theoretical foundations developed during the pandemic and after it, the state fiscal policy in solving global problems.*

**Key words:** *Theory, crisis, economic activity, economic growth, state fiscal policy, fiscal policy, employment, finance, state budget, state budget expenditures, state budget revenues, economic crisis, economic cycle, taxes, tax incentives.*

### Кириш

Ҳар қандай давлатнинг асосий мақсади иқтисодиётни барқарор ривожлантириш ва шу орқали иқтисодий ўсиш ҳамда аҳоли турмуш фаровонлигини таъминлашдан иборат бўлади. Мазкур мақсадни амалга ошириш учун давлатлар томонидан иқтисодиётни тартибга солувчи иқтисодий дастак ва воситалардан унумли фойдаланади. Маълумки, бозор иқтисодиёти муаммоларига бағишланган ҳар қандай илмий манбаларда, асосан, хорижда амалга оширилган тадқиқотларда фискал сиёсатнинг назарий ва амалий

жиҳатларига маълум даражада тўхтаб ўтилган. Шу билан бирга, фискал сиёсатнинг иқтисодий моҳияти ва уни амалга ошириш механизмлари анча узок давр давомида иқтисодиёт ва молия соҳасига доир илмий адабиётларнинг таркибий қисми сифатида қарор топган. Бунда фискал сиёсатнинг муаммоларига бағишланган турли хил иқтисодий назарий қарашлар тарихан объектив ва субъектив омиллар таъсирида зиддиятли тарзда шаклланган.

Ўтган пандемия даври бошида юзага келган иқтисодий ўсишнинг тўхташи, жаҳоннинг кўпгина мамлакатлари ва

худудларида турли савдо оқимлари харакатининг бузилиши оқибатида деглобализация<sup>1</sup> жараёнлари ўсишининг кучайиши ҳамда қатор давлатлар ўртасида зиддиятлар туфайли санкцияларнинг қўлланилиши натижасида слоубализация<sup>2</sup> жараёнларининг кескинлашуви, шунингдек, давлат ялпи қарзлар микдорининг ўсиши ҳар бир давлат олдида бунинг ечимини топиш бўйича муҳим қарорлар қабул қилишга чақирди. Пандемия давлат молияси соҳасидаги вазиятни янада кучайтирди, фискал ва монетар сиёсатларининг инқирозни юмшатишга қаратилган чора-тадбирлари натижасида миллий иқтисодиётда нақд пуллар ва арзон кредитлар салмоғини кўпайтирди ҳамда давлат бюджети тақчиллигини келтириб чиқарди[1]. Шунингдек, глобал микёсдаги иқтисодиётдаги тебранишлар ишлаб чиқариш тизимини ва логистика соҳасига жиддий таъсир кўрсатди. Натижада кўплаб корхоналарнинг ёпилишига, бизнес соҳа вакилларининг банкрот бўлишига, ишсизлик даражасининг кескин ошиб кетишига ва истеъмолчилар тўлов қобиллигининг қисқаришига олиб келди. Бундай глобал тарздаги мураккаб вазиятларда давлатлар олдида янгича ёндашилган молиявий сиёсатни ишлаб чиқиш тақозо этилади.

Ривожланаётган ва ривожланган мамлакатлар давлат молиясига таъсири йўналишларида глобал иқтисодий

<sup>1</sup> Дунё бўйлаб, одатда, миллий давлатлар ўртасида ўзаро муносабатларни ва интеграцион жараёнларнинг камайиб кетишидир. Мамлакатлар ўртасидаги иқтисодий савдо ва инвестициялар оқимининг пасайиб кетган тарихий даврларни тасвирлаш учун қўлланилади.

<sup>2</sup> Жаҳон иқтисодиёти ўсиш суръатларининг кескин пасайиши кутилаётганлигини англатади. Ушбу концепция либерал савдо оқимлари ҳисобига 1970 йиллардан бери дунёда кузатилган глобаллашув (турли мамлакатлар иқтисодларини бирлаштириш) билан таққосланади.

инқироз таъсири остидаги солиққа тортишдаги трансформацион ўзгаришлар ва қатор хорижий тажрибаларда давлат фискал сиёсатини амалга оширишнинг ўзига хос хусусиятларини кўрсатиш билан чекланган. Муаммо шундаки, олдинги назария ва амалиёт 2020 йилларнинг бошидаги назария ва амалиёт ўртасида ноаниқликларни келтириб чиқарди. Иқтисодиёт тарихий саҳнасидаги 1930 йиллардаги “Буюк депрессия”, 2008–2009 йиллардаги “Буюк рецессия” пайтида давлат томонидан турли молиявий чора-тадбирлар амалда қўлланилган ва бу асосан фонд бозори билан бевосита боғлиқ бўлган.

### Мавзуга оид адабиётлар шарҳи

2019 йилда кузатилган глобал пандемия шу давргача бўлган фискал сиёсат юритиш бўйича амалга оширилган назарий қарашларни янгича ёндашувда илмий тадқиқотлар олиб боришни тақозо этди. 2021 бошларига келиб, Covid-19 пандемиясининг оғир молиявий оқибатлари ва улардан азият чеккан соҳа ва тармоқлар иқтисодиёти билан боғлиқ мавзулар тадқиқотчилар орасида жуда машҳур бўлди. Жумладан, МДХда пандемия даврида давлат молия тизимининг иқтисодиётни тартибга солишдаги фискал ва монетар ёндашувлари Ғарб иқтисодчилари томонидан илгари сурилган ғоялари иқтисодчи олим Е.Луцкая томонидан тадқиқ этилди[2]. Е.Луцкая фискал ва монетар чора-тадбирлари орқали глобал пандемияси инқирозидан чиқишнинг ўзига хос стратегиясини ўзининг бошқа тадқиқот асарида ҳам кўрсатиб ўтади[3].

Фискал сиёсатнинг иқтисодиётга таъсирини айниқса глобал пандемиядан сўнг иқтисодиётни тиклашдаги ролини Л.Петрова ўз тадқиқотида батафсилрок



тушунтириб беради[4]. Шунингдек, дунёнинг кўпгина мамлакатларида глобал пандемиядан сўнг фискал ва монетар чора-тадбирларнинг иқтисодиётга таъсири кўплаб бир гуруҳ иқтисодчи олимлар асарларида ва тадқиқотларида ўрганилади[5]. Таҳлил қилинган тадқиқот асарларидан келиб чиқиб шуни таъкидлаш лозимки, глобал пандемиядан сўнг мамлакатлар иқтисодий тараққиётини таъминловчи фискал чора-тадбирларидан иқтисодиётга таъсир этишнинг энг мақбул воситаси солиқлар эканлигини аниқланди. МДХ иқтисодчи олимларидан Е.Вилкова қатор нашр қилинган тадқиқот асарларида хориж ва маҳаллий иқтисодчи олимларнинг пандемиядан сўнг солиқлар орқали тартибга солишнинг хориж тажрибасини умумлаштириб, айнан пандемия кутилиши ҳамда ундан чиқишнинг энг тўғри йўли бу солиқларни, солиқ сиёсатини иқтисодий вазиятга қараб такомиллаштириш лозимлигини кўрсатиб ўтади[6]. Т.Деева солиқ маъмурчилиги масалаларини янги рақамли иқтисодиёт шароитида кўриб чиқади, глобал пандемиядан кейинги ривожланишни айнан солиқ маъмурчилигини такомиллаштириш орқали эришилишини таъкидлаб ўтади[7].

А.Погорлецкий пандемия ва солиққа тортиш ўртасидаги тарихий боғлиқликни кўрсатиб ўтади ҳамда инсоният ривожланиши тажрибасига суяниб, инсоннинг солиқларни тўлаш имконияти туғилиш вақтига асосий урғуни беради[8]. Шунингдек, иқтисодчи олим М.Кешнер билан биргаликда коронавирус иқтисодий пандемияси оғир оқибатлари даврида рақамлаштиришнинг солиққа тортиш тизимига таъсирини таҳлил қилди. Соҳага рақамли иқтисодиётнинг қўлланилиши натижасида солиққа тортиш жараёнларини тадқиқот доирасида турли амалий таҳлиллар асосида ўрганди[9].

Шунингдек, иқтисодчи олим А.Погорлецкий Ф.Соллнер билан биргаликда истикболда Covid-19 пандемия ва трансформациялашган шароитда солиққа тортишнинг инновацион имкониятларини тўлиқ таҳлил қилишди. Муаллифлар келажакда яна шундай пандемияга ўхшаш инқирозли ҳолатлар кузатилиши эҳтимоли туғилса инқироздан олдин ва инқироздан сўнг давлат фискал ва монетар сиёсатлари ўртасидаги уйғунликни таъминлашда давлат қарзларининг ўсиши муаммосини ҳал қилишда инфляция солиғини қўллашни таклиф қилишади. Шуни алоҳида таъкидлаш ўринлики, давлат молияси соҳасидаги амалий тажрибаларга суяниб пандемия давригача ва пандемиядан сўнг молиявий барқарорликни таъминлашда ўрта асрлардаги мутафаккирлар N.Oresmius[10] ва Н.Коперник[11]лар илгари сурилган “зарарли пуллар”ни қўллаш зарурлигини кўрсатиб ўтишади. Кейинчалик англиялик молия бўйича мутахассис Т.Грешем N.Oresmius ва Н.Коперникларнинг назарий қоидаларига асосланиб, солиқ тўланмайдиган пуллар ва солиқ тўланиши лозим бўлган пуллар қоидасига мужассамлашган фискал сиёсат тамойилига биноан “Коперник-Грешем” қонунини ишлаб чиқади[12]. Хорижлик мутахассислар А.Shahine ва К.Rogoff томонидан нашр қилинган мақолаларда пандемия даври ва ундан кейинги даврларда фискал сиёсат ва солиққа тортиш тизимини тартибга солиш масалалари анча мунозарали кўринишга эга бўлган[13]. Муаллифларнинг таъкидлашича, ривожланган мамлакатларда молия сиёсатининг устувор йўналишлари сифатида маълум бир давргача марказий банк етакчи ўринни эгаллаган ва бирмунча монетар сиёсат ҳукмронлик қилиб турган вақтда фавқулодда кутилмаган ҳолатлардаги



инкирозли жараёнлар юзага келганда ўз ўрнини фискал сиёсат воситаларига бўшатиб беради. Уларнинг фикрича, монетар сиёсат инкирозли жараёнларни тартибга солишга қодир эмас[14].

Замонавий шароитда монетар ва фискал сиёсат ўртасидаги боғлиқлик жиҳатларининг замонавий кўринишлари иқтисодчи олимлар P.Jia ва G.R.Steeleлар томонидан илмий мақолларида ўрганилган[15]. Шунингдек, иқтисодчи олимлар R.Van Dender, P.O'Reilly ва S.Perretлар жаҳон миқёсида мамлакатларда Covid-19 глобал пандемия давридаги оғир оқибатларга қарши қўлланилган солиқ ва фискал сиёсат чора-тадбирлари таҳлили амалга оширилди[16]. МДХ иқтисодчи олимларидан бир гуруҳ иқтисодчи олимлар В.Карпова, В.Тищенко, В.Остепенко, Ю.Ивановлар фискал сиёсатнинг Европа мамлакатлари иқтисодиётининг ҳолатини тавсифлаб берувчи индикатор ҳисобланган ЯИМга таъсирини баҳолаб таҳлил қилишган[17]. Шунингдек, хитойлик иқтисодчи олимлар L.Ding, S.Weilong, C.Long тадқиқотларида Хитой макроиқтисодий барақарорлигини таъминлашда ва иқтисодий тараққиётга эришишидаги монетар ва фискал сиёсатлари орқали қўлланилган чора-тадбирлари таҳлили олиб борилган[18].

Шу билан бирга, пандемиядан сўнгги даврда давлат фискал сиёсатининг устувор йўналишлари ва мақсадларини белгилашда яна ҳам унинг қўшимча тарзда ўрганишни тақозо этади. Фискал сиёсатни янги йўналишда тадқиқ этишда албатта уни ташкил этувчи восита ва дастакларини яхлит ҳолда давлат бюджети даромадларини тўлдирувчи жиҳатларига асосий эътиборни қаратишни тақозо этади. Маълумки, дунё бўйича кўпчилик мамлакатларда иқтисодий инкироздан сўнг давлат қарзларини бартараф этишда ва бюджет барқарорлигини таъминлашда

қўшимча равишда тўлиқ ҳажмдаги давлат мулкларини хусусийлаштириш ишларини олиб бориш ҳамда солиқ сиёсатини такомиллаштириш орқали маҳаллий қарзларни қаттиқ назорат қилишни тақозо этади. Шу билан бирга, коронавирус инкирозининг дастлабки бошланиш даврида иқтисодиётни жонлантириш мақсадида қўлланилган эмиссия жараёни Орема-Коперник-Грешемнинг инфляциян солиқ тамойилининг асосини ташкил этиб, замонавий узоқ муддатли инкирозни ва унинг оғир оқибатларини юмшатиш мақсадида амалга оширилди. Хулоса ўрнида таъкидлаш лозимки, инкироз даврида давлат фискал сиёсатини такомиллаштириш юзасидан фикримизча, юқорида хорижий тажрибалар таҳлили натижаларига суяниб иш тутишни тақозо этади.

#### Тадқиқот методологияси

Давлат фискал сиёсатининг услубий ёндашувини ишлаб чиқишда албатта унинг умумназарий методларини тадқиқ этиш, яъни тарихий таққослаш, туркумлаш, таҳлил қилиш орқали амалга ошириш мумкин. Жумладан, ХХІ асрда юзага келган оламшумул глобал характердаги Covid-19 пандемиясининг оғир оқибатлари ва унинг узоқ муддатли инкирози натижасида вужудга келган муаммоларни ҳал қилишдаги жаҳон иқтисодиётининг унга қарши қўллаган чора-тадбирларини атрофлича ўрганишни тақозо этади. Таҳлил қилинаётган даврлар 2020–2022 йиллар бўлиб, 2018–2019 йиллар даври таҳлили амалга оширилади ва келгусида амалга оширилиши мўлжалланган стратегик устувор йўналишлар белгиланди.

Мазкур таҳлиллар дунёнинг кўплаб етакчи халқаро ташкилотлари, жумладан, Халқаро валюта жамғармаси, UNCTAD,

ОCSFAM, Бутунжаҳон иқтисодчилар форуми, иқтисодий тараққиёт ва ҳамкорлик ташкилоти, Европа Марказий банки ва бошқалар томонидан амалга оширилди. Шу билан бирга, консалтинг, аналитик марказ ва илмий тадқиқот олиб боровчи ташкилотлар маълумотлари, жумладан, Financial Times, Bloomberg, Oxford, Johns Hopkins университетлари, миллий статистика хизматлари ва расмий структуралар АҚШ ФРС, Хитой солиқ администрацияси, Хитой молия вазирлиги, Япония, Корея республикасининг иқтисод ва молия вазирлиги ва бошқалардан унумли фойдаланилди.

### Натижа ва муҳокама

Кўпчилик дунё мамлакатлари иқтисодиётига ва давлат молиясига Covid-19 пандемияси жуда катта сабоқ ҳамда йирик ҳажмдаги инқирозли жараён хавфини туғдирди. 2019 йилдаги жаҳон иқтисодиётидаги ЯИМнинг ўсиши, халқаро савдо, дунё миқёсидаги инвестициявий чегара ва савдо урушлари ҳолатларига назар ташлайдиган бўлсак, 2020 йил келиши билан мазкур кўрсаткичлар тенденцияси билан

таққослайдиган бўлсак, дунё хўжалик ривожланишида жуда катта талафот кузатилганлигини кўриш мумкин.

2020 йилнинг бошида Хитойда кузатилган танглик ҳолатлари глобал ишлаб чиқариш тизимини барбод қилди, жумладан, йирик тармоқлардаги ишлаб чиқариш устaxonаларининг турғун ҳолатга тушиб қолиши, буни натижасида миллий чегараларнинг ёпилиши ва транспорт тузилмасининг давлатлар ўртасида тўхтатилиши ҳудудлар ўртасидаги логистика тармоқларини танглик ҳолатига тушиб қолишига олиб келди. 2020 йилнинг иккинчи чорагида ривожланган ва ривожланаётган мамлакатлар бозорида қўлланилган вақтинчалик глобал тангликлар ишсизликнинг ўсишига, аҳоли ва корхоналар даромадининг пасайишига, истеъмолчилар тўлов қобилиятининг кескин тушиб кетиши каби қўшимча тарздаги инқирозли жараёнларни келтириб чиқарди. Мана шундай инқирозли жараёнларни бартараф этишда давлат инқирозга қарши дастурларини олиб бориш заруриятига муҳтожлик туғилганлиги маълум бўлиб қолди.



2018–2020 йиллардаги дунё хўжалик алоқаларининг асосий кўрсаткичлари [19]

Булар жумласига вақтинчалик карантиннинг қўлланилиши бизнес субъектлари, туризм соҳаси, халқаро транспорт, спорт, киноматография, жамият истеъмоли, касалликка чалинганларни даволатиш учун сарфланган тиббий харажатлар ва бошқаларни киритишимиз мумкин. Шунингдек, аҳоли истеъмолчилик талабини рағбатлантириш ва уй хўжаликлари даромадларининг тушиб кетмаслигига йўл қўймаслик мақсадидаги давлат томонидан қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари олиб борилди.

Халқаро валюта фонди маълумотларига кўра, дунё бўйича фискал сиёсат тадбирлари сифатида олиб борилган, хусусан, миллий иқтисодийetni қўллаб-қувватлаш ва иқтисодий фаолликни ошириш бўйича пул тизимидаги арзон кредит ресурслари ва узайтирилган маблағлар билан таъминлаш бўйича ажратилган маблағлар 2021 йилда 14 трлн доллар деб баҳоланган[20].

Иқтисодийetni қўллаб-қувватлаш бўйича фискал сиёсат дастакларидан оқилона фойдаланиб АҚШ, Канада, Буюк Британия, Австралия, Янги Зеландия, Япония ва Германия давлатларида ЯИМга нисбатан 10 фоизлик қилинган сарф-харажатлар амалга оширилган. Европа Иттифоқи давлатлари фискал сиёсатни сал кечроқ қўллаган ва инқирозни юмшатиш учун бошқа юқоридаги давлатларга нисбатан ЯИМга нисбатан 7,5–10 фоизга камроқ харажатлар қилинган. Шунингдек, Бразилия, Жанубий Африка республикаси, Хитой, Ҳиндистон ва Россия давлатлари фавқулодда ҳолатларда миллий иқтисодийetni тараққиёти учун ЯИМга нисбатан 2,5–8 фоизлик қўшимча бюджет харажатларини амалга оширган.

2020 йилда Covid-19 пандемиясидан зарар кўриш натижасида иқтисодийёт соҳаларида кескин пасайиш кузатилди, бунда аҳоли ва бизнес субъектларининг

даромадларининг тушиб кетиши, барча дунё мамлакатлари ҳукумати томонидан бюджет харажатларининг кескин ошиб кетиши натижасида давлат молияси таҳликали даражага тушиб қолди. Таъкидлаш лозимки, пандемия даври ва пандемия давридан кейинги бюджет тақчиллиги даражаси сезиларли даражада ошди. Дунё мамлакатларида ҳалихануз давом этаётган пандемия ва пандемия оғир оқибатларини енгишга қаратилган дастурларни амалда бажариш бўйича кўрилаётган чоралар натижасида 2021 йилда ҳам бюджет харажатларининг ошиши ҳисобига бюджет тақчиллиги ЯИМга нисбатан ўсиш тенденцияси кузатилмоқда.

Ҳозирги кунда барча дунё мамлакатларини хавотирга солаётган муаммо бу давлат бюджет тақчиллигининг пандемия давригача бўлган даврга нисбатан хаддан ташқари ошиб кетганлигидир. Маълумки, Европа Иттифоқи аъзо ва иқтисодийети ривожланган мамлакатлар ўзларининг ривожланиш босқичларида давлат ташқи қарзи ва давлат бюджети тақчиллигида ўзига хос тажрибага эгадирлар. Айнан, евроҳудуд мамлакатларида Маастрихт шартномасида Европа Иттифоқи аъзо мамлакатлар учун – “евроҳудуд”да иштирок этишлари учун 1993 йил 2 майдан бошлаб қуйидаги қатъий мезонлар ўрнатилган:

– давлат бюджети тақчиллиги ялпи ички маҳсулотга нисбатан 3,0 фоиздан ортмаслиги лозим. Агарда белгиланган ушбу норматив бузилса, уни бузган давлатга нисбатан иқтисодий санкциялар қўлланилади;

– давлат ташқи қарзи миқдори ялпи ички маҳсулотга нисбатан 60,0 фоиздан ортмаслиги лозим ёки ушбу кўрсаткичга барқарор яқинлашиб бориш мумкин[21].

Дунё бўйича ЯИМга нисбатан давлат қарзининг бундай мутаносиб тарздаги тенденцияси қисқа фурсатли коронавирус пандемияси оғир оқибатларини келажак тараққиёти учун маълум бир давргача юмшатиши мумкин.

Бундай пайтда монетар рағбатлантириш воситалари дунё иқтисодиёти инфляцион жараёнларни кучайиши учун имкониятлар яратиб бўлди. (Бу қурилиш соҳасида ўзини намоён қилди, марказий банклар ҳомийлигида ипотека қарз олувчиларга имтиёзли кредитларнинг ажратилиши уй-жой нархларининг сезиларли даражада ошишига олиб келди). Фискал сиёсат нуктаи назаридан қарз муаммосини ҳал қилиш учун жуда ҳам кам имкониятлар қолди.

Давлат кредитлашнинг янги дастурлари орқали эски қарзларни қайта молиялаштириш жараёни анча мураккаб ва муаммоли ҳолатдир.

1-жадвал

**Бюджет тақчиллиги ЯИМ га нисбатан  
фоиз ҳисобида**

Дунё мамлакатлари	2018	2019	2020	2021
Дунё бўйича бюджет тақчиллиги	-3,1	-3,8	-11,8	-8,5
G20 гуруҳига қирувчи мамлакатлар	-3,7	-4,5	-13	-9,4
Ривожланган мамлакатлар	-2,7	-3,3	-13,3	-8,8
<b>G20 гуруҳига қирувчи ривожланган мамлакатлар, жумладан</b>	<b>-3,3</b>	<b>-4</b>	<b>-14,3</b>	<b>-9,6</b>
АҚШ	-5,8	-6,4	-17,5	-11,8
Евроҳудуд	-0,5	-0,6	-8,4	-5,9

Германия	1,8	1,5	-5,1	-3,4
Франция	-2,3	-3	-10,6	-7,7
Италия	-2,2	-1,6	-10,9	-7,5
Испания	-2,5	-2,9	-11,7	-8,2
Япония	-2,6	-3,4	-13,8	-8,6
Буюк Британия	-2,3	-2,3	-14,5	-10,6
Канада	0,3	0,5	-20	-7,8
Австралия	-1,2	-3,8	-10,4	-11,4
Корея Республикаси	2,6	0,4	-3,1	-2,7
G20 гуруҳига қирувчи бозорлари ривожланган мамлакатлар, жумладан	-4,3	-5,4	-10,9	-9,1
Хитой	-4,7	-6,3	-11,8	-11
Ҳиндистон	-6,3	-7,4	-11,5	-9,7
Россия	2,9	1,9	-4,6	-2,3
Бразилия	-7	-5,9	-14,5	-5,9
Жанубий Африка Республикаси	-4,1	-6,3	-14,2	-12,2
Дунё ЯИМнинг ўсиши	3,5	2,8	-3,5	5,5

XX аср охири ва XXI аср бошларидаги давлатнинг “Самарали ҳукумат” тамойилларига асосланган сиёсати давлат мулкларини хусусийлаштириш дастурлари давомида ўз активларини сезиларли даражада қисқартирди ҳамда давлат мулкни эксплуатация қилиш ёки

сотишдан олинган даромадларга таяниш имконсиз бўлиб қолди.

Шубҳасиз, қарздорлик муаммосини ечишнинг асосий воситаси бу анъанавий мазмуни жиҳатдан солиққа тортиш, инфляция механизмларидан фойдаланиш йўли орқали босқичма-босқич қарздорликни бартараф этиш, шу жумладан пандемия давридаги инфляция солиғи ҳақидаги вақт синовидан ўтган ғояга мурожаат қилиш зарур бўлади[22]. Бу аслида, паст инфляцияни нишонга олишга қаратилган сўнгги ўн йилликлардаги пул-кредит сиёсатининг асосий тамойилини бекор қилади.

### Хулоса

Ўтган йиллардаги дунё иқтисодиётига турли офатлар, глобал тарздаги инқирозлар туфайли нафақат давлат молия соҳасида муаммоларни келтириб чиқарди, балки давлатлар ижтимоий-иқтисодий тараққиётга ғов бўлувчи бошқа муаммоларнинг ҳам ўсишига олиб келди. Бундай муаммоларни ҳал қилиш иқтисодиётда чуқур таркибий ўзгаришларни амалга ошириш заруриятини туғдирди. Юқорида тадқиқ қилинганлардан келиб чиқиб, иқтисодиёт тарихидаги неолиберал таълимотига кўра юқори рақобатга асосланган эркин бозор шароитида монетар сиёсат қатъий пул таклифини назорат остига олинган чоратadbирларни амалда қўллаган, фискал сиёсатда эса иқтисодий фаолликни оширишда рағбатлантирувчи солиқ сиёсатини қўллаш ва ижтимоий сарф-харажатларни ушлаб туришга қаратилган. Энди бу воситалардан фойдаланишнинг глобал пандемияси давридан сўнгги янги концепцияга ўтишни тақозо этади. Бунда, албатта, ўсиб боровчи жамиятнинг глобал трансформациялашуви талабини ҳисобга олган ҳолда инқироздан сўнгги тикланиш жараёни билан мутаносиб

равишда қуйидагиларга алоҳида эътибор қаратишни тақозо этади:

- рақамли технологиялар ва иқтисодиёт соҳаларини рақамлаштириш билан боғлиқ бўлган муносабатларга, яъни иқтисодиёт субъектларига хавф солаётган уларнинг фаолиятига таҳдид қилиш бўйича қўлланилаётган замонавий технологиялар бўйича иқтисодий хавфсизлигини таъминлаш;

- даромадларнинг тенгсизлиги билан боғлиқ бўлган муаммолар, халқаро савдо қоидаларини қайта кўриб чиқиш ва протекционистик сиёсатни юмшатишда иқтисодиётни инвестициялаш орқали бир зум тўхтаб қолган иқтисодиётни жонлантириш;

- солиқ сиёсатини тубдан ўзгартириш. Бунда ижтимоий йўналтирилган тўлиқ эскирган тамойилларга асосланмаган солиқли рақобат ғоясидан воз кечиш;

- мамлакатларда юритилган қатъий монетар сиёсат коронавирус пандемиясидан сўнг ижтимоий-иқтисодий тараққиётни юксалтиришга қаратилган юмшоқ пул-кредит сиёсатига алмаштирилди<sup>3</sup>. Бундан фарқли равишда давлат фискал сиёсати ўзининг молиявий дастакларидан фойдаланиб кредитга мухтожларни давлатнинг инфляцион харажатларини молиялаштириш орқали глобал пандемияга қарши иқтисодий ўсишни таъминлаши мумкин.

Тарихдан муълумки, дунёнинг кўплаб мамлакатларида ҳукумат алмашинувида, улкан фавқуллодда ҳолатларда давлат

<sup>3</sup> Мазкур режим иқтисодий инқироз кузатилган даврларда инфляция даражасини тез ва самарали пасайтириш имконини беради. Бунда пул-кредит сиёсати фақатгина айирбошлаш курсининг мақсадли даражасини таъминлашга йўналтирилади. Жумладан, валюта курси қадрсизланганда қатъий пул-кредит сиёсати, валютанинг қадри мақсадли даражадан кўпроқ ошганда юмшоқ пул-кредит сиёсати юритилади.

фискал сиёсати биринчи навбатда, жамиятни барқарорлаштириш, ижтимоий портлашларнинг олдини олиш имконини берган. Бироқ, ҳозирги тараққиётга эришиш босқичида глобал пандемияси инқирозидан чиқиш йўлида ва инқироздан кейинги истиқболда ҳар иккала даврга мос ва янада прогрессив ривожланишига ҳисса қўшадиган солиқ-бюджет сиёсатининг устувор йўналишларини белгилаш тақозо этади. Бизнингча, замонавий фискал сиёсат А.Вагнер, В.Танзи, К.Шваб, А.Шаҳина, К. Рогофф ва бошқа ўтмиш ҳамда ҳозирги куннинг бир қатор иқтисодчилари ғояларига мос келадиган қуйидаги тамойилларига асосланиши керак.

Биринчидан, фискал сиёсат неолиберализм ва бозор фундаментализми тамойилларининг ҳукмронлигидан халос қилувчи аниқ ижтимоий йўналтирилган йўналишга эга бўлиши керак. Айниқса, бунда тиббиётни ривожлантириш, уни мажбурий ва ихтиёрий молиялаштиришнинг суғурта модели самарадорлиги кўрсаткичларининг катта таъсирдан халос қилиш зарур. Масалан, Германияда коронавирус пандемиясида касалхона ётоқларининг етарли эмаслиги, Италия ва Бельгияда[23] тиббий суғуртанинг ривожланмаганлиги, етарли касалхона ётоқлари ва шифокорлар билан таъминланганлик кўзга кўриниб қолди ҳамда бу мамлакатларда соғлиқни сақлашни оптималлашмаганлиги Совид-19 билан касалланган беморлар учун ҳалокатли оқибатларга олиб келди.

Германияга даволаниш учун поезд ва самолётларда эвакуация қилинганлар ҳам кузатилган[24]. 2020 йилда 140 йил олдин касаллик даврида ишчиларни Бисмарк ёндашувига кўра ижтимоий суғурталашнинг қўлланилиши ижобий натижаларни берди[25]. Соғлиқни сақлаш тизимидаги инқирозли жараёни юмшатиш мақсадида давлат ва хусусий бизнес вакилларига бир турдаги квази-солиқ тарзидаги ижтимоий мажбуриятларни юклаш билан молиялаштирилиши керак.

Иккинчидан, фискал сиёсат давлатнинг ўсиб бораётган харажатлари орқали аҳолининг фақатгина зарурият туғилган қисмигагина амалий ёрдам қўлини чўзиши керак. Буларга инқироз даврида ишини йўқотганларга, ёш болали оилаларга, кекса фуқаролар ва ҳақиқатан ҳам ижтимоий ҳимояга муҳтожларни киритишимиз мумкин. Шунингдек, инқироз даврида юқори даромад олганларга эса қаттиқ солиқ сиёсатини юритиш ҳам зарурдир. Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, ўз вақтида бизнес жараёнлар даврида бундай йўл тутишни америкалик миллиардерлар У.Баффет ва Б.Гейтслар таклиф берган[26].

Учинчидан, глобал пандемия давридан сўнг миллий фискал сиёсатни юритишда албатта қўшни мамлакатлар ва ташқи иқтисодий фаолиятда яхши муносабатларда бўлган мамлакатлар билан келишилган ҳолда амалга ошириш мақсадга мувофиқдир. Чунки, фискал ёндашувда албатта солиқларни солишдаги ҳамкорлик анча муҳим саналади.

## Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. The steam has gone out of globalization // The Economist. 2019. January 24 [Электронный ресурс]. Режим доступа: <https://www.economist.com/leaders/2019/01/24/the-steam-has-gone-out-of-globalisation>
2. Луцкая Е. Е. Монетарная и фискальная политика: дискуссии о роли в системе государственного регулирования // Социальные и гуманитарные науки.



- Отечественная и зарубежная литература. Серия 2: Экономика. Реферативный журнал. 2020. № 3. С. 37–42.
3. Луцкая Е. Е. Проблемы выработки антикризисной стратегии для преодоления пандемии коронавируса и ее последствий // Экономические и социальные проблемы России. 2020. № 3 (43). С. 68–83. DOI: 10.31249/espr/2020.03.03.
  4. Петрова Л. А., Кузнецова Т. Е., Володин В. М. Сценарии развития экономик развитых стран и России в условиях постпандемии // Финансы: теория и практика. 2020. Т. 24, № 4. С. 47–57. DOI: 10.26794/2587-5671-2020-24-4-47-57.
  5. Вертакова Ю. В., Феоктистова Т. В. Реализация антикризисных мер для населения и бизнеса в условиях пандемии коронавируса Covid-19 // Экономика и управление. 2020. Т. 26, № 5 (175). С. 444–454. DOI: 10.35854/1998-1627-2020-5-444-454.; Горбачева Т. А. Фискальные антикризисные меры стран в период пандемии Covid-19 // Вестник Московского университета им. С. Ю. Витте. Серия 1: Экономика и управление. 2020. № 3 (34). С. 38–42. DOI 10.21777/2587–554X-2020-3-38-42.; Дорофеев М. Л. Современные особенности государственной политики стабилизации экономики в условиях кризиса // Банковское дело. 2020. № 8. С. 33–40.; Курдин А. А., Коломиец А. Р., Маркова О. А., Служевская В. Д., Филиппова И. Н., Шпакова А. А. Вход в пандемию: первые меры поддержки экономики и первые результаты // Научные исследования экономического факультета. Электронный журнал. 2020. Т. 12, № 2 (36). С. 7–25.
  6. Вылкова Е. С. Проблематика налоговой политики в условиях коронавирусных угроз, содержащаяся в публикациях российских исследователей // Теневая экономика. 2020. Т. 4, № 3. С. 147–158. DOI: 10.18334/tek.4.3.110941.
  7. Деева Т. В. Тенденции развития удаленного налогового контролинга в условиях цифровой экономики и больших вызовов пандемии коронавирусной инфекции COVID-19 // Креативная экономика. 2020. № 7. С. 1401–1412. DOI: 10.18334/се.14.7.110588.
  8. Погорлецкий А. И. Историческая реконструкция влияния пандемий на развитие косвенного налогообложения // Journal of Applied Economic Research. 2020. Т. 19, № 2. С. 180–207. DOI: 10.15826/vestnik.2020.19.2.010.
  9. Karpova V. V., Tischenko V. F., Ostapenko V. N., Ivanov Yu. B. Anti-Crisis Fiscal Measures in the European Union during the COVID-19 Pandemic and their Impact on GDP // Journal of Tax Reform. 2020. Vol. 6, No. 3. Pp. 225–243. DOI 10.15826/jtr.2020.6.3.083.
  10. Oresmius N. Traktat über Geldabwertungen. Jena: Fisher, 1937. (Originally published in Latin in 1373).
  11. Copernicus N. Denkschrift über das Preussische Münzwesen // In: Nicolaus Copernicus / Edited by Prowe. Berlin: Weidmann, 1822. Vol. 2. Pp. 21–29. (Originally written in Latin in 1522).
  12. Ward J. Ward J. The Lives of the Professors of Gresham College: To which is prefixed the Life of the Founder, Sir Thomas Gresham. London, 1740 [Электронный ресурс]. Режим доступа: [http://around-shake.ru/personae/3666/article\\_3689.html](http://around-shake.ru/personae/3666/article_3689.html)
  13. Shahine A. Next Big Shift in Economics Takes Shape Under Covid Shadow // Bloomberg. 2020. October 11 [Электронный ресурс]. Режим доступа: <https://www.bloomberg.com/news/articles/2020-10-11/the-next-big-shift-ineconomicstakes-shape-under-covid-shadow>.; Rogoff K. Fantasy fiscal policy // Project syndicate. 2020. February 3 [Электронный ресурс]. Режим доступа: <https://www.project-syndicate.org/commentary/resisting-risky-fiscal-policy-by-kenneth-rogoff-2020>



14. Shahine A. Next Big Shift in Economics Takes Shape Under Covid Shadow // Bloomberg. 2020. October 11 [Электронный ресурс]. Режим доступа: <https://www.bloomberg.com/news/articles/2020-10-11/the-next-big-shift-ineconomicstakes-shape-under-covid-shadow>; Rogoff K. Fantasy fiscal policy // Project syndicate. 2020. February 3 [Электронный ресурс]. Режим доступа: <https://www.project-syndicate.org/commentary/resistingrisky-fiscal-policy-by-kenneth-rogoff-2020>
15. Jia P. The macroeconomic impact of monetary-fiscal policy in a «fiscal dominance» world // Macroeconomic Dynamics. 2020. Vol. 24, Issue 3. Pp. 670–707. DOI: 10.1017/S1365100518000408.; Steele G. R. Fiscal and monetary interdependence // Economic Affairs (Harlow). 2020. Vol. 40, Issue 2. Pp. 198–208. DOI: 10.1111/ecaf.12397.
16. Van Dender K., O'Reilly P., Perret S. COVID-19 and Fiscal Policies: Tax and Fiscal Policy in Response to the Coronavirus Crisis: Strengthening Confidence and Resilience // Intertax. 2020. Vol. 48, Issue 8/9. Pp. 736–742.
17. Karpova V. V., Tischenko V. F., Ostapenko V. N., Ivanov Yu. B. Anti-Crisis Fiscal Measures in the European Union during the COVID-19 Pandemic and their Impact on GDP // Journal of Tax Reform. 2020. Vol. 6, No. 3. Pp. 225–243. DOI 10.15826/jtr.2020.6.3.083.
18. Liu D., Sun W., Chang L. Monetary-fiscal policy regime and macroeconomic dynamics in China // Economic Modelling. 2021. Vol. 95. Pp. 121–135. DOI: 10.1016/j.econmod.2020.12.007.
19. IMF World Economic Outlooks, 2019–2021; UNCTAD Handbooks of Statistics, 2019–2020; UNCTAD World Investment Reports, 2019–2021.
20. Helping the economy absorb the shock of the current crisis. European Central Bank [Электронный ресурс]. Режим доступа: <https://www.ecb.europa.eu/home/search/coronavirus/html/index.en.html>
21. Финансы, денежное обращение и кредит. Учебник. /Под ред. д.э.н. академика В.К. Сенчагова. –М.: Проспект, 2007.
22. Pogorletskiy, A. I., Söllner, F. (2020). Pandemics and Tax Innovations: What Can We Learn from History? Journal of Tax Reform, Vol. 6, No. 3, 256–297. DOI: 10.15826/jtr.2020.6.3.086.
23. Coronavirus tracker: the latest figures as countries fight the Covid-19 resurgence. FT.com. 2021. February 9 [Электронный ресурс]. Режим доступа: <https://www.ft.com/content/a2901ce8-5eb7-4633-b89ccbdf5b386938>
24. В Германию доставлены тяжелобольные пациенты с коронавирусом из Италии. DW.com. 2020. 24 марта. Режим доступа: <https://www.dw.com/ru/в-германию-доставлены-тяжелобольные-пациенты-с-коронавирусом-из-италии/a-52896438>; Бельгия начала отправлять пациентов с COVID-19 в Германию. РИА Новости. 2020. 30 октября [Электронный ресурс]. Режим доступа: <https://ria.ru/20201030/koronavirus-1582381763.html>
25. Tanzi, V. (2011). Government versus Markets The Changing Economic Role of the State. Cambridge University Press. с. 199–213.
26. Warren Buffett and Bill Gates agree that the rich should pay higher taxes – here's what they suggest. CNBC.com 2019. February 26 [Электронный ресурс]. Режим доступа: <https://www.cnbc.com/2019/02/25/warren-buffett-and-billgates-the-rich-should-pay-higher-taxes.html>.

УЎТ 336.71

Саидов Дониёр Абдуллаевич,  
Тошкент молия институтини, доцент

---

---

**БАНКЛАРАРО РАҚОБАТ ШАРОИТИДА ТИЖОРАТ БАНКЛАРИ  
КАПИТАЛЛАШУВ ДАРАЖАСИНИ ОШИРИШ ЙЎЛЛАРИ**

---

---

Саидов Дониёр Абдуллаевич,  
Ташкентский финансовый институт, доцент

---

---

**ПУТИ ПОВЫШЕНИЯ УРОВНЯ КАПИТАЛИЗАЦИИ КОММЕРЧЕСКИХ  
БАНКОВ В УСЛОВИЯХ МЕЖБАНКОВСКОЙ КОНКУРЕНЦИИ**

---

---

Saidov Doniyor Abdullayevich,  
Tashkent institute of finance, assistant professor

---

---

**WAYS TO INCREASE THE LEVEL OF CAPITALIZATION OF  
COMMERCIAL BANKS IN THE CONDITIONS OF INTERBANK  
COMPETITION**

---

---

**Аннотация.** Мақолада тиждорат банкларининг банклараро рақобат шароитида капиталлашув жараёнлари, уни оширишининг назарий ва амалий жиҳатлари ёритилган. Шу билан бирга, банк капитали таркиби, унинг таҳлили, тиждорат банклари капиталини ошириши имкониятлари ҳамда банк капитали етарлилик кўрсаткичлари таҳлил этилган ҳамда тиждорат банклари капиталлашув даражасини ошириши юзасидан таклиф ва тавсиялар берилган.

**Таянч сўзлар:** капитал, биринчи даражаси капитал, иккинчи даражаси капитал, қўшимча капитал, капитал етарлилиги, ROA, ROE коэффициентини, биринчи даражаси капитал етарлилиги.

**Аннотация.** В статье описаны процессы капитализации коммерческих банков в условиях межбанковской конкуренции, теоретические и практические аспекты ее повышения. При этом были проанализированы состав банковского капитала, его анализ, возможности увеличения капитала коммерческих банков и показатели достаточности банковского капитала, даны предложения и рекомендации по повышению уровня капитализации коммерческих банков.

**Ключевые слова:** капитал, капитал 1-го уровня, капитал 2-го уровня, вторичный капитал, достаточность капитала, ROA, коэффициент ROE, достаточность капитала 1-го уровня.

**Annotation.** The article describes the processes of capitalization of commercial banks in the conditions of interbank competition, theoretical and practical aspects of its increase. At the

*same time, the composition of bank capital, its analysis, possibilities of increasing the capital of commercial banks and indicators of bank capital sufficiency were analyzed, and suggestions and recommendations were given to increase the level of capitalization of commercial banks.*

**Keywords:** capital, Tier 1 capital, Tier 2 capital, secondary capital, capital adequacy, ROA, ROE ratio, Tier 1 capital adequacy.

### Кириш

Мамлакатимизнинг ижтимоий-иқтисодий тараққиётининг муҳим стратегик вазифаларидан бири бир томондан молиявий базис ҳисобланувчи рақобатбардош банк тизимини яратиш бўлса, иккинчи томондан иқтисодиётнинг барча соҳаларида менежментнинг самарадорлигини таъминлашдир. Рақобатнинг глобаллашуви ва иқтисодиётимизнинг жаҳон молия бозорига интеграциялашуви, шу билан биргаликда банк тизимини трансформация қилиш жараёнларини амалга оширилаётганлиги банк муассасаларининг хизмат кўрсатиш тизимини қайтадан кўриб чиқишни ва уларнинг рақобат имкониятларидан имкон қадар кенгроқ фойдаланишни тақозо этади.

Банклараро рақобат шароитида тижорат банкларини бош мақсади юқори фойда олишга қаратилган бўлиб, ушбу натижага эришиши учун авваламбор, тижорат банкларининг ресурс базасини кенгайтириш, уларнинг капиталлашув даражаси ҳамда аҳоли ва хўжалик юритувчи субъектларнинг бўш пул маблағларини депозитларга жалб қилиш даражасини ошириш муҳим ҳисобланади.

Республикамизда банк инфратузилмасининг кенгайиб бориши банклар ўртасидаги рақобат муҳитининг кучайиши, банкларнинг давлат ресурсларига қарамлигини пасайтириш, банкларнинг халқаро капитал бозорларига чиқиши ҳисобига банк тизимига қўшимча ресурсларни жалб қилиш [1] масалаларига Ўзбекистон Республикаси Президентининг қатор Фармон ва Қарорларида алоҳида

урғу берилган бўлиб, буларнинг амалга оширилиши натижасида тижорат банклари капиталлашувининг ошишига ва уларни молиявий барқарорлигини мустаҳкамланишига олиб келади.

Банкларнинг капиталлашув даражасини ва банк ликвидлигининг оширилиши пировардида уларнинг молиявий барқарорлигини таъминлаш учун мустаҳкам замин яратади. Шу билан бирга, кенг кўламли ислохотларни амалга оширишда банкларнинг инвестиция кредитлари орқали иштирокини таъминлашнинг фаоллашгани барқарор ресурс базасини шакллантиради.

Бугунги кунда республикамиз иқтисодиётининг барқарор ривожланиши авваламбор, унда амалга оширилаётган ислохотлар натижалари билан чамбарчас боғлиқ. Халқаро банк амалиёти тажрибаси шуни кўрсатмоқдаки, бозор муносабатлари шароитида тижорат банклари капиталининг самарадорлиги ва унинг етарлигини таъминламасдан туриб, банкларнинг тўлов қобилятини мустаҳкамлаш ва аҳолининг банк тизимига бўлган ишончини ошириш долзарб вазифалардан бири ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси банк тизими барқарорлигини таъминлашда аввалам бор банкларнинг капиталлашувини оширишга эътибор қаратилиши лозим. Чунки, банк капитали банк мажбуриятларини таъминлашда асосий манба бўлиб ҳисобланади. Шу сабабли, банк капиталини ошириб бориш орқали банк актив операциялари ҳажмини ошиб боришига имконият яратади. Бизга маълумки, банк операциялари банк капиталига боғлиқ бўлиб, буни Марказий

банк томонидан ўрнатилган иқтисодий меъёрлардан ҳам кўришимиз мумкин.

Марказий банк томонидан банк тизими барқарорлигини таъминлаш мақсадида банкларнинг капиталлашув даражасини ошириш, ликвидлилик ва кредит рискларини бошқариш, шунингдек, банк назорати амалиётини Базель кўмитасининг асосий тамойилларига мувофиқлаштириш ва унинг ҳуқуқий асосларини янада такомиллаштириш бўйича амалий ишлар олиб борилмоқда.

Банкларнинг капиталлашув даражасини оширишга қаратилган чоратadbирлар натижасида банкларнинг умумий капитали 2023 йил 1 январь ҳолатига 79565 млрд. сўмга етди ва ўтган йилга нисбатан 12,2 фоизга ўсган [2].

Тижорат банклари ўз маблағлари таркибида асосий ўринни банкнинг устав капитали эгаллайди.

Халқаро банк амалиётида банк балансининг пасивида устав капитали салмоғининг ижобий ўзгариши банкнинг тўловга қобиллигини, мустаҳкамлигини белгиловчи бирламчи омил ҳисобланади.

### Мавзуга оид адабиётлар шарҳи

Бизга маълумки, банк капиталининг иқтисодий моҳияти тўғрисида кўплаб олимлар томонидан турли хил фикрлар билдирилган. Жумладан, америкалик иқтисодчилар Крис Дж. Барлтон ва Диана Мак Нотоннинг фикрича, банк капитали банк фаолиятида юзага келадиган турли хил кўзда тутилмаган ҳолатларнинг олдини олиш учун етарли захира бўлиши билан бирга, ўзгарувчан шароитга мослашишда юзага келадиган тўловга қобилиятсизликни бартараф қилишда ёрдам беради ва банк капиталининг ҳажми ҳар бир мамлакатда банк тизими ҳамда унинг иқтисодининг ривожланишига қараб турлича бўлишини таъкидлашган [3]. Шунингдек, америкалик иқтисодчи

Крис Дж. Барлтон банк капиталига “қимматли” манба сифатида ҳам таъриф берган. Капиталнинг “қимматлилиги” шундан иборатки, банк ўз капиталини шакллантириш ва унинг миқдорини ошириб бориш мақсадида оддий акцияларни чиқариш, уларни молиявий бозорларда жойлаштириш ва ушбу жараён билан боғлиқ бўлган бошқа харажатларни амалга оширади. Ушбу жараён тижорат банки харажатларининг ошишига ва фойдасининг камайишига олиб келади. Агар, харажатлар эвазига молия бозорига сотиш учун таклиф этилган қимматли қоғозлар харидорини топмаса, уларнинг баҳоси номинал қиймати миқдоридан ҳам тушиб кетиши, бу эса ўз-ўзидан банк капитали миқдорининг ошишига эмас, балки иқтисодий қийинчиликларга дучор бўлишига хизмат қилади.

Россиялик иқтисодчи профессор В.М.Усоскин банк капиталига банк молиявий ресурсларининг муҳим ва ажралмас таркибий қисми сифатида қарайди [4]. Кўриниб турибдики, бу ерда капитал банк ресурсларининг муҳим ва таркибий қисми сифатида қаралиши натижасида унинг асосий вазибалари (ҳимоя ва тартибга солиш) эътибордан четда қолган. Шу билан бирга, тижорат банки капитали Марказий банк томонидан, унинг фаолиятини иқтисодий жиҳатдан баҳолаш ва тегишли операцияларнинг амалга оширилишини мақсадга мувофиқ эканлиги ҳақида хулосалар чиқариш учун асосий иқтисодий кўрсаткич бўлиб ҳисобланади.

Иқтисодчи олим Р.Г.Олхова банк капиталининг иқтисодий моҳиятини очиб беришда “ҳимоя ёстиғи” деган иқтисодий тушунчани олдинга суради ва банк қутилмаганда зарар кўрса капитал ҳимоя ёстиғи сифатида кўрилатган зарар оқибатларини енгиллаштиради ва банкнинг иқтисодий жиҳатдан тўлов

қобилиятини тиклаб олиш имкониятини яратади деб ҳисоблайди [5]. Ушбу таърифда банк капиталининг бир жиҳати, яъни ҳимоя вазифасига урғу берилган. Ваҳоланки, банк учун капитал молиялаштиришнинг манбаси вазифасини ҳам бажаради.

Ҳақиқатда банк капиталининг миқдори, банкнинг молиявий барқарорлиги ва мустақиллигини тавсифлайди.

Ликвидлилик rischi банк омонатчилари маблағини ўз вақтида беролмаганда, ишончли мижозларнинг вақтинчалик кредит ресурсларига бўлган эҳтиёжини қондира олмаганда вужудга келади.

Агар банк, омонатчиларнинг нақд пулга ва вақтинчалик кредит ресурсларига бўлган эҳтиёжини ўз вақтида қондира олмаса, мижозларда бошқа банкларга кетиб қолиш мойиллиги туғилади, бу эса, ўз навбатида, банк капиталини кўпайтиришнинг асосий манбаларидан бири бўлган фойданинг ошишига салбий таъсир кўрсатади.

Ўзбек иқтисодчи олимларимиз Ш. Абдуллаева ва А. Омоновлар банк капиталига қуйидагича таъриф беришган: “Тижорат банкларининг капитални барқарор манба бўлиб, банкнинг операцион жараёнида қутилмаганда юзага келадиган зарарларни қоплаш имконини берувчи ўзига хос ҳимоя воситасидир” [6].

Бизнинг фикримизча банк капитални тўғрисида тўхталганда энг аввало, унинг таъсисчилари томонидан фаолият юритиш учун махсус лицензия олишга қадар ташкил этилиши лозим бўлган маблағларни назардан четда қолдирмаслик лозим, яъни устав капиталини шакллантириш банк капиталини асосий элементи ҳисобланади.

Бу маблағларни банк фаолиятини бошлашга қадар бир қатор биринчи навбатдаги харажатларни амалга ошириш учун ниҳоятда зарурдир. Банк фаолиятини бошлагандан сўнг унинг

кўламини кенгайтириш, янгидан-янги банк операцияларини жорий этиш ва банк инфратузилмасини кенгайтиришда (филиал, банк хизматлари маркази ва комплекс банк хизматларини кўрсатиш марказларини кўпайтириш) учун ҳам банк капитални муҳим аҳамият касб этади. Бундан ташқари, юқорида таъкидлаб ўтилгани каби, банк фаолияти ривожланиб бориши натижасида маълум манбалар ҳисобидан банк капитални ҳам ортиб боради ва ундан мижозларнинг узоқ муддатли маблағларга бўлган эҳтиёжлари узоқ муддатли кредит бериш орқали қондирилади. Шу билан бирга, банк капиталининг бир қисми кўшимча даромад олиш мақсадида молия бозорларида иштирок этиши ва узоқ муддатли даромад келтирувчи қимматли қоғозларни харид қилиш учун ишлатилиши мумкин.

Шу боис, юқоридаги жаҳон миқёсидаги иқтисодчи олимларнинг ҳамда ўзбек иқтисодчи олимларининг банк капитални хусусида берган таърифларининг умумий йиғиндиси сифатида банк капиталининг иқтисодий мазмунига қуйидагича таъриф бериш мақсадга мувофиқ:

Банк капитални – банк фаолиятини юзга келиши билан шакллантириладиган, барқарор ривожланишни таъминлайдиган ва ўз ўрнида фаолият давомида юзага келиши мумкин бўлган таваккалчилик ва зарарларнинг даражасини пасайтирувчи барқарор манбадир.

Банк фаолиятидаги энг муҳим муаммолардан бири етарли даражадаги банк капитални миқдорини таъминлашдир. «Капитал» термини банкирлар учун алоҳида аҳамиятга эга. Бу тушунча биринчи навбатда, банк эгалари томонидан киритилган ва акциядорлик капиталда жойлаштирилган маблағлар ҳамда тақсимланмаган фойдага боғлиқдир. Банкларга бўлган ишончли таъминлаб

берувчи асосий элементлардан бири – банк капиталидир. Шу сабабли банк капиталининг миқдори ва сифати масаласи банклар учун катта аҳамият касб этади.

### Тадқиқот методологияси

Тадқиқотнинг мақсади банклараро рақобат шароитида тижорат банкларини капиталлашув даражасини ошириш орқали уларни ликвидлилигини ва молиявий барқарорлигини таъминлаш амалиёти натижалари асосида илмий-амалий хулоса ва тавсияларни ишлаб чиқишдан иборат. Мавзуни ўрганиш жараёнида банк тизими бўйича ва тижорат банкларини амалий маълумотларини тизимлаш бўйича махсус ёндашувлар, яъни, қиёсий таҳлил, таққослама таҳлил, амалий материалларни жамлаш каби усуллари қўлланилган.

### Натижа ва муҳокама

Тижорат банклари молиявий воситачи сифатида омонатчилар ва кредиторлардан жуда катта миқдорда маблағларни жалб этади. Банк капитали жалб қилинган маблағларни қайтариш билан боғлиқ бўлган ҳолатлар бўйича омонатчилар ва кредиторларнинг манфаатига бевосита боғлиқ бўлмаслиги зарур. Яъни омонатчилар ва кредиторларнинг банк капиталига нисбатан ҳеч қандай қонуний ёки билвосита даъволари мавжуд бўлмаслиги лозим.

Банк капитали қуйидаги учта хусусиятга эга бўлиши лозим [7]:

1. Узоқ муддатли бўлиши зарур (доимий).

Тижорат банкларининг капитали узоқ муддатли бўлиши зарур деганда, асосий эътибор капитал эгасининг ушбу маблағни исталган пайтда талаб қилиш имкониятининг чегараланганлиги назарда тутилмоқда. Агар банк акциядори исталган

пайтда банк капиталини шакллантириш учун йўналтирилган маблағни тўлиқ ёки қисман қайтариб олса, банк иқтисодий жиҳатдан танг аҳволга тушиб қолиши табиий.

2. Банк капитали мажбурий тўловларга тобе бўлмаслиги керак.

Тижорат банклари капиталининг мажбурий тўловлардан озодлиги банкнинг барқарор фаолият юритишига кенг имконият яратади. Аксинча, банк капитали солиқ, пеня ва бошқа тўловлар, шунингдек, банкнинг мажбуриятлари бўйича тобе бўлса, унинг иқтисодий барқарорлигига салбий таъсир кўрсатади ва капитал доимо иқтисодий жиҳатдан хавф остида бўлади. Мазкур ҳолат банкларга ўз номидан молия бозорларида операцияларни амалга оширишда, омонатчилар ва инвесторларни банкка жалб қилишда ҳамда аҳолининг ишончини таъминланишига салбий таъсир кўрсатади.

3. Банк капитали омонатчилар ва кредиторларнинг ҳуқуқий манфаатидан мустақил бўлиши лозим.

Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 5 ноябрда қабул қилинган “Банклар ва банк фаолияти тўғрисида”ги Қонунида “Банк муассислари банк акциядорлари таркибидан у рўйхатга олинган кундан бошлаб бир йил мобайнида чиқиб кетиш ҳуқуқига эга эмаслар” [8], дея қайд этилган.


Демак, тижорат банклари устав капиталига қўйилган маблағларни бир йил давомида эркин ишлатиш ҳуқуқига эга.

Тижорат банклари устав капитали нисбатан юқори барқарорликка эга бўлиб, банклар қийин молиявий ҳолатга тушганда ундан асосий ҳимоя воситаси сифатида фойдаланадилар. Тижорат банклари устав капитали салмоғини банк пассивлари таркибидаги улушининг барқарор миқдорини таъминлашга эришиш уларнинг молиявий жиҳатдан



барқарор фаолият юритишига хизмат қилади.

Қуйидаги 1-расм маълумотларидан кўринадики, тижорат банклари устав капитали ва хусусий капитали 2016–2022 йилларда ўсиш тенденциясига эга бўлган. Яъни 2016 йилда устав капитали 5805 млрд. сўмни, 2022 йил якунига келиб эса 59857 млрд. сўмни ташкил қилган. Бу ўз навбатида, ижобий баҳоланиб, тижорат банкларининг устав капитали ҳажми қанчалик кўп ошадиган бўлса, банкнинг молиявий барқарорлиги шунчалик мустаҳкамланади.




1-расм. Тижорат банклари устав капитали динамикаси[9], (млрд. сўм, йил бошига)

Яъни 01.01.2023 йил ҳолатига банкларнинг устав капитали жами банк капиталининг 75,2 фоизини ташкил қилиши ижобий баҳоланиб, халқаро амалиётда қабул қилинган Базель кўмитаси талаблари бўйича ҳам банк устав капитали жами банк капиталининг 75 фоиздан кам бўлмаслиги қайд этилган.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг “Тижорат банклари капиталининг монандлигига қўйиладиган талаблар тўғрисида”ги 2015 йил 6 июлдаги 2693-сонли низомида тижорат банклари капитали етарлиликка қўйилган талаблар ва уни бошқариш масалалари ўз ифодасини топган[10].

Ҳар бир тижорат банкининг фаолияти кенгайиб боргани сари, унинг

ўз маблағларининг салмоғи ҳам ошиб бориши лозим. Бу билан, банкнинг ўз маблағларини ҳолатини тартибга солиш орқали банк фаолиятида юзага келиши мумкин бўлган рискларни олдини олиш имконияти юзага келади.



2-расм. Ўзбекистон Республикаси банк тизими капитал етарлилиги даражаси (фоизда, йил бошига) [9].

Ушбу расм маълумотларидан кўринадики, Ўзбекистон Республикаси банк тизими бўйича капиталнинг етарлилиги кўрсаткичи таҳлил этилган даврлар мобайнида белгиланган иқтисодий меъёрни бажарилганлигини кўришимиз мумкин. Яъни банк капиталини етарлилиги 2017 бошига нисбатан 3,1 фоиз бандга ошиб, 2023 йил 1 январь ҳолатига 17,8 фоизни (*минимал талаб 13%*) ташкил этди. Биринчи даражали банк капиталининг етарлилиги ҳам Базель кўмитаси томонидан тавсия этилган талабга мос келади, яъни 2017 йил бошига 12,5 фоизни, 2023 йил бошига келиб эса 14,5 фоизни ташкил этган (*минимал талаб 10%*).

Бошқа мамлакатлар банк тизимида назар солсак, банк тизимида капитал монандлиги кўрсаткичи аксарият мамлакатларда нисбатан юқори шакланган бўлиб, мазкур кўрсаткич Грузияда 19,2 фоизни, Туркияда 17,7 фоизни, Малайзияда 17,4 фоизни, Арманистонда 17,3 фоизни ва Россияда 12,2 фоизни ташкил қилади.

## 1-жадвал

Тижорат банкларининг хусусий  
капитали таҳлили[9], (млрд. сўм)

Банк номи	31.12.20 йил	31.12.21 йил	31.12.22 йил
Миллий банк	13873,1	14768,7	16377,6
Агробанк	5371,2	9346,1	9505,3
Саноатқури- лишбанк	6704,3	7700,9	7828,1
Асака банк	6425,7	6504,8	6518,9
Ипотека банк	4274,0	5087,1	5917,4
Халқ банки	4868,9	5479,5	5319,2
Микрокре- дитбанк	1738,3	2321,1	3643,9
Қишлоқку- рилишбанк	2413,9	2696,4	2943,8
Капиталбанк	866,9	1488,7	2604,7
Hamkorbank	1477,7	1927,6	2570,1
Ипак Йўли банк	1191,2	1531,9	2059,2
Туронбанк	1210,2	1915,2	1878,9
Алоқабанк	1568,5	1673,5	1795,3
Ориент Фи- нанс банк	1124,9	1343,5	1703,3
Трастбанк	821,4	1182,0	1639,5
Тенге Банк	361,1	1229,5	1224,5
Infinbank	627,7	765,1	930,9
КДБ Банк Узбекистан	661,4	757,8	902,1
Даврбанк	303,2	408,6	635,8
Тибиси банк	199,3	304,5	571,6
Asia alliance bank	337,6	397,4	571,5
Ziraat bank	319,2	349,7	412,1
Садерат банк	365,2	385,3	405,9
Anoq bank	100,1	187,1	343,8
Универсал банк	180,2	194,7	333,6
Гарантбанк	178,6	192,3	285,2
Мадад Ин- вест Банк	144,2	148,2	181,7
Пойтахт Банк	123,8	135,2	143,8

Apelsinbank	-	-	141,2
Ravnaqbank	136,8	143,1	129,6
Ўзагроэкс- портбанк	85,8	66,5	47,0
<b>Жами</b>	<b>58 054</b>	<b>70 632</b>	<b>79 565</b>

Ушбу жадвалда тижорат банклари хусусий капитални уч йил давомида ўсиш тенденцияси кузатилган. Яъни жами банк тизими бўйича кўрганимизда 2020 йил якуни бўйича 58054 млрд. сўмни ташкил этган бўлса, 2022 йил якунига келиб, 37 фоизга ўсиб, 79565 млрд. сўмни ташкил қилган. Бироқ ушбу жадвал маълумотларидан кўринадики, барча банкларда ҳам капитални ижобий ўсиши кузатилмайди, яъни “Ўзагроэксспортбанк” ва “Ravnaqbank”, Халқ банки, Туронбанкларда хусусий капитални камайиши кузатилади, бунга асосий сабаб, ушбу банкларда охириги уч йилда муаммоли кредитлар улушининг ошиши ва ушбу кредитлар бўйича махсус захираларни шакллантириш эвазига юз берган.

“Ўзагроэксспортбанк”да хусусий капитални катта миқдорда камайиши салбий ҳолат ҳисобланади. Чунки, банк капитални етарлигига нисбатан Марказий банк томонидан минимал талаб белгиланган бўлиб, ундан пасайиб кетиши салбий ҳисобланади.

Энди биз тижорат банклари устав капиталининг ўзгариш динамикасини қуйидаги жадвал орқали кўриб чиқамиз.

## 2-жадвал

Тижорат банкларининг устав  
капитали таҳлили[9], (млрд. сўм)

Банк номи	31.12.20 йил	31.12.21 йил	31.12.22 йил
Миллий банк	11978,1	12 209,4	14 418,4
Агробанк	4907,2	8 554,0	8 554,0
Халқ банки	4230,9	7 433,4	7 433,4
Асака банк	5633,1	5 633,1	5 857,5

Саноатқури-лишбанк	4627,5	4 634,5	4 634,5
Микрокредит-банк	1641,6	2 197,1	3 547,3
Ипотека банк	2861,8	2 992,2	2 989,6
Қишлоққури-лишбанк	1854,1	1 855,2	1 855,2
Туронбанк	876,0	1 497,0	1 497,0
Тенге Банк	340,8	1 149,0	1 149,0
Ориент Фи-нанс банк	768,5	903,4	1 105,8
Алоқабанк	951,4	953,6	951,1
Тибиси банк	221,7	438,2	771,7
Ипак Йўли банк	532,4	532,4	602,4
Трастбанк	360,2	360,3	560,3
Infinbank	400,0	400,0	500,0
Капиталбанк	155,7	376,0	407,4
Даврбанк	170,0	343,5	400,0
Asia alliance bank	186,8	186,8	380,3
Ziraat bank	189,0	269,7	305,3
Anoq bank	100,0	185,0	301,0
Гарантбанк	129,7	130,0	230,0
Универсал банк	127,7	129,1	150,0
Hamkorbank	104,4	107,8	107,8
КДБ Банк Узбекистан	101,3	101,3	101,3
Мадад Инвест Банк	100,0	100,0	100,0
Ravnaqbank	100,0	100,0	100,0
Apelsinbank	-	-	100,0
Пойтахт Банк	100,0	100,0	100,0
Ўзғроэкс-портбанк	70,9	70,9	70,9
Садерат банк	64,1	64,1	64,1
<b>Жами</b>	<b>43 885</b>	<b>54 007</b>	<b>59 345</b>

Юқоридаги жадвалда тижорат банклари устав капитали таҳлил этилган бўлиб, ушбу даврда банк тизими бўйича таҳлил қилганимизда ўсиш тенденцияси кузатилади, яъни, 2020 йилда 43885 млрд. сўмни ташкил этган бўлса, 2022

йил якунига келиб 59345 млрд. сўмга ўсган. Ушбу жадвалдан кўринадики, йирик ва узоқ йиллар давомида фаолият юритиб келаётган банкларимиз устав капитали ҳажми бўйича муаммо йўқдир, чунки, тижорат банклари фаолиятини кенгайтириб бориши учун устав капитали ҳажмини ҳам мос ҳолда ошириб боришлари лозим. Бироқ янги ташкил этилган, кичик 9та тижорат банкида 2023 йил 1 январь ҳолатига устав капитали 100 млрд.сўм ва ундан камни ташкил этади. Ўзғроэксспортбанк, Садерат банкларида эса минимал устав капиталига кўйилган талаб бажарилмаган.

Ҳукумат томонидан Ўзбекистон Республикаси тижорат банклари капиталлашув даражасини оширишга алоҳида эътибор берилаётганлиги банк тизимини молиявий барқарорлигини таъминлашга ва мустаҳкамлашга хизмат қилади. Жумладан, Ўзбекистон Республикасининг “Банклар ва банк фаолияти тўғрисида”ги қонунида банкларни устав капиталининг энг кам миқдори: 2023 йил 1 сентябрга қадар юз миллиард сўмни; 2023 йил 1 сентябрдан икки юз миллиард сўмни; 2024 йил 1 апрелдан уч юз эллик миллиард сўмни; 2025 йил 1 январдан беш юз миллиард сўмни ташкил этиши белгиланган бўлиб, тижорат банклари ушбу талабни босқичма-босқич бажаришлари лозим. Бироқ юқоридаги 2-жадвалда келтирилган 9та банк ушбу талабни бажаришлари мушкул ҳисобланади. Шу сабабли ушбу муддатда банклар минимал устав капитали миқдорини шакллантирмасалар, ушбу тижорат банклари бошқа банкларга қўшилиши ёки Марказий банк томонидан берилган лицензия қайтариб олиниши мумкин.

### Хулоса

1. Банк капиталининг иқтисодий моҳияти хусусида ҳамон ягона илмий ёндашув мавжуд эмас. Олимларнинг банк капитали хусусида берган таърифларининг қиёсий таҳлилига таянган ҳолда унга: «Тижорат банкларининг капитали улар фаолиятини молиялаштиришнинг барқарор манбаи бўлиб, банкнинг операцион жараёнида кутилмаганда юзага келадиган зарарларни қоплаш имконини берувчи ўзига хос ҳимоя воситасидир», – деган таъриф берилди.

2. Ҳозирги вақтда дунёнинг юздан ортиқ мамлакатида, шу жумладан, Ўзбекистон тижорат банклари капиталининг таркибини шакллантиришда ва унинг етарлилик даражасини белгилашда халқаро Базель қўмитаси томонидан ишлаб чиқилган андозалардан асос сифатида фойдаланилмоқда. Базель қўмитаси ишлаб чиққан меъёрларнинг ижобий жиҳатлари билан биргаликда, унга хос бўлган асосий камчилик шундан иборатки, банк кредитлари бўйича риск тоифалари мижоз иқтисодиётнинг қайси секторига ва қайси давлатга мансуб эканлигига қараб белгиланган эди. Республикамиз тижорат банкларида Базель андозаларининг фақатгина ижобий жиҳатларини қўллаш мақсадга мувофиқ.

3. Мамлакатимизда иккиламчи қимматли қоғозлар бозорининг етарли даражада ривожланмаганлиги тижорат банкларининг оддий ва имтиёзли акцияларини ушбу бозорда доимий олдисотди объектига айланишига тўсқинлик қилмоқда. Уларнинг капитали таркибида эмиссион даромадларнинг вужудга келиш имкониятини чекламоқда. Шунингдек, банк акциядорларини моддий жиҳатдан манфаатдорлигини ошириш ва уларнинг банк бошқарувидаги иштирокини фаоллаштиришга иқтисодий эҳтиёж туғдирмаяпти. Ушбу ҳолатларни

ижобий ҳал этиш мақсадида, тижорат банкларининг оддий ва имтиёзли акцияларини иккиламчи қимматли қоғозлар бозорида кенг қўламда олдисотди қилинишини таъминлашга эришиш лозим.

4. Тижорат банклари капиталини бошқаришнинг асосий усуллари қуйидагилар бўлиб, улар банк устав капиталининг барқарор даражасини таъминлаш, банк умумий капиталининг етарлилигини таъминлаш, банк биринчи даражали капиталининг етарлилигини таъминлаш ва банк капиталидан самарали фойдаланишни таъминлаш ҳисобланади. Тижорат банкларининг капиталини самарали бошқариш юзасидан тегишли тадбирларни ишлаб чиқиш асосида ушбу усулларни тўлиқ ишлашини таъминлаш зарур.

5. Тижорат банклари жами капиталининг ва биринчи даражали капиталнинг етарлилик даражасини бошқариш амалиётини таҳлил қилиш натижалари шуни кўрсатдики, капиталнинг ҳар иккала етарлилик коэффицентини ҳақиқатда бажарилиши йирик тижорат банкларида белгиланган иқтисодий меъёри миқдорга нисбатан сезиларли даражада юқори бўлган.

6. Йирик тижорат банкларининг оддий акцияларини хусусий сектор ва аҳолига сотиш ҳажмини ошириш йўли билан банкларнинг устав капиталидаги давлатнинг улушини камайтириш мумкин. Яъни давлат улуши юқори бўлган банкларни хусусийлаштириш орқали Бунда Банк бошқарувида акциядорларнинг иштирокини фаоллаштириш ва улар ролининг оширилиши банк ресурсларидан самарали фойдаланиш имкониятини юзага келтиради. Банк Кенгаши аъзоларининг жавобгарлигини ошириш орқали банк капиталини бошқаришнинг сифат кўрсаткичларини янада яхшилаш лозим.

Юқорида келтирилган тавсияларни банк амалиётида қўллаш, банк капиталини самарали бошқаришга эришиш ва уни мустаҳкамлигини таъминлаш билан бирга, аҳолининг банк тизимига бўлган ишончини янада ошишига ва миллий иқтисодиётнинг ўсишига хизмат қилади.

### Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 12 майдаги ПФ-5992-сонли “2020-2025 йилларга мўлжалланган Ўзбекистон Республикасининг банк тизимини ислох қилиш стратегияси тўғрисида”ги Фармони.
2. [www.cbu.uz](http://www.cbu.uz), Ўзбекистон Республикаси Марказий банки сайти.
3. Крис Дж Барлтон ва Д Мак-Нотон. «Банковские учреждения в развивающихся странах», 2 том. Всемирный банк Вашингтон, Д.С 1992г.С-101-103.
4. Уоскин.Б.М.Современный коммерческих банк: Управления и операциии-М:Вазар-Ферро, 1994.С.92.
5. Р.Г.Олхова. Банковское дело: управления в современном банке. Учебное пособия. – Москва: Кнорус, 2022-304с.
6. Ш.Абдуллаева, А.Омонов.Тижорат банкларининг капитали ва уни бошқариш. Тошкент.:”ИҚТИСОД-МОЛИЯ”, 2006,10-бет.
7. Хенни Ван Г, Соня Б.Б. Анализ банковских рисков.-М.: <Весмир>, 2003. С.100
8. Ўзбекистон Республикасининг “Банклар ва банк фаолияти тўғрисида”ги Қонуни, 2019 йил 5 ноябр, 7-модда.
9. [www.cbu.uz](http://www.cbu.uz), Ўзбекистон Республикаси Марказий банки сайти маълумотлари.
10. Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг “Тижорат банклари капиталининг монандлигига қўйиладиган талаблар тўғрисида”ги 2015 йил 6 июлдаги 2693-сонли низоми.

УЎТ 336.71/332

Аминова Нилуфар Умарбой кизи,  
Тошкент молия институти  
мустақил тадқиқотчиси

**ИСЛОМ ТАРАҚҚИЁТ БАНКИ ТОМОНИДАН ИНВЕСТИЦИЯ  
ЛОЙИҲАЛАРИНИ МОЛИЯЛАШТИРИШНИНГ АМАЛДАГИ  
ХОЛАТИ ТАҲЛИЛИ**

Аминова Нилуфар Умарбой кизи,  
Независимый исследователь  
Ташкентского финансового института

**СОВРЕМЕННАЯ СИТУАЦИЯ С ФИНАНСИРОВАНИЕМ  
ИНВЕСТИЦИОННЫХ ПРОЕКТОВ ИСЛАМСКИМ БАНКОМ РАЗВИТИЯ**

Aminova Nilufar Umarboy kizi,  
Independent researcher.  
Tashkent institute of finance

**ANALYSIS OF THE CURRENT SITUATION OF FINANCING INVESTMENT  
PROJECTS BY THE ISLAMIC DEVELOPMENT BANK**

**Аннотация.** Ушбу мақолада Ислом тараққиёт банки томонидан инвестиция лойиҳаларини молиялаштиришнинг амалдаги ҳолати таҳлил этилган. Ислом тараққиёт банки инвестиция портфелидаги оддий капитал ресурслари ҳажмининг географик тақсимооти, инвестиция портфелидаги оддий капитал ресурслари ҳисоби молиялаштирилган инвестиция лойиҳалари яқунлари ва инвестиция портфели ҳисобига молиялаштирилган инвестиция лойиҳаларининг натижалари кўриб чиқилган.

**Таянч сўзлар:** Ислом тараққиёт банки, ислом молияси, ислом молиявий хизматлар саноатининг экотизими, сукук, рибо, ислоний молия бозорлар, ислоний облигация, такофул, инвестиция портфели, капитал ресурслар.

**Аннотация.** В статье анализируется текущая ситуация с финансированием инвестиционных проектов Исламским банком развития. А также географическое распределение суммы обычных капитальных ресурсов в инвестиционном портфеле Исламского банка развития, результаты инвестиционных проектов, финансируемых за счет обычных капитальных ресурсов в инвестиционном портфеле, и результаты инвестиционных проектов, финансируемых за счет инвестиционного портфеля.

**Ключевые слова:** Исламский банк развития, исламские финансы, экосистема индустрии исламских финансовых услуг, сукук, рибо, исламские финансовые рынки, исламская облигация, такафул, инвестиционный портфель, капитальные ресурсы.



**Annotation.** *This article analyzes the current situation of financing investment projects by the Islamic Development Bank. The geographical distribution of the amount of ordinary capital resources in the investment portfolio of the Islamic Development Bank, the results of the investment projects financed by the account of ordinary capital resources in the investment portfolio and the results of the investment projects financed by the investment portfolio were considered.*

**Keywords:** *Islamic Development Bank, Islamic Finance, Islamic Financial Services Industry Ecosystem, Sukuk, Ribo, Islamic Finance Markets, Islamic Bond, Takaful, Investment Portfolio, Capital Resources*

### Кириш

Халқаро экспертларнинг фикрига кўра, S&P Global Ratings глобал исломий молия саноатининг йиллик ўсиш суръати ва кўлами 2020 йилда 10,6 фоизгача секинлашгандан сўнг, глобал исломий молия саноати ҳажмида 2021–2022 йилларда 10-12% фоизга ўсиш кузатилган. Шунингдек, ислом молияси ва ундаги инвестициялар лойиҳаларини молиялаштириш ҳажми 2020-2022 йилда COVID-19 пандемияси оқибатидаги йирик йўқотишларга қарамасдан нисбатан секинроқ бўлса-да, кейинги йилларда ўсиш суръатларини қайд этиб келмоқда. Албатта, бу борада йирик молиявий тузилма – Ислом тараққиёт банкининг инвестиция лойиҳаларини молиялаштиришдаги фаолиятини кўриб чиқиш мақсадга мувофиқдир.

Ислом тараққиёт банки (The Islamic Development Bank) кўп томонлама ривожланиш банки ҳисобланади. Мазкур молиявий тузилма 1973 йил биринчи Ислом конференцияси ташкилотида (ҳозирги “Ислом ҳамкорлик ташкилоти”) Молия вазирлари томонидан ташкил этилиб, дастлабки фаолиятини 1975 йил 3 апрелдан бошлаган. Мазкур халқаро молиявий институт ўзининг аъзолари ва бутун дунё бўйича ислом динига амал қилувчи мусулмонлар учун ижтимоий, иқтисодий жиҳатдан ривожланишга кўмаклашиш борасида ўз хизматларини таклиф этиб келмоқда. Ҳозирги кунда, “Ислом тараққиёт банкига 57 та мустақил давлатлар аъзодир.

Шу билан бир қаторда, ушбу йирик молиявий халқаро тузилма ААА рейтинг натижасига эга бўлиб, ўзининг 16 миллиард АҚШ долларида ортиқ операция активлари ва 70 миллиард АҚШ доллари миқдоридаги капитали дунёдаги энг фаол исломий молия муассасаси бўлиб турибди [8].

### Мавзуга оид адабиётлар шарҳи

S.M.Hasanuzzaman томонидан олиб борилган илмий изланишларда ислом молиясининг ривожланиш босқичлари, келгусидаги истиқболли йўналишлари тадқиқ этилган. Олимнинг илмий тадқиқотларида ислом молиясига қуйидагича таъриф берилган: “ислом молияси – бу шариатга асосланган фикҳий ҳукмлар, қонун-қоидаларининг амал қилиши ҳисобланиб, ушбу молия тизими шариат қоидалари бўйича ҳаёт кечиришни мақсад қилган инсонларнинг молиявий хизматларга бўлган талаб ва эҳтиёжларини қондиришга хизмат қилувчи, молиявий-иқтисодий ресурслардан нотўғри ва оқилона фойдаланишни кўзда тутувчи тизим[2]”.

M.A.Mannan томонидан олиб борилган тадқиқотларда: “ислом молияси ва иқтисодиёти – бу инсонларнинг ислом шариати одатлари ва кадриятлари асосида иқтисодий муаммоларини ўрганадиган ижтимоий илм [3]”, эканлиги алоҳида таъкидланади.

Мамлакатимиз иқтисодчи-олимлари томонидан ҳам ислом молияси

ва банкчилиги, инвестицияларни молиялаштиришда ислом молияси моделидан фойдаланиш имкониятлари ҳақида қатор тадқиқотлар олиб борилган. Жумладан, О.Астанақулов томонидан олиб борилган тадқиқотларда ислом молиясида “банк” институтига устуворлик қаратилганлигини кўрамиз. Ушбу тадқиқотларда куйидаги фикрлар билдирилган: “Ислом молия тизими – Ислом ҳуқуқи, бошқача сўз билан айтганда, шариат қонун-қоидалари асосида ташкил этилиш ва фаолият юритиш тамойилига эга бўлган банк тизимидир, яъни бу турдаги банкларнинг барча амалиётлари, масалан, депозит омонати ёки молиялаштириш билан боғлиқ амалиётлари ҳам шариат кўрсатмаларига мувофиқ бўлади. Ислом банкларининг бошқа амалиётлари: пул ўтказмалари, кафолат хатлари, аккредитивлари, чет эл валютасини сотиш кабиларга нисбатан ҳам бу қоидалар ўз таъсирини кўрсатади [5]”.


#### Тадқиқот методологияси

Мазкур мавзунинг ёритишда абстракт-мантқиқий фикрлаш, умумлаштириш, комплекс баҳолаш, кузатув ҳамда қиёсий таҳлил усулларидан фойдаланилган.

#### Натижа ва муҳокама

Ислом тарққиёт банкининг 2018–2022 йиллардаги фаол портфели статистикаси келтирилган. Унга кўра, 2018 йилда банкнинг фаол портфелининг умумий ҳажми 29,085 млн. АҚШ долларидан иборат бўлган. Ушбу портфел ҳажмининг асосий қисми оддий капитал ресурслари ҳиссасига тўғри келади: 25,706 млн. АҚШ доллари, қолган қисмини траст фондлари ва грантлар ташкил этади: 3,379 млн. АҚШ доллари. 2019 йилда мазкур йирик исломий молия ташкилотининг

фаол портфели ҳажми 25,087 млн. АҚШ долларини ташкил этгани ҳолда, олдинги йилга нисбатан 13,7 фоиз камайган.




1-расм. 2018–2022 йилларда Ислом тарққиёт банкининг фаол портфел ҳажми, млн. АҚШ доллари [7]

Ушбу портфел таркибида траст фондлари ва грантлар ҳажми 8 фоиздан ортиқроқни ёки 2,148 млн. АҚШ долларини ташкил этган. Портфелнинг асосий қисмини оддий капитал ресурслари эгаллайди, яъни ушбу капитал ҳажми 22,939 млн. АҚШ долларига тенг бўлган. 2020 йилда эса ушбу портфел ҳажми ортган. Яъни мазкур йилда банк фаол портфелда ҳажми олдинги йилга нисбатан 2,8 фоизга ошиб, 25,800 млн. АҚШ долларидан иборат бўлган. Мазкур портфелнинг деярли 90 фоизини оддий капитал ресурслари ҳамда қолган 10 фоизини траст фондлари ва грантлар ҳиссасига тенг эканлигини кўрамиз. 2021 йилда Ислом тарққиёт банки фаол портфелининг умумий ҳажми 26,123 млн. АҚШ долларидан иборат бўлган. Фаол портфел таркибида оддий капитал ресурслари 23,693 млн. АҚШ доллари, траст фондлари ва грантлар ҳажми 2,430 млн. АҚШ долларини ташкил этган. Аммо 2022 йилда фаол портфел ҳажмида сезиларсиз камайиш юз берган. Бунда таҳлил этилаётган йилда олдинги йилга нисбатан фаол портфел ҳажми 0,007 млн. АҚШ долларига камайиб, 26,116 млн. АҚШ долларидан иборат бўлган. Ушбу портфелнинг таркиби куйидагича, яъни 24,157 млн. АҚШ доллари оддий капитал ресурслари ҳиссасига, қолган 1,960 млн.

АҚШ доллари траст фондлари ва грант маблағлари ҳисобига тўғри келади. Умуман олганда, мазкур йилда фаол портфел ҳажмидаги камайиш тенденциясини банк маъмурияти COVID-19 пандемиясининг салбий таъсири билан боғлайди: “Дунё миқёсида кенг тарқалиб улгурган COVID-19 пандемияси ривожланган ва ривожланаётган мамлакатлар ўртасида йирик масштабдаги глобал рецессияга олиб келганлигини алоҳида қайд этиш керак. У ўзининг салбий глобал таъсири туфайли иқтисодий тикланиш жараёнлари турли давлатлар ва улар жойлашган минтақаларда номутаносиблиги билан бир қаторда, жаҳон иқтисодиёти ҳаётида жиддий муаммоларни юзага чиқарди. Ислоом тараққиёт банки томонидан олиб борилган ҳисоб-китобларга асосан аъзо давлатларда истиқомат қилувчи 51 миллион нафар аҳоли вакиллари глобал қашшоқликка маҳкум бўлган. Айтиш керакки, мазкур мураккаб вазиятдан чиқиш учун дунёдаги кўпгина ривожланган давлатлар пандемиянинг салбий иқтисодий хавфларини юшматишга қаратилган кўплаб фискал имтиёз ва рағбатлантиришларни ўз ичига олган пакетларни тақдим этиш мажбуриятини ҳам зиммасига олган эди. Аммо, Ислоом тараққиёт банкига аъзо давлатларда бошқа ривожланган давлатлар сингари молиявий имкониятлар, ресурслар ҳамда ривожланишнинг барқарор тенденцияларига эга эмаслиги туфайли пандемия таъсиридан чиқиш анчагина мушкул бўлди. Бу эса, улардаги инвестиция лойиҳаларини молиялаштиришни ҳам секинлашувига олиб келди. Қиёсий таҳлиллар кўрсатишича, 2020 йил маълумотларида банкка аъзо давлатлардаги ЯИМ ҳажмининг ўсиши пасайган ҳамда тўпланиши мумкин бўлган умумий ЯИМнинг қарийб 15 фоизи (тахминан 2,9 трлн. АҚШ доллари) йўқотилган.

Шунга қарамасдан, 2021 йилда аъзо давлатлар иқтисодиётининг тикланиши содир бўлган бўлса-да, бу борадаги тикланиш жараёнлари иқтисодиёт тармоқларининг етарлича диверсификациясига эга бўлмаган аъзо давлатларда секинлашганича қолаверди. Халқаро валюта жамғармаси маълумотларига кўра, заиф ҳолатда ишланган 2022 йил иқтисодиётининг секиншуви билан бир қаторда, кўплаб глобал муаммолар, жумладан, энергия ресурслари борасида нархларнинг сезиларли кўтарилиши, бу борадаги энергия таъминотдаги узилишларнинг ортиши, давлат бюджети тақчиллигининг янада кўпайиши, давлат қарзининг ўсиши прогноз параметрларидан ошиб кетиши, инфляциян йўқотишларнинг ва хавф-хатарларнинг кучайиши фонида инвестиция лойиҳалари молиялаштиришдаги жиддий муаммоларни ҳам келтириб чиқаради [6].

Юқорида кўриб ўтилганидек, Ислоом тараққиёт банкнинг 2022 йилда инвестиция лойиҳаларини молиялаштириш учун оддий капитал ресурслари ҳажмининг тақсимотидаги географик улушлар куйидагича:




**2-расм. 2022 йилда Ислоом тараққиёт банки инвестиция портфелидаги оддий капитал ресурслари ҳажмининг географик тақсимоти [7]**

Юқоридаги 2-расмда 2022 йилда Ислоом тараққиёт банки инвестиция

портфелидаги оддий капитал ресурслари хажмининг географик тақсимоти куйидагича ифодаланган: инвестиция лойиҳаларини молиялаштиришда йўналтириладиган фаол портфел хажмидаги оддий капитал ресурсларининг мавжуд 10 фоизи Яқин Шарқ ва Шимолий Африка мамлакатларига, шунингдек, 59,6 фоизи Саҳрои Кабир Африкаси мамлакатларига, қолган 30,2 фоизи эса Осиё, Лотин Америкаси ва Европа мамлакатларидаги инвестиция лойиҳалари учун сарф этилган. Айтиш керакки, амалга оширилган инвестиция лойиҳалари учун йўналтирилган фаол портфел таркибининг асосий қисми Саҳрои Кабир Африкаси мамлакатларига тақсимот қилинган.

Юқорида кўриб ўтилган 2018–2022 йилларда Ислом тараққиёти банки томонидан инвестиция лойиҳаларини молиялаштиришга йўналтирилган фаол инвестиция портфели доирасида инвестиция лойиҳалари яқунлаш натижалари куйидагича:



**3-расм. 2018–2022 йилларда Ислом тараққиёт банки инвестиция портфелидаги оддий капитал ресурслари ҳисобига молиялаштирилган инвестиция лойиҳалари яқунлари[7]**

Юқоридаги 3-расмда таҳлиллари келтирилган Ислом тараққиёт банки инвестиция портфелидаги оддий капитал ресурслари ҳисоби молиялаштирилган инвестиция лойиҳалари натижаларига кўра, 2018 йилда амалга оширилган лойиҳаларнинг 2 таси қисман муваффақиятли, 15 таси муваффақиятли ҳамда

6 таси юқори муваффақиятли тарзда амалга оширилган. Шунингдек, 2019 йилда банк томонидан молиялаштирилган инвестиция лойиҳаларининг 1 таси қисман муваффақиятли, 11 таси муваффақиятли ҳамда 2 таси юқори муваффақиятли яқунланган. 2020 йил яқунлари бўйича инвестиция лойиҳаларининг 2 таси қисман муваффақиятли, 15 таси муваффақиятли ва 9 таси юқори муваффақиятли яқун топган. Бундан ташқари, 2021 йилда оддий инвестиция капитали ресурслари ҳисобидан молиялаштирилган инвестиция лойиҳаларининг 18 таси муваффақиятли амалга оширилган бўлса, 4 таси юқори муваффақият билан яқунланган. 2022 йилда эса молиялаштирилган инвестиция лойиҳаларининг 16 таси муваффақиятли ҳамда 3 таси юқори натижалар билан яқунланганлиги аниқланди.

Кўриб ўтилган даврда, яъни 2022 йилда Ислом тараққиёт банки фаол инвестиция портфелининг оддий капитал ресурслари ҳисобига молиялаштирилган инвестиция лойиҳаларининг натижалари куйидагиларда намоён бўлади:

*1-жадвал*

**2022 йилда Ислом тараққиёт банки фаол инвестиция портфели ҳисобига молиялаштирилган инвестиция лойиҳаларининг натижалари[7]**

№	Натижалар
1	<b>Камбағалликни йўқотиш борасида:</b>
	30 минг бошпана қурилган
2	<b>Очликка барҳам бериш борасида:</b>
	Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари экспорти 13 миллион тоннага ошди;
	88 минг гектар суғориладиган майдон суғорилади;
	256 минг тонна ўсимлик маҳсулотлари етиштирилди;
	1700 фермер ўқитилди

3	<b>Соғлиқни сақлаш борасида:</b>
	680 та соғлиқни сақлаш муассасаси қурилди;
	3 миллион соғлиқни сақлаш ходимлари ўқитилди;
	Соғлиқни сақлаш муассасаларига 1,8 минг ётоқ қўшилди; Йилига 83 миллион киши амбулатория хизматларидан фойдаланди
4	<b>Таълим сифатини ошириш борасида</b>
	Йилига 1,2 миллион талаба фойда кўради;
	3,5 минг нафар ўқитувчилар малака оширди
5	<b>Тоза ичимлик суви ва санитария борасида:</b>
	1,9 миллион хонадон ичимлик суви тизимидан фойдаланди;
	615 минг хонадон яхшиланган санитария-гигиена воситаларидан фойдаланди
6	<b>Муносиб иш ўрни ва иқтисодий ўсишни таъминлаш борасида:</b>
	267 минг киши иш билан таъминланди;
	189 минг киши малакасини оширди;
	201 минг киши микромолиядан фойдаланди
7	<b>Арзон ва “тоза” энергия билан таъминлаш борасида:</b>
	34 миллион хонадон электр энергиясига уланган;
	2 минг км электр узатиш линиялари ўрнатилди
8	<b>Саноат, инновация ва инфратузилма тармоқларини яхшилаш борасида:</b>
	1,3 минг км қишлоқ йўллари қурилди;
	870 км темир йўл қурилди;
	879 км автомобиль йўллари қурилди;
	60 миллион янги абонент интернетга уланди

1-жадвал маълумотларига кўра 2022 йилда Ислом тараққиёт банки фаол инвестиция портфели ҳисобига молиялаштирилган инвестиция лойиҳаларининг натижалари келтирилган. Унга кўра, мазкур йирик исломий молиялаштириш модели асосланган халқаро молия институтининг капиталлари ҳисобига амалга оширилган инвестиция лойиҳаларининг натижалар самарадорлиги қуйидагича бўлган:

- аъзо мамлакатлардаги аҳоли ўртасида камбағалликни йўқотиш борасида амалга оширилган инвестиция лойиҳалари ҳисобига 30 минг бошпана қурилишига эришилган;

- аъзо мамлакатлардаги аҳоли ўртасида очликка барҳам бериш борасида қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари экспорти 13 миллион тоннага ошиши қаратилган инвестиция лойиҳалари молиялаштирилди, 88 минг гектар суғориладиган майдон суғорилишига кўмаклашувчи технонологиялар сотиб олинди, молиялаштирилган инвестиция лойиҳалари ҳисобига 256 минг тонна ўсимлик маҳсулотлари етиштирилди, шунингдек, лойиҳалар давомида иштирок этган 1700 фермер ўқитилди;

- соғлиқни сақлаш соҳасига қаратилган инвестиция лойиҳаларини молиялаштириш натижасида 680 та соғлиқни сақлаш муассасаси қурилди, 3 миллион соғлиқни сақлаш ходимлари ўқитилди, соғлиқни сақлаш муассасаларига 1,8 минг ётоқ, койкалар харид қилинди, аъзо давлатларда истиқомат қилувчи 83 миллион нафар аҳоли йилига амбулатория хизматларидан фойдаланишига эришилди;

- аъзо мамлакатларда таълим сифатини ошириш борасида 1,2 миллион талаба фойда кўришига эришилди, 3,5 минг нафар ўқитувчиларнинг малакаси оширилди;

- тоза ичимлик суви ва санитария соҳасидаги инвестиция лойиҳаларини




етарлича молиялаштириш эвазига 1,9 миллион хонадон ичимлик суви тизимдан фойдаланиш имконияти яратилди, 615 минг хонадон яхшиланган санитария-гигиена воситаларидан фойдаланишига эришилди;

– аъзо мамлакатларда истиқомат қилувчи аҳоли учун муносиб иш ўрни ва иқтисодий ўсишни таъминлаш борасида 267 минг киши иш билан таъминланди, 189 минг киши малакасини оширди, 201 минг киши микромолиядан фойдаланди;

– арзон ва “тоза” энергия билан таъминлаш борасида 34 миллион хонадон электр энергиясига уланишига имконият хозирланди, 2 минг км электр узатиш линиялари ўрнатилди;


– аъзо мамлакатларда саноат, инновация ва инфратузилма тармоқларини яхшилаш борасида 3 минг км қишлоқ йўллари, 870 км темир йўллар, 879 км автомобиль йўллари қурилди ва 60 миллион янги абонент интернетга уланди.

Ислом тараққиёти банки фаол инвестиция портфели таркибидаги оддий капитал ресурслари ҳисобига молиялаштирилган инвестиция лойиҳаларининг ислом моделига асосланган усуллар/воситалар бўйича тақсимоти бўйича таҳлиллар қуйида келтирилган:



4-расм. 2022 йилда Ислом тараққиёт банки фаол инвестиция портфели ҳисобига молиялаштирилган инвестиция лойиҳаларининг усуллар/воситалар бўйича тақсимоти[7]

Таҳлил натижаларига кўра, 2022 йилда Ислом тараққиёт банки фаол инвестиция портфели ҳисобига молиялаштирилган инвестиция лойиҳаларининг асосий қисми, яъни 80 фоизи бўлиб-бўлиб сотиш ҳисобига, 3 фоизи истисна ҳисобига, 9 фоизи қарзлар эвазига, 5 фоизи лизинглар орқали ва яна 3 фоизи эса техник кўмак орқали амалга оширилган. Юқоридаги инвестиция лойиҳаларини аниқ ҳудудлар мисолида таҳлил этиш натижалар самарадорлигини баҳолаш имконини беради.



5-расм. Ал-Ақсо ва Ал-Қудс фонди лойиҳаларининг асосий натижалари[6]

Ислом тараққиёт банки капитали ҳисобига шакллантирилган Ал-Ақсо ва Ал-Қудс фонди орқали ҳудуддаги мавжуд ижтимоий муаммолар, иқтисодий ривожланишга кўмаклашувчи инвестиция лойиҳалари молиялаштирилди. Мазкур лойиҳаларни молиялаштириш орқали 35 мингта уйни қайта тиклаш ишлари молиялаштирилди, шунингдек, 276 та мактаб ва университетларнинг қурилиш ишлари бўйича инвестиция лойиҳаларига маблағлар ажратилди, 24 минг оиланинг иқтисодий имкониятлари кенгайтирилди, 35 мингта шифохоналар қайта тикланди.



### Хулоса

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш мумкинки, Ислом тараққиёт банки фаолиятининг 5 йирик ўзга хос жиҳатлари куйидагиларда намоён бўлади:

– давлат-хусусий шериклик тамойилларини кенг жорий этиш орқали аъзо давлатлар ҳукуматлари, хусусий сектор вакиллари ҳамда фуқаролик жамияти ўртасида ҳамкорликни йўлга қўйиш ва уни ривожлантириш учун шароитлар яратиш;

– дунёда ривожланаётган мамлакатлар иқтисодиёти, улардаги фуқаролик жамияти аъзоларида билим ва кўникмаларни алмашиш фаолиятини яхшилаш натижасида уларнинг ривожланишига эришиш;

– илм-фан, инновацион технологияларга асосий эътиборни қаратиш, ушбу йўналишдаги инвестиция лойиҳаларини молиялаштириш ҳажмини янада кенгайтириш ҳамда БМТнинг барқарор

ривожланиш мақсадларига эришишга хизмат қилувчи лойиҳаларни молиявий қўллаб-қувватлаш;

– исломий молия соҳасида ислом шариатига тўғри келадиган узок муддатли ҳисобланган барқарор молиялаштириш тузилмалари (инструмент)нинг глобал ривожланишига қўмаклашиш;

– аъзо давлатлар ўртасида сиёсий ҳисобланмаган ҳамкорлик муҳитини шакллантириш ва мустаҳкамлашга эришиш.

Ўзбекистонда ҳам инвестиция лойиҳаларини амалга оширишда ислом молияси тамойиллари асосида молиялаштириладиган лойиҳаларни кўпайтириш, анъанавий тижорат банкларида “ислом молияси дарчалари”ни ташкил этиш мақсадга мувофиқ. Бунда халқаро молия институтлари, ислом молияси бўйича халқаро маслаҳат марказлари билан иш олиб бориш ҳам ўзининг ижобий самарасини беради.

### Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. <https://president.uz/uz/lists/view/4057>.
2. Mannan, M. A. (1983). “Islamic Economics as Social Science: Some Methodological Issues”, *Journal of Research in Islamic Economics*, 1(2), pp. 41-50
3. Hasanuzzaman, S. M. (1984). “Definition of Islamic Economics”, *Journal of Research in Islamic Economics*, 1(2), pp. 51-53.
4. Mannan, M. A. (1983). “Islamic Economics as Social Science: Some Methodological Issues”, *Journal of Research in Islamic Economics*, 1(2), pp. 41-50
5. Астанақулов О. Ислом молияси асослари: тараққиёт босқичлари, истиқболлари. “Iqtisodiyot va innovatsion texnologiyalar” ilmiy elektron jurnali. № 5, sentyabr-oktyabr, 2021-yil.
6. Ислом Тараққиёти банкининг 2022 йилдаги йиллик ҳисоботи маълумотлари асосида тайёрланди.
7. [https://www.isdb.org/sites/default/files/media/documents/2022.05/IsDB\\_DER-2021-20May2022\\_Web-Version003.pdf](https://www.isdb.org/sites/default/files/media/documents/2022.05/IsDB_DER-2021-20May2022_Web-Version003.pdf)
8. <https://www.isdb.org/who-we-are/about-isdb>

УЎТ

Чори Садибакович Мирзаев,  
«Туронбанк» АТБ Бошқаруви Раиси

## БАНКЛАРДА ТРАНСФОРМАЦИЯ ЖАРАЁНИ ВА УНИНГ МОЛИЯ БОЗОРИДАГИ ЎРНИ

Чори Садибакович Мирзаев,  
Председатель Правления АКБ «Туронбанк»

## ПРОЦЕСС ТРАНСФОРМАЦИИ В БАНКАХ И ЕГО РОЛЬ НА ФИНАНСОВОМ РЫНКЕ

Chori Sadibakosovich Mirzaev,  
Chairman of the Board JSCB «Turonbank»

## TRANSFORMATION PROCESS IN BANKS AND ITS ROLE IN THE FINANCIAL MARKET

**Аннотация.** Ушбу мақолада Ўзбекистон Республикаси банк тизимида трансформация жараёни, унинг молия бозоридаги ўрни ва аҳамияти, трансформация асосида банк асосий бизнес-жараёнларини рақамлаштиришнинг тақозо этилиши, шу мақсадда янги технологик платформаларнинг яратилиши ҳамда банк бизнес-жараёнларига интеграцияси ва, умуман, ушбу жараёнларнинг «Туронбанк» АТБда амалга оширилиши тажрибаси, изчиллик, миллийлик ва тарихий анъаналарга содиқлик каби масалалар қамраб олинган. Мақолада муаллифнинг илмий мулоҳазалари ўрин олган бўлиб, унинг охирида хулосалар ва амалий таклифлар берилган.

**Таянч сўзлар:** трансформация жараёни, молиявий экотизим, банклар, рақамли банк, бизнес-жараёнлар, банк маҳсулотлари, таҳлил, виртуал хизматлар, автоматлаштириш, кўрсаткичлар.

**Аннотация.** В статье рассматриваются процессы трансформации банковской системы Республики Узбекистан, ее место и роль на финансовом рынке, трансформация основных бизнес-процессов банка, в том числе создание новых технологических платформ и интеграция в бизнес-процессы банка, а также опыт осуществления этих процессов в АКБ «Туронбанк». Затронуты такие вопросы, как последовательность, приверженность к национальным и историческим традициям. Статья содержит научные рассуждения автора с выводами и практическими предложениями в конце.

**Ключевые слова:** процесс трансформации, финансовая экосистема, банки, цифровой банкинг, бизнес-процессы, банковские продукты, аналитика, виртуальные услуги, автоматизация, индикаторы.

**Annotation.** *This article considers the processes of transformation of the banking system of the Republic of Uzbekistan, its place and role in the financial market, transformation of the main business processes of the bank, including the creation of new technological platforms and integration into the business processes of the bank, as well as the experience of implementation of these processes in JSCB «Turonbank», such issues as consistency, adherence to national and historical traditions are touched upon. The article contains scientific reasoning of the author with conclusions and practical suggestions at the end.*

**Keywords:** *transformation process, financial ecosystem, banks, digital banking, business processes, banking products, analytics, virtual services, automation, indicators.*

### Кириш

Ўзбекистонда сўнгги йилларда амалга оширилаётган туб ислохотларни иқтисодийнинг турли соҳаларида рўй бераётган трансформация жараёнлари рўй-рост кўрсатиб турибди. Молия ва банк соҳаси, қишлоқ хўжалиги, тиббиёт, таълим, туризм ва бошқа соҳаларда кузатилаётган туб бурилишлар фикримизнинг далилидир.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2020–2025 йилларга мўлжалланган Ўзбекистон Республикасининг банк тизимини ислох қилиш стратегияси тўғрисида”ги 2020 йил 12 майдаги ПҚ-5992-сонли Фармонида [1], жумладан, банк соҳасидаги ҳозирги ҳолат таҳлили банк секториди давлат улушининг борлиги, давлат иштирокидаги банкларда менежмент ва таваккалчиликларни бошқариш сифати, иқтисодийда молиявий воситачиликнинг талаб даражасида эмаслиги каби банк секторини иқтисодий янгиланишлар ва жамият эҳтиёжларига мос равишда ривожлантиришга тўсқинлик қилаётган қатор тизимли муаммолар мавжуд, дейилган.

Трансформация жараёни “Туронбанк” АТБда ҳам амалга оширилмоқда. Юқоридаги Фармон ижросини таъминлаш борасида давлат иштирокидаги банклар сирасига кирувчи “Туронбанк”ни халқаро андозаларга мувофиқ иш юритадиган замонавий тижорат банкига айлантириш,

яъни институционал трансформация қилиш лойиҳасини амалга ошириш мақсадида 2020 йилдан халқаро молия ташкилотлари билан ҳамкорлик йўлга қўйилган ва банкни трансформация қилиш бўйича дастур ишлаб чиқилиб, у изчил амалга ошириб келинмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Рақамли иқтисодийни ривожлантириш мақсадида рақамли инфратузилмани янада модернизация қилиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 2018 йил 21 ноябрдаги ПҚ-4022-сонли қарориди қайд этилишича, соҳадаги ишлар ҳақиқий аҳволининг таҳлили марказлашган маълумотлар тизимига интеграцияни таъминлайдиган ягона ахборот-технологик платформанинг мавжуд эмаслиги натижасида жорий этилаётган дастурий ҳужжатлар тарқоқ эканини кўрсатмоқда [2]. Шу боис, банкларда трансформация жараёнида банкнинг молиявий функцияси рақамли трансформациясига кенг аҳамият қаратилади. Молиявий бизнес-жараёнларнинг ривожланиши ва автоматлаштирилиши: режалаштириш, бюджетлаш, оператив мониторинг ва таҳлил, прогнозлаш; бизнес-жараёнлар, банк маҳсулотлари ва хизматлари, мижозлар рақамли каналлар таннархини ҳисоблаш ва даромадлигини ҳисоб-китоб қилишга ўтиш; бошқарув ва молиявий ҳисоботларни шакллантириш шулар жумласидан.

### Мавзуга оид адабиётлар шарҳи

Банк трансформациясини рақамлаштиришсиз тасаввур этиб бўлмайди, зеро, рақамлаштириш ҳозирги вақтда банкнинг изчил, барқарор, узок муддатли ривожланишини таъминлайди. Иқтисод фанлари номзоди А. Эрдонаевнинг фикрича, “Банклар фаолиятини трансформация қилишнинг асосий йўналишларидан бири банк фаолиятини бошқариш моделини трансформация қилишдир. Хорижий тадқиқотчиларнинг фикрича, компанияларга, хусусан, банкларда янги технологиялар ва сунъий интеллектнинг жорий қилиниши рисклар ва харажатлар камайишига ҳамда улар фаолияти самарадорлигининг ошишига олиб келмоқда” [6].

Молиявий функциянинг рақамли трансформацияси банкда юқорида санаб ўтилган молиявий бизнес-жараёнларни қўллаб-қувватлаш мақсадида ўзаро уйғунлаштирилган рақамли платформалар тўплами ва хизматлари мавжуд бўлиши ва доимий ривожлантириб борилишини тақозо этади. Бу вазифаларнинг амалга оширилиши учун зарур бўлган барча дастлабки маълумотлар автоматлаштирилган банк тизимлари (АБС)дан корпоратив маълумотлар омборига ўтказилади ва у ерда таҳлилга тортилади. Амалда асосий банк тизими билан бир қаторда, бошқарув ва таҳлил вазифаларини амалга оширишга қаратилган алоҳида тизим ташкил этилади.

Барча банк амалиётлари ва жараёнлари ҳажм, миқдор, меъёр, даромад-харажат, хатар ва бошқа қўллаб қўрсаткичларда ифодаланувчи сон-саноксиз маълумотлар тўпламига бирлаштирилади.

А. Эрдонаев таъкидлашича, “Банк бизнеси янги технологик платформаларни ишлаб чиқиш орқали мижозларнинг

хусусиятлари ва замонавий бошқарув тамойиллари асосида транзакцияларни механик таъминлашдан молиявий экотизимни яратишгача бўлган эҳтиёжларига тўлиқ хизмат кўрсатишга ўтмоқда.

Банк функцияларининг кенгайиши банклар молиявий бозорнинг бошқа профессионал иштирокчилари (суғурта, лизинг, брокерлик, инвестиция, бошқарув компаниялари) билан интеграциялашган молиявий воситачига айланаётганлигини тасдиқлайди. Банк интеграциялашган воситачи сифатида мижозларига комплекс банк хизматлари (депозитларни жойлаштириш, кредитлар бериш, валюта айирбошлаш, карточкалар билан операциялар, сақлаш ва пул ўтказмалари) кўрсатиш билан бир қаторда, уларга банкдан ташқари хизматлар (молиявий менежмент, консалтинг, суғурта хизматлари ва ҳ.к.) ҳам кўрсатмоқдалар” [6].

“Туронбанк” ходими Ф. Рўзиқулова “Ўзбекистонда рақамли иқтисодиёт ва банклар” мақоласида, жумладан, “Банк соҳасида экотизимларни яратиш мамлакат иқтисодиётини ривожлантиришда катта аҳамият касб этади. Экотизим давлат идоралари ва алоҳида шахсларнинг интернет-сервислар, технологик платформалар, ахборот тизимлари орқали доимий ўзаро алоқадорлигини таъминлаш демакдир”, деб ёзади [7].

Иқтисод фанлари номзоди Н. Абдуназарова трансформация жараёнида рақамли банкингга урғу берилишининг иқтисодий аҳамиятини қуйидагича изоҳлайди: “Рақамли банкинг ривожланиши натижасида банк хизматларининг оммабоплиги ошмоқда, шунингдек, турли молиявий бухронлар шароитида банклар ва уй хўжаликларининг молиявий барқарорлигини мустаҳкамлашга ёрдам берадиган янги иқтисодий имкониятлар пайдо бўлмоқда. Охир-оқибат, бу банк

тизимининг барқарорлигига ва иқтисодий ўсиш суръатларига ижобий таъсир кўрсатмоқда” [8].

#### **Тадқиқот методологияси**

Ушбу тадқиқотда Ўзбекистон Республикаси банк тизимида трансформация жараёни нима эканлиги, унинг молия бозори ривожига роли, трансформацияда банк асосий бизнес-жараёнлари рақамлаштирилишига аслоҳида эътибор қаратилиши, тегишли янги технологик платформаларнинг яратилиши, банк бизнес-жараёнларига интеграция қилиниши каби масалалар чуқур ўрганилди ва таҳлилга тортилди ва, умуман, ушбу жараёнларнинг “Туронбанк”да амалга оширилишида изчиллик, миллийлик ва тарихий анъаналарга содиқлик принципи каби тамойилларга асосланилди.

Мақолани тайёрлашда абстракт мантикий фикрлаш, индукция, дедукция, кузатиш, таҳлил, гуруҳлаш, таққослаш усулларида кенг фойдаланилди, шунингдек, мавзуга оид таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилиб, тақдим этилди.

#### **Натижа ва муҳокама**

Бутун дунёда кузатилганидек, иқтисодиётни ва банк бизнесини рақамлаштириш ва виртуал хизматлар соҳасига кўчириш ишлари 2020 йилда бошланган COVID-19 пандемияси даврида тез суръатлар билан тус олди – мутахассисларнинг банк хизматларига нисбатан нуқтаи назари кескин ўзгарди. Авваллари асосан юзма-юз (мижозларнинг банк офисига ташриф буюришлари орқали) кўрсатилган хизматлар пандемия билан боғлиқ кескин шароитда тезлик билан онлайн форматга ўтказила бошлади.

Бизнес-жараёнларни рақамлаштириш банкда мавжуд маҳсулотлар ва хизматларнинг даромадлигини

ҳисоб-китоб қилиш асосига қурилади (буюртмалар сони, маъқулланган буюртмалар, тузилган шартномалар ва ҳоказо). Амалиётларнинг микдорий ва ҳажмий кўрсаткичлари, хатар даражаси, фоиз ва тариф сиёсати, қутилаётган молиявий оқимлар, банк маҳсулотлари ва хизматларининг даромад ва харажат нуқтаи назаридан баҳоланган ҳисоб-китоби, банкнинг умумий харажатлари ва бошқалар шулар жумласига қиради.

#### **Трансформация стратегияси доирасида халқаро молия муассасалари билан ҳамкорлик**

Трансформация – мураккаб жараён. Уни амалга ошириш аксарият ҳолларда халқаро консультантлар жалб этилишини тақозо қилади. “Туронбанк”ни трансформация қилиш мақсадида Жаҳон банки гуруҳига қирувчи Халқаро молия корпорацияси (IFC) билан ҳамкорлик ўрнатилди ва улар томонидан 2020 йил январь-февраль ойларида банк фаолияти дастлабки диагностикадан ўтказилди. Диагностика давомида Корпоратив бошқарув, банкда рискларни бошқариш, HR менежменти, кичик ва ўрта бизнесга хизмат кўрсатиш, ахборот технологиялари инфратузилмаси ва энг асосий бизнес-жараёнлар билан боғлиқ бир қатор муаммо ва камчиликлар аниқланди. Халқаро молия корпорацияси томонидан Банкда ўтказилган таҳлил бўйича аниқланган камчиликларни бартараф этиш юзасидан Чора-тадбирлар режаси ишлаб чиқилиб, Банк кенгаши томонидан тасдиқланди. Айни пайтда ушбу чора-тадбирлар доирасида ишлар мунтазам тарзда амалга ошириб борилмоқда.

Шунингдек, банкни трансформация қилиш ишларини жадаллаштириш мақсадида консалтинг хизматлари кўрсатиш бўйича Халқаро молия корпорацияси (ХМК) билан 2021 йил 22 июнь куни келишув шартномаси имзоланиб, унинг доирасида ХМК

томонидан банкнинг жорий операциялари, кредит жараёнлари, хатарларни бошқариш, корпоратив бошқарув бўйича батафсил баҳолаш амалга оширилди ҳамда банкнинг бизнес-жараёнлари жорий диагностикадан тўлиқ ўтказилди. Шу билан бирга, бизнесни ташкил қилиш ва қўллаб-қувватлаш тизимлари, рақамлаштириш стратегияси ҳамда режалаштирилган хусусийлаштиришга тайёргарлик кўриш учун ХМК билан биргаликда “Туронбанк”ни 2022–2025 йиллар давомида тўлиқ трансформация қилиш бўйича “Йўл харитаси” ишлаб чиқилди. Мазкур Йўл харитасида белгиланган вазифа ва лойиҳаларни сифатли бажариш мақсадида банкда “Лойиҳаларни бошқариш офиси” (РМО) ҳамда Лойиҳа қўмитаси ташкил этилди. Шунингдек, 2022 йил 31 август куни “Туронбанк”ни тўлиқ трансформация қилиш юзасидан Халқаро молия корпорацияси (ХМК) билан навбатдаги келишув шартномаси имзоланди.

“Туронбанк” АТБни 2022–2025 йиллар давомида тўлиқ трансформация қилиш” лойиҳаси доирасида ҳар бир йўналиш бўйича алоҳида ходим иштирокидаги ишчи гуруҳ тузилди ва Йўл харитасида белгиланган вазифаларнинг бажарилишини назорат қилиш мақсадида Лойиҳаларни бошқариш тизими жорий этилди.

Банкнинг рақамли трансформацияси стратегиясини белгилашда алоҳида эътибор қаратилиши лозим бўлган масалалардан бири, фикримизча, банк корпоратив фалсафаси ва унинг анъанавий маҳсулотлари ва хизматларига мос келувчи платформани тўғри танлай билишдан иборат. Аслида, бу платформани кўплаб MS Word, Excel ва бошқа дастурларга киритилган жадваллар, диаграммалар асосида яратиш йўлидан бориш ҳам мумкин. Лекин бу кўп вақт сарфини талаб этиши ва маълумотларга ишлов беришда

муайян қийинчиликлар туғдириши табиий. Шу боис тайёр платформалардан фойдаланиш анча қулай бўлиб, улар маълумотлар омборхоналарида мавжуд ахборотга ишлов беришни анча осонлаштиради. Европа банкларида Oracle Hyperion ва IBM Cognos платформалари кенг қўлланилган, АҚШда эса кўпроқ SAS платформаси амалиётга жорий этилган. Мамлакатимиздаги айрим банклар (Ипак йули, InfinBank, Ўзсаноатқурилишбанк) SAP платформаси асосига қурилган маҳсулотлардан фойдаланади. “Туронбанк” АТБ раҳбарияти ва мутахассислари бу соҳада кўп изланишлар олиб боришди ва натижада Банк кузатув кенгаши билан келишган ҳолда банкда рақамли трансформацияни унинг фаолият хусусиятлари ҳамда бизнес-жараёнларига кўпроқ мос келувчи Colvir платформаси асосида амалга оширишга қарор қилинди.

Халқаро молия корпорацияси тавсияларидан келиб чиқиб, илғор технологияларга асосланган “Colvir Software Solutions” компанияси томонидан яратилган замонавий автоматлаштирилган банк тизими (АБТ) дастурий таъминотини жорий этиш мақсадида “Colvir Central Asia” МЧЖ ҳамда “GPI group” халқаро компанияси консултантлари жалб этилди ҳамда банк хизматлари бўйича бизнес жараёнларни ишлаб чиқиш ва уларни автоматлаштириш бўйича ишлар амалга оширилди. Шу билан бирга, банкни тўлиқ трансформация қилиш мақсадида Халқаро молия корпорацияси (ХМК) билан имзоланган келишув шартномасига асосан халқаро консултантлар жалб этилди.

#### **Бошқарув трансформацияси**

ХМК билан ҳамкорликда ишлаб чиқилган, «2023–2027 йилларга мўлжалланган ривожланиш стратегияси»га мувофиқ, Банк трансформацияси лойиҳаси доирасида банкда корпоратив бошқарувни ўзгартириш борасида



салмоқли ишлар амалга оширилди. Жумладан, ХМК тавсиялари асосида банк Устави, Корпоратив бошқарув сиёсати, Акциядорларнинг умумий йиғилиши тўғрисидаги Низом, Кузатув кенгаши тўғрисидаги Низом, Бошқарув тўғрисидаги Низом, Кузатув кенгаши ва унинг қўмиталари, Кузатув кенгаши Раиси ва аъзоларини баҳолаш қоидалари янгидан ишлаб чиқилди ва жорий йили ўтказилган Акциядорларнинг умумий йиғилишида тасдиқланди.

Айни вақтда банк ташкилий тузилмасида янги таркибий бирлик – “Корпоратив бошқарув хизмати” ташкил этилди, шунингдек, “Корпоратив маслаҳатчи тўғрисидаги Низом” ишлаб чиқилиб, тасдиқланди.

ХМКнинг корпоратив бошқарув ҳамда экологик ва ижтимоий хатарлар бўйича маслаҳатчилари томонидан Банк кузатув кенгаши ва Бошқаруви аъзолари учун, шунингдек копроратив маслаҳатчи ҳамда тегишли бўлинмалар ходимлари учун махсус семинарлар ташкил қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан 18.01.2023 йилдаги “Корпоратив бошқарув тизими янада такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги ЎРҚ-814-сон Қонуни имзоланиши билан Кузатув кенгашининг мустақил аъзолигига номзодлар, агар жамият уставида бошқача қоида белгиланмаган бўлса, жамиятнинг кузатув кенгаши томонидан, қоида тариқасида, акциядорлар умумий йиғилиши кўриб чиқиши учун танлов асосида кўрсатилишини белгилаб берди [4].

Кузатув кенгашининг мустақил аъзоси позицияси нима эканлигини билиш учун тарихга назар ташлайлик. Бу атама илк маротаба XX асрнинг 80–90-йилларида Буюк Британия ва

АҚШдаги машҳур корпорациялар (масалан, Maxwell Communication, Polly Peck, Bank of Credit and Commerce International)да кузатилган банкротлик ҳолатларидан кейин муомалага киритилди ва амалиётга жорий этилди. Молиявий бухронларга менежментнинг номақбул хатти-ҳаракатлари ва Кузатув кенгаши аъзоларининг коррупциялашганлиги сабаб бўлган эди. Йирик инвесторлар (аҳоли маблағларини жалб этувчи улушли, инвестицион, траст ҳамда бошқа жамғармалар ва компаниялар) томонидан компанияларнинг асосий кузатув органига мустақил аъзоларни киритиш таклиф этилдики, корпоратив бошқарувдаги бундай янгилик қарор қабул қилишда ходимларнинг холислиги ва объективлигини таъминлашни назарда тутарди [9].

Банк трансформациясининг ушбу жиҳати шу билан аҳамиятлики, у мамлакатда банк тизимининг барқарорлигини кучайтиришга хизмат қилади, акциядорлар, омонатчилар ва, умуман, аҳолининг банк-молия тизимига ишончини оширади, банкларда мижозлар ва ҳамкорлар билан ўзаро муносабат кучайишига ва банкларнинг обрў-эътибори ошишига олиб келади.

“Туронбанк”да ҳам Банк кенгаши таркибини қайта ташкил этиш ва унга мустақил аъзоларни киритиш бўйича ишлар лозим даражада амалга оширилди. Банк кенгаши аъзолари таркиби 11 нафардан 9 нафарга камайтирилиб, 4 нафар мустақил Кенгаш аъзолари жалб этилди. Жумладан, Замонавий корпоратив бошқарув тамойилларига асосан “Осиё тараққиёт банки”нинг “Банк-молия” йўналиши бўйича халқаро эксперти Н. Мурадов Банк кенгашига мустақил аъзо сифатида киритилди. Банк кенгаши аъзолари таркибини хорижлик мустақил аъзолар ҳисобига тўлдириш мақсадида Польша Республикаси РКО Bank Polski

халқаро эксперти Гжегож Завада Банк кузатув кенгаши мустақил аъзоси сифатида жалб этилди.

Шунингдек, Банк кенгашига мустақил аъзо сифатида «Prime Ceramics» МЧЖ молия директори З. Холмахмадов ва Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Иқтисодий тадқиқотлар ва ислохотлар Маркази Бош илмий ходими, иқтисод фанлари доктори, профессор О. Олимжонов сайланди. Мустақил Кенгаш аъзолари улуши ҳозирда 44%ни ташкил этмоқда. Бундан ташқари, “Туронбанк”да Ички аудит ва ички назорат (комплаенс) каби ўта муҳим бўлинмалар фаолияти самарадорлигини ва аҳамиятини ошириш бўйича бир қатор ишлар амалга оширилдики, бу чоратадбирлар ҳам банкнинг барқарорлиги, узок муддатли стратегияси муваффақиятли амалга оширилишига олиб келувчи муҳим омиллардан саналади.

#### **Банк хизматлари оммабоплиги**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 23 мартдаги “Банк хизматлари оммабоплигини ошириш бўйича кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” ПҚ-3620-сон қарори [3] ижросини таъминлаш асносида трансформация жараёнлари билан параллел равишда “Туронбанк”да хизматлар кўрсатиш қамровини ошириш мақсадида 72 та банк хизматлари офиси, 104 та ўз-ўзига хизмат кўрсатиш шохобчалари (24/7) ҳамда 94 та халқаро пул ўтказмалари шохобчалари ташкил этилди.

Аҳоли ва тадбиркорлар учун рақамли ва масофавий банк хизматларининг янги турлари яратилмоқда. Янги Интернет-банкнинг ва мобил банкнинг иловалари, мижозларга кредит ажратиш бўйича таҳлилларни автоматик тарзда юритувчи скоринг тизими, жисмоний шахсларни масофадан туриб идентификация қилиш (MuID) механизми кабилар шулар жумласидан.

Бундан ташқари, масофадан туриб хизмат кўрсатиш тизимларида Марказий банк тезкор тўловлар тизими орқали юридик шахсларга 24/7 режимида тўловлар ўтказиш; мижозлар учун масофадан хизмат кўрсатиш тизимлари орқали реквизитлар бўйича тўловларни, шу жумладан, депозит ҳисобварақлари ва ссуда ҳисобварақларидан фойдаланган ҳолда тўловларни амалга ошириш имкониятлари яратилди.

Банкда ходимларнинг моддий манфаатдорлигини ошириш ва уларга зарур моддий шарт-шароитларни яратиш, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Давлат улуши бўлган акциядорлик жамиятлари ва бошқа хўжалик юритувчи субъектлар фаолияти самарадорлигини баҳолаш мезонларини жорий этиш тўғрисида”ги Қарори [5] асосида банкни самарадорликнинг муҳим кўрсаткичлари (KPI) асосида бошқариш ва фаолиятини баҳолашнинг замонавий усуллари барча йўналишлар бўйича жорий қилиш ҳамда мижозларни жалб этиш ва уларга хизмат кўрсатиш, банк маҳсулотларини етказиш жараёнларини ўз ичига оладиган мижозлар билан муносабатларни бошқариш (CRM), банкнинг Контакт-маркази ҳамда Процессинг маркази татбиқ этилиши кўзда тутилган.

Жисмоний шахсларга бир неча хил турдаги кредит маҳсулотларини жорий этиш устида амалий ишлар олиб борилмоқда. Жумладан, “Нумо” тўлов тизимлари билан ҳамкорликда “Кредит” карталари ва “Credit Loan” карталари жорий қилиниши кўзда тутилган.

#### **Яшил иқтисодиёт**

Амалиётчи А. Ҳайдаровнинг ёзишича, “Яшил иқтисодиётга ўтишнинг асосий ричаги ҳисобланган яшил бюджетлаштиришни амалиётга жорий қилиш орқали углерод чиқиндилари ва ифлосланишни камайтириш, энергия ва

ресурслар самарадорлигини ошириш, аҳолининг бандлигини ва даромадларини ошириш, биологик хилма- хиллик ва экотизим хизматлари йўқолишининг олдини олиш каби муаммоларга ечим топиш мумкин” [11]. “Туронбанк” да ҳам яшил иқтисодиёт масаласи доимий диққат-эътиборда. ESG, яъни экологик ва ижтимоий хатарларни бошқариш тизимини ишлаб чиқиш ҳамда жорий этиш мақсадида малакали мутахассис жалб этилди ва ХМКнинг экологик ва ижтимоий хатарларни бошқариш бўйича консультанти билан бирга банк ходимлари учун шу масалага бағишланган тренинглар ташкил этилди. Бу борада амалга оширилаётган ишлар банк молиялаштираётган лойиҳаларнинг “яшил иқтисодиёт” талабларига мослигини таъмин этиш нуқтаи назаридан ҳам аҳамиятлидир.

#### **Кадрлар сиёсати**

Банк трансформацияси жараёнларини изчил амалга ошириш кадрларни тайёрлаш ишини сифат жиҳатдан янги босқичга олиб чиқишни тақозо этади. Ходимларнинг трансформация юзасидан билимларини кенгайтириш ва малакаларини ошириш мақсадида халқаро молия муассасалари экспертлари, шунингдек, маҳаллий мутахассисларни жалб этган ҳолда ўқув-тренинглар ўтказилиши мунтазам йўлга қўйилган. Шунингдек, олий таълим муассасаларида бухгалтерия ҳисоби, молия ва банк иши йўналишида таълим олаётган талабаларнинг банкда амалиёт ўташлари баробарида улар орасидан энг иқтидорлиларини банкда ишга олиб қолиш тажрибаси кадрлар захирасини муносиб номзодлар билан тўлдиришда қўл келмоқда.

#### **Миллий кадриятларга содиқлик**

Трансформация жараёни ҳеч қачон хорижий андозаларга кўр-кўрона эргашишни, кўчирмакашликни англатмайди. “Туронбанк” Ўзбекистонда

ташкил этилган энг биринчи банклардан бўлиб, банк анъаналарини, унинг кадриятларини, мижозлар билан тарихан юзага келган муносабатларни эъозлайди ва трансформация жараёнларини амалга оширишда мижозларнинг хоши-истакларини инобатга олган ҳолда иш юритиб, миллий кадриятлар, изчиллик, тадрижийлик, ворисийлик, банкнинг узоқ йиллик анъаналарини эъозлаш принципларига амал қилади.

Кези келганда, банк учун ном сифатида танлаб олинган “Турон” атамаси тарихига назар ташласак. Алп Эр Тўнга (Афросиёб) номи кўпчиликка яхши маълум. У милоддан аввалги VII асрдан милоднинг II асригача Ўрта Осиёдан Қора денгизгача бўлган ҳудудда ҳукм сурган Сак империясининг машҳур ҳоқони эди. Эронликлар бу империяни “Турон” деб атаганлар. А. Фирдавсийнинг “Шоҳнома” асарида “Турон ҳоқони Афросиёб” ҳақида бир қатор ривоятлар қаламга олинган [12].

Машҳур тарихчи олим, тарих фанлари доктори, профессор Қ. Ражабов ёзади: “Тарих фани бир жойда тўхтаб қолмайди. Хайриятки, бугунги кунда Афросиёбнинг улугвор ва муҳташам қиёфаси у мансуб бўлган халққа қайтарилмоқда. Ўзбек миллати XXI асрда жаҳон ҳамжамиятида ўз муносиб ўрнини топиш жараёнида тарихий илдизлари ва теран томирларини чуқурроқ англаши, туркий халқлар ва Турон давлатчилиги, демак, айни пайтда, бугунги ўзбек халқи ва Ўзбекистон давлатчилиги пойдеворига асос солган буюк давлат арбоби ва моҳир саркарда, сак-икситлар қавми доҳийси Алп Эр Тўнга (Афросиёб) сиймосига мурожаат қилиши табиий ҳол ҳамда тарихий ва илмий заруриятдир. Биз Алп Эр Тўнга шахсиятига мурожаат қилиш орқали, аслида, ўзлигимизга, ҳали ўзбек номи билан юритилмай, бироқ жаҳон тарихида тур, турк, суғд, сак, массагет ва

бошқа номлар билан аталган, “Туркнинг бош бўғини” (Амир Темур) бўлган бугунги ўзбек халқининг азим ва қадим тарихига мурожаат қилган бўламиз. Алп Эр Тўнга нафақат Турон тарихидан, балки Ўзбекистоннинг энг янги тарихидан ҳам ўз қонуний ўрнини эгаллашга муносиб алп сиймо ҳисобланади” [13].

Юқоридагилардан ҳам кўриниб турибдики, банкмизнинг номи тарихан узоқ даврларга бориб тақалади ва биз буюк аждодларимизнинг номини улуғлаш ҳамда шу номга муносиб бўлиш учун ҳам банк трансформациясини миллий кадриятларимизга таянган ҳолда, банк тарихини эъзозлаш ва анъаналарга содиқлик руҳида, кўтаринкилик билан ўтказишимиз лозим ва шунга интиляпмиз ҳам.

#### **Ислом молияси**

Юртимиз аҳолисининг 90%и мусулмонлар эканини инobatга олган ҳолда ва жаҳон Банк тизимидаги сўнгги трендлардан келиб чиқиб, “Туронбанк”да ҳам ислом молия ва банк тизими элементларини ўз ичига олувчи ислом дарчалари очишга тайёргарлик юзасидан ишлар қизғин бормоқда. Шу мақсадда тегишли халқаро молия муассасалари билан яқин ҳамкорлик алоқалари йўлга қўйилди, уларнинг кредит линиялари фаол жалб этила бошлади. Ҳозирда мамлакатимизда тегишли қонунчилик нормаларини ишлаб чиқиш ҳамда мавжуд ҳужжатларга ўзгартишлар киритиш юзасидан фаолият олиб борилмоқда ва келажакда молиялаштиришнинг ушбу муқобил тури республика миқёсида амалиётга жорий этилади, деб ўйлаймиз.

#### **Хулоса**

1. Шуни таъкидлаб ўтиш лозимки, трансформация жараёнларининг бориши, унинг мамлакатимизда амалга оширилиши ўзига хос жиҳатлари етарли даражада

ўрганилмаган. Шу боис мамлакатимизда банк трансформацияси соҳасида фундаментал назарий тадқиқотларга соҳа олимлари томонидан кўпроқ аҳамият берилиши лозим.

2. Банк тизимида КРІ жорий этилиши, шубҳасиз, катта аҳамият касб этади. Давлат улуши мавжуд акциядорлик жамиятлари ва бошқа хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини баҳолаш мезонлари тўғрисидаги Низом Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 28 июлдаги 207-сон Қарори билан қабул қилингани ва орадан анча вақт ўтганини инobatга олиб, унга ҳозирги кун воқелигидан келиб чиқиб тегишли ўзгартишлар киритиш ва ушбу ҳужжатнинг янги таҳририни ишлаб чиқиш ва қабул қилиш фурсати етди, деб ўйлаймиз. Янги имкониятларни ҳисобга олган ҳолда давлат иштирокидаги корхоналар самарадорлиги ва ижро этувчи бошқарув органи ишини баҳолаш мезонларининг такомиллаштирилган тизими, фикримизча, республика раҳбариятининг маҳаллий корхоналарнинг рақобатбардошлигини янада ошириш, шунингдек, трансформацияни жадаллаштириш талабларига тўлиқ жавоб беради.

3. Трансформация жараёнлари миллий кадриятларга таянган ҳолда, банк тарихини эъзозлаш ва анъаналарга содиқлик руҳида, кўтаринкилик билан ўтказилишига алоҳида эътибор қаратилиши лозим. Бунинг учун ҳар бир банк ўз кадриятларини англаб етиши, уларни ривожлантириши ва корпоратив руҳга сингдириши талаб этилади.

4. Банк муассасалари ўзлари молиялаштираётган лойиҳаларнинг “яшил иқтисодиёт” талабларига мослигини таъмин этиш масаласига алоҳида аҳамият қаратишлари лозим.

5. Юртимиз аҳолисининг 90%и мусулмонлар эканини инobatга олган ҳолда ва жаҳон Банк тизимидаги сўнгги трендлардан келиб чиқиб, рес-

публика миқёсида ислом молия ва банк иши элементларини ўз ичига олувчи ислом дарчаларини амалиётга жорий этиш, бунинг учун мавжуд қонунчиликка тегишли ўзгартишлар киритиш ишлари жадаллаштирилиши лозим. Бу ишлар банкларнинг активларини диверсификациялаш, молия-

лаштиришнинг янги, муқобил турларини жорий этиш орқали банк миждозлар базасини кенгайтиришга ва эркин пул маблағларини банк айланмасига кўпроқ йўналтириш орқали охир-оқибат пул муомаласини яхшилашга хизмат қилади.

### Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2020–2025 йилларга мўлжалланган Ўзбекистон Республикасининг банк тизимини ислоҳ қилиш стратегияси тўғрисида”ги 2020 йил 12 майдаги ПҚ-5992-сонли Фармони. URL: <https://lex.uz/docs/4811025>.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Рақамли иқтисодийни ривожлантириш мақсадида рақамли инфратузилмани янада модернизация қилиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 2018 йил 21 ноябрдаги ПҚ-4022-сонли қарори. URL: <https://lex.uz/docs/4071219>.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 23 мартдаги “Банк хизматлари оммабоплигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-3620-сон қарори. URL: <https://lex.uz/docs/3593541>
4. “Корпоратив бошқарув тизими янада такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги ЎРҚ-814-сон Қонуни. URL: [https://www.norma.uz/uz/qonunchilikda\\_yangi/jamiyat\\_kuzatuv\\_kengashining\\_mustaqil\\_azolariga\\_qushimcha\\_talablar\\_urnatilmogda](https://www.norma.uz/uz/qonunchilikda_yangi/jamiyat_kuzatuv_kengashining_mustaqil_azolariga_qushimcha_talablar_urnatilmogda)
5. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Давлат улуши бўлган акциядорлик жамиятлари ва бошқа хўжалик юритувчи субъектлар фаолияти самарадорлигини баҳолаш мезонларини жорий этиш тўғрисида”ги Қарори. 207-сон, 2015 йил 28 июль. URL: <https://lex.uz/docs/2712352>
6. Эрдонаев А.Х. Тижорат банкларини трансформация қилишнинг назарий асослари. – “Бозор, пул ва кредит” журнали, 2023 й. 4-сон. – 5-6 бетлар.
7. Рўзиқулова Ф. Ўзбекистонда рақамли иқтисодий ва банклар. – “Бозор, пул ва кредит” журнали, 2023 й. 3-сон. – 11-бет.
8. Абдуназарова Н. Основные тенденции и пути развития цифровой трансформации банковской системы Узбекистана. – “Бозор, пул ва кредит” журнали, 2022 й. 9-сон. – 21-бет.
9. Ашуров З. Институт независимых директоров: что это такое и зачем он нужен в Узбекистане.
10. URL: <https://www.spot.uz/ru/2022/08/09/independent-director/>
11. Ҳайдаров А. Яшил бюджетлаштиришни жорий этиш истикболлари. – “Бозор, пул ва кредит” журнали, 2023 й. 6-сон. – 7-бет.
12. “Турон” атамаси ҳақида бир неча сўз. URL: <https://shosh.uz/turon-atamasi-haqida-bir-necha-soz/>
13. Ражабов Қ. Алп Эр Тўнга – Турон хокони. URL: <https://ziyouz.uz/ilm-va-fan/tarix/aramon-razhobov-alp-er-t-nga-turon-kho-oni/>

УЎТ 656.072.338.46

Эргашева Мухаббат Абдусаматовна,  
Тошкент давлат иқтисодиёт университети тадқиқотчиси  
E-mail: [mukhabbatergashevas@gmail.com](mailto:mukhabbatergashevas@gmail.com)

## АВТОТРАНСПОРТ КОРХОНАЛАРИНИНГ РАҚОБАТДОШЛИГИНИ ОШИРИШ ВА БАҲОЛАШ

Эргашева Мухаббат Абдусаматовна,  
Соискатель Ташкентского Государственного Экономического Университета  
E-mail: [mukhabbatergashevas@gmail.com](mailto:mukhabbatergashevas@gmail.com)

## УЛУЧШЕНИЕ И ОЦЕНКА КОНКУРЕНТОСПОСОБНОСТИ ТРАНСПОРТНЫХ СРЕДСТВ

Ergasheva Mukhabbat Abdusamadovna  
Researcher of Tashkent State University of Economics  
E-mail: [mukhabbatergashevas@gmail.com](mailto:mukhabbatergashevas@gmail.com)

## IMPROVING AND EVALUATING COMPETITIVENESS OF VEHICLES

**Аннотация.** Ушбу мақолада транспорт хизматини амалга ошираётган автокорхоналарнинг фаолиятини янада самарали ташиқ қилиш борасида уни баҳолаш услублари кўриб чиқилган. Унда автокорхоналарнинг рақобатбардошлигини ифодаловчи кўрсаткичларни танлаш, улар асосида аҳолига хизмат кўрсатиш сифати ва маданиятини оширишда автокорхоналарнинг имижининг ўрни кўрсатиб берилган.

**Таянч сўзлар:** автотранспорт корхонаси; хизмат кўрсатиш; рақобатбардошлик ва унинг кўрсаткичлари; корхона имижиси; фаолиятни баҳолаш.

**Аннотация.** В данной статье рассмотрена методика оценки деятельности автотранспортных предприятий, которые осуществляют транспортные услуги предприятиям и населению. Здесь рассмотрены вопросы выбора показателей, характеризующих конкурентоспособность автотранспортных предприятий, на основе которых определены факторы, влияющие на имидж предприятия, оказывающие услуги.

**Ключевые слова:** автотранспортные предприятия; оказание услуг; конкурентоспособность и ее показатели; имидж предприятия; оценка деятельности.

**Annotation:** The article discusses the methodology for assessing the activities of autotransport enterprises that provide transport service to enterprises and the population. Here, the issues of choosing indicators the characterize the competit; veness of avtotransport enterprises are



*considered on the basis of which the factors impluencing the image of an enterprise that provide transport services are determined.*

**Keywords:** *autotransport enterprises; provision of services; competitiveness and it's indicators; enterprise image; performance evaluation.*

### Кириш

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 1 мартда эълон қилинган «2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясини “Инсонга эътибор ва сифатли таълим йилида амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида”ги халқимизнинг оғирини енгил қилиш, аҳоли учун қўшимча қулайликлар яратиш ва уларнинг харажатларини тежаш мақсадида, 2023 йил 1 июлдан бошлаб барча давлат органлари ва ташкилотларида “Аҳоли ва тадбиркорларга сервис хизмати сифатини ошириш» чора-тадбирлари белгиланган. Албатта, бу борада транспорт хизмати ўзига хос ўринга эга бўлиб, айниқса, иқтисодиётнинг глобаллашуви, «Яшил иқтисодиёт» талабларининг ошиши ушбу соҳанинг муҳимлигини ифодалайди. Ушбу стратегиянинг 36-мақсадида “Барча транспорт турларини узвий боғлаган ҳолда ягона транспорт тизимини ривожлантириш, йирик шаҳарлар ўртасида кунлик транспорт қатновлари асосида манзилга етиб бориш ва қайтиб келиш имкониятини яратиш” белгилаб қўйилган [1].

Тақдим этилган мақолада бундай тизимни яратишда корхоналарнинг бизнинг ҳолатимизда, автокорхоналарнинг рақобатбардошлиги ва уни баҳолаш усуллари муҳим ўрин тутди. Чунки бозор талаблари асосида самарали фаолият кўрсатган ташкилотларгина рақобатга чидам беради, чегараланган ресурслардан оқилона фойдаланиш ва

транспорт хизматида мавжуд эҳтиёжларни қондиришни амалга оширади.

### Мавзуга оид адабиётлар шарҳи

Автотранспорт, унинг фаолиятини самарали ташкил этиш ва баҳолаш масалаларига жуда кўп хорижий ва маҳаллий олимлар ишланмалари мавжуд. Масалан, Россиянинг А.П. Абрамов [2], Антипова Х.Г. [3], Борш В.Н., [4] Тагиров Ш.М. [5] ва бошқалар транспорт соҳасини ривожлантириш борасида илмий иш олиб борганлар.

Республикамизнинг транспорт соҳасида илмий изланишлар олиб борган бир қанча олимларни санаб ўтишимиз мумкин. Буларга Абдуллаев Б. И. [6], Бердиёров Т.А [7], Икрамов М.А., Зоҳидов А.А [8], Ирисбекова М.Н. [9] ва бошқаларнинг тадқиқот натижаларини келтиришимиз мумкин.

Масалан, Б.И. Абдуллаев ўзининг тадқиқотларида йўловчиларга транспорт хизматини кўрсатиш сифат кўрсаткичлари тарихида “Истеъмолчиларнинг ташиш сифатига бўлган асосий талабларидан бири уларга транспортда ҳаракатланиш даврида қулай шароит яратиб бериш ва манзилларига ўз вақтида етказиб қўйишдир”, деб қабул қилган [ 6, 38-б].

Т.Бердиев эса ўзининг диссертациясида “Истеъмолчиларга транспорт йўналишлари бўйича ахборотни ўз вақтида олиш имконини берувчи тизимни яратишга қаратилган илмий тадқиқотлар олиб борилганлиги” таъкидланган [7,121б]. Тадқиқотда аҳолининг барча қатламлари учун

транспорт йўналишлари бўйича ахборот олиш имкониятларини яратилиши эса, йўловчи ташиш транспорти хизматларини самарадорлигини таъминлашга асосланган.

М.Икрамов ва А.Зоҳидов ўзларининг “Марказий Осиё транспорт тизими: минтақавий транспорт коридорлари ва уларни мувофиқлаштириш истикболлари” деб номланган монографиясида “...муқобил коридорлар денгиз йўлларига чиқиш йўналишларини диверсификациялашувига, ўзаро рақобатни кучайтиришга ва истикболда минтақадан ўтайдиган транзит юклар ҳажмининг ортишига сабаб бўлиши мумкин”, деган фикр билдирганлар [8, 20-бет]. Бошқача қилиб айтганда, транспорт хизматини ташкил этиш ва уни баҳолашда асосий эътибор юкни манзилгача элтиб беришда асосан хавфсизлигини таъминлаш, мамлакатлар ўртасидаги учраб турайдиган зиддиятларни бартараф этишга ўз эътиборларини қаратганлар.

Транспорт тизимида инновацион маркетинг фаолиятини такомиллаштиришнинг методологик жиҳатлари М.Ирисбекова илмий тадқиқотларида кўриб ўтилган. “Маркетинг тамойиллари асосида транспорт хизматлари бозорини такомиллаштириш” мавзусида олиб борилган илмий тадқиқотларида инновацион маркетинг технологияларидан фойдаланиш муаммолари ўрганилган бўлиб, тадқиқотнинг асосий объекти сифатида юк ташиш транспорти соҳасида инновацион маркетингдан фойдаланиш бўйича таклифлар тайёрланган [9, 44–62-б].

Аммо, ушбу рисолаларда транспорт фаолиятини ташкил этиш, режалаштириш ва бошқариш жабҳаларига эътибор қаратилган бўлса-да, автотранспорт корхоналари фаолиятини баҳолашга

етарли даражада эътибор қаратилмаган. Шу сабабли ушбу мақоламизда рақобатбардошликни таъминлайдиган фаолиятни ташкил этиш ҳамда транспорт корхонасини баҳолаш услубиётига алоҳида ўрин ажратганмиз. Таҳлилда биз асосан Тошкент шаҳрида аҳолига транспорт хизматини амалга оширадиган “Тошшаҳартрансхизмат” акционерлик жамияти мисолида кўриб ўтганмиз.

#### Тадқиқот методологияси

Мақолада таҳлил, иқтисодий – математик моделлаштириш, эксперт баҳолаш ва маркетинг тадқиқотларининг кузатув, сўров, тадрижий усулларидан фойдаланилган.

#### Натижа ва муҳокама

Автотранспорт корхоналарининг рақобатбардошлигини баҳолашда энг мураккаб вазифалардан бири кўрсаткичларни танлаш ва уларнинг ўзаро боғлиқлигини кўрсата олишдир. “Тошшаҳартрансхизмат” акционерлик жамияти ўзининг таркибига 9 та автосаройни жамлаган ҳолда унда рақобат муҳитини шакллантиришга ҳаракат қилган. Масалан, 1-жадвалда Тошкент шаҳри бўйича жами бириктирилган автобуслар миқдорини келтирганмиз.

*1-жадвал*

#### “Тошшаҳартрансхизмат” акционерлик жамиятидаги ҳаракатдаги автобуслар миқдори [11]1

Йиллар буйича	2016	2017	2018	2019	2020	2021	2022
Йўналишларга бириктирилган автобуслар сони	1258	1397	1372	1249	1181	1168	1219

<sup>1</sup> Муаллиф ишланмаси.

Жадвалдан кўриниб турганидек автобуслар миқдори 2018 йилгача ўсган бўлса, ундан кейин пасайиш кузатилди. Аммо бунинг асосий сабаби муддати ўтган ва таъмирталаб транспорт воситаларининг рўйхатдан чиқарилишидир. 2023 йили Тошкент шаҳрида электробуслар миқдорининг ошиши, у нафақат экология талабларига жавоб бериб қолмасдан, балки автосаройларнинг рақобатбардошлик кўрсаткичларини яхшилашга олиб келди. Кам харажат қилиш, аҳолига қулай шароит яратиш, манзилга тез ва юқори маданият билан элтиб қўйиш имконияти пайдо бўлди. Бугунги кунга келиб Тошкент шаҳрида жами 281 та электробус қатнаётган бўлса, ундан энг кўпи – 85 таси 2-автобус саройига тўғри келади. 5 - автосаройда ҳозирги пайтгача бирорта электробус харид қилинган йўк [10].

Тошкент шаҳрида 2023 йил июли ойида автобусларда йўловчи ташиш рейтингини эълон қилинди.

Унда энг кўп фойдаланилган йўналишлар деб қуйидагилар топилди:

1. 24 - сонли йўналиш – 288 607
2. 93 - сонли йўналиш – 201 884
3. 9 - Т сонли йўналиш – 245 163


Энг кам фойдаланилган йўналишларни эса қуйидагилар ташкил этди:

- 1.152 - сонли йўналиш – 3139;
- 2.141- сонли йўналиш – 4137
- 3.64 - сонли йўналиш – 4315 [11].

Транспорт хизматлари ва етказиб берувчилар ўзларини истеъмолчилар тарикасида иштирок этадиган экспертларнинг фикрига таяниб, энг зарурий кўрсаткичларни танлаб олиши керак бўлади. Тадқиқотлар шуни кўрсатадики, мижозларга хизмат кўрсатиш, жумладан, транспорт компаниясини танлашда асосан қуйидаги омиллар инobatга олинади: географик

камров кенглиги; тариф даражаси; тақдим этилаётган хизматлар ҳажми (юкларни юклаш, сақлаш, қабул қилиш, транспорт харажатларининг камлиги ва бошқалар); корxonанинг обрўси ва таниқлилиги; мижозлар манфаатини қондиришга йўналтирилган маркетинг концепцияларидан фойдаланилиши ва бошқалар.

Рақобатбардошликни баҳолашда 3 босқичдан иборат амалиётни 1-расмда ифодалаганмиз (1-расмга қаранг).




**1-расм. Автотранспорт корxonасининг рақобатбардошлигини баҳолаш босқичлари.<sup>2</sup>**

Шубҳасиз, истеъмолчи томонидан автотранспорт корxonасини танлашда кўп кўрсаткичларга эътибор қаратилиши лозим бўлади. Албатта, ҳар хил ҳолатда мижоз ўзининг олдига қўйилган мақсадга эришиши асосий талаблардан биридир. Шу сабабдан биринчи босқичда рақобатбардошлик кўрсаткичларини танлашда истеъмолчиларнинг эҳтиёжларини қондирилиши устувор ҳисобланиб, бошқа автотранспорт корxonаларига нисбатан афзалликларини кўрсата олиши керак. Ҳар бир истеъмолчи арзон, сифатли ва кенг хизмат кўрсатиш турларига эга бўлишни хоҳлайди. Шуни инobatга олган ҳолда 2-расмда

<sup>2</sup> Муаллиф ишланмаси.

рақобатбардошлик кўрсаткичларини танлашда қайси омилларга эътибор қаратиш кераклиги ифодаланган.

Рақобатбардошлик омилларини аниқлашда маркетинг тадқиқотларидан фойдаланган ҳолда кузатув, интервью, сўровномалар, экспертларнинг фикрини ўрганиш орқали танлаб олинади.



2-расм. Автокорхоналарнинг рақобатбардошлик кўрсаткичлари<sup>3</sup>

Ушбу соҳадаги маркетинг тадқиқотларини хорижий компаниялар таркибида McKinsey, PwC, dArthur little, GIRO, UNIT, Digigroup, GMV ва бошқалар тажрибаларини келтириб ўтишимиз мумкин. Ривожланган мамлакатларда рақобатбардош транспорт тизимини яратган Сингапур, Япония, Сеул, Куала-Лумпур, АҚШнинг бир хилги шаҳарлар тажрибасини ўргандик. Масалан, Саудияда муқаддас Макка шаҳрида зиёратчиларни Кабага олиб борадиган йўлларда автобусларга алоҳида йўл ажратилганлиги сабабли, тиғизлик ва кеч қолиш ҳолатлари учрамайди.

<sup>3</sup> Муаллиф ишланмаси.

Рақобатбардошликни баҳолашда кўрсаткичларнинг фаолиятини аниқлаш иккинчи босқичда амалга оширилади. Унда бу тадқиқотларимизда танлаб олинган кўрсаткичларнинг индекслаш ва уларга даража белгиларини кўямиз (3-расм).

Ҳар бир индикаторнинг аҳамиятини аниқлаш, харидорларни, яъни истеъмолчиларни турли хил сегментларга тақсимлаб оламиз. Респондентлар томонидан танланган кўрсаткичларнинг муҳимлигини 1 дан 9 баллгача бўлган миқдорда баҳоланиб, энг юқори 9, яъни энг муҳим аҳамиятга эга бўлган омилга берилади.

Индекс	Даража
Географик қамров	X
Тариф даражалари	Y
-----	
Корхона имижини (нуфузи)	2
Йиғинди	1

3-расм. Рақобатбардошликни белгилловчи индекс ва даражалари<sup>4</sup>

Танланган параметрлар рақобатчи корхоналарни баҳолашдаги асосий қийинчилик шундан иборатки, бир хил параметрлар «каттик», бир хил параметрлар эса «юмшоқ» ҳисобланишади.

Уларни миқдоран баҳолаш қийин бўлганлиги сабабли, эксперт баҳолашдан фойдаланамиз. Ушбу натижаларни 1-жадвалга жамлаймиз.

Ушбу жадвал экспертлар томонидан тўлдирилиб, қайси автокорхона бошқаларга нисбатан устунлигини аниқлаш имкониятини беради, «Юмшоқ» параметрларни баҳолашда олдиндан ишлаб чиқилган балли тизимдан фойдаланиб, унга асосан корхонанинг

<sup>4</sup> Муаллиф ишланмаси.

имижи (нуфузи) ни киритишимиз мумкин. Ушбу кўрсаткич экспертлар томонидан 4 балли тизим асосида ҳисобланилади. 4-расмда автотранспорт корхонасининг имижини баҳолаш тизими келтирилган (4-расмга қаранг).

2-жадвал

**Рақобатбардошлик кўрсаткичларини баҳолаш<sup>5</sup>**

Кўрсаткичлар	1-рақобатчи	2-рақобатчи	...	n-рақамли рақобатчи	Эталон (намуна)
Географик камров	7	6	...	8	7
Тариф даражаси	6	8	...	7	8
Шаҳарлараро масофа	5	6	...	8	4
Юкни қабул қилиш	6	7	...	7	5
Ташув қиймати	9	8	...	8	9
Интернет орқали юкни кузатиш	5	7	...	5	6
Юкни қадоқлаш	8	5	...	4	3
Корхона нуфузи	2	3	...	3	2

Ҳар бир рақобатчи учун рақобатбардошлик кўрсаткичи ҳисобланиб, унда кўрсаткичларнинг баллик баҳолашини ҳар бир кўрсаткичнинг фаолият коэффициентига (ранг) кўпайтирилади.

4	Корхона таниқли савдо малакасига эга (кучли бренд), мавжуд ва бўлажак мижозлар ўртасида ҳурматга эга, реклама, PR тадбирларида фаол қатнашади
3	Истеъмолчилар ўртасида ҳурматга сазовор, бозорда ҳам номи танилган, нисбатан реклама фаолияти тизимлашган
2	Тор истеъмолчилар ва рақобатчилар доирасида таниқли. Ахборот-коммуникация ишлари камдан - кам амалга оширилади
1	Бозорда кўпчилик танимайди. Реклама ахборот ишлари деярли киритилмайди. Фақатгина ўзининг истеъмолчилари билан фаолият кўрсатади

**4-расм. Автокорхонанинг имижи (нуфузи)ни баҳолаш шкаласи**

Ушбу куйидаги формула асосида аниқланади:

$$K = \sum_{k=1}^m I_k * R_k$$

бу ерда  $I_k$ -кўрсаткичнинг баллик баҳоси;

$R_k$  – кўрсаткичининг аҳамияти (ранг) коэффициенти.

Бундай баҳолаш автотранспорт корхонасининг рақобатдошлигини объектив равишда баҳолаш имкониятини яратиб, мижозлар эҳтиёжини тўлароқ қондириш имкониятини кўрсатади ва уни яхшилашга рағбатлантиради. Албатта, бундай баҳолаш, нафақат автотранспорт корхонасининг рақобатбардошлигини, балки бошқаларга нисбатан устуворлигини кўрсатишга хизмат қилади.

**Хулоса**

Тадқиқотлар натижасида олинган кўрсаткичлар автотранспорт корхоналарининг рақобатбардошлигини аниқлаш

Муаллиф ишланмаси.

ва баҳолаш имкониятини беради. Статистика маълумотларига кўра, экологияни, яъни атроф-муҳитни ифлосланиши тахминан 70–80% автотранспорт хисобидан бўлиши ҳамда Тошкент шаҳрининг дунёда ифлосланиш даражаси бўйича бешликда юриши, ушбу муаммо тезроқ ҳал қилинишини талаб қилади [10]. Бу муаммони ҳал қилишда бизнинг фикримизча, қуйидаги тадбирларни амалга оширишимиз лозим бўлади:

– рақобатбардошлик кўрсаткичлари таркибига атроф-муҳитга таъсир даражасини инобатга олиш муҳим ўрин эгаллайди;

– автотранспорт корхоналарининг ҳаракатланиш воситалари таркибида электромобил ва табиий тарзда юривчи транспорт қисмини ошириш лозим бўлади;

– кадрларнинг малакаси ва савиясини ошириш, замонавий, айниқса, рақамлаштириш технологияларидан фойдаланиш кўникмаларини ошириш, хизмат кўрсатиш маданиятини кўтариш ва шу орқали рақобатда ғолиб чиқишга ҳаракат қилиш керак;

– автокорхоналар рақобатбардошлигини оширишда маркетингнинг

коммуникация технологияларидан (реклама, PR-компанияси, тўғридан-тўғри маркетинг ва бошқалар) тўлароқ фойдаланиш зарур. Бу борада Интернет ва ижтимоий тармоқлардан кенгрок фойдаланиш;

– автотранспорт корхоналаридаги транспорт воситаларининг янгилиги, замон талабларига мос равишда алмаштириш, бу борада давлат томонидан кўрсатиладиган ёрдамни ошириш керак. Минг афсус, автотранспорт корхоналарининг аксарияти хусусийлаштирилган. Кўп ҳолатда транспорт воситаларини нафақат янгилаш, балки таъмирлаш ишлари ҳам амалга оширилмай қолмоқда. Бундай ҳолат уларнинг рақобатбардошлигига ўз ақс таъсирини ўтказмоқда; чунки аҳолининг хавфсизлиги таъминланмайди;

– ишлаб чиқилган кўрсаткичлар, яъни транспорт корхоналарини баҳолаш учун танланган қисми, замон тез ўзгарувчан ва талаблар кескин ошаётганлиги сабабли, ушбу кўрсаткичлар таркибини шу муҳитга мослаштириш, рақобатчи ва бошқа корхоналар тажрибасини ўрганиш ва назорат қилишни тақозо этади.

### Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 28 февраль куни 2022–2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг Тараққиёт стратегиясини «Инсонга эътибор ва сифатли таълим йили»да амалга оширишга оид давлат дастури тасдиқланди.
2. Абрамов А.П. Маркетинг на транспорте. - М.: Желдориздат, 2001-126 с
3. Антипова Л.Г. Проблема внедрения интегрированной логистической системы управления пассажирским транспортом Санкт-Петербурга. Логистические системы в глобальной экономике. – 2014.- №4 - с 25-31.
4. Борщ В.Н. Концепции конкурентоспособности субъектов рынка транспортных услуг: сущность, подходы и маркетинговый инструментарий. // Вестник Южно-Российского государственного технического университета (НПИ). Серия Социально-экономические науки. – 2012. - № 6 – с 155-160



5. Тагиров Ш.М. Маркетинговые исследования как инструмент повышения конкурентоспособности предприятий на рынке транспортных услуг. Экономика и предпринимательство – 2015. № 5 с 1008-1012.
6. Абдуллаев Б.И. Шаҳар автобус йўналишларида транспорт хизмати сифат кўрсаткичларини такомиллаштириш. PhD диссертацияси, ТАЙЛКЭИ, 2019.
7. Бердиёров Т.А. Жамоат транспорти фаолиятида маркетинг тадқиқотларидан фойдаланишни такомиллаштириш. PhD диссертацияси, ТДИУ, 2021.
8. Икрамов М.А., Зоҳидов А.А. Марказий Осиё транспорт коридорлари ва уларни мувофиқлаштириш истикболлари. – Тошкент, Wneshinvest prom, 2020. -152-б.
9. Ирисбекова М.Н. Маркетинг тамойиллари асосида транспорт хизматлари бозорини такомиллаштириш. ДSc диссертацияси. ТАЙИ, 2017.
10. [www. Stat. Uz](http://www.Stat.Uz)
11. [www. tashbus.uz](http://www.tashbus.uz)

УЎТ 368:336

**Кенжаев Илҳом Ғиёзович***Тошкент молия институтини, доцент**E-mail: [kenjayev\\_i@mail.ru](mailto:kenjayev_i@mail.ru)*

---

**ИНСТИТУЦИОНАЛ ИНВЕТОР СИФАТИДА СУҒУРТА  
ТАШКИЛОТЛАРИНИ КЛАССИФИКАЦИЯЛАШ МАСАЛАЛАРИ**

---

**Кенжаев Илҳом Ғиёзович,***Ташкентский финансовый институт, доцент**E-mail: [kenjayev\\_i@mail.ru](mailto:kenjayev_i@mail.ru)*

---

**ВОПРОСЫ КЛАССИФИКАЦИИ СТРАХОВЫХ ОРГАНИЗАЦИЙ КАК  
ИНСТИТУЦИОНАЛЬНЫХ ИНВЕТОРОВ**

---

**I.Kenjaev,***Tashkent institute of finance, Associate Professor**E-mail: [kenjayev\\_i@mail.ru](mailto:kenjayev_i@mail.ru)*

---

**ISSUES OF CLASSIFICATION OF INSURANCE ORGANIZATIONS AS  
INSTITUTIONAL INVESTORS**

---

**Аннотация.** Ушбу мақолада институционал инвестор сифатида суғурта ташилотларининг асосий кўрсаткичлари таҳлил этилган. Шунингдек, институционал инвестор сифатида суғурта ташилотларини классификациялашнинг хориж тажрибасини ўрганиш асосида такомиллаштириш масалалари тадқиқ этилган.

**Таянч сўзлар:** суғурталовчи, суғурталанувчи, суғурта мукофоти, суғурта пули, суғурта қопламаси, суғурталовчининг инвестиция фаолияти, суғурта бозори, суғурта захираси.

**Аннотация.** В статье анализируются основные показатели страховых организаций как институциональных инвесторов. Также исследованы вопросы совершенствования классификации страховых организаций как институциональных инвесторов на основе изучения зарубежного опыта.

**Ключевые слова:** страховщик, страхователь, страховая премия, страховая сумма, страховой взнос, инвестиционная деятельность страховщика, страховой рынок, страховой резерв.

**Annotation:** This article analyzes the main indicators of insurance organizations as institutional investors. The issues of improving the classification of insurance organizations as institutional investors are also investigated based on the study of foreign experience.

**Keywords:** insurer, policyholder, insurance premium, sum insured, insurance contribution, investment activity of the insurer, insurance market, insurance reserve.

---

### Кириш

Суғурта ташкилотлари фаолиятини самарали бошқариш қарорларини қабул қилиш учун уларни бир нечта белгилари асосида алоҳида гуруҳларга ажратиб олиш мумкин. Бунинг учун таснифлаш белгиларининг миқдори ва рўйхатини танлаш, одатда тадқиқот мақсадларига боғлиқ бўлади. Шундай қилиб, суғурта бозорини таснифлаш макро ва микродаражада таҳлил қилинишининг бошланғич босқичидир. Шу боис суғурта назарияси ва амалиётида таснифлашнинг бир нечта усули қабул қилинган. Ҳар бир усулни алоҳида тадқиқ этиш, суғурта ташкилотларининг инвестиция фаолиятини таҳлил қилиш ва ҳар бир классификацион гуруҳ учун инвестиция портфели сиёсатини юритиш имкониятини беради. Чунки бошқа таснифлаш гуруҳига тегишли бўлган суғурта ташкилотларининг инвестиция портфели тузилмасида жиддий фарқлар бўлиши мумкин. Суғурта соҳасидаги мутахассисларнинг фикрларига кўра, ҳар бир гуруҳ бўйича олиб борилган таҳлил бошқа гуруҳга кирувчи суғурта ташкилотларининг инвестиция сиёсатидаги умумий йўналишларида сезиларли фарқ борлигини белгилаш имконини беради. Шунинг учун суғурта ташкилотларининг инвестиция фаолияти бир-биридан фарқ қилиб, сифат ҳамда миқдорий кўрсаткичлари билан ажралиб туради.

### Мавзуга оид адабиётлар шарҳи

Илмий ва бир қатор иқтисодий адабиётларда суғурта ва суғурта бозорининг ижтимоий-иқтисодий моҳиятини категория сифатида ёритишда турлича ёндашувлар мавжуд бўлиб, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил

27 ноябрда қабул қилинган “Суғурта бозорини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 413-сонли қарорига асосан суғурта соҳаси иккита тармоққа бўлинган. Ушбу тармоқлар ҳаёт суғуртаси ва умумий суғурта тармоқларини ўз ичига олади. Бизнинг фикримизча, суғурта соҳасини иккита тармоққа бўлиниши суғурта портфелини бошқаришда алоҳида ёндашувни, маркетинг стратегиясидаги суғурта rischi туридан кескин фарқ қилади. Мазкур стратегияни ишлаб чиқишни талаб қилувчи суғуртанинг алоҳида тармоғи бўлган ҳаёт суғуртасига нисбатан Ўзбекистон суғурта ташкилотларининг муносабатини сифат жиҳатидан кескин ўзгартириб юборди.

Мамлакатимиз ривожланишининг ҳозирги ҳолати ва давлат иқтисодий сиёсатининг ўзгариб бориши иқтисодиётнинг долзарб муаммоларини, жумладан, инвестиция билан боғлиқ масалаларни мунтазам қайта кўриб чиқиш ва илмий тадқиқ этишни талаб этади.

Иқтисодиёт фанлари доктори, профессор А.В.Ваҳабовнинг фикрига кўра, инвестиция сиёсати инвестиция фаолиятининг ўрта ва узоқ муддатли мақсадлари ҳамда уларга эришиш йўллари белгилаб беради. Инвестиция сиёсати – инвестиция стратегиясини амалга ошириш бўйича чора-тадбирлар тизими, инвестицион тактикадир<sup>1</sup>.

### Тадқиқот методологияси

Мақолада институтчионал инвестор сифатида суғурта ташкилотларини классификациялашнинг илмий-назарий асослари, статистик кузатув, индукция ва дедукция, илмий абстракциялаш каби усуллардан фойдаланилган.

<sup>1</sup> Ваҳабов А.В., Ҳажибакиев Ш.Х., Мўминов Н.Г. Хорижий инвестициялар, ўқув қўлланма. Т.: Молия, 2010 й.

**Натижа ва муҳокама**

Одатда, суғурта бозорини ривожлантириш агентлиги суғурта ташкилотлари активлари миқдорини мезон белгиси сифатида қўллайдилар. Бунинг учун суғурта бозорини ривожлантириш агентлиги суғурта ташкилотларини учта категорияга ажратади:

– йирик суғурта ташкилотлари. Бу суғурта ташкилотларининг активлари ўртача бозор даражасидан 20% дан ортик бўлади;

– ўрта суғурта ташкилотлари. Ушбу суғурта ташкилотларининг активлари ўртача бозор даражасидан 20% бўлади;

– кичик суғурта ташкилотлари. Мазкур суғурта ташкилотларининг активлари ўртача бозор даражасидан 20% дан кам бўлади. Ушбу мезонлар бўйича таснифлашни қуйидаги жадвал маълумотларидан кўриш мумкин (1-жадвалга қаранг).

*1-жадвал*

**Суғурта ташкилотларини турли мезонлар бўйича таснифлаш<sup>2</sup>**

Активлар ҳажми бўйича	1) Йирик ҳажмдаги активга эга суғурта ташкилотлари; 2) Ўрта ҳажмдаги активга эга суғурта ташкилотлари; 3) Нисбатан кичик ҳажмдаги активга эга суғурта ташкилотлари
Бозор сегментидаги улуши бўйича	1) Мамлакат ҳудудлари бўйлаб энг кўп сондаги филиалларга эга бўлган суғурта ташкилотлари; 2) Мамлакат ҳудудлари бўйлаб ўртача сондаги филиалларга эга бўлган суғурта ташкилотлари; 3) Мамлакат ҳудудлари бўйлаб энг кам сондаги филиалларга эга бўлган суғурта ташкилотлари

<sup>2</sup> Муаллиф ишланмаси.

Барқарорлик рейтингининг мавжудлиги бўйича	1) Юқори барқарорлик рейтингига эга бўлган суғурта ташкилотлари; 2) Ўртача барқарорлик рейтингига эга бўлган суғурта ташкилотлари; 3) Нисбатан паст барқарорлик рейтингига эга бўлган суғурта ташкилотлари
Ихтисослашуви бўйича	1) Ҳаёт суғуртасига ихтисослашган суғурта ташкилотлари; 2) Мажбурий суғуртани амалга оширувчи суғурта ташкилотлари; 3) Умумий суғурта турларини амалга оширувчи суғурта ташкилотлари

Суғурта ташкилотларини активларининг ўртача миқдори мазкур гуруҳлашни амалга оширишда асосий кўрсаткич ҳисобланади. Шундан кейин бирон-бир суғурта ташкилотини амалдаги асосий кўрсаткич билан қиёсланади. Шундан кейин ўртача суғурта ташкилотларига активлари суммаси ўртача бозор даражасига яқинлашган суғурта ташкилотлари киритилади, унча катта бўлмаган тоифа гуруҳига активлари суммаси ўртача бозор даражасидан 20 фоиз кам бўлган суғурта ташкилотлари киритилади.

Ўзбекистон Республикасида фаолият олиб борадиган суғурта бозорини ривожлантириш агентлиги улуши мавжуд бўлган суғурта ташкилотлари ва давлат улуши бўлмаган суғурта ташкилотлари сифатида, суғурта мукофотини тўплаш бўйича йирик бешталик ва йирик ўнталикка кирган суғурта ташкилотлари сифатида, мажбурий суғурта турлари билан шуғулланувчи ва фақат ихтиёрий суғурта турларини амалга оширувчи

суғурта ташкилотларини гуруҳларга ажратган ҳолда таснифлаш амалга оширилади. Иқтисодиёти ривожланган мамлакатларда эса суғурталовчининг фаолият турига қараб суғурта ташкилотларини ажратиш анча илгари амалга оширилган ва амалиётда ўзининг ижобий натижаларини берган.

Ўзбекистон суғурта бозорида ихтисослашувига қараб турли гуруҳларга тааллуқли суғурта ташкилотларининг инвестиция сиёсати бир-биридан кескин фарқ қилади. Масалан, суғурта турлари бўйича шартномалар одатда, бир йил муддатга тузилади. Суғурта ташкилоти суғурта бадалларини шу муддатда олади. Бу суғурта ташкилотининг инвестиция сиёсати қисқа муддатли бўлиши кераклигини билдиради. Аксарият ҳолатларда суғурта ташкилоти узоқ муддатли инвестицияларни амалга оширган тақдирда тўловга қобиликни йўқотиш бўйича юқори риск даражасига эга бўлади. Шу билан бирга, вақтинчалик инвестиция узилиш юзага келади. Шунинг учун суғурта ташкилоти ўзининг ихтиёрида бўлган молиявий ресурсларини юқори ликвидли, ўртача ва қисқа активларга киритиш мақсадга мувофиқ деб билади. Бу суғурта ташкилотининг пулга бўлган эҳтиёжини қондиришда ёки суғурта тўловларини амалга оширишдаги тезкорлигини таъминлаши олиб келади.

Шунингдек, маълум бир шароитларда суғурта ташкилотлари томонидан суғурта ҳимоясини таъминлаш учун жорий келиб тушган суғурта бадаллари етарли бўлмаса, суғурта ташкилотлари томонидан шакллантирилган барқарорлаштириш захира воситаларини жойлаштириш ва зарарларни тенглаштириш истисно бўлишига қулай шароит туғилганда, мазкур захираларнинг воситаларини узоқ муддатли инвестицияларда ҳам қўллаши мумкин бўлади. Ана шу сифатда

ишлаб топилмаган суғурта мукофотлар захирасининг бир қисмини ҳам ишлатса бўлади. Аммо буни фақат суғурта операциялари ҳажми узлуксиз барқарор равишда ўсиб борган ҳолатларда амалга ошириш мумкин. Шу билан бир қаторда омонатларни суғурталашга ихтисослашган суғурта ташкилотлари учун узоқ муддатли инвестиция сиёсатини юритиш мақсадга мувофиқ. Акс ҳолда инвестиция фаолиятининг даромадлилиги оптимал кўринишда бўлмайди. Бу умуммолиявий қонуният билан асосланади. Суғурта ташкилотларининг молиявий ресурсларини жойлаштириш муддати қанча узоқ муддатга бўлса, даромадлилик даражаси шунча кўп бўлади ёки аксинча бўлади. Агарда суғурта ташкилотларининг молиявий ресурсларини жойлаштириш муддати қанча қисқа бўлса, даромадлилик даражаси шунча камаяди.

Ривожланган мамлакатларда иқтисодиётга йўналтирилган инвестицияларнинг 30 фоизи суғурта ташкилотлари томонидан амалга оширилади. Чунки суғурта ташкилотлари ихтиёрида шаклланган молиявий ресурслар асоси ҳаёт суғуртасига тўғри келади. Масалан “Insurance Information Institute” маълумотларига қараганда, АҚШда узоқ муддатли қарзларнинг 25 фоизидан кўпини узоқ муддатли ҳаёт суғуртасига ихтисослашган суғурта ташкилотлари амалга оширади ва суғурта активларининг 75 фоизи шу йўналишдаги суғурта ташкилотлари ҳиссасига тўғри келади. Буюк Британияда жами инвестицияларнинг 80 фоизгача бўлган қисмини ҳаёт суғуртаси соҳасидаги суғурта ташкилотларининг улуши ташкил қилади. Шунинг учун ҳаёт суғуртаси суғурта ташкилотининг узоқ муддатли инвестиция ресурсларини асосий манбаи ҳисобланади. Ҳаёт суғуртаси мамлакат

иктисодиётининг асосий стратегик сектори сифатида қайд қилиш мумкин<sup>3</sup>.

Ўзбекистон суғурта бозорида сўнги йилларда бу борада маълум ижобий тенденция мавжудлигини кузатиш мумкин. Кейинги йилларда йирик суғурта ташкилотлари инвестиция фаолиятининг жадаллашиши кузатилмоқда. Чунки, улар томонидан ҳаёт суғуртасига ихтисослашган шўба корхоналарининг ташкил этилиши инвестиция фаолиятининг жадаллашишида муҳим роль ўйнамоқда. Аммо йирик суғурта ташкилотлари инвестиция киритмаларининг рентабеллиги ошишига қарамасдан, инфляция даражасини ҳисобга олган ҳолда капиталнинг ўртача фойда меъёри бир қатор сабабларга қўра паст бўлиб қолади.

Бунинг сабаби биринчидан, давлат томонидан суғурта ташкилотларининг инвестиция фаолиятини кучли назорат қилиш натижасида молиявий ресурсларни жойлаштириш имконияти чекланиб қолади. Иккинчидан, суғурта фаолиятининг ўзи ҳам бир қанча чеклашларни назарда тутаяди. Чунки ҳар қандай ҳолатда суғурта ташкилоти ўзининг тўловга қобиллигини сақлаб туриши ва молиявий барқарорлик талабларига жавоб бериши лозим. Шунинг учун инвестиция киритмалари юқори даромадлиликка қарши равишда минимал рискка эга бўлиши лозим.

Бундай шароитда суғурта ташкилоти агрессив инвестиция сиёсатини қўлламаслиги лозим. Стратегияни танлашда фақат мўътадил инвестиция сиёсатини юритиши лозим. Мазкур сиёсат суғурта ташкилотига унча катта бўлмаган, аммо ишончли даромад келтириб туришни назарда тутаяди. Кўп ҳолатларда Ўзбекистон суғурта ташкилотларининг инвестиция

фаолиятини самарали бўлмаганлигига сабаб, уларнинг аксариятида аниқ инвестиция стратегиясининг мавжуд эмаслигидир. Мазкур масалада жуда кўп филиалларга эга бўлган йирик суғурта ташкилотлари ҳақида гап борганда, унда керакли инвестиция стратегияси борлигини қайд қилиш мумкин. Бу ҳолатда мазкур масаланинг бошқа томони кўзга ташланади, яъни стратегия, асосан, суғурта ташкилотларининг Бош идораларида амалга оширилади ва филиаллар эса умуман инвестиция сиёсатини олиб бормади. Ушбу ҳолатда суғурта ташкилотининг филиали жойлашган ҳудуднинг инвестиция хусусиятлари ҳисобга олинмайди.

Суғурта бозорининг мазкур босқичида, суғурта ташкилотлари томонидан иқтисодиётга киритилаётган инвестиция оқимларининг ҳажми уларнинг институционал инвестор даражасига кўтарилишини таъминлай олмайди. Бу қуйидаги сабабларга боғлиқ бўлиб қолмоқда. Масалан, суғурта ташкилотлари томонидан суғурта бозорида йиғилган суғурта мукофотлари ва активларининг ҳажми ғарб суғурта ташкилотлариникига қараганда унча кўп эмас. Захираларни қоплаш учун қабул қилинган активлар асосан, қисқа муддатли депозитларга жойлаштирилади. Бу ҳолат суғурта ташкилотларини узоқ муддатли инвестор сифатида баҳолаш имконини бермайди.

Шуни алоҳида қайд этиш мумкинки, муаммо нафақат суғурта бозори, балки фонд бозорининг ривожланиш даражасига ҳам боғлиқдир. Масалан, узоқ муддатли ҳаёт суғуртасини ривожлантириш учун инфляция даражасидан устун бўлган узоқ муддатли облигациялар керак бўлади.

Юқорида қайд этилганлардан келиб чиқиб, бизнинг фикримизча, инвестиция фаолиятини таҳлил қилиш мақсадида Ўзбекистонда фаолият кўрса-

<sup>3</sup> <http://www.UzReport.com> сайти маълумотлари асосида тайёрланган.



таётган суғурта ташкилотларининг ихтисослашишини ҳисобга олган ҳолда гуруҳлаш мақсадга мувофиқ эмас ва бу Ўзбекистон шароитига нисбатан жиддий мазмун билдирмайди. Шунинг билан ҳисобга олган ҳолда, турли белгилар асосида суғурта ташкилотларини классификациясининг барча турларини биз томонимиздан батафсил таҳлил қилиниши, суғурта ташкилотларини инвестиция фаолиятининг умумий хусусиятларини баҳолашда назария ва амалиётда тўртта белги қўлланиши билан аниқланди:

- 1) активлар миқдори;
- 2) бозор сегментидаги улуши;
- 3) ишонч рейтингининг мавжудлиги;
- 4) фаолиятнинг ихтисослашуви.

Тақдим этилган классификация турлари бевосита суғурта фаолиятини таҳлил қилиш учун мўлжалланган. Улар ёрдамида инвестиция фаолияти сифатини аниқлаш жуда қийин. Бундан ташқари, бундай баҳолаш билвосита хусусиятга эга бўлади. Ушбу аниқланган камчиликлар таъсирини бартараф қилиш учун биз томонимиздан типологик гуруҳлаш схемаси бўйича суғурта ташкилотларининг инвестиция фаолиятини таҳлил қилиш мақсадида уларни таснифлаш таклиф қилинмоқда. Бундай гуруҳлаш асосида суғурта ташкилотининг хусусий капитали миқдори кўрсаткичи туриши керак.

Хусусий капитал миқдоридан келиб чиқиб, миллий суғурта бозоримизда суғурта ташкилотларининг кичик, ўрта ва йирик гуруҳларга бўлишда классификациялаш шкаласини аниқлашда иккита дастлабки ҳолат эътиборга олинган:

- 1) Суғурта бозори концентрациясининг мавжудлиги;
- 2) 2017–2022 йилларда бутун бозор миқёсида 1 та суғурта ташкилоти хусусий капиталининг ўртача ҳажмини, кейин эса

“кичик суғурта ташкилотлар” ва “йирик суғурта ташкилотлар” сегментларида ўртача квадратик четланишни ҳисоблашни ва унинг ёрдамида классификациялаш шкаласи учун интервал чегараларининг ҳисобини аниқлаш керак.

Кичик суғурта ташкилотлар сегменти учун хусусий капиталнинг ўртача ҳажмини аниқлашда бозор улушининг ўртача 2 фоизи мазкур гуруҳга тўғри келиши ва гуруҳ аъзолари сони 5 та суғурта ташкилотларидан иборат эканлигини қайд этамиз. Мазкур кўрсаткичлар тахминий бўлиб, “Saipro” рейтинг агентлиги томонидан кўриб чиқиладиган даврдаги таҳлилий ҳисоботида асосланади. Шунга ўхшаш усулда 5 та йирик суғурта ташкилотларига тўғри келадиган бозор улуши аниқланди. Кичик гуруҳларга хусусий капитал миқдори 20 млрд. сўмдан ошмаган суғурта ташкилотлари, ўртача гуруҳга капитали 20 млрд. сўмдан ошганлари ва йирик гуруҳга сармоysi 25 млрд. сўмдан ошган суғурта ташкилотлари киради<sup>4</sup>.

### Хулоса

Суғурта ташкилотларининг хусусий капитали дастлабки ҳисоб-китобларга қараганда соф даромади билан юқори даражада мос тушади. Молиявий нуқтаи назардан суғурта ташкилотининг хусусий капитали билан бошқа инвестициялар бўйича соф даромад ўртасидаги бевосита боғлиқлик қуйидагича изоҳланади: хусусий капитал ҳажми қанча кўп бўлса, шунча молиявий барқарорлик ва ишончлилик юқори бўлади ҳамда даромадлилик нуқтаи назаридан суғурта ташкилоти янада самаралироқ инвестиция сиёсатини олиб бориш имкониятига эга бўлиб, хусусий капиталнинг ошиши суғурта ташкилотининг инвестиция

<sup>4</sup> <http://www.UzReport.com> сайти маълумотлари асосида тайёрланган.

имкониятини оширади. Бу эса суғурта ташкилотини инвестиция портфели ҳажмининг кенгайишига ва қўшимча инвестиция даромадини ошишига олиб келади. Бу эса тақсимланмаган фойданинг капиталлашуви эвазига узоқ вақт давомида хусусий капитал ҳажмининг узлуксиз ўсиб бориши суғурта ташкилотини молиявий менежментининг юқори сифатга эга эканлигидан далолат беради.

Бизнинг фикримизча, ҳар бир гуруҳ тури тузилмасида шўъба корхоналар ва унга боғлиқ суғурта ташкилотлари бор ёки йўқлигидан, шунингдек, уларнинг

инвестиция фаолияти молиявий рискларга таъсирчанликка мойиллиги даражасидан келиб чиқиб, суғурта ташкилотларини гуруҳларга ажратиш керак. Биз томонимиздан иккинчи кўринишдаги мезон белгиларини танлаш, биринчи ўринда, амалий вазифалар билан боғланиб кетади. Мазкур мезонлар суғурта ташкилотларининг молиявий ҳисоботи асосида уларнинг инвестиция фаолиятини таҳлил қилиш мақсадида типологик гуруҳлаштиришни амалга ошириш имконини беради.

### Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги “2022–2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги ПФ-60-сонли Фармони.
2. Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 25 декабрдаги “Инвестициялар ва инвестицион фаолияти тўғрисида”ги ЎРҚ-598-сон Қонуни.
3. Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 23 ноябрда қабул қилинган “Суғурта фаолияти тўғрисида”ги Қонуни.
4. Цыганов А.А. Современные механизмы регулирования рынка страховых услуг. / А.А. Цыганов, Е.И. Васильев. – М.: РАГС при Президенте РФ, 2004. – 265 с.
5. Чернова Г.В. Основы экономики страховой организации по рисковому виду страхования. / Г.В. Чернова. – С.Пб., Питер, –2005. - 240 с.
6. Шахов В.В. Страхование: Учебник для вузов. – М. ЮНИТИ, 2001. – 311 б.
7. Шеннаев Х.М. “Ўзбекистон Республикасида суғурта фаолиятини ривожлантириш йўналишлари”. Иқтисодиёт фанлари доктори (DSc) илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация Т.:-2021 й. 33-б.
8. И.Кенжаев, М.Абдураимова, Н.Абдуллаева. “Суғурта бизнеси” номли ўқув қўлланма. Тошкент, 2023. 286-бет.

УДК 620.9

**Хамдамова Гавхар Абсаматовна,**  
*к.э.н., профессор,*  
*Ташкентский финансовый институт,*  
*gavkharxamdamova@gmail.com*

---

**КЛАССИФИКАЦИЯ ПОЛИТИКИ В ОБЛАСТИ ЭНЕРГЕТИКИ И  
ЭНЕРГОЭФФЕКТИВНОСТИ И ЕЕ РЕАЛИЗАЦИЯ**

---

**Hamdamova Gavhar Absamatovna,**  
*i.f.n., professor,*  
*Toshkent moliya instituti,*  
*gavkharxamdamova@gmail.com*

---

**ENERGIYA VA ENERGIYA SAMARADORLIGI SIYOSATINING TASNIFI  
VA UNI AMALGA OSHIRISH**

---

**Khamdamova Gavhar Absamatovna,**  
*candidate of economics, professor,*  
*Tashkent institute of finance,*  
*gavkharxamdamova@gmail.com*

---

**CLASSIFICATION OF ENERGY AND ENERGY EFFICIENCY POLICY AND  
ITS IMPLEMENTATION**

---

**Аннотация.** В статье рассматриваются вопросы классификации политики в области энергетики и энергоэффективности и ее реализации, где грамотное обеспечение энергетической безопасности становится возможным во многом благодаря проведению продуманной энергетической политики, под которой понимается сфера деятельности государства, связанная с обеспечением национальной экономической и энергетической безопасности. Имеется представление статистических данных, что позволяет провести объективный анализ состояния отрасли в настоящее время.

**Ключевые слова:** энергия, энергоэффективность, стратегия, энергетическая безопасность, энергетическая политика, модернизация, концепция.

**Annotatsiya.** Ushbu maqolada energetika va energiya samaradorligi sohasidagi siyosatni tasniflash va uni amalga oshirish masalalari ko'rib chiqiladi, bu yerda energiya xavfsizligini malakali ta'minlash asosan milliy iqtisodiy va energiya xavfsizligini ta'minlash bilan bog'liq davlat faoliyati sohasi sifatida tushuniladigan puxta o'ylangan energiya siyosatini amalga oshirish orqali mumkin bo'ladi. Hozirgi vaqtda sanoat holatini obyektiv tahlil qilishga imkon beradigan statistik ma'lumotlarning taqdimoti mavjud.

**Tayanch so'zlar:** energiya, energiya samaradorligi, strategiya, energiya xavfsizligi, energiya siyosati, modernizatsiya, konsepsiya.

---

**Annotation.** *This article discusses the issues of classification of energy and energy efficiency policy and its implementation, where competent provision of energy security becomes possible largely due to the implementation of a well-thought-out energy policy, which is understood as the sphere of state activity related to ensuring national economic and energy security. There is a presentation of statistical data, which allows an objective analysis of the current state of the industry.*

**Keywords:** *energy, energy efficiency, strategy, energy security, energy policy, modernization, concept.*

### Введение

XXI век характеризуется всесторонним распространением глобализационных процессов по всему миру, оказывающих влияние на национальные государства и их границы, многополярностью политической и экономической жизни международного сообщества, а также выдвигает на первое место в развитии государств и регионов обеспечение национальной энергетической безопасности. Как показывает практика, грамотное обеспечение энергетической безопасности становится возможным во многом благодаря проведению продуманной энергетической политики, под которой понимается сфера деятельности государства, связанная с обеспечением национальной экономической и энергетической безопасности. Как правило, целью энергетической политики государства является максимально эффективное использование природных энергетических ресурсов и потенциала энергетического сектора для устойчивого роста экономики, повышение качества жизни населения страны и содействие укрепления её внешнеэкономических позиций.

### Анализ (обзор) литературы по теме

Большой вклад в разработку общетеоретических вопросов развития предприятий электроэнергетики внесли

такие ученые, как А.Г. Аганбегян, А.Л. Вершинин, М.Г. Делягин, В.В. Ивантер, Н.П. Лаверов, Д.С. Львов, А.А. Макаров, В.Е. Фортов и др. Модернизационные аспекты повышения энергоэффективности в экономике рассмотрены в трудах Л.Ю. Богачковой, А.И. Громова, И.С. Кожуховского, Т.А. Митровой, Д.Б. Понаровкина, В.В. Труфанова. Комплексные проблемы формирования и реализации государственной энергетической политики рассмотрены в работах таких узбекских ученых, как Н.М. Махмудов, М.А. Икрамов, А.М. Кадыров, Г.А. Саматов, Г.Ж. Аллаева, М. Саиткомолов.

### Методология исследования

Методологическую основу исследования составили труды отечественных и зарубежных учёных по проблемам классификации политики в области энергетики и энергоэффективности, законодательные акты и иные нормативно-правовые документы, а также материалы научно-практических конференций, посвящённых указанным вопросам. Методология исследования базировалась на принципах системного подхода. При решении поставленных задач применялись методы логического, сравнительного и статистического анализа.

### Результат и обсуждение

В современный период наблюдается смещение центра мирового хозяйства и экономического сотрудничества в сторону не западных стран, куда относится и Китай. Развитие энергетики в КНР является одной из самых обсуждаемых тем в контексте анализа социально-экономических изменений в стране и ее лидерства в мире. Его энергетика остаётся не полностью интегрированной в мировое хозяйство и международный ТЭК. Для неё характерна высокая составляющая угольной отрасли, единство управления и движение к автономности. Внешнеполитическая составляющая в данном контексте закреплена за развитием двусторонних связей с развивающимися странами и носит модель национально-монополярной энергетической политики. В 2018 году рост потребления энергии в Поднебесной составил 3,7 % [7]. В этот же период потребление энергии в мировых масштабах значительно выросло благодаря устойчивому экономическому росту и растущему спросу в Китае, который с 2009 года является крупнейшим потребителем энергии в мире.

Проект Экономического пояса Шёлкового пути является одним из инструментов осуществления энергетической стратегии, который позволил Пекину найти выгодных поставщиков нефти и газа (Казахстан, Киргизия, Туркменистан), создал альтернативу поставкам углеводородов из стран Персидского залива, идущим морским путём. Относительно китайской национальной стратегии «выхода за пределы», нужно отметить, что китайские корпорации активно участвуют в реализуемых вышеуказанными странами проектах по разведке, добыче и транспортировке углеводородного сырья

[6].

В будущем в энергообеспечении КНР видится перспективный растущий бизнес, как для различных государств, так и для международных транснациональных компаний. Позитивным фактом является рост «зелёной» энергетики в Китае, и большое внимание уделяется экологическим проблемам на политическом уровне. Официально отдаётся приоритет экологии над экономикой, создаются так называемые «чистые зоны», «чистые города» [7]. Также Пекин всё более активно закупает природный газ, занимается комплексными закупками сжиженного природного газа. На сегодня в китайской энергетике имеется достаточно проблем, часть которых связана со сложным процессом становления в отрасли рыночных отношений и вопросами ценообразования. Одной из задач государственного регулирования рынка в КНР является стремление к снижению волатильности внутренних цен на топливо и энергию.

Энергосбережение и повышение энергетической эффективности являются на сегодняшний день одной из приоритетных стратегических задач, поставленных правительством России. Высокие энергетические затраты снижают конкурентоспособность и инвестиционную привлекательность экономики страны, способствуют постоянному росту цен на энергоносители и все виды товарной продукции и ухудшают экологию окружающей среды. Проведение энергоэффективной политики, использование энергосберегающих технологий в производстве являются основными направлениями повышения конкурентоспособности данной экономики, увеличения инвестиционной привлекательности производственных

объектов, а также решения экологических вопросов.

Отдельно необходимо отметить, что отсутствие четкой и результативной системы контроля потребления энергии и стимулов, прежде всего экономических, к повышению энергоэффективности и энергосбережения существенным образом влияет на экологическую обстановку в России. И в том числе влечет практически нерегулируемое мощное истощение запасов сырья, загрязнение окружающей природной среды и иные негативные последствия для жизнедеятельности человека.

В настоящее время в сфере энергосбережения и энергетической эффективности России существует три основополагающих базовых документа: «Энергетическая стратегия на период до 2030 года»; Федеральный закон «Об энергосбережении и повышении энергетической эффективности и о внесении изменений в отдельные законодательные акты Российской Федерации»; Государственная программа «Энергосбережение и повышение энергетической эффективности на период до 2020 года», которая включает девять подпрограмм по

энергосбережению и повышению энергетической эффективности в основных видах деятельности. Несмотря на обеспеченность традиционными энергоносителями, Россия заинтересована в использовании нетрадиционных возобновляемых источников энергии (далее - ВИЭ).

Стратегическая база для развития энергетического сектора Республики Узбекистан основывается на следующих документах:

Стратегия по переходу Республики Узбекистан на «зелёную» экономику на период 2019-2030 годов и Концепция обеспечения Республики

Узбекистан электрической энергией на 2020-2030 годы.

Главной целью Стратегии является достижение долгосрочного устойчивого экономического развития и выполнения цели Узбекистана по взятым на себя обязательствам в рамках Парижского соглашения, которое было ратифицировано Узбекистаном в 2018 г. Основной целью Концепции является удовлетворение растущей потребности в электроэнергии (дефицит которой оценивался на уровне 9,4 % в 2012-2019 гг., а ежегодный рост потребления до

### Дорожная карта инвестиций до 2050 года

Период, гг.	Этап	Установленная мощность в конце периода, ГВт	Объём необходимых инвестиций, млрд долл. США	Необходимые инвестиции в % к ВВП
2020–2030	Модернизация существующих газовых электростанций	18 – ГТУ 8 – ВИЭ	397	4,8
2030–2040	Увеличение производственных мощностей ВИЭ	12 – ГТУ 47 – ВИЭ	23	1,8
2040–2050	Чистые нулевые выбросы углекислого газа	97 – ВИЭ 39 – аккумуляторы мощностей	34	1,9



2030 г. – на уровне 6-7 %) и обеспечение дальнейшего сбалансированного развития электроэнергетической отрасли [1].

Основной целью «дорожной карты» является оказание содействия правительству Узбекистана в достижении целей Парижского соглашения. Документ иллюстрирует техническую и экономическую возможность Узбекистана достичь нулевого уровня углеродной энергетики уже в 2050 г. Согласно результатам этого моделирования, для перехода электроэнергетики к нулевым чистым выбросам парниковых газов к 2050 г. потребуется 94 млрд долл. США. В целом, «дорожная карта» предполагает этапы для достижения потенциальных целей 2050 года [4].

По состоянию на 1 января 2021 г. в Узбекистане существуют следующие основные программы и дорожные карты в области энергоэффективности:

1. Программа мер по дальнейшему развитию возобновляемой энергетики, повышению энергоэффективности в отраслях экономики и социальной сфере на 2017-2021 годы, устанавливающая среднегодовое снижение энергоёмкости на 8-10 %;

2.«Дорожная карта» дальнейшего повышения энергоэффективности

отраслей экономики и социальной сферы, а также развития возобновляемых источников энергии, предусматривающая выполнение 36 мероприятий, 21 из которых относится к энергоэффективности;

3.«Дорожная карта» по повышению энергоэффективности и экономии

топливно-энергетических ресурсов на крупных энергоёмких предприятиях отраслей экономики, предусматривающая 29 мероприятий, направленных на повышение энергоэффективности в энергоёмких секторах экономики;

4.Комплексная программа по цифровизации электроэнергетической отрасли на 2019-2021 годы. Институциональная база в области энергоэффективности включает в себя несколько заинтересованных организаций. МЭ играет ведущую роль в продвижении политики энергоэффективности.

Благодаря своему географическому положению и разнообразным ландшафтам Узбекистан обладает большим потенциалом в области ВИЭ.

Самый высокий технический потенциал (консервативные значения) принадлежит солнечной энергии (176,8 ГВт), но страна также имеет хороший потенциал энергии биомассы (2,9 ГВт),



**Рисунок. Планируемые мощности возобновляемой энергетики на период до 2030 г., ГВтгэ. [5]**

гидроэнергии (0,4 ГВт), энергии ветра (0,4 ГВт) и геотермальной энергии (0,3 ГВт).

Стратегия инновационного развития Республики Узбекистан на 2019-2021 годы предусматривает достижение к 2025 г. 20 % доли производства электроэнергии из возобновляемых источников. В то время как постановление «Об ускоренных мерах по повышению энергоэффективности отраслей экономики и социальной сферы, внедрению энергосберегающих технологий и развитию возобновляемых источников энергии» предусматривает достижение 25 % доли ВИЭ в производстве электроэнергии к 2030 году[2].

Намерение состоит в том, чтобы достичь поставленных целей за счёт строительства новых электростанций на ВИЭ общей мощностью 10 ГВт, в том числе солнечных (5 ГВт), ветровых (3 ГВт) и гидроэлектростанций (1,9 ГВт).

Законодательная база Республики Узбекистан в области ВИЭ состоит из закона «Об использовании возобновляемых источников энергии», принятого в 2019 г. В законе предусматривается ряд финансовых стимулов и льгот, включая освобождение производителей ВИЭ от всех видов налогов на срок до пяти лет, начиная с даты их государственной регистрации.

Кроме того, согласно Программе мер по дальнейшему развитию возобновляемой энергетики, повышению энергоэффективности в отраслях экономики и социальной сфере на 2017-2021 годы все потребители, устанавливающие у себя генерирующие мощности, получают гарантированный «зелёный» тариф, исходя из официальных цен на электроэнергию для коммерческих потребителей.

Таким образом, модернизация, диверсификация и повышение

энергоэффективности промышленного сектора являются одним из приоритетов правительства по созданию рабочих мест и повышению уровня жизни в Узбекистане.

Согласно исследованию, наибольший потенциал повышения энергоэффективности в электроэнергетике связан с такими мерами, как:

- замена устаревших тепловых электростанций и обычных котлов на высокоэффективные парогазовые турбины (ПГТ) с комбинированным циклом – 0,922 млн т н. э. в год;
- снижение потерь электроэнергии – 0,165 млн т н. э. в год;
- сокращение собственного использования сектором энергетики – 0,058 млн т н. э. в год.

Согласно оценке, проведённой в рамках проекта ПРООН и Министерства экономики «Поддержка Узбекистана в переходе на путь низкоуглеродного развития национальной экономики», потенциальная экономия в секторе электроэнергетики составит 8,3 млн т н. э., или 11 млрд м<sup>3</sup> природного газа в год. В исследовании подчёркивается, что только ввод в эксплуатацию высокоэффективных ПГТ может снизить удельное потребление энергии с 0,275 до 0,175 т н. э./МВт·ч. Дополнительная экономия в размере 2,63 млн т н. э., или 3,23 млрд м<sup>3</sup> природного газа, в год может быть достигнута за счёт строительства установок когенерации на энергоёмких промышленных предприятиях.

В исследовании ЦАРЭС по «дорожной карте» финансирования энергетического сектора, потенциальная экономия энергии в электроэнергетическом секторе к 2030 г. оценивается в 6,85 млн т н. э. При расчёте учитывается повышение средней эффективности газовых теплоэлектростанций, которая

составляла около 33 % в 2013 г., и снижение технических и коммерческих потерь, на долю которых приходилось 23 % от чистого поступления в сеть в том же году. В исследовании предполагается, что общая экономия энергии в ближайшие 15 лет может достичь 25 %, хотя в анализе не был указан точный базовый уровень для такого прогноза.

В последнем отчёте по результатам сравнительного анализа потерь электроэнергии, опубликованном Советом европейских регуляторов энергетики (CEER) в 2020 г., объясняется отсутствие согласованного определения потерь электроэнергии, особенно в отношении нетехнических потерь, и отсутствие согласованности в вопросе представления потерь в процентах от энергии, поступающей в сеть, или энергии, выходящей из неё. Например, в то время как в отчёте CEER потери электроэнергии в 35 странах сравниваются в процентах от поступления, ВБ оценивает этот показатель в процентах от полезного отпуска.

Таким образом, только снижение потерь электроэнергии до среднемирового показателя могло бы стать наиболее экономически эффективной мерой по устранению дефицита предложения электроэнергии, который правительство оценило в среднем на уровне 9,4 % от объёма спроса в 2012-2019 гг. Основной причиной такого высокого уровня потерь электроэнергии являются устаревшие элементы магистральных и распределительных сетей. По данным МЭ, 66 % магистральных сетей и 74 % подстанций имеют срок эксплуатации более 30 лет. Срок службы 62 % распределительных сетей и более 50 % трансформаторных станций также превысил 30 лет.

Учитывая данные о собственном потреблении на ТЭС и ТЭЦ, в 2019 г. чистая эффективность угольных электростанций составила 24,7 %, а газовых электростанций – 31,9 %. Европейский банк реконструкции и развития указывает, что чистая электрическая эффективность новой ПГТ мощностью 1,56 ГВт, которая будет построена компанией Siemens в Сурхандарьинской области к 2024 г., будет выше 60 %.

В постановлении Президента № ПП-4779 от 10.07.2020 предусматривается планируемая экономия ТЭР в размере 1,859 млн т н. э., что является обязательным целевым показателем энергоэффективности, который должен быть достигнут в подсекторе производства электроэнергии к 1 января 2023 г. В соответствии с утверждёнными целевыми параметрами экономии ТЭР, соответствующими министерствами и ведомствами в разрезе предприятий были разработаны и утверждены организационно-технические мероприятия по экономии ТЭР на 2020-2022 гг. с обосновывающими расчётами экономии по каждому мероприятию.

В Концепции обеспечения Республики Узбекистан электрической энергией на 2020-2030 годы, утверждённой приказом МЭ № 70 от 28.04.2020, предусматриваются конкретные цели, связанные с потерями электроэнергии, то есть снижение уровня потерь к 2030 г. в магистральных сетях с 2,72 до 2,35 %, а в распределительных сетях – с 12,47 до 6,7 % (от поступления в сеть). В то же время, в законодательной базе Узбекистана нет никаких целевых показателей потерь природного газа, относящихся к операторам системы передачи (TSO) и распределения (DSO) газа.

### Заклучение

Таким образом, в настоящее время перед государством и регионами стоит новая задача – оптимизация топливно-энергетического баланса с одновременным улучшением качества жизни населения. Эта задача может быть решена за счет комплексного внедрения в жизнь реальных мер энергосбережения и повышения энергоэффективности, а также широкого использования ВИЭ. При этом для развития возобновляемой энергетики необходимо принятие законодательной базы, которая на данный момент фактически отсутствует.

При обобщении ключевых выводов и заключений этого раздела выявлены такие основные барьеры:

- в Узбекистане нет независимого энергетического регулятора;

- стратегические решения по развитию энергосистемы основаны на вариантах мер относительно предложения и не учитывают меры относительно спроса;

- в электроэнергетике используются чрезвычайно старые, устаревшие и неэффективные технологии и оборудование, что приводит к высокой уязвимости системы и регулярным отключениям;

- отсутствует прозрачная методология расчёта, мониторинга и проверки планируемой экономии. Существующая законодательная база включает плановые показатели энергосбережения для электроэнергетического сектора, но не предусматривает каких-либо целевых показателей для транспортировки и распределения природного газа;

- не существует политики, стимулирующей высокоэффективную когенерацию;

- у государственных энергетических компаний нет стимулов снижать свои эксплуатационные расходы.

Вопрос обеспечения энергоресурсами входит в сферу геополитики страны, интересы которой в области энергетической безопасности должны поддерживаться комплексом внешнеполитических и внешнеэкономических мер, гармонирующих с внутренней политикой. В выборе стратегии экономические цели и задачи подчинены политическим, и важную роль играет взаимозависимость внутреннего и внешнего измерений энергетической политики страны. Это проявляется как в эффективном использовании имеющихся ресурсов и их поставок из-за рубежа, так и в выборе оптимальной модели распределения рисков и получения наиболее совершенных технологий.

Таким образом, повышение энергоэффективности и энергосбережения является комплексной проблемой, так как энергопотребление затрагивает все сферы экономики и жизни общества. Опыт европейских стран по повышению энергоэффективности показывает, что важнейшей движущей силой в развитии этого вопроса является вовлечение в него всех экономических субъектов и практически всего населения.

Для решения указанной проблемы необходимо проведение эффективной энергетической политики в стране с участием государства, бизнеса и населения. При этом потребуются системный подход из экономических, научно-технических и организационных мер.

**ЛИТЕРАТУРА**

1. Указ Президента Республики Узбекистан №УП-60 «О Стратегии развития Нового Узбекистана на 2022-2026 годы» от 28.01.2022 г.
2. Указ Президента Республики Узбекистан № УП-5544 «Стратегия инновационного развития Республики Узбекистан на 2019-2021 годы» от 21 сентября 2018 года.
3. Указ Президента РФ № 889 «О некоторых мерах по повышению энергетической и экологической эффективности российской экономики» от 04.06.2008 года.
4. Секретариат Энергетической хартии (2021 г.) на основе «дорожной карты» перехода к низко углеродной энергетике для сектора электроэнергетики Узбекистана (2020 г.)
5. Секретариат Энергетической хартии (2021 г.) на основе Концепции обеспечения Республики Узбекистан электрической энергией на 2020-2030 гг.
6. Фан Тинтин. Энергетическая политика КНР на современном этапе// Трибуна молодых учёных. Вестник МГУ имени М.В. Ломоносова. Сер. 25. Международные отношения и мировая политика. 2010. № 4. 132 с.
7. Томберг И.Р. Формирование энергетической политики КНР в начале XXI века: внутренние ресурсы и мирохозяйственные перспективы // ФАНО России. М.: ФГБУН «Институт востоковедения РАН», 2017. 250 с.
8. Gavhar Khamdamova. INDUSTRY AND ITS ROLE IN THE SOCIO-ECONOMIC DEVELOPMENT OF SOCIETY// Scientific Journal of “International Finance & Accounting”. 2023. Issue 2. April. ISSN: 2181-1016.

УЎТ 338.43

**Хатамов Адхам Собирович,**  
*ЎзРҚХВ озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги соҳасида стратегик  
ривожланиш ва тадқиқотлар халқаро маркази  
мустақил изланувчиси*  
E-mail: [xatamov35@gmail.com](mailto:xatamov35@gmail.com)

**МАМЛАКАТ ИҚТИСОДИЁТИДА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ  
СОҲАСИНИНГ ТУТГАН ЎРНИ ВА УНГА СУБСИДИЯ АЖРАТИШ  
ОРҚАЛИ РИВОЖЛАНТИРИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ**

**Хатамов Адхам Собирович,**  
*Независимый исследователь Международного центра  
стратегических разработок и исследований в области  
продовольствия и сельского хозяйства МСХРУз*  
E-mail: [xatamov35@gmail.com](mailto:xatamov35@gmail.com)

**РОЛЬ АГРАРНОГО СЕКТОРА В ЭКОНОМИКЕ СТРАНЫ И  
ПЕРСПЕКТИВЫ ЕГО РАЗВИТИЯ ПУТЕМ ВЫДЕЛЕНИЯ ЕМУ  
СУБСИДИЙ**

**Khatamov Adkham Sobirovich,**  
*Independent researcher of the International Center for Strategic  
Development and Research in the field of food and agriculture of MARUz*  
E-mail: [xatamov35@gmail.com](mailto:xatamov35@gmail.com)

**THE ROLE OF THE AGRICULTURAL SECTOR IN THE COUNTRY'S  
ECONOMY AND THE PROSPECTS FOR ITS DEVELOPMENT THROUGH  
THE ALLOCATION OF SUBSIDIES TO IT**

**Аннотация.** Мазкур мақолада қишлоқ хўжалигининг мамлакат иқтисодиётида тутган ўрни ва уни ривожлантиришда субсидиялашнинг аҳамияти ҳамда молиялаштиришнинг анъанавий шакллари ўрганилган. Шу билан бирга, қишлоқ хўжалиги фаолиятини молиялаштиришда банк кредитлар ва давлат бюджетидан субсидия ажратиш жараёнлари таҳлил қилинган ҳамда тегишли хулосалар шакллантирилган.

**Таянч сўзлар:** қишлоқ хўжалиги, интенсив, агросаноат, озиқ-овқат маҳсулотлари, молиялаштириш, субсидия, банк кредити, фоиз ставкаси.

**Аннотация.** В статье рассматривается роль сельского хозяйства в экономике страны, значение субсидирования в его развитии, традиционные формы финансирования. При этом были проанализированы процессы выделения банковских кредитов и субсидий из



государственного бюджета на финансирование сельскохозяйственной деятельности и сделаны соответствующие выводы.

**Ключевые слова:** сельское хозяйство, интенсивно, агропромышленность, продукты питания, финансирование, субсидия, банковский кредит, процентная ставка.

**Annotation.** *This article examines the role of agriculture in the country's economy, the importance of subsidization in its development, and traditional forms of financing. At the same time, the processes of allocating bank loans and subsidies from the state budget in the financing of agricultural activities were analyzed and appropriate conclusions were drawn.*

**Keywords:** *agriculture, intensive, agro-industry, food products, financing, subsidy, bank loan, interest rate.*

### Кириш

Ўзбекистонда амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ислохотлар таркибида миллий иқтисодиёт, шу жумладан, қишлоқ хўжалигининг иқтисодий салоҳиятидан кенгрок фойдаланиш орқали юқори ўсиш суръатларини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

БМТнинг Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги ташкилоти ҳисоб-китобларига кўра, дунё аҳолиси ўсишининг ҳозирги суръати 2050 йилга келиб 9,7 миллиард кишига кўтарилишини прогноз қилмоқда. Агар аҳоли сонининг ҳозирги ўсиши бир хил суръатда давом этса, аҳолининг калорияга бўлган талаби 70 фоизга ошади. Ривожланаётган мамлакатларда аҳоли ва ҳайвонлар озуқасига бўлган экинларга талаб қарийб икки баравар ошади [6]. Мутгасил ўсиб борувчи бундай талабни қондиришнинг бирдан-бир йўли қишлоқ хўжалигини интенсив ривожлантириш ва яратилган маҳсулотларнинг барчасини қайта ишлаш технологиялари комбинацияси ёки био-қайта ишлаш концепцияси орқали амалга ошириш занжирининг узилмаслиги учун уларни ўз вақтида молиявий таъминлаш энг катта муаммолардан биридир.

Бугун қишлоқ хўжалиги тармоғи – Ўзбекистон иқтисодиётининг етакчи тармоқларидан биридир. 2022 йил

яқунига кўра мамлакатимизда 888 трлн. сўмлик ялпи ички маҳсулот ишлаб чиқарилган бўлиб, 2021 йилга нисбатан солиштирганда 105,7 фоизни ташкил этмоқда [9]. Мамлакат аҳолисининг 2022 йил 1 январь ҳолатига қарийб 17,3 миллиони (жами аҳолининг 49,2 фоизи) қишлоқ ҳудудларида истикомат қилмоқда. Мамлакатда туғилиш даражаси юқори (23,3 промилле) ва шунга мос равишда қишлоқ жойларида ортиқча ишчи кучи мавжуд, 25 ёшгача бўлган одамлар аҳолининг 45,5 фоизини, 30 ёшгача бўлганлар эса 55 фоиздан кўпроғини ташкил этади [1].

Мамлакатимизда қишлоқ хўжалигининг ўзида кенг кўламли ўзгаришлар ва сифат жиҳатдан янгиланишлар юз бермоқда. Президентимиз Ш.М.Мирзиёев таъкидлаганларидек: Қишлоқ хўжалигини илмий асосда интенсив ривожлантириш орқали деҳқон ва фермерлар даромадини камида 2 баравар ошириш, қишлоқ хўжалигининг йиллик ўсишини камида 5 фоизга етказиш. Туманларни аниқ маҳсулот турини етиштиришга ихтисослаштириш. Қишлоқ хўжалигида давлат томонидан қўллаб-қувватлаш кўламини кенгайтириш ва суғурталашнинг янги механизмларини амалга ошириш. Янги ва фойдаланишдан чиққан 464 минг гектар майдонни ўзлаштириш ва кластерларга очиқ танлов асосида ажратиш. 200 минг гектар пахта ва ғалла майдонларини қисқартириш

хамда аҳолига очик танлов асосида узок муддатли ижарага бериш. Экспортбоп маҳсулотлар етиштириш ҳамда мева-сабзавотчиликни ривожлантириш, интенсив боғлар майдонини 3 баравар ва иссиқхоналарни 2 баравар кўпайтириб, экспорт салоҳиятини яна 1 миллиард АҚШ долларига ошириш [2] вазибаларининг белгилаб берилганлиги ушбу соҳада ҳал этилиши лозим бўлган асосий муаммолардан ҳисобланади.

Ушбу вазибаларни амалга оширишда кишлок хўжалигини ўз вақтида молиялаштиришда давлат бюджети маблағлари ҳисобидан субсидиялаш ҳамда банкларнинг аҳоли, тадбиркорлик субъектлари ва сармоя киритиш мумкин бўлган инвесторлар, шу жумладан, хорижий инвесторларнинг бўш пул маблағларини жалб қилиш орқали кредит операцияларини кўпайтириш ва уларнинг самарадорлигини ошириш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш долзарб масала ҳисобланади.

#### Мавзуга оид адабиётлар шарҳи

А.Боймуратовнинг хулосасига кўра, республикаميزдаги тижорат банклари томонидан кишлок хўжалиги ишлаб чиқарувчиларига тижорат банклари томонидан бериладиган кредитлар фоиз ставкасининг камида 25 фоизини давлат бюджетининг маблағлари ҳисобидан субсидиялашни жорий қилиш лозим [4] деган фикрга келган. Ушбу фикр жуда ҳам ўринли бўлиб, кишлок хўжалиги корхоналари етиштирган маҳсулотни ўзи режалаштирган нархларда сота олмаслиги оқибатида кредит тўловларини тўлашда муаммоларга дуч келмоқда.

Иқтисодчи олим Э.Шодмонов республикаميزдаги мавжуд кишлок хўжалиги корхоналарининг сезиларли қисмида молиявий ҳолатнинг беқарорлиги, инвестицион харажатларни молиялаштириш манбаларидан

фойдаланиш имкониятларининг жиддий тарзда чекланганлигини ҳисобга олиб, уларнинг фаолиятини лизинг асосида молиялаштириш амалиётини жорий қилиш лозим [5] деган фикрга келган.

Zhuang Zhang ва бошқаларнинг тадқиқотларида Хитой Молия вазирлиги кишлок хўжалигига кредит беришда банк учун кишлок хўжалиги кредитларини субсидиялаш сиёсатини амалга ошириб, банкнинг кредитлаш рискинни камайитишини тадқиқ қилган [7].


Peter Hazell ва Panos Varangisларининг фикрича, “кишлок хўжалигида нохуш натижаларга йўл қўймаслик учун ҳар қандай суғурта субсидияси ўзининг асосий мақсадига эришишда тежамкор бўлиши, рағбатлантирувчи муаммоларни минималлаштириш ва ҳукуматга ўсиб бораётган молиявий юк бўлиб қолмаслиги учун эҳтиёткорлик билан ишлаб чиқилиши ва амалга оширилиши зарур”, [10] деб таърифлайди.

#### Тадқиқот методологияси

Тадқиқот ишида анализ ва синтез, индукция ва дедукция, мантикий абстракция, иқтисодий-математик, тизимли таҳлил, статистик таҳлил, эмпирик баҳолаш, омили таҳлил, эксперт баҳолаш каби қатор тадқиқот усулларидан кенг фойдаланилган. Ушбу усуллар ёрдамида мавзуга оид илмий адабиётлар танқидий ўрганилди, амалдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тадқиқот ишини такомиллаштириш нуқтаи назаридан тадқиқ этилди, кишлок хўжалигини субсидиялаш мазмун ва шакл нуқтаи назаридан таҳлил қилинди. Шунингдек, аниқ фактлар асосида статистик ва молиявий ҳолат динамикасини акс эттириш, маълумотларни гуруҳларга ажратиш ҳамда индекс ва норматив усулларни ҳисобга олиб, уларнинг тузилишини ўрганиш асосида ижтимоий-иқтисодий ҳолатлар таҳлил этилган.

### Натижа ва муҳокама

Агросаноат мажмуи Ўзбекистон иқтисодиётининг муҳим тармоғи ҳисобланади. Соҳада олиб борилаётган ислохотлар ўзининг бир қатор ижобий натижаларини берди: экинлар структураси яхшиланди, аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш кафолатланди. Юртимизда экин майдонларини оптималлаштириш ва қишлоқ хўжалиги экинларини районлаштириш борасида ҳар томонлама пухта ўйланган сиёсат олиб борилаётгани энг муҳим хом ашё ва экспортбоп маҳсулот бўлмиш пахта етиштиришнинг нисбатан барқарор ҳажмини сақлаган ҳолда, бошқа қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштиришни бир неча баробар кўпайтириш имконини берди. Энг муҳими, халқимизни озиқ-овқат маҳсулотлари билан тўлиқ таъминлашга замин туғдирди, керак бўлса, уларни чет мамлакатларга экспорт қилишга имкон бермоқда.



**1-расм. 2018–2022 йилларда мамлакатимизда яратилган қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалигининг ЯИМдаги улуш динамикаси [9]**

1-расм маълумотлари таҳлили шуни кўрсатадики, 2022 йил якунларига кўра қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги маҳсулотлари ялпи ички маҳсулотдаги ҳажми 208,5 трлн. сўмни ёки 19 млрд. АҚШ долларини ташкил этиб, сўнгги беш йил мобайнида 1,7 баробар ошганини кўришимиз мумкин. Агар 2018 йилда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ялпи ички маҳсулотдаги ҳажми 113,3 трлн. сўмни ташкил этган бўлса, сўнгги йилларда ўсиш

тенденциясини номоён этган. 2022 йилда ушбу кўрсаткич 2018 йилга нисбатан 95,2 трлн. сўмга ошган. Бу шундан далolat берадики, юртимизда қишлоқ хўжалигини интенсив ривожлантириш ва ҳосилдорликни самарали параметрларига эришишга катта эътибор натижаси деб айтсак бўлади.


Бироқ ҳозирги кунга келиб дунёнинг энг долзарб муаммосига айланган аҳолини тоза сув ҳамда озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш муаммоси ер юзи аҳолисининг ижтимоий-психологик ҳолатига салбий таъсир этиш билан бирга, уларнинг даромадларини кескин камайтиришни ва ишсизликнинг ошишини келтириб чиқармоқда. Бу, ўз навбатида, кўпгина давлатлар иқтисодиётини инқирозли ҳолатларига дучор қилиш хавфини туғдирмоқда. Демак, мамлакат қишлоқ хўжалигини кўллаб-қувватлаш бевосита озиқ-овқат хавфсизлиги билан боғлиқ жараён ҳисобланади.

Озиқ-овқат таъминоти аҳоли фаровонлигида ва инфляцияни жиловлашда энг муҳим омиллардан бири саналади. Сўнгги йилларда озиқ-овқат маҳсулотларини етиштиришга 200 минг гектар ер ажратилгани ҳамда 500 минг гектар кўшимча ерлар фойдаланишга киритилган ички бозорда нарх-навони барқарор сақлаб туришга хизмат қилмоқда [8].



**2-расм. 2018–2022 йилларда мамлакатимизда қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми ва унинг аҳоли жон бошига ўсиш динамикаси [9]**

2-расм маълумотлари таҳлили шуни кўрсатадики, 2022 йил якунларига кўра қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги маҳсулотлари ҳажми 364,5 трлн. сўмни ташкил этиб, 2021 йил якунларига кўра 13,0 фоизга ёки 47,5 трлн. сўмга ошганлигини кўришимиз мумкин. Шундан қишлоқ хўжалигида 347,6 трлн. сўмлик маҳсулотлар ишлаб чиқарилганлиги аҳоли фаровонлигини таъминлашга хизмат қилмоқда. Шунингдек, қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмини аҳоли жон бошига 10,2 млн. сўмни (агар АҚШ доллари эквивалентида солиштирса 925 долларни) ташкил этиб, 2018 йил (5,9 млн. сўм ёки 734 АҚШ доллари)га нисбатан 1,7 баробар ёки 4,3 млн. сўм (191 АҚШ доллари)га ошганлигини кўришимиз мумкин.



**3-расм. 2021–2022 йилларда мамлакатимизда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқарувчилар тоифалари бўйича яратилган маҳсулотлар ўсиши [9]**


3-расм маълумотлари таҳлили шуни кўрсатадики, 2022 йил якунларига кўра хўжалик тоифаларига кўра ишлаб чиқариш ҳажмларининг энг катта улуши, яъни 62,2 фоизи деҳқон (шахсий томорқа) хўжаликлари ҳиссасига тўғри келган бўлса, 31,4 фоизи фермер хўжаликлари, қолган 6,4 фоизи бошқа ташкилотлар ҳиссасига тўғри келганлигини кўришимиз мумкин.

Бундан ташқари, қишлоқ хўжалиги иқтисодиётнинг энг кўп бошқариладиган

тармоқларидан бири ҳисобланади. Катта йирик қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчилари, деҳқонларнинг мулк ҳукуки, уларнинг фаолиятини тартибга солиш усуллари, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ва ишлаб чиқариш ресурслари ҳамда сектор учун хизматлар бозори ишлаб чиқиш доимо ислохотга муҳтож бўлиб қолмоқда.

Қишлоқ хўжалиги корхоналари молиясининг моҳияти, биринчи навбатда, қишлоқ хўжалигининг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиқади. Қишлоқ хўжалигида ер, чорва моллари ва бошқа табиий бойликлар ишлаб чиқариш жараёнига жалб этилган бўлиб, бу унинг иқтисодиётнинг бошқа тармоқларидан фарқланишига сабаб бўлади. Хусусан, қишлоқ хўжалигида асосий ишлаб чиқариш воситаси бўлган ер бошқа асосий воситалар сингари эскирмайди (амортизация қилинмайди) ва шу туфайли маҳсулот таннархини шакллантиришда иштирок этмайди. Шу билан бир вақтда, ер участкаларининг табиий унумдорлик даражаси ва жойлашган ўрни қишлоқ хўжалиги корхоналари дифференциал даромад (рента) ҳосил бўлишига сабаб бўлади. Бу ҳолат ишлатилаётган маблағларни 10–12 ой, баъзи ҳолларда 15–18 ойгача ушланиб қолишига сабаб бўлади ва бунинг натижасида хўжаликларнинг ўз маблағлари етишмайди.

4-расм маълумотлари таҳлили шуни кўрсатадики, 2022 йил якунларига кўра қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги маҳсулотлари ҳажми ҳудудлар кесимида энг юқори ўринни Самарқанд вилояти 43933 млрд. сўмни, ундан кейин Андижон вилояти 37404 млрд. сўмни ва Тошкент вилояти 35184 млрд. сўмни ташкил этмоқда. Шунингдек, энг кам ҳажми Сирдарё вилояти 12344 млрд. сўмни, Қорақалпоғистон Республикаси 14359 млрд. сўмни ва Навоий вилояти 16070,5 млрд. сўмни ташкил этганини кўришимиз мумкин.



4-расм. 2021–2022 йилларда ҳудудлар кесимида мамлакатимизда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг ҳажми, млрд. сўм [9]

Ўзбекистон Республикасида қишлоқ хўжалиги корхоналарини субсидиялашда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 12 июлдаги Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқарувчиларнинг моддий-техник базасини янада мустаҳкамлаш чоратадбирлари тўғрисида [3] ги 578-сонли қарори асос бўлиб хизмат қилади.

Қишлоқ хўжалиги корхоналарига субсидия фақат лизинг ёки кредит шартномаси тузилган кунда ишлаб чиқарилган муддати бир йилдан ошмаган янги қишлоқ хўжалиги техникаси учун ажратилиши белгилаб берилган.

Меъёрий ҳужжатларга кўра субсидиялар:

а) лизинг ёки кредит олувчилар томонидан қишлоқ хўжалиги техникасини шартномада кўрсатилган қийматининг 20 фоизидан кам бўлмаган миқдорда аванс тўланганда;

б) лизинг ёки кредит шартномаси Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг қайта молиялаш ставкасининг 1,5 бараваригача бўлган фоиз ставкасида расмийлаштирилганда ажратилади [3].

Қарз олувчига лизинг ҳамда кредит шартларида харид қилинган қишлоқ хўжалиги техникасининг фоиз тўловини қисман қоплаб бериш учун субсидия, лизинг ташкилоти, тижорат банки ва Жамғарма ўртасида тузиладиган Бош битимга мувофиқ ажратилади



Субсидия миқдори қарз олувчи ва лизинг ташкилоти ёки тижорат банки ўртасида тузиладиган шартнома шартларида акс эттирилиши шарт



Субсидия лизинг ҳамда кредит шартларида харид қилинган қишлоқ хўжалиги техникасининг камида 1 йиллик кафолат муддати, шунингдек, ушбу техника учун Ўзбекистон Республикаси ҳудудида сервис хизмати кўрсатувчи марказлар бўлганда лизинг ташкилоти ёки тижорат банкининг фоиз тўловларини қисман қоплаб бериш учун ажратилади



Қарз олувчининг лизинг ёки кредит фоизини қоплаш учун субсидия тижорат банки ва лизинг ташкилоти томонидан белгиланган фоиз ставкасининг 10 фоизлик пункти миқдоридан ажратилади



Бунда, лизинг ёки кредит шартномаси Ўзбекистон Республикаси Марказий банки қайта молиялаш ставкасининг 1,5 бараваригача бўлган фоиз ставкаси билан ҳайдов тракторлари учун 5 – 7 йил муддатга, чопиқ, транспорт, боғдорчилик тракторлари, уч ва ундан ортиқ корпусли айланма оочлар ҳамда кўп вазифали пневматик ва механик сеялкалар учун 3 – 5 йил муддатга расмийлаштирилган бўлиши лозим

5-расм. Субсидия маблағларининг ажратилиш механизми [3]



1-жадвал

## Қишлоқ хўжалиги соҳасини ривожлантириш мақсадида ажратилган субсидиялар динамикаси [9]

Т/р		2021 йил			2022 йил		
		олувчилар сони	лойиҳа сони	ажратилган субсидия	олувчилар сони	лойиҳа сони	ажратилган субсидия
	<b>Жами</b>	<b>13 999</b>	<b>14 548</b>	<b>1 253 435</b>	<b>16 136</b>	<b>14 973</b>	<b>261 971</b>
1	Юридик шахслар	5 444	5 884	1 168 070	5 597	4 434	170 132
2	Жисмоний шахслар	8 555	8 664	85 365	10 539	10 539	91 840

1-жадвал маълумотлари таҳлили шуни кўрсатадики, қишлоқ хўжалиги соҳасини ривожлантириш мақсадида ажратилган субсидиялар миқдори ҳам, сони ҳам ошиб бораётганлигини кўришимиз мумкин, 2022 йилда жами 16136 та олувчига 14973 лойиҳаларига 261971 млрд. сўм миқдорига субсидиялар ажратилди. 2021 йил билан солиштирилганда олувчилар сони 2137 га ошган бўлса, лойиҳалар сони 425 тага ошганлигини кўришимиз мумкин.

## Хулоса

Хулоса ўрнида, агросаноат мажмуи Ўзбекистон иқтисодиётининг муҳим тармоғи ҳисобланади. Соҳада олиб борилаётган ислохотлар ўзининг бир қатор ижобий натижаларини берди: экинлар структураси яхшиланди, аҳолини озик-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш кафолатланди.

Қишлоқ хўжалигида деҳқон-фермер ва бошқа хусусий тадбиркорлик фаолиятининг кенгайиши аграр соҳа ва тармоқларини ялпи маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмидаги салмоғининг ошиши орқали ҳам намоён бўлади. Мазкур соҳанинг мамлакат иқтисодиётининг етакчи бўғинларидан бирига айланишида мамлакатимиз ҳукумати томонидан қишлоқ хўжалигида тадбиркорлик соҳаси ривожланишини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, шу жумладан, бизнесни юритиш билан боғлиқ барча жараёнларни

янада либераллаштириш, соддалаштириш ва арзонлаштириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини молиявий қўллаб-қувватлаш борасида амалга оширилаётган чора-тадбирлар муҳим роль ўйнамоқда.

Шунингдек, деҳқон ва фермер хўжаликларини етиштирган маҳсулотлари нархи тушиб кетганда давлат бюджетидан субсидия бериш орқали харажатларни қоплаб бериш таҳлиллар натижасида маълум бўлди.

Ўтказилган таҳлиллар натижасида мамлакатимизда 2020 йил 15 мартдан бошлаб банклар томонидан фермер хўжаликлари, пахта-тўқимачилик кластерлари, кооперациялар, шунингдек, элита уруғчилик хўжаликлари томонидан пахта хом ашёси етиштириш харажатларини молиялаштириш учун кредитлар қишлоқ хўжалигини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш жамғармаси маблағлари ҳисобидан ажратилади. Республика бюджетидан, эҳтиёжга қараб, ушбу мақсадлар учун 700 млрд сўмгача маблағ ажратилиши белгилаб берилганлиги қишлоқ хўжалиги ривожини учун катта имкониятдир.

Шунингдек, амалга оширилган таҳлиллар натижасида, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштирувчиларни молиявий қўллаб-қувватлаш мақсадида субсидия ажратишда куйидаги таклифлар ишлаб чиқилди:

1. Қишлоқ хўжалиги корхоналарига



берилган субсидия маблағлари мақсадсиз сарфланганлиги аниқланганда, уларни Марказий банкнинг асосий ставкасида ҳисобланган фоиз тўловлари билан бирга қайтариш амалиётини жорий этиш зарур.

2. Дехқон ва фермер хўжалиklarини ишлаб чиқарган (етиштирган) маҳсулотлари прогноз қилган нархлардан тушиб кетганда давлат бюджетидан субсидия ажратиш орқали харажатларни қоплаб бериш.

3. Қишлоқ хўжалиги тузилмаларини ривожлантириш учун ажратилаётган субсидиялар самарадорлигини ошириш мақсадида уларни сонини оптималлаштириш лозим.

4. Қишлоқ хўжалиги секторидан энг юқори самарадорликка эга бўлган илмий тадқиқот лойиҳаларини субсидиялаш орқали молиялаштириш.

5. Замонавий инновацион ишланмалар ва лойиҳаларни амалиётга татбиқ этиш истагида бўлган фермер хўжалиklари учун давлат улуши мавжуд бўлган тижорат банклари томонидан имтиёзли кредитлаш дастурларини йўлга қўйиш.

6. Қишлоқ хўжалиги корхоналари олган хорижий валютадаги кредитларининг валюта курси ўсиши фарқидан юзага келган зарар суммасини субсидиялаш орқали уларни молиявий барқарорлигини таъминлаш лозим.

#### ФЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020-2030 йилларга мўлжалланган стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5853-сонли Фармони.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги “2022–2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги ПФ-60-сон Фармони.
3. <https://lex.uz/docs/4416988> Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори, 12.07.2019 йилдаги 578-сон.
4. Боймуратов А.Ж. “Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини тижорат банклари томонидан кредитлаш амалиётини такомиллаштириш йўллари” мавзусидаги и.ф.н. илмий даражасини олиш учун ёзилган дис. Автореферати. – БМА, 2008. – 22 б.
5. Шодмонов Э.Ш. Ўзбекистонда аграр ислохотларни чуқурлаштиришда банклар фаоллигини оширишнинг йўналишлари. и.ф.н. илм. дар. олиш учун ёзилган дисс. Автореферат. – БМА, 2005. – б.
6. <https://www.sciencedirect.com/science/article/abs/pii/S092180092200064> Feroz Khan, Yousaf Ali «Moving towards a sustainable circular bio-economy in the agriculture sector of a developing country» Ecological Economics Volume 196, June 2022, 107402;
7. [www.sciencedirect.com/science/article/abs/pii/S2352550923000726](http://www.sciencedirect.com/science/article/abs/pii/S2352550923000726) Zhuang Zhang, Yun Tian, You-Hua Chen “Can agricultural credit subsidies affect county-level carbon intensity in China?” Sustainable Production and Consumption Volume 38, June 2023, Pages 80-89.
8. «Янги Ўзбекистон» ижтимоий-сиёсий газетаси. № 57 (846) 2023 йил 24 март. «Қишлоқ хўжалигидаги вазифалар муҳокама қилинди».
9. Муаллиф ҳисоб-китоблари (Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги статистика агентлиги ва Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги маълумотлари асосида).
10. Peter Hazell, Panos Varangis “Best practices for subsidizing agricultural insurance”. Global Food Security Volume 25, June 2020, 100326. <https://www.sciencedirect.com/science/article/abs/pii/S2211912419300458>

UO‘T 339.9(31)

**Hayitova Nigora Ilxomovna,**  
*Toshkent moliya instituti,  
“Statistika va ekonometrika”  
kafedrası mustaqil izlanuvchisi*

---

**TASHQI SAVDO INDIKATORLARINING IQTISODIY O‘SISHGA  
TA’SIRINING STATISTIK TADQIQI**

---

**Хайитова Нигора Ильхомовна,**  
*независимый исследователь кафедры  
«Статистика и эконометрика» ТФИ  
Ташкентский финансовый институт*

---

**ВОПРОСЫ СТАТИСТИЧЕСКОГО ИЗУЧЕНИЯ ВЗАИМОСВЯЗИ  
ВНЕШНЕЙ ТОРГОВЛИ И ЭКОНОМИЧЕСКОГО РОСТА**

---

**Khayitova Nigora Ilxomovna,**  
*independent researcher of the Department  
“Statistics and Econometrics”  
Tashkent institute of finance*

---

**STATISTICAL RESEARCH OF THE EFFECT OF FOREIGN TRADE  
INDICATORS ON ECONOMIC GROWTH**

---

**Annotatsiya.** *Maqolada tashqi savdoning mamlakat iqtisodiyotida tutgan o‘rni va yalpi ichki maxsulotga ta’siri ko‘rsatkichlari bayon qilingan. Shu bilan birga, tashqi savdo rivojlanishining hozirgi holati, eksport va import hajmi hamda ularning tashqi savdo aylanmasidagi salmog‘i va dinamikasi ko‘rsatkichlari indeks metodi yordamida tahlil etilgan. Tadqiqot natijalaridan kelib chiqqan holda tegishli xulosalar qilingan va takliflar berilgan.*

**Tayanch so‘zlar:** *tashqi savdo, eksport, import, iqtisodiy o‘shish, YIM, indeks, ilgarilash koeffitsiyenti.*

**Аннотация.** *В статье излагается роль внешней торговли в экономике страны и показатели ее влияния на валовой внутренний продукт, при этом анализируется текущее состояние развития внешней торговли, объемы экспорта и импорта и их вес во внешнеторговом обороте, а также показатели динамики с помощью индексного метода. На основании результатов исследования делаются соответствующие выводы и даются предложения.*

**Ключевые слова:** *внешняя торговля, экспорт, импорт, экономический рост, ВВП, индекс, коэффициент продвижения.*

---

**Annotation.** *The role of foreign trade in the country's economy and the indicators of its influence on the gross domestic product are described in the article, while the current state of foreign trade development, the volume of exports and imports, their weight in the foreign trade turnover, and their dynamics are analyzed using the index method. Based on the results of the research, relevant conclusions are presented and suggestions are made.*

**Key words:** *Foreign trade, export, import, economic growth, GDP, index, development rate.*

### Kirish

Mamlakat iqtisodiyotining rivojlani-shida tashqi savdo aylanmasi muhim o'rin egallashi, mazkur ko'rsatkichning iqtisodiy o'sishga ta'sirini statistik tadqiq etishni taqozo etadi. Qayd qilingan ikkita ko'rsatkichning o'zaro bir-biri bilan qanday bog'langanligi to'g'risida xulosalar chiqarish bo'yicha turli ilmiy tadqiqot ishlari mavjud. Iqtisodiy o'sish mahsulot va xizmatlarni ishlab chiqarishda qo'shilgan qiymat hajmini muttasil ko'paytirib borish jamiyat taraqqiyotida texnologik, iqtisodiy va ijtimoiy tavsiflarning yaxshilanib borishini anglatib, mamlakatning real yalpi ichki mahsulot (YIM)ining oshishiga xizmat qiladi. Tashqi savdo aylanmasi – muayyan davr uchun mamlakat eksporti va importi qiymatining miqdorini ifodalaydi. Tovarlarining tashqi savdo statistikasi O'zbekiston Respublikasi bojxona hududiga olib kirish (import) yoki olib chiqish (eksport) natijasida mamlakatda moddiy resurslari zaxiralari qo'shiladigan yoki ulardan ayirib tashlanadigan tovarlar hisobini tashqi savdo umumiy hisob tizimi asosida yuritiladi[1]. Respublikamizda dastlabki ma'lumotlariga ko'ra, 2022-yilda iqtisodiy o'sish o'tgan yilga nisbatan 105,7 foizni, tashqi savdo aylanmasi 118,7 foizni tashkil qilgan. Bu ko'rsatkichlarni o'zaro taqqoslash natijasida tashqi savdo mamlakatning iqtisodiy o'sishiga qaraganda tezlashgan deb xulosa qilish bilan birga, eksport va import o'rtasidagi nisbatlarga razm solish darkor. Shu sababli fikrimizcha, yalpi ichki mahsulotga tashqi savdoning ta'sirini o'rganishda ijobiy va salbiy ko'rsatkichlarni aniqlab olish zarur bo'ladi.

### Mavzuga oid adabiyotlar sharhi

Mazkur mavzuga doir ko'pgina ilmiy ishlar chop etilgan bo'lib, mualliflar o'zlarining tadqiqot yo'nalishidan kelib chiqqan holda tegishli xulosa va takliflar taqdim etgan. Tashqi savdoning iqtisodiy ko'rsatkichlarga ta'siriga, xususan, iqtisodiy o'sishga qaratilgan empirik tadqiqotlar ko'plab mamlakatlarda amalga oshirildi. Bunda tadqiqotlarning aksariyati statistik yoki ekonometrik usullardan foydalanish jarayonida tashqi savdoning mamlakat yalpi ichki mahsulot (YIM)iga ijobiy ta'sir qiladi, degan fikrlarni ilgari surishgan. Jumladan, Belloumi va Alshehry[5] o'zlarining tadqiqot ishida ko'p yillik ma'lumotlar asosida xalqaro savdo mamlakatning iqtisodiy o'sishini rag'batlantirishda muhim rol o'ynashi mumkinligini isbotlagan bo'lsa, Frankel va Romer[6] o'z tadqiqotlarida 63 mamlakat misolida tashqi savdoning rivojlanishi YIMga ta'siri ijobiy bo'lganligini aniqlab, vektor xato tuzatish modeli yordamida eksportning YIMga ta'sirini o'rganish modelini taklif qilgan. Andrea Sujova[7] hammuallifdagi ilmiy ishda tashqi savdodagi eksportning mamlakat iqtisodiyotining o'sishiga ta'sirini isbotlab bergan. Respublikamiz tadqiqotchilaridan E.Yuldashev[8] va X.Xo'jaqulov[9]lar o'zining ilmiy ishlarida statistika va ekonometrikaning usullaridan foydalanib, umumiy xulosalar taqdim etgan. Biroq, ko'pchilik tadqiqotchilarning mavzuga oid ilmiy ishlarida statistik usullardan, jumladan, indeks usulidan kam foydalanilgan. Shunga ko'ra ilmiy ishimizda ayrim statistik usullardan kengroq foydalanishni maqsad qilib oldik.

### Tadqiqot metodologiyasi

Tadqiqotning metodologik asosini O‘zbekiston Respublikasining 2021-yil 11-avgustdagi “Rasmiy statistika to‘g‘risida”gi va 2000-yil 26-maydagi “Tashqi iqtisodiy faoliyat to‘g‘risida”gi qonunlari, O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2020-yil 3-avgustdagi “O‘zbekiston Respublikasi milliy statistika tizimi faoliyatini takomillashtirish chora-tadbirlari to‘g‘risida”gi PQ-4796-son qarori hamda O‘zbekiston Respublikasi Davlat statistika qo‘mitasining 2019-yil 18-yanvardagi 1-son “Tovarlar tashqi savdo statistikasi hisobini tashkil etish uslubiy qo‘llanmasi” asosida belgilangan ustuvor vazifalardan kelib chiqib, tashqi iqtisodiy faoliyatda o‘rganilayotgan ijtimoiy-iqtisodiy jarayonlarni qamrab olishni kengaytirishga qaratilgan statistik ma‘lumotlarni yig‘ish va qayta ishlashda zamonaviy statistik uslublarni keng joriy etish maqsadida tadqiqot jarayonida tahlil va sintez, statistik jadval va grafiklar, nisbiy va o‘rtacha miqdorlar, dinamika qatorlari, statistik indekslar kabi usullardan keng foydalanildi.

### Natija va muhokoma

Respublikamizda pandemiyadan keyingi davrda iqtisodiy o‘shish borasida ijobiy siljishlar yuz bermoqda. Dastlabki ma‘lumotlarga ko‘ra, 2022-yilda O‘zbekiston Respublikasi yalpi ichki mahsuloti hajmi joriy narxlarida 888341,7 mlrd. so‘mni tashkil etib, 2021-yilga nisbatan qo‘shimcha o‘shish sur‘ati 5,7 foizga teng bo‘ldi. Mamlakatimizda so‘nggi yillarda amalga oshirilayotgan eksportni rag‘batlantirish, importni optimallashtirish va umuman olganda, tashqi savdo muvozanatini ta‘minlash maqsadida amalga oshirilgan chora-tadbirlar natijasida tashqi savdo aylanmasi 2022-yilda 50,0 mlrd. AQSH dollariga yetishi va 2021-yilga nisbatan 18,7 foizga oshishi ta‘minlandi[2]. Bu

ko‘rsatkichlar mamlakat tarixida eng yuqori bo‘lganligidan dalolat beradi. Yaqqolroq tasavvurga ega bo‘lish uchun ma‘lumotlarni grafikda aks ettiramiz (1-rasm). Eksportni rag‘batlantiruvchi omillar qatoriga turli huquqiy va iqtisodiy omillarni qo‘shish mumkin. Huquqiy omillar eksportyorlarning erkin faoliyat ko‘rsatishini ta‘minlasa, iqtisodiy omillar, ya‘ni turli soliq va bojxona imtiyozlari, subsidiya va dotatsiyalar eksport qilishga bo‘lgan manfaatdorlikni oshiradi. Import o‘rnini bosuvchi tovarlarni ishlab chiqarish mamlakatdan valyuta chiqib ketishining oldini oladi. Ta‘kidlash joizki, mamlakatimizda bugungi kunda eksportchi korxonalarni qo‘llab-quvvatlash maqsadida eksportga chiqayotgan mahsulotlari uchun yagona soliq va foyda solig‘idan ozod etilishi, ular qo‘shilgan qiymat solig‘ini qaytarib olish imkoniyatiga ega bo‘lishi eksport salohiyatining yuksalishiga zamin yaratadi.



**1-rasm. O‘zbekistonda 2010–2022 yillarda yalpi ichki mahsulot va tashqi savdo aylanmasining o‘zgarish sur‘ati ko‘rsatkichlari (oldingi yilga nisbatan, foizda)<sup>1</sup>**

Mamlakatimizda 2010-2022-yillarda YIM hajmi o‘tgan davrga nisbatan muntazam ravishda o‘shib borgan bo‘lsa-da, ayrim yillarda jadallashish sur‘ati pasaygan (1-rasm). Grafikdagi ma‘lumotlarga ko‘ra, 2022-yilda 2010-yilga nisbatan iqtisodiy

<sup>1</sup> O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti huzuridagi Statistika agentligi ma‘lumotlari asosida muallif ishlanmasi.

o'sish 2,06 barobarga, tashqi savdo aylanmasi 2,25 martaga ortgan bo'lib, ayrim yillarda tashqi savdo aylanmasi o'sish sur'atining pasayishi kuzatilgan. Umuman olganda, 2010–2022-yillarda iqtisodiy o'sishga nisbatan tashqi savdo aylanmasi 1,09 barobarga (2,25:2,06) ilgarilagan. Bu natija salbiy yoki ijobiy deyishimiz uchun tashqi savdo aylanmasi tarkibini bilish muhimdir. Savdo balansida eksportning ulushi 2010-yilda 58,7 foizni, 2022-yilda esa 38,5 foizni tashkil etib, 2010-yilda mazkur ko'rsatkich ijobiy holatni ifodalagan bo'lsa, 2016-yildan boshlab tashqi savdo balansida defitsit vujudga kelib, uning miqdori oshib borgan. Xuddi shunday holat tashqi savdo

aylanmasining MDH va boshqa davlatlar bilan aloqasida ham namoyon bo'lmoqda (1-jadval). MDH davlatlarining tashqi savdo aylanmasida eksportning ulushi 2010-yilda 60,3 foizni, import hissi esa 39,7 foizni tashkil etgan bo'lsa, boshqa xorijiy davlatlar bo'yicha mos ravishda, 57,5 va 42,5 foizga teng bo'lgan. 2022-yilga kelib MDH davlatlari bo'yicha tashqi savdo aylanmasida eksport hissi 39,4 foizga, import hissi esa 60,6 foizga, boshqa davlatlar bo'yicha esa mos ravishda 38,0 va 62,0 foizga teng bo'lgan. Fikrimizcha, bunday holatda aniqroq xulosa chiqarish uchun eksport va import hajmining iqtisodiy o'sishga ta'sirini chuqurroq tahlil qilish talab etiladi.

*1-jadval*

**O'zbekiston Respublikasida tashqi savdo faoliyati ko'rsatkichlari, mln. AQSH dollarida<sup>2</sup>**

Ko'rsatkichlar	YILLAR								
	2010	2015	2016	2017	2018	2019	2020	2021	2022
<b>Tashqi savdo aylanmasi</b>	<b>22 199,2</b>	<b>24 924,2</b>	<b>24 232,2</b>	<b>26 566,1</b>	<b>33 429,9</b>	<b>41 751,0</b>	<b>36 256,1</b>	<b>42 170,5</b>	<b>50 061,5</b>
eksport	13 023,4	12 507,6	12 094,6	12 553,7	13 990,7	17 458,7	15 102,3	16 662,8	19 293,7
import	9 175,8	12 416,6	12 137,6	14 012,4	19 439,2	24 292,3	21 153,8	25 507,7	30 767,8
<i>savdo balansi saldosi</i>	3 847,6	91,0	-43,0	-1 458,7	-5 448,5	-6 833,6	-6 051,5	-8 844,9	-11 474,0
<b>shu jumladan: MDH davlatlari bilan</b>	<b>9 369,2</b>	<b>9 548,9</b>	<b>8 388,1</b>	<b>9 084,6</b>	<b>12 144,4</b>	<b>14 461,8</b>	<b>11 826,4</b>	<b>15 920,4</b>	<b>19 954,8</b>
eksport	5 647,7	5 230,3	4 338,3	4 080,1	5 003,1	6 234,0	4 106,4	5 433,8	7 867,0
import	3 721,5	4 318,6	4 049,8	5 004,5	7 141,3	8 227,8	7 720,0	10 486,6	12 087,7
<i>savdo balansi saldosi</i>	1 926,2	911,7	288,5	-924,4	-2 138,2	-1 993,8	-3 613,6	-5 052,8	-4 220,7
<b>Boshqa davlatlar bilan</b>	<b>12 830,0</b>	<b>15 375,3</b>	<b>15 844,1</b>	<b>17 481,5</b>	<b>21 285,5</b>	<b>27 289,2</b>	<b>24 429,6</b>	<b>26 250,1</b>	<b>30 106,7</b>
eksport	7 375,7	7 277,3	7 756,3	8 473,6	8 987,6	11 224,7	10 995,8	11 229,0	11 426,7
import	5454,3	8 098,0	8 087,8	9 007,9	12 297,9	16 064,5	13 433,8	15 021,1	18 680,0
<i>savdo balansi saldosi</i>	1 921,4	-820,7	-331,5	-534,3	-3 310,3	-4 839,9	-2 437,9	-3 792,1	-7 253,4

<sup>2</sup> O'zbekiston Respublikasi Prezidenti huzuridagi Statistika agentligi ma'lumotlari asosida muallif ishlanmasi.

Mamlakatimizning tashqi savdo aylanmasida 2022 yilda 2010 yilga nisbatan eksportning hajmi 1,48 martaga, import hajmi esa 3,35 martaga oshganligi yoki importning eksportga nisbatan qariyb 2,3 barobarga ziyod bo'lgani, mamlakat budjeti defitsitiga ham o'zining salbiy ta'sirini ko'rsatmasdan qolmaydi.

Tashqi savdoning statistik ko'rsatkilari tizimi ushbu faoliyatni yaxlit holda o'rganish, tahlil qilish va prognozlash imkonini beradi. Ushbu ko'rsatkichlarning natijalariga qarab, mamlakat tashqi savdoda qaysi yo'nalishlarga alohida e'tibor qaratishi lozimligi va eksportni rivojlantirishning istiqboldagi holatlari bo'yicha iqtisodiy qarorlar qabul qilishi mumkin.

Eksport faoliyatiga ta'sir etuvchi asosiy omillar miqdor va narx omili bo'lib, ushbu omillar mamlakat eksportining kelajakdagi holatiga to'g'ridan-to'g'ri ta'sir ko'rsatadi. Ikki xil holatda mamlakat eksportdan keladigan valyuta tushumlarini oshirishi mumkin:

- eksport qilinayotgan mahsulot miqdorini oshirish;
- tovarlarni tashqi bozorga yuqori narxlarda sotish.

Yuqoridagi har ikki omil ham jahon bozoridagi talab va taklifga bog'liq bo'ladi.

Eksport salohiyati rivojlanishini o'rganishning ko'rsatkichlaridan biri bo'lib, eksportga ixtisoslashuv indeksi hisoblanadi. U muayyan tovarning bir birlik importiga mazkur tovarning qancha eksporti mos kelishligini anglatadi. Masalan, 2022-yilda oziq-ovqat mahsulotlarining O'zbekiston eksportidagi ulushi 8,5 foizni, importdagi ulushi esa 11,0 foizni tashkil qilgan. U holda eksportga ixtisoslashuv indeksi 2021-yilda 0,773 ga (8,5:11,0), 2010-yilda 0,924 ga teng bo'lganligi va uning qiymati 2022-yilda 16,4 foiz bandga pasayganligi, O'zbekiston oziq-ovqat mahsulotlari bo'yicha eksporga emas, balki importga ixtisoslashganligidan dalolat beradi.

Tashqi savdo eksportining to'liq samaradorligi indeksini aniqlash ham muhimdir. Agar eksportdan tushgan valyuta tushumlari eksport tovarlarini ishlab chiqarish uchun qilingan xarajatlardan ko'p yoki aksincha kam bo'lsa, mamlakatning tashqi savdo faoliyati samarali yoki samarasiz hisoblanadi.

Umuman olganda, xalqaro iqtisodiy munosabatlarning rivojlanishi, mamlakat tashqi savdosida eksport va importning barqaror iqtisodiy o'sishini ta'minlashga, pirovardida mamlakatimiz taraqqiyotini yuksaltirish, xalqimiz farovonligini oshirishga xizmat qiladi.

2-jadval

2010–2022-yillarda mamlakat tashqi savdo aylanmasining o'zgarish sur'ati (o'tgan yilga nisbatan, foizda)<sup>3</sup>

Ko'rsatkichlar	YILLAR									2022-yilda 2010-yilga nisbatan
	2010	2015	2016	2017	2018	2019	2020	2021	2022	
<b>Tashqi savdo aylanmasi</b>	<b>104,7</b>	<b>90,5</b>	<b>97,2</b>	<b>109,6</b>	<b>125,8</b>	<b>124,9</b>	<b>86,8</b>	<b>116,3</b>	<b>118,7</b>	<b>225,2</b>
eksport	110,6	92,3	96,7	103,8	111,4	124,8	86,5	110,3	115,8	147,9
import	97,2	88,8	97,8	115,4	138,7	125,0	87,1	120,6	120,6	335,5
<i>Savdo balansı saldosi</i>	<i>113,8</i>	<i>103,9</i>	<i>98,9</i>	<i>89,9</i>	<i>80,3</i>	<i>99,9</i>	<i>99,3</i>	<i>91,5</i>	<i>96,0</i>	<i>44,1</i>

<sup>3</sup> O'zbekiston Respublikasi Prezidenti huzuridagi Statistika agentligi ma'lumotlari asosida muallif ishlanmasi.



<b>Shu jumladan, MDH davlatlari bilan</b>	<b>117,0</b>	<b>79,0</b>	<b>87,8</b>	<b>108,3</b>	<b>133,7</b>	<b>119,1</b>	<b>81,8</b>	<b>134,6</b>	<b>125,3</b>	<b>212,8</b>
eksport	144,0	77,2	82,9	94,0	122,6	124,6	65,9	132,3	144,8	139,1
import	91,0	81,2	93,8	123,6	142,7	115,2	93,8	135,8	115,3	324,7
Savdo balansi saldosi	97,2	99,6	103,0	110,3	121,8	128,2	89,5	107,5	114,7	234,6
<b>Boshqa davlatlar bilan</b>	<b>94,0</b>	<b>107,4</b>	<b>106,6</b>	<b>109,2</b>	<b>106,1</b>	<b>124,9</b>	<b>98,0</b>	<b>102,1</b>	<b>101,8</b>	<b>159,6</b>
eksport	102,0	93,5	99,9	111,4	136,5	130,6	83,6	111,8	124,4	339,3
import	120,4	79,3	85,2	98,2	109,8	92,9	91,3	125,3	109,3	90,7
Savdo balansi saldosi	153,2	71,9	77,8	86,1	115,6	99,8	67,2	129,6	142,3	87,2

Tahlillarimiz shundan dalolat bermoqdaki, so'nggi yillarda import hajmining oshishi iqtisodiy o'sishga salbiy ta'sir doirasi kuchayotganligidan darak beradi. Shu o'rinda yurtimizda import o'rnini bosuvchi tovar va xizmatlarni ko'proq ishlab chiqarishni yo'lga qo'yish lozim deb hisoblaymiz.

### Xulosa

O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2022-yil 28-yanvarda qabul qilingan "2022–2026-yillarga mo'ljallangan Yangi O'zbekistonning taraqqiyot strategiyasi to'g'risida" gi Farmonida qo'shni davlatlar bilan chegara hududlarda erkin savdo zonalari faoliyatini yo'lga qo'yish orqali tashqi savdo aylanmasining hajmini ko'paytirib, iqtisodiy o'sish imkoniyatlarini oshirish hamda tashqi savdo yo'nalishlarini diversifikatsiya qilish natijasida eksport hajmlari va geografiasini kengaytirish maqsadlari qo'yilgan. Mazkur maqsadlarga erishishda davlat tomonidan ishlab chiqilgan chora-tadbirlar bilan birgalikda mavjud holatlarni tahlil qilish uchun ilmiy tadqiqotlar olib borish zarurdir.

Mazkur ilmiy maqolada keltirilgan tahlil va natijalardan kelib chiqib quyidagi xulosalarga kelindi:

– mamlakat iqtisodiy o'sishida tashqi savdoning o'rnini to'g'ri baholash uchun empirik ma'lumotlardan keng foydalangan holda ilmi-tadqiqot ishlari ko'lamini kengaytirish;

– tashqi savdo va iqtisodiy o'sish o'rtasidagi bog'liqlikni o'rganishda statistik va ekonometrik usullardan keng foydalanib xulosalar chiqarish;

– respublikada tashqi savdo siyosatini takomillashtirish yo'nalishlarini aniqlab olish;

– tashqi savdo to'g'risidagi axborotlar bazasini takomillashtirish;

– tashqi savdo faoliyatiga ta'sir etuvchi keng qamrovli ko'rsatkilari tizimini ishlab chiqish;

– tashqi savdoning tarmoq tarkibini statistik baholash;

– Xerfindal- Xirshman indeksi yordamida tashqi savdoda hududlar raqobatbardoshligini baholash;

– tashqi savdoning samaradorlik ko'rsatkilarini takomillashtirishning asosiy yo'nalishlarini aniqlash kabilar.

## ФЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЙОТЛАР РО‘УХАТИ

1. O‘zbekiston Respublikasining 2021-yil 11-avgustdagi “Rasmiy statistika to‘g‘risida” gi qonuni, O‘RQ-707-son.
2. O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2020-yil 3-avgustdagi “O‘zbekiston Respublikasi milliy statistika tizimi faoliyatini takomillashtirish chora-tadbirlari to‘g‘risida” gi PQ-4796-son qarori.
3. O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2022-yil 28-yanvardagi “2022—2026-yillarga mo‘ljallangan Yangi O‘zbekistonning taraqqiyot strategiyasi to‘g‘risida” gi PF-60-son Farmoni.
4. O‘zbekiston Respublikasi Davlat statistika qo‘mitasining 2019 yil 18 yanvardagi “Tovarlar tashqi savdo statistikasi hisobini tashkil etish uslubiy qo‘llanmasi”. 1-son.
5. Belloumi, Mounir, and Atef Alshehry. 2020. The Impact of International Trade on Sustainable Development in Saudi Arabia. *Sustainability* 12: 5421.
6. Andrea Sujova, Lyubica Simanova, Vaclav Kupcak, Jarmila Schmidtova and Adriana Lukacikova. 2021. Effects of Foreign Trade on the Economic Performance of Industries—Evidence from Wood Processing Industry of Czechia and Slovakia. *Economies* 2021, 9, 180. <https://doi.org/10.3390/economies9040180>
7. Yuldashev E. O‘zbekistonda tovar va xizmatlar tashqi savdosi dinamikasining statistik tahlili. Davlat statistika qo‘mitasi huzuridagi Kadrlar malakasini oshirish va statistik tadqiqotlar institutining “O‘zbekiston statistika axborotnomasi” ilmiy elektron jurnali. 2022-yil, 4-son.
8. Xo‘jaqulov X. Hududlarning eksport salohiyatini statistik baholash metodologiyasini takomillashtirish. Monografiya. T.:Navruz, 2018
9. [www.stat.uz](http://www.stat.uz) - O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti huzuridagi Statistika agentligi rasmiy sayti.

УДК 330.33

Азиза Тохировна Ахмедова,

*и.о.доц.*

*Самаркандский институт экономики и сервиса*

**ПОДХОДЫ И МОДЕЛИ ФОРМИРОВАНИЯ ФИНАНСОВО-  
ЭКОНОМИЧЕСКОГО МЕХАНИЗМА ОБЕСПЕЧЕНИЯ  
ИНВЕСТИЦИОННОЙ ПРИВЛЕКАТЕЛЬНОСТИ ТЕРРИТОРИИ**

**Aziza Tokhirovna Akhmedova,**

*Assoc. etc.*

*Samarkand Institute of Economics and Service*

**APPROACHES AND MODELS FOR FORMING A FINANCIAL  
AND ECONOMIC MECHANISM TO ENSURE THE INVESTMENT  
ATTRACTIVENESS OF THE TERRITORY**

**Aziza Toxirovna Axmedova,**

*dots. v.b.*

*Samarqand iqtisodiyot instituti va xizmati*

**HUUDUNING INVESTITSION JOZIBADORLIGINI TA'MINLASHDA  
MOLIYAVIY-IQTISODIY MEXANIZMNI SHAKLLANTIRISH  
YONDASHUVLARI VA MODELLARI**

**Аннотация.** В статье рассмотрены трактовки термина «инвестиционная привлекательность» территории, изложены подходы к определению значения финансово-экономического механизма обеспечения инвестиционной привлекательности территории. Сформированы подходы и модель финансово-экономического механизма обеспечения инвестиционной привлекательности территории и даны конкретные предложения по ее совершенствованию.

**Ключевые слова:** инвестиционная привлекательность, финансово-экономический механизм, инвестиционный потенциал, инвестиционный климат, инвестиционный риск, инвестиционная политика, объекты, субъекты, инструменты, инвестиционная активность.

**Annotatsiya.** Maqolada hududning «investitsion jozibadorligi» atamasining talqini, hududning investitsion jozibadorligini ta'minlashning moliyaviy-iqtisodiy mexanizmining qiymatini aniqlashga yondashuvlar ko'rib chiqiladi. Hududning investitsion jozibadorligini ta'minlashning moliyaviy-iqtisodiy mexanizmining yondashuvlari va modeli shakllantirilib, uni takomillashtirish bo'yicha aniq takliflar berildi.

**Tayanch soʻzlar:** *investitsion jozibadorlik, moliyaviy-iqtisodiy mexanizm, investitsiya salohiyati, investitsiya muhiti, investitsiya tavakkalchiligi, investitsiya siyosati, ob'ektlar, sub'ektlar, vositalar, investitsiya faoliyati.*

**Annotation:** *The article discusses the interpretation of the term «investment attractiveness» of the territory, approaches to determining the value of the financial and economic mechanism for ensuring the investment attractiveness of the territory. Approaches and a model of the financial and economic mechanism for ensuring the investment attractiveness of the territory are formed and specific proposals for its improvement are given.*

**Keywords:** *investment attractiveness, financial and economic mechanism, investment potential, investment climate, investment risk, investment policy, objects, subjects, instruments, investment activity.*

### Введение

Формирование основных подходов и моделей финансово-экономического механизма обеспечения инвестиционной привлекательности территории в целом и в частности, в системе финансирования деятельности хозяйствующих субъектов, является термин «инвестиционная привлекательность» или «инновационно-инвестиционная привлекательность».

Делая упор на научные подходы отечественной и зарубежной литературы, можно выделить основные подходы к формированию сущностной трактовки этой категории, как с экономической позиции, так и с финансовой.

### Анализ использованной литературы

Повышение экономического роста страны, вопросы инвестиционной привлекательности являются одним из актуальных проблем мировой экономики. Они находят своё отражение во многих работах как отечественных, так и зарубежных учёных-экономистов, к числу которых относятся: И.С.Зиновьева, А.Н.Бычкова, Г.П.Подшиваленко, О.А.Побегайлов, Е.Ю.Голотайстрова, Д.Р.Зайналов, М.М.Мухаммедов, Н.А.Ибрагимов, М.К.Пардаев, С.С.Алиева, которыми были изучены проблемы, связанные с инновационно-

инвестиционной привлекательностью территории.

### Методология исследования

Данное исследование проводилось с использованием методов научного абстрагирования, индукции и синтеза, а также метода анализа статистических данных.

### Анализ и результаты

И н в е с т и ц и о н н а я привлекательность определяется особыми взаимоотношениями между инвесторами и субъектами, где размещен инвестиционный капитал. Поэтому субъект, получающий инвестиционный капитал, будет иметь неоспоримое преимущество перед другими субъектами территории.

Для инвесторов стимулом для финансирования инновационно-инвестиционного объекта на той или иной территории в настоящее время становится знание уровня инвестиционной привлекательности этой территории. Этот уровень отражает необходимость соответствия конкретного инвестиционного объекта определенным целям конкретного инвестора, стремящегося к вложению капитала в инновационное

инвестирование, а также показывает степень конкурентоспособности административно-экономической территории. Привлечение инвестиционных ресурсов в административно-экономическую территорию создает предпосылки для роста выпуска инновационной продукции, роста объема экспорта и уровня социально-экономического развития территории в целом.

Следовательно, улучшение благоприятных условий для инвестирования является одним из главных факторов развития и обеспечения уровня инвестиционной привлекательности административно-экономической территории. Это обуславливает необходимость рассмотрения основ экономического механизма обеспечения инвестиционной привлекательности административно-экономической территории и прежде всего, определения основных терминов.

Есть много трактовок терминов «инвестиционная привлекательность» (табл.1), «инвестиционный престиж», «инновационно-инвестиционная привлекательность», «инвестиционная прозрачность». В практике часто используется следующее определение: «инвестиционная привлекательность административно-экономической территории или региона представляет собой интегральный показатель, который определяется по совокупности ее экономических и финансовых показателей, показателей государственного, общественного, законодательного, политического и социального развития» [1]. Большинство ученых и практиков отождествляют данное понятие с терминами «инвестиционный климат», «инвестиционный потенциал», «инновационно-инвестиционный

климат». Перечисленные в таблице подходы не исчерпывают все их многообразие. В последние годы появляются и новые подходы.

В зависимости от масштабов инвестиционной привлекательности, первый подход структурируется по-разному. Вместе с тем, несложно выделить три подхода, являющихся, по сути, инвариантными для любой системы хозяйствования. Они определяются очевидными посылами о том, что каждое направление должно давать прозрачную оценку:

- будущего состояния инновационной прозрачности;
- результативность инвестиционной прозрачности;
- последовательность взаимосвязи экономических явлений, способных обеспечить инвестиционную прозрачность, отражающую, как несложно заметить, инвестиционный аспект системы регулирования финансовых ресурсов. Здесь речь идет о расширенном понимании термина инвестиционной прозрачности.

Таблица 1

**Определение понятия  
«инвестиционная привлекательность»**

<b>ФИО авторов</b>	<b>Содержание термина</b>
Л.С.Валинурова, О.Б.Казакова [2]	Совокупность различных объективных признаков, свойств, средств, возможностей экономической системы, обуславливающих потенциальный платежеспособный спрос на инвестиции

И.Б.Максимов [3]	Субъективная оценка инвестором страны, региона или предприятия по поводу принятия решения о вложении своих средств в, соответственно, страну, регион или предприятие. Данная оценка складывается на основе анализа объективных характеристик предполагаемого объекта инвестирования, главной и практически всеохватывающей характеристикой данного объекта является инвестиционный климат
Н.В.Киселева и др. [4]	Интегральная характеристика отдельных предприятий, отраслей, регионов, стран в целом с позиций перспективности развития, доходности инвестиций и уровня инвестиционных рисков

М.В.Чиненов [5]	Объективные предпосылки для инвестирования количественно выражается в объеме капитальных вложений, которые могут быть привлечены в регион, исходя из присущих ему инвестиционного потенциала и уровня некоммерческих инвестиционных рисков
-----------------	--

Итак, при первом подходе, по сути, внимание акцентируется на инструментах управления конкретным объектом. При этом, составляющими являются следующие элементы: объект; центр (государственные органы всех уровней, общественные организации, неформальные структуры); субъекты, алгоритм «работы» механизма, т.е. детализация (методы и способы достижения целей управления); прогнозируемые результаты (в рамках его разрабатывается дерево целей и система мероприятий по их достижению, успешность работы предприятий); условия ограничения. Все они, в известном смысле, задают ориентиры по основным направлениям.

Вторые определяют понятия «экономического механизма» в рамках принципов и поэтапности выполнения действий между различными хозяйствующими субъектами.

В последнем подходе, т.е. в третьем, фиксируется последовательность взаимосвязанных экономических явлений, которые носят объективный характер и объясняют некоторые естественные эволюционные процессы



развития рассматриваемых явлений. Поэтому наибольший интерес здесь представляют такие обобщающие моменты, как ориентация на: механизмы равновесия национальной экономики и внешнего мира; механизмы равновесия между производством и потреблением; механизмы экономических циклов.

Таким образом, под экономическим механизмом в общем можно понимать комплекс финансово-экономических инструментов, которые применяются для достижения целей развития экономики, а также для анализа проблем развития конкретной области применения. С позиции развития инвестиционной сферы территории, важно задействовать экономический механизм обеспечения инвестиционной привлекательности и детальное рассмотрение модели этого механизма должно сопровождаться пояснением о значимости его использования.

Модель экономического механизма обеспечения инвестиционной привлекательности территории нами определяется как единство внутренней и внешней подсистем методов управления и форм регулирования стабильного развития инвестиционной сферы. Исходя из системного подхода в данной модели, необходимо учитывать влияние внутренней и внешней среды формирования инвестиционной привлекательности территории, а с позиции процессного подхода модель следует рассматривать как процесс воздействия управляющей подсистемы на управляемую подсистему и инвестиционные процессы на территории (рис. 1).

К внешней среде данной модели относят факторы межтерриториального и международного уровней, которые оказывают влияние на внутреннюю среду

регулирования степенью инвестиционной привлекательности конкретной территории, в частности: создание межнациональных и международных отношений по развитию инвестиционной деятельности территории; привлечение инновационных методов развития инвестиционной сферы территории; применение санкций.

Управляющая подсистема включает в себя субъекты государственного регулирования инвестиционной привлекательности территории, а именно: республиканские, территориальные, или местные органы власти; институты по улучшению и совершенствованию инвестиционного климата. Данная подсистема обеспечивает и формирует согласованный процесс регулирования инвестиционной деятельности территории, а также выявляет проблемы инвестиционного характера и предьявляет меры по их устранению посредством управляющего воздействия.

Государственное регулирование инвестиционными процессами, осуществляется с помощью совершенствования и улучшения инвестиционной привлекательности территории. Данная подсистема присоединяет инвестиционную политику территории, которая обеспечивает необходимый уровень инвестирования в экономику территории и отдельные виды экономической деятельности, создает условия для повышения инвестиционной активности всех основных агентов воспроизводственной деятельности экономического субъекта: населения, предприятий, предпринимателей и государства.



**Рис. 1. Механизм обеспечения инвестиционной привлекательности административно-экономической территории<sup>1</sup>**


<sup>1</sup> Зиновьева И.С., Дуракова Ю.В. Инвестиционная привлекательность региона // Межд. студ. науч. вестник. 2019. № 4-2. С. 295-297.

Управляемая подсистема экономического механизма включает совокупность факторов, влияющих на уровень инвестиционной привлекательности административно-экономической территории, по двум составляющим: инвестиционному потенциалу и инвестиционному риску.

Инвестиционный потенциал – это совокупность инвестиционных ресурсов, которые входят в часть накопленного капитала, представленного на инвестиционном рынке в форме потенциального инвестиционного спроса. Отсюда в систему составляющих показателей можно будет включать частные потенциалы (рис. 2). Инвестиционный риск отражает возможность потери инвестиций и дохода от них. Он определяется общеэкономическими, финансово-валютными, законодательными, социальными, экологическими и другими условиями на конкретной административно-экономической территории.

Следовательно, сущность модели экономического механизма обеспечения инвестиционной привлекательности административно-экономической территории заключается в единстве методов управления и форм регулирования внутренней и внешней среды посредством реализации ключевых направлений инвестиционной политики территории. Считается целесообразным, что для осуществления этой модели на определенной административно-экономической территории необходимо выявить сильные и слабые стороны инвестиционной привлекательности конкурентной, и на основе этих факторов формировать и совершенствовать инвестиционную политику в целом по республике и, в частности, по каждой

административно-экономической территории.



**Рис. 2. Основные составляющие показателей инвестиционного капитала<sup>2</sup>**

### Заключение

Для выявления положительных и отрицательных факторов, влияющих на уровень инвестиционной привлекательности, разумно проведение SWOT-анализа каждой экономической территории. Данный анализ может свидетельствовать, какие слабые аспекты инвестиционной привлекательности территории нуждаются в совершенствовании и развитии, а какие следует обязательно использовать, поскольку они представляют собой сильные стороны и реальные возможности для повышения инвестиционного климата территории.

В связи с вышесказанным, следует обратить особое внимание на подходы и модели финансово-экономического механизма обеспечения инвестиционной

<sup>2</sup> Подшиваленко Г.П. Инвестиции: учебник / Г.П.Подшиваленко, Н.И.Лахметкина, М.В.Макарова; под ред. Г.П.Подшиваленко.- 2-е изд.- М.:КНОРУС, 2020. С. 96.

привлекательности территорий, которые будут в состоянии сформировать основу для разработки теории, методологии инфраструктурного обеспечения и практической реализации данного направления. Это позволит создать

механизм развития территории, и в свою очередь, позволит на разных уровнях ее обеспечения сформировать устойчивое развитие инвестиционной привлекательности территорий в целом.

#### ЛИТЕРАТУРА

1. Зиновьева И.С., Дуракова Ю.В. Инвестиционная привлекательность региона // Межд. студ. науч. вестник. 2019. № 4-2. С. 295-297.
2. Валинурова Л.С., Казакова О.Б. Инвестирование: Учебник. М.: Волтерс Клувер, 2019. С. 44.
3. Максимов И.Б. Инвестиционный климат: методика оценки: Учеб. пособ. Иркутск: БГУЭП, 2017. С. 46.
4. Н.В. Киселева и др. Инвестиционная деятельность: Учеб. пособие / Под ред. Г.П.Подшиваленко и Н.В.Киселевой. М.: КНОРУС, 2018. С. 178.
5. М.В. Чиненов и др. Инвестиции: Учеб. пособие. М.: Кнорус, 2020. С. 77.
6. Г.П. Подшиваленко, Н.И. Лахметкина, М.В. Макарова. Инвестиции: Учебник / Под ред. Г.П. Подшиваленко. М.: Кнорус, 2020. С. 96.
7. Побегайлов О.А., Голотайстрова Е.Ю. Инновационный бизнес – двигатель прогресса // Инженерный вестник Дона. 2019. № 3.

УЎТ 38.45:330.322:005.7(575.1)

Мухитдинова Камола Алишеровна  
ТДТУ, PhD, доцент  
mukhitdinova.k@umail.uz

ИНВЕСТИЦИЯЛАРНИ ТАДҚИҚ ЭТИШНИНГ ТАДРИЖИЙ-  
МЕТОДОЛОГИК АСОСЛАРИ

Мухитдинова Камола Алишеровна  
ТДТУ, PhD, доцент  
mukhitdinova.k@umail.uz

ЭВОЛЮЦИОННО-МЕТОДОЛОГИЧЕСКИЕ ОСНОВЫ  
ИНВЕСТИЦИОННЫХ ИССЛЕДОВАНИЙ

Mukhitdinova Kamola Alisherovna  
TDTU, PhD  
mukhitdinova.k@umail.uz

EVOLUTIONARY AND METHODOLOGICAL FOUNDATIONS OF  
INVESTMENT RESEARCH

**Аннотация.** Мақолада инвестицияларни тадрижий-методологик тадқиқ этган муаллифлар томонидан иқтисодий ва институционал омилларнинг инвестицияларга таъсирини эмпирик баҳолаган олимлар фикрлари таҳлил қилиниб, инвестицияларнинг Q-Тобин коэффициентига боғлиқлигини аниқлаш имконининг берилиши ўрганилган. Шунингдек, инвестицияларни тадрижий-методологик тадқиқотларининг асосий тўрт синфи очиб берилган.

**Таянч сўзлар:** Q-Тобин, молиявий ва институционал омиллар, рисклар, инвестиция стратегияси, асосий капитал, инвестициялар ҳажми, фойда, операциян пул оқими, молиялаштириш.

**Аннотация.** В статье анализируются мнения ученых, эмпирически оценивавших влияние экономических и институциональных факторов на инвестиции авторами, проводившими методолого-методическое исследование инвестиций, и изучалась возможность определения зависимости инвестиций от Q- Коэффициент Тобина. Также раскрыты основные четыре класса методологических исследований инвестиций.

**Ключевые слова:** Q-Tobin, финансово-институциональные факторы, риски, инвестиционная стратегия, основной капитал, объем инвестиций, прибыль, операционный денежный поток, финансирование.

**Annotation.** The article analyzes the opinions of scientists who empirically assessed the influence of economic and institutional factors on investments by the authors who conducted a

*methodological study of investments, and studied the possibility of determining the dependence of investments on Q-Tobin coefficient. The main four classes of methodological studies of investments are also disclosed.*

**Key words:** *Q-Tobin, financial and institutional factors, risks, investment strategy, fixed capital, investment volume, profit, operating cash flow, financing.*

### Кириш

Инвестицияларни тадрижий-методологик тадқиқ этадиган бўлсак, аксарият муаллифлар иқтисодий ва институционал омилларнинг инвестицияларга таъсирини эмпирик баҳолаш билан шуғулланганлар. Ушбу тадқиқотлар орасида тўртта йирик тадқиқот синфини ажратамиз: 1) Q-Тобиннинг инвестицияларнинг q-коэффициент билан боғлиқлиги ҳақидаги гипотезасини асослашга қаратилган тадқиқотлар[2,3]; 2) молиявий ва институционал омилларнинг асосий капиталга инвестицияларга таъсирини кўриб чиқиш билан боғлиқ тадқиқотлар [9,10,11]; 3) рискларнинг инвестицияларга таъсирини баҳолаш билан боғлиқ тадқиқотлар; 4) компаниянинг мақбул инвестиция стратегиясини аниқлашга қаратилган тадқиқотлар [13]. 2016 йилда мазкур кўрсаткич кредитлаштиришда зарурий услубиёт эканлиги аниқланди [12], шунга кўра, мақолада унинг методологик асосларини изчил ўрганиш орқали тегишли жиҳатларини ажратиш учун тадқиқ этишни мақсад қилиб қўйилди.

### Мавзуга оид адабиётлар шарҳи

Тадқиқотчилар Q-Тобиннинг асосий капиталга инвестициялар ҳажмига таъсири ҳақидаги гипотезани эмпирик синовдан ўтказишга ҳаракат қилдилар[1] (тадқиқотларнинг биринчи синфи ва инвестиция фаолиятини замонавий тадқиқ қилишнинг асосий йўналишларидан бири) ва бу гипотезанинг бир қисми хорижий компаниялар учун эмпирик тарзда тасдиқланган [6;7;8;9;10; 12].

Англия корхоналари учун Стивен Бонд Q-Тобин кўрсаткичи инвестицияларни моделлаштиришда муҳим аҳамиятга эга эканлигини аниқлади, аммо қисқа муддатда олти ой, йил давомида унинг таъсири заифлиги ҳам эътироф этилган. Оултон ҳам жамланган маълумотларга асосланиб, худди шу хулосаларга келади, Бонд ушбу хулосага келишда селектив маълумотлардан фойдаланган. Шаллернинг 30 йил давомида АҚШ компаниялари маълумотлар бўйича олиб борган тадқиқотларида Q-Тобин назариясини тасдиқлашга муваффақ бўлди, аммо олим тармоқлар бўйича жамланган маълумотларда Q-Тобин назариясининг мавжудлигини кузата олмади. Муаллиф буни маълумотларни йиғиш муаммоси ва бозордаги соф рақобатнинг йўқлиги билан изоҳлайди. Фабио Верона ҳам 55 йил давомида Америка иқтисодиётини таҳлил қилишда шунга ўхшаш хулосаларга келади. Бошқа бир тадқиқотда Шиантарелли Буюк Британиянинг саноат корхоналарини ҳажми бўйича гуруҳлаб, Q-Тобин ўзгарувчиси йирик корхоналар ва умуман барча селектив усулда тадқиқ этилган корхоналар учун аҳамиятли, деган хулосага келади. Бундан ташқари, Q-Тобин назарияси нафақат инвестициялар ҳажмини, балки Герингер таъкидлагандек, иқтисодиётдаги, рақобат нуктаи назаридан келиб чиқиб корхоналарни кўшилиши ёки сотиб олишлар сонини тадқиқ этиш учун ҳам қўлланилиши мумкин. Шундай қилиб, корхоналар асосий капитални ошириш учун инвестиция қилишлари шарт эмас, бунинг учун рақобатчи компанияни ўзлаштириш кифоя деган хулосага келинди.



### Тадқиқот методологияси

Мавзуни ўрганиш жараёнида таҳлил ва синтез, индукция ва дедукция, илмий абстракциялаш усулидан, гуруҳлаш, баҳолаш, эмперик таҳлил ва бошқа услублардан фойдаланилди.

### Натижа ва муҳокама

Тадқиқотчи олимлар инвестицияларнинг Q-Тобин коэффициентининг ўртача қийматига боғлиқлигини аниқладилар, бу бир қатор чекловчи тахминлардан фойдаланишни талаб қилади (капиталнинг маржинал маҳсулотининг ўртача даражасига тенглиги, ишлаб чиқариш функциясининг бир хиллиги), бу қўпинча инвестицияларнинг Q-Тобин коэффициентига боғлиқлигини аниқлашни имконини бермайди. Умуман олганда, Q-Тобин назарияси микродаражада, лекин чекловчи омиллардан фойдаланган ҳолда, соф рақобат шароитида ва ишлаб чиқариш функциясини бир хиллигини инобатга олган ҳолда тасдиқланди.

Тадқиқотнинг иккинчи синфи – фойда, операцион пул оқими каби молиявий омилларнинг инвестицияларга, шунингдек, заёмлар ва кредитларга таъсирини баҳолашдир [13]. Масалан, Хаятининг тадқиқотларида Япониянинг оғир ва енгил саноат корхоналари маълумотларига асосланиб, Q-Тобин билан бир қаторда, инвестицияларни моделлаштиришнинг муҳим омили тадқиқотнинг деярли бутун даври учун операцион пул оқимлари эканлиги аниқланди (1962–1986 йй.). Японияда молия бозорини либераллаштириш жараёни бўлган сўнгги уч йил бундан мустасно. Либераллаштириш натижасида қарз маблағларидан фойдаланиш сезиларли даражада соддалаштирилди, шунинг учун пул оқими инвестицияларга таъсир қилишига чек қўйилди. Худди шундай, Фаззари Америка компанияларининг инвестициялари Q-Тобин билан бир қаторда операцион

пул оқими билан ҳам боғлиқлигини аниқлайди [15].

Ликвидлик чекловлари билан боғлиқ ҳолатлар Мойен ва Тюбоут тадқиқотларида ўз аксини топган [16;17]. Мойен тадқиқотлари шуни кўрсатдики, кам дивидендлар тўлайдиган корхоналарнинг инвестициялари катта дивидендлар тўлайдиган корхоналарга қараганда операцион пул оқими билан кўпроқ боғлиқдир. Бироқ, молиявий чекловларга эга бўлмаган корхоналар учун бу муносабатлар тескари: молиявий чекловларга эга бўлмаган ташкилотлар инвестиция қилишни амалга ошираётган пайтда операцион пул оқимига таъсирчан. Мазкур хулосалар Фазарри, Каплан ва Зингалеснинг асарларида ҳам ўз тасдиғини топган [15].

Innessa Love тадқиқотларида мамлакатнинг молиявий ривожланиши компанияларнинг ривожланишига молиявий чекловларни камайтириш орқали таъсир қилади, бу одатда инвестицияларнинг пасайишига олиб келади [18]. Мамлакатнинг молиявий ривожланиши шароитида деганда муаллиф фонд бозорининг ривожланишини (барча компаниялар капиталлашувининг ЯИМга нисбати сифатида), шунингдек, маълум бир мамлакатда ички кредитлашнинг ривожланишини (ички заёмлар ва кредитларни ЯИМга нисбати) тушунилади. Тадқиқотларда, шунингдек, бизнес цикли, инвестицияларнинг ҳуқуқий асослари ҳамда кўлами кенг муҳокама қилинади. Корхоналарнинг молиявий ривожланиши, уларнинг ташқи молиялаштиришни олиш қобилияти орқали намоён бўлади. Муаллифнинг таъкидлашича, ички маблағларнинг инвестицияларга таъсири молиявий ривожланиш билан камаяди. Бошқача қилиб айтадиган бўлсак, молиявий чекловларга дуч келган фирмалар капитал харажатлари юқори бўлгандек инвестицияларни кечиктиришга ҳаракат қиладилар.

Шундай қилиб, ликвидлик чекловлари мавжуд бўлмаганда, компания исталган вақтда инвестицияларни қарз маблағлари ҳисобидан, ҳеч бўлмаганда қисман ҳам молиялаштириши мумкин. Гипотезани синаб кўриш учун муаллифлар инвестицион акселераторнинг тизимли молиявий моделидан фойдаланадилар. Баҳолаш усули: тасодифий эффектлар билан панел регрессиялари:

$$\frac{I_{it}}{K_{i,t-1}} = \beta_0 + \beta_1(\pi_{i,t-1}) + \beta_2(Cash_{i,t-1}) + \beta_3(Cash_{i,t-1}) * OT_i + \varepsilon_{it}$$

Бунда:  $OT$  – мулкчилик шакли;

$Cash$  – компаниянинг ўз ва заём маблағлари;

$\pi$  – фойда;

$\beta$  – модель коэффициенти.

Регрессияни баҳолаш жараёнида муаллифлар компаниялар учун мулкчиликнинг ўзгарувчан тури бўлмаган тақдирда ликвидликни чеклаш муҳим деган хулосага келишади. Мулкчилик шакли ва концентрацияси нуктаи назаридан муаллифлар давлат ташкилотлари, молиявий ташкилотлар (мулк эгаси битта шахс ёки оила бўлган тақдирда) инвестицияларни молиялаштириш ресурсларида сезиларли даражада чекланганлигини аниқладилар. Бундан ташқари, банклар ва молия институтлари учун ликвидлик чекловлари аҳамиятли эмас.

Ушбу йўналишдаги тадқиқотларнинг яна бир синфи, учинчи синф – бу рискларнинг инвестиция жараёнига таъсирини ўрганишдир. Рискнинг мавжудлиги инвестицияларнинг камайишига қанчалик таъсир этишини ўрганишга қаратилган ушбу синф вакиллари риск ва инвестициялар ўртасидаги боғлиқликни эмпирик равишда ўрганишган бўлса-да, бугунги кунда рискларнинг инвестицияларга таъсири ҳақида ягона назария мавжуд эмас.

Инфляцион рискнинг инвестицияларга таъсирини кўриб чиқиш мақсадга мувофиқ. Риск инвестицияларга салбий таъсир кўрсатишини ва корхоналарни

қиска муддатли инвестициялар фойдасига камроқ инвестиция киритишга ёки узок муддатли лойиҳалардан воз кечишга мажбур қилишини айтишимиз мумкин. Баъзи ҳолларда рискнинг таъсири Q-Тобин коэффициентининг корхоналарнинг инвестиция фаолиятига таъсиридан каттароқ бўлиши мумкин.

Энг кам тадқиқ қилинган йўналиш (тўртинчи синф) – бу корхона томонидан инвестиция стратегиясини танлаш ва танланган стратегиянинг инвестициялар даражасига таъсири. Инвестицион стратегияни танлаш Нови-Маркснинг асарида келтирилган [19]. Бунда корхонанинг оптимал инвестиция стратегиясини ва инвестиция даражасини кўриб чиқадилар.

Бошқа корхоналарнинг хатти-ҳаракатларига қараб ташкилотнинг оптимал инвестиция стратегиясини танлаш Гренадье ишида келтирилган [19]. Унинг таъкидлашича, рақобат ва нарх rischi қанчалик юқори бўлса, инвестицияларнинг rischi пастроқ бўлган ва рақобатчи корхоналарининг инвестициялари натижаларига қараб инвестицияларни жойлаштириш афзал, бунда корхоналар талабнинг ошишига ва бозорда ўзларининг улушларини йўқотмасликни ўз олдларига мақсад қилиб қўйишган.

### Хулоса

Хулоса қилиб айтганда, инвестиция стратегиясини танлаш ва саноат корхоналарининг асосий капиталига инвестицияларга таъсири масаласи етарлича ўрганилмаган. Асосан, олимлар фақат инвестициялар орқали ўсиб бораётган талабни қоплаш учун ишлаб чиқаришни кенгайтиришга қаратилган ғояни илгари суришган. Эмпирик ёндашувлар инвестиция динамикасини мукамал кўрсатиб бермайди, шунингдек, Ўзбекистон иқтисодиётида инвестициялар ҳажмининг пасайишини ёки ортишини тўлиқ изоҳламайди, шунинг учун

улар инвестиция фаолиятининг янги моделларини ишлаб чиқишни талаб қилади. Бизнинг фикримизча, ушбу моделлар корхоналар амал қиладиган инвестиция стратегияларини ҳисобга олишлари керак,

чунки нафақат корхонанинг инвестиция жараёнида иштирок этиши масаласи, балки инвестиция даражасининг ўзи ҳам инвестиция стратегиясини танлашга боғлиқ.

### ФЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Tobin J.A. A General Equilibrium Approach to Monetary Theory // Journal of Money, Credit and Banking, No. 1, 1969.
2. Bali T. G., Novakimian A. Volatility spreads and expected stock returns // Management Science. – 2009. – Т. 55. – №. 11. – С. 1797-1812.
3. Алисса В. и др. Использование фирмами полномочий по учету для влияния на свои кредитные рейтинги // Учетно-экономический журнал. – 2013. – Т. 55. – №. 2-3. – С. 129-147.
4. Kaplan S. N., Weisbach M. S. The success of acquisitions: Evidence from divestitures // The Journal of Finance. – 1992. – Т. 47. – №. 1. – С. 107-138.
5. Lim H. J., Mali D. Does Market Performance (Tobin's Q) Have A Negative Effect On Credit Ratings? Evidence From South Korea // Asia-Pacific Financial Markets. – 2023. – С. 1-28.
6. Bhojraj S., Sengupta P. Effect of corporate governance on bond ratings and yields: The role of institutional investors and outside directors // The journal of Business. – 2003. – Т. 76. – №. 3. – С. 455-475.
7. Oulton N. Aggregate investment and Tobin's Q: the evidence from Britain // Oxford Economic Papers. – 1981. – Т. 33. – №. 2. – С. 177-202.
8. Devereux M., Schiantarelli F. Investment, financial factors, and cash flow: Evidence from UK panel data // Asymmetric information, corporate finance, and investment. – University of Chicago Press, 1990. – С. 279-306.
9. Schaller H. Asymmetric information, liquidity constraints, and Canadian investment // Canadian Journal of Economics. – 1993. – С. 552-574.
10. Blundell R. et al. Investment and Tobin's Q: Evidence from company panel data // Journal of econometrics. – 1992. – Т. 51. – №. 1-2. – С. 233-257.
11. Gugler K., Mueller D. C., Yurtoglu B. B. Marginal q, Tobin's q, cash flow, and investment // Southern Economic Journal. – 2004. – Т. 70. – №. 3. – С. 512-531.
12. Gehringer A. M&A waves, capital investment and Tobin's Q // Economic Policy Note. Flossbach von Storch Research Institute. – 2015.
13. Verona F. Q, investment, and the financial cycle // Bank of Finland Research Discussion Paper. – 2017. – №. 26.
14. Чаппел Х.В., Ченг, округ Колумбия, март 1982 г. Ожидания, вопрос Тобина и инвестиции: примечание // Journal of Finance. – С. 231-236.
15. Fazzari S., Hubbard R. G., Petersen B. Investment, financing decisions, and tax policy // The American economic review. – 1988. – Т. 78. – №. 2. – С. 200-205.
16. Moyen N. Investment-cash flow sensitivities: Constrained versus unconstrained firms // The Journal of finance. – 2004. – Т. 59. – №. 5 – С. 2061-2092.
17. Tybout J. R. Researching the trade-productivity link: new directions. – World Bank Publications, 1991. – Т. 638.
18. Love I. Financial development and financing constraints: International evidence from the structural investment model // The review of financial studies. – 2003. – Т. 16. – №. 3. – С. 765-791.
19. *Novy-Marx*, Robert, "An Equilibrium Model of Investment Under Uncertainty," Review of Financial Studies 20 (5), 1461-1502, 2007.

---

**«МОЛИЯ» ИЛМИЙ ЖУРНАЛИДА МАҚОЛА ЧОП ЭТИШ ҚОИДАЛАРИ**


---

Журналга чоп этиш учун тақдим қилинаётган мақолалар куйидаги руқнларга мос келиши лозим:

1. Молия (давлат бюджети ва бюджетдан ташқари давлат жамғармалари, солиқлар ва солиққа тортиш, қимматли қоғозлар, сугурта иши ва газначилик).
2. Банк иши (қредит, маҳаллий ва давлат қарзлари, лизинг, баҳолаш иши).
3. Бухгалтерия ҳисоби ва аудит (молиявий таҳлил).
4. Молиявий менежмент (инвестициялар, молиявий ресурслар менежменти).
5. Иқтисодиёт (микро- ва макроиқтисодий кўрсаткичлар).

Шунингдек, олий таълим тизимини ривожлантиришга оид мақолалар ҳам қабул қилинади.

Ушбу руқнларга мос келмайдиган мақолалар қабул қилинмайди ва бу масалада муаллифлар томонидан берилган саволларга жавоб қайтарилмайди.

Мақолани чоп этиш шартлари:

– мақола икки нусхада бўлиши, бирида муаллиф исми, фамилияси, иш жойи, лавозими, телефон рақамлари ва e-mail ҳамда универсал ўнлик тизими (УЎТ) бўлиши керак. Мақолада фойдаланилаётган формулалар Microsoft Equation 3.0 дастурида тайёрланган бўлиши шарт. Мақола мавзуси ва аннотациялар ўзбек, рус, инглиз тилида, шунингдек, таянч сўзлар ҳам уч (ўзбек, рус, инглиз) тилида бўлиши зарур. Аннотация 40 – 50 сўздан, таянч сўзлар эса 10 тадан 15 тагача бўлмоғи лозим. Иккинчи нусхада эса муаллиф ҳақидаги маълумотлар берилмайди. Мақоланинг электрон варианты ҳам бўлиши шарт.

Мақола халқаро талаблар даражасига (scopus) жавоб бериши ва унда:

- кириш (introduction);
- мавзуга оид адабиётлар шарҳи (literature review on the topic);
- тадқиқот методологияси (research methodologies), натижа (results) ва муҳокама (discussion);
- хулоса (conclusion).
- фойдаланилган адабиётлар рўйхати (references) қисмлари берилиши керак.

Рўйхатда тадқиқот жараёнида ҳақиқатдан ҳам фойдаланилган адабиётлар келтирилиши лозим.

Мақолани тақдим этиш тартиби:

– тақдим этилаётган мақолалар компьютерда Times New Roman, 14 шрифтда 1,5 интервал, юқоридан 2 см, пастдан 2 см, чапдан 3 см, ўнгдан 1,5 см бўлиши ва ҳажми 6 саҳифадан кам, 12 саҳифадан кўп бўлмаслиги лозим. Мақолада жадвал, диаграмма ва чизмалар ишлатилиши мумкин;

- топширилаётган мақола ҳеч қаерда чоп этилмаган бўлиши керак ;
  - мақола матни муаллиф томонидан талаб даражасида таҳрир қилинган бўлиши керак.
- Чоп этилаётган материалнинг илмий-назарий даражаси ва статистик маълумотларнинг объективлиги, уларда келтирилган иқтибос (цитата)лар, конунлар, фармонлар, қарорлар ва бошқа ҳужжатлар номларининг тўғрилиги учун жавобгарлик муаллифлар зиммасида бўлади;
- адабиётларга ҳавола (сноска)лар квадрат шаклда матн ичида берилиб, фойдаланилган адабиётлар рўйхати мақола сўнгида жойлаштирилиши керак;
  - мақола қоидаларга мувофиқ саҳифаланиши керак.

Таҳририятга келган мақолалар тегишли мутахассислар экспертизасидан ўтказилади ва ижобий баҳоланганлари чоп этилади.

Таҳририятга юборилган мақолага расмий тақриз ёзилмайди ва у муаллифга қайтарилмайди.

Мурожаат учун телефонлар: (+998 71) 234-66-89, (+998 93) 576-30-68

E-mail: moliyajurnal@mail.ru

---

Тошкент молия институтининг «Таҳририят ва нашриёт»  
бўлимида нашрга тайёрланди.

Материаллар кўчириб босилаётганда «Молия» илмий журналдан  
олинганлиги кўрсатилиши шарт.

Журналда эълон қилинаётган материаллардаги далиллар, рақамлар ва  
маълумотларнинг тўғрилиги учун уларнинг муаллифлари жавобгар ҳисоб-  
ланади.

Таҳририят фикри доим ҳам муаллифлар фикрига мос келавермайди.  
Таҳририятга юборилган кўлёмалар муаллифларга қайтарилмайди.

«Молия» илмий журналга «Матбуот тарқатувчи» АК ҳамда  
«INTER PRESS» компаниялари орқали обуна бўлиш мумкин.

Теришга берилди: 01.10.2023 й. Босишга рухсат этилди: 9.10.2023 й.

Бичими 70x100 <sup>1</sup>/<sub>16</sub>. Шартли босма табағи 16,25.

Ҳисоб-нашр табағи 16,50. Адади 250 нусха. Буюртма № 04.

Баҳоси келишилган ҳолда.

Босмахона гувоҳномаси № 10-24-10  
«Ҳумоюнбек истиқлол мўъжизаси» босмахонасида  
ризография усулида чоп этилди.